

ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

1-son (2020-yil, fevral)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

2020, № 1

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudova Muassar, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Qosimov Fayzullo Muhammedovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Jumayev Ulug'bek Sattorovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

Научно-теоретический и методический журнал

№ 1, 2020

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решения ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по педагогике и психологии.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раз в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор

Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор

Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор

Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)

Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор

Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор

Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор

Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор

Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор

Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сиддиқович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

Касимов Файзулло Мухаммедович, кандидат педагогических наук, доцент

Жумаев Улугбек Саттарович, кандидат психологических наук, доцент

PEDAGOGICAL SKILLS

The scientific-theoretical and methodical journal

1, 2020

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house: Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** Ph.D., Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I. Ibrahimov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. M. Mahmudova
Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R. Baratov
Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov
Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I. Sunnatova
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)
Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R. Amanov
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev
Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva
Ph.D. of Philology, Prof. Shoiran N. Akhmedova,
Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev
Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov
Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev
Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev
Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov
Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S. Kahhorov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Ulugbek. S. Jumaev

МУНДАРИЖА

МЕҲМОНЛАРИМИЗ.....	7
О.С.Қахҳоров. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	7
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ.....	15
Ш.Х.Самиева, Т.В.Бутко. НАУЧНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКОГО И КРЕАТИВНОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ	15
Х.И.Ибраимов, Н. Ғозиева ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ТОЛЕРАНТ ХУЛҚ-АТВОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ	21
Н.И.Джумаева ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОГО ИНТЕРЕСА СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА	27
А.Ж.Айназарова. ИЗ ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ СИСТЕМ ДЕТСКИХ ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫХ ЛАГЕРЕЙ И ИХ ПОЛОЖЕНИЕ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ	33
Ш.Нарзиев. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИНТЕРАКТИВНОЙ ИГРЫ В РАЗВИТИИ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ.....	40
А.Султонов. ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА	45
А.Нусратов. XVI-XVII АСРЛАРДА БУХОРО ХОНЛИГИДА МАКТАБ, ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ.....	50
Н. Н. Миржанова. ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ УЧИТЕЛЯ ТЕХНОЛОГИИ.....	55
О.Мухидова. КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	57
О.А.Ҳамидов. АХБОРОТ - ТАЪЛИМ МУҲИТИ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ФАНИ БЎЙИЧА МУЛЬТИМЕДИЯЛИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАСАЛАЛАРИ	61
Ш. Ф. Давронова. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСОФАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	65
С.И.Камбарова. ҚАДРИЯТЛАР – АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ОМИЛИ СИФАТИДА	73
Н.Ачилов. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ҲАКИМИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ.....	80
А.И.Кудратова. ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMIDA FUNKSIONAL SAVODXONLIK MASALASI	83
О. R.Ortiqov BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI RIVOJLANTIRISH.....	86
ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ	92
А.З.Тожиҳўжаев. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	92
ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР	95
L.Jalilova, Y.Mokhina A SENSE OF HUMOR AS AN ESSENTIAL COMPONENT OF PEDAGOGICAL OPTIMISM	95
В.Т.Бабаева. МАҚОЛЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ.....	100
М.Х.Давлатова. АСПЕКТУАЛЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ-СЕМАНТИК МОДЕЛИ.....	104
Г.А.Исаева, Л.А.Туйлиева. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (ТЕХНОЛОГИИ МЕТОДА ПРОЕКТОВ) В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ	107
И.М.Тўхтаров, Ш.И. Турдиалиева. ПЕДАГОГ МАҲОРАТНИНГ НУТҚИЙ ТАЛАБЛАРИ	112
АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАҢЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.....	117
С.Қ.Қахҳоров, М.И.Даминов, Ю.Жамилов. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	117
Т.Х.Расулов, З.Е.Мустафоева. МАТЕМАТИКА ФАҢЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ.....	119
Ч.Қ.Хайруллаев. ТИББИЙ КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	125
Г. Кадирова. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИМЁ ФАНИГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	128

Д.С.Рўзиева. «ЁРУҒЛИК ҚОНУНЛАРИ» МАВЗУСИ БЎЙИЧА МУЛЬТИМЕДИЯЛИ МАЪРУЗАЛАРДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	133
N.N.Doniyorov. МАТЕМАТИКА FANIDAN SINFDAN TASHQARI ISHLARNI TASHKIL QILISH VA O‘TKAZISH	138
МУСИҚА ТАЪЛИМИ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ	141
Д.И.Мамурова. “ВИНТ ЧИЗИҒИ” МАВЗУСINI ЎТИШДА AutoCAD ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	141
С.С. Азимов. БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИ ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	145
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ	149
Н.М. Мухитдинова. ЖИСМОНИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ	149
ҚУТЛОВ.....	153
Сиддик Қахҳоров. Комилликка интилиш саодати.....	153
Санокул Дўстов. Бухоро мусиқа фольклорининг фидойи тадқиқотчиси	156

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

О.С.Кахҳоров¹

Мақолада олий таълим муассасаларини бошқариш соҳасидаги замонавий тадқиқотлар ОТМларини тобора кўпроқ бозор муҳитининг агентлари сифатида кўриб чиқилиши хусусида фикр юритилади. Уларнинг фаолияти самарадорлигига эса стратегик бошқарув нуқтаи назаридан стратегик мақсадлар билан таққослаш сифатида қаралмоқда. Бунда олий таълим муассасасининг стратегик мақсадлари, одатда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат вазифаларини бажариш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўналиши бўйича маҳаллийлаштирилади. Касбий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммолари билан шуғулланувчи муаллифлар тадқиқотларида сўнги пайтларда олий таълим муассасалари битирувчиларининг минтақавий меҳнат бозорлари эҳтиёжларига миқдорий ва сифат жиҳатдан мувофиқлигига асосий эътибор қаратилмоқда.

Калим сўзлар: олий таълим, бошқариш, тармоқ, педагог ходимлар, замонавий тадқиқот, иқтисодий самарадорлик, битирувчи.

The article notes that modern research in the field of management of higher education institutions is increasingly considered as agents of the market environment of higher EDUCATION institutions. A эффективность их деятельности рассматривается как сравнение со стратегическими целями с точки зрения стратегического управления. Стратегические цели высшего учебного заведения Бунда обычно локализируются в направлении выполнения государственных функций по подготовке кадров и повышению их конкурентоспособности. В исследованиях авторов, посвященных проблемам взаимодействия системы профессионального образования и рынка труда, основной упор делается на количественную и качественную совместимость выпускников высших учебных заведений с потребностями региональных рынков труда в последнее время.

Ключевые слова: высшее образование, менеджмент, сеть, педагогические кадры, современные исследования, экономическая эффективность, выпускник.

The article notes that modern research in the field of management of higher education institutions is increasingly considered as agents of the market environment of OTM. And the effectiveness of their activities is considered as a comparison with strategic goals in terms of strategic management. The strategic goals of the Bund higher education institution are usually localized in the direction of performing state functions to train personnel and increase their competitiveness. The authors' research on the problems of interaction between the professional education system and the labor market focuses on the quantitative and qualitative compatibility of graduates of higher education institutions with the needs of regional labor markets in recent years.

Keywords: higher education, management, network, teaching staff, modern research, economic efficiency, graduate.

Республикаимиз иқтисодиётини юксалтириш баробарида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал қилиш учун ҳар бир тармоқ ва соҳада инсон ресурслари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, чунки бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий мезонларидан бири самарадорлик кўрсаткичидир. Ваҳоланки, самарадорлик – мақсадга мувофиқлик, натижадорлик, сифат, фойдалилик каби жиҳатларни ўзида мужассамлаштирувчи тушунчалар мажмуидир.

Самарадорлик масаласи олий таълим муассасаларида катта аҳамият касб этади. ОТМлари самарадорлигини оширишнинг асосий шarti педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, сифатли таълим ва битирувчиларни ўз вақтида ишга жойлаштиришдир. Бу борада Ўзбекистон Республикасида қатор устувор вазифалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси[1]да “Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади”, деб таъкидланиши олий таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган навбатдаги кўрсатмадир.

МЕҲМОНЛАРИМИЗ

Олий таълим самарадорлиги масалаларига илгари ҳам, ҳозирги пайтда ҳам самарадорлик, рақобатбардошлик ва бевосита таълим хизматлари, таълимга сарфланган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги, экстерналийлар (ташқи таъсирлар) хусусиятига эга бўлган ижтимоий таъсирлар ва бошқалар баҳоланадиган меҳнат бозори агенти сифатида шахснинг потенциал бозор қийматига инвестиция сифатида талкин қилинади. Худди шу тарзда инсон капитали назарияси олий таълим самарадорлигини давлат, жамият ва иш берувчи нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Олий таълим муассасаларини бошқариш соҳасидаги замонавий тадқиқотлар [3-9] ОТМларини тобора кўпроқ бозор муҳитининг агентлари сифатида кўриб чиқмоқда. Уларнинг фаолияти самарадорлигига эса стратегик бошқарув нуқтаи назаридан стратегик мақсадлар билан таққослаш сифатида қаралмоқда. Бунда олий таълим муассасасининг стратегик мақсадлари, одатда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат вазифаларини бажариш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўналиши бўйича маҳаллийлаштирилади. Касбий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммолари билан шуғулланувчи муаллифлар тадқиқотларида сўнгги пайтларда олий таълим муассасалари битирувчиларининг минтақавий меҳнат бозорлари эҳтиёжларига миқдорий ва сифат жиҳатдан мувофиқлигига асосий эътибор қаратилмоқда. Шундай қилиб, олий касб таълими самарадорлиги тўғрисидаги замонавий қарашларга кўра, у ўзини намоён қиладиган бир неча йўналишларга эга (1-расм).



1-расм. ОТМ ва олий касб таълими самарадорлигининг намоён бўлиш йўналишлари

Давлат нуқтаи назаридан, олий таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, авваломбор, бюджет маблағларини таълим фойдасига қайта тақсимлаш натижасида йўқотишлар камайган тақдирда, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилган кўйилмалардан кўра, таълим соҳасидаги бюджет кўйилмаларидан юқорироқ самарани ифодалайди. Давлат даражасида олий таълимнинг ижтимоий самарадорлиги жамият ижтимоий барқарорлашуви ва аҳоли турмуш даражаси ўсишида намоён бўлади. Миллий иқтисодиёт миқёсидаги иқтисодий самарадорлик меҳнат ва илмий салоҳият сифатининг ўзгариши, меҳнат унумдорлигининг ошиши ва пировардида ЯИМ ўсиши билан белгиланади.

Иш берувчи учун олий таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, биринчи навбатда, тегишли мутахассисни ёллаш натижасида соҳа томонидан олинган энг юқори даромад билан уни тайёрлаш ва иш ҳақини тўлаш харажатлари ўртасидаги фарқдир.

Демак, олий таълимнинг самарадорлиги иқтисодий ва ижтимоий таркибий қисмларни ўз ичига олган кўп томонлама тоифадир. Бу ҳолатда гап биринчи навбатда, минтақавий ва миллий ижтимоий-иқтисодий тизимлар доирасида олий касбий таълимнинг самарадорлиги ҳақида ёки маълум бир истеъмолчи-талаба/олий мактаб битирувчиси учун маълум бир таълим хизмати самарадорлиги ҳақида боради. Олий таълим самарадорлигининг кўриб чиқилган баъзи жиҳатлари маълум бир олий таълим муассасасининг муваффақияти билан бевосита боғлиқ, яъни таълим хизматлари бозорида ОТМнинг рақобатбардошлиги самарали менежмент натижаси бўлиши мумкин. Шунингдек, олий маълумотли мутахассисларни ОТМда ўқитиш, иш билан таъминлаш ва кейинги касбий фаолияти жараёнларидаги барча иштирокчилар манфаатларини ҳисобга олганда, мўлжалланаётган имтиёзлар мазмуни ва муддатлари бўйича бир қатор қарама-қаршиликлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан, олий таълим муассасасига нисбатан «фаолият самарадорлиги» атамасини тушуниш ва ОТМнинг миллий иқтисодиётнинг самарали субъекти сифатида фаолият юритиши зарурлигини белгилайдиган замонавий иқтисодий ва ижтимоий шароитларни ҳисобга олиш муҳим вазифадир.

Юқорида келтирилган ёндашувларни умумлаштириш ва қайта кўриб чиқиш муаллифга «олий таълим муассасаси фаолият самарадорлиги» атамасининг қуйидаги таърифини шакллантиришга имкон берди: олий таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги – олий таълим муассасаси томонидан олий касбий маълумотга эга бўлган мутахассисларга кўп даражали эҳтиёжлар тизимини қондириш жараёнида ички ва ташқи ресурслардан фойдаланишнинг умумий жамоат ва яқка ҳолдаги натижаларини комплексли акс эттирадиган ижтимоий-иқтисодий тоифа.

Бизнингча, «ОТМ фаолияти самарадорлиги», «ОТМ самарадорлиги», «ОТМ рақобатбардошлиги», «таълим сифати» ёки таълим хизматлари сифати» каби атамаларни ҳам ўзаро фарқлаш зарур, чунки мавжуд тафовутларга қарамай, ушбу атамалар кўпинча синоним сифатида қўлланилади. ОТМ самарадорлиги ресурслар харажатларисиз ОТМ фаолияти турли йўналишларининг сифат ва сон натижаларини баҳолашга имкон беради. Бу ҳолда харажатлар умуман баҳолаш объекти саналмайди, чунки асосий молиявий натижа таълим муассасаси томонидан олинган даромад миқдори ҳисобланади. Меҳнат, моддий ва ахборот ресурслари эса уларнинг сифати бўйича баҳоланади. ОТМнинг рақобатбардошлиги, ўз навбатида, олий таълим муассасасини бошқариш самарадорлигининг кўрсаткичидир.

Шунингдек, фикримизча, олий таълим муассасалари самарадорлиги бир нечта нуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозим. Чунончи: буюртмачи ва жамият эҳтиёжларини қондиришнинг кафили сифатида давлат нуқтаи назаридан (макросамарадорлик); таълим хизматлари истеъмолчиси сифатида шахс нуқтаи назаридан (индивидуал инвестицион самарадорлик); минтақавий меҳнат бозори ва муайян иш берувчи – ОТМ маҳсулоти истеъмолчиси нуқтаи назаридан (бозор самарадорлиги); хўжалик юритувчи субъект сифатида ОТМ фаолияти нуқтаи назаридан.

Олий таълим муассасалари самарадорлигининг барча учун тушунарли ва муҳим натижаси бу битирувчиларни ишга жойлаштиришдир. Кадрларни талабалик давриданок ишга йўналтирилса, уларни ОТМни битиргач, ишга жойлашиш масалалари янада тезроқ амалга ошади. Шунга мувофиқ, диссертацияда олий таълим муассасалари талабаларини вақтинча иш билан таъминлаш бўйича замонавий миллий ва хорижий тажрибалар чуқур таҳлил қилинди. Фикримизча, унинг тўғри ташкил қилиниши ОТМ фаолиятининг барча йўналишларига ижобий таъсир кўрсатиши сабабли ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу таҳлил асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди: Ўзбекистон амалиётида вақтинчалик иш талабалар томонидан асосий даромад манбаи сифатида ёки ёзда маълум миқдорда даромад олиш ва дам олишни бирлаштириш имконияти сифатида кўриб чиқилади; талабаларни вақтинча иш билан таъминлаш соҳасида тизимли сиёсат мавжуд бўлмаганда, кундузги таълим шаклида ўқиётган талабалар билан ишлаш ва ўқишни уйғунлаштириш устуворликлари назарий билимларни ўзлаштириш фойдасига ҳал бўлмайди, бу кўп ишлаётган талабаларнинг меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилади. Шунингдек, биз томонимиздан олий маълумотли мутахассисларга бўлган кўп босқичли: миллий, минтақавий ва субъектлик эҳтиёжлар тизимини қондириш манбаи сифатида ОТМ фаолиятини такомиллаштиришнинг концептуал ёндашувлари таклиф этилган. Ҳозирги шароитларда ОТМнинг самарали фаолияти, бизнингча, стратегик менежментнинг асосий тамойиллари асосида, лекин нотижорат ташкилот сифатида таълим муассасасининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ролини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши керак.

Фикримизча, ОТМнинг самарали ишлаши тўғрисидаги илмий концепцияни амалга оширишнинг асосий услубий тамойиллари сифатида қуйидаги жиҳатлари қабул қилиниши керак:

МЕҲМОНЛАРИМИЗ

бошқарув объекти сифатида ОТМнинг иқтисодий ва ижтимоий мураккаблиги объектив зарурат даражасида бошқарув тизимининг мураккаблигини белгилайди;

ОТМни бошқаришнинг устувор йўналишлари ижтимоий самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларини таъминлашда тенг равишда шакллантирилиши керак;

ОТМ таълим хизматларидан фойдаланувчиларнинг манфаатлари биринчи даражали ва давлат субъектларининг манфаатлари иккинчи даражали эканлиги боис, ОТМни стратегик бошқариш ташқи муҳитга нисбатан кескин таъсир ўтказувчи бўлмаслиги керак;

миллий ва меҳнат бозорини ҳамда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари, ОТМни ривожлантириш стратегиясининг юқори даражадаги мақсадлари билан мувофиқлаштириш зарурлигини белгилайди.

ОТМ фаолиятини самарали ташкил этиш куйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилиши керак: таълим хизматлари бозори билан миллий ва минтақавий меҳнат бозори ўртасида, пировардида миллий иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро таъсир самарадорлигини ошириш; олий таълим муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини, уларнинг бошқарув тузилмасининг барқарорлиги ва мослашувчанлигини ошириш; олий таълим муассасалари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини ошириш ва ҳоказо. ОТМ фаолияти самарадорлигини ошириш тизимини шакллантириш бўйича фаолият йўналишлари 2-расмда келтирилди.


Мазкур йўналишлар ва чора-тадбирлар ташқи ва ички муҳит шароитида бюджетдан молиялаштириш тизимини оптималлаштириш, миллий иқтисодиёт ва минтақавий меҳнат бозори талабларига мувофиқ таълим мазмунини модернизациялаш ва ривожлантириш масалаларига уйғунлашган ҳолда ёритилган.

Бундан ташқари олий таълим муассасалари фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишда куйидаги вазифаларни амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Контентни ривожлантириш. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига ваколатли ёндашув асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун мутахассислар тайёрлаш зарурлигини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида юқори даражадаги ихтисослаштирилган таълимнинг таркибий қисмини шакллантириш; хизмат кўрсатиш соҳаларининг ишлашини ва шу асосда хизмат кўрсатувчи ўқув дастурларини амалга оширадиган кўп тармоқли таълим муассасалари учун давлат буюртмаси тизимини шакллантиришни таъминлаш учун турли даражадаги касблар бўйича мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни прогноз ва мониторинг қилишнинг республика тизимини ишлаб чиқиш; хизмат кўрсатиш соҳасида барча даражадаги касб-ҳунар таълими дастурларининг амалий йўналишини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва касб-ҳунар таълими муассасаларига минтақавий рейтинг бериш; хизмат кўрсатиш соҳасида олий касбий таълимнинг ДТС (давлат таълими стандартлари)ни амалга оширишни ташкил этиш. Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш масалалари амалдаги ҳуқуқий-меъорий ҳужжат [2] асосида ҳал этилади.

2. Инфратузилмани яратиш. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда таълим муассасалари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда хизмат кўрсатиш мутахассисликлари бўйича базавий ўқув марказлари тизимини шакллантириш (тренинг меҳмонхоналари, корхоналар, кимёвий тозалаш соҳалари, автосервислар, гўзаллик салонлари, ательелар ва бошқалар); хизмат кўрсатиш соҳасида корпоратив институтларни (факультетларни) яратиш; олий таълим муассасалари базасида инновацион стратегиянинг хизмат кўрсатиш йўналишларини, шу жумладан, технологиялар трансфери ва маркетинг марказларини, венчур капитал фондлари ва бошқаларни шакллантириш; инновацион дастур асосида ўқув юртлари базасида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик ва ўрта бизнеснинг бизнес-инкубаторларини яратиш; битирувчиларнинг касбий малакалари ва таълим дастурларини баҳолаш мақсадида сертификатлаштириш марказлари тизимини яратиш моделлари ва механизмларини ишлаб чиқиш.

3. Кадрлар салоҳиятини шакллантириш. Амалда синовдан ўтган илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олиб, махсус ишлаб чиқилган дастурлардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида олий касбий таълим даражалари учун мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва мураббийлар тайёрлаш; хизмат кўрсатиш соҳаси учун ўқув дастурларини амалга оширадиган мавжуд таълим муассасалари базасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказларининг тизимли базасини шакллантириш; хизмат кўрсатиш соҳасида сифат менежменти стандартларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда ходимларни касбий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш; хизмат кўрсатиш соҳасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тадбиркор кадрларни тайёрлаш.



4. Бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш. Хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга оширадиган минтақавий таълим муассасаларини ривожлантириш дастурларини шакллантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш; хизмат кўрсатиш соҳаси учун барча даражадаги касб таълими дастурлари битирувчиларининг малакасига талаблар шакллантирилишига қаратилган таълим муассасалари, минтақавий ижтимоий ва касбий ташкилотлар ҳамда иш берувчилар уюшмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш.

5. Ахборот қўмагини ташкил этиш. Хизмат кўрсатиш(сервис)нинг турли йўналишлари бўйича тематик кўргазмалар ташкил этиш; қўшма босма оммавий ахборот воситалари ва Интернет

МЕҲМОҢЛАРИМИЗ

ресурсларини яратиш; хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таълим дастурларини жорий этиш учун иш берувчилар ва таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик моделларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш, фикримизча, юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари таълим фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ОТМ фаолияти самарадорлигини оширишнинг интеграл самарадорликни ошириш нуктаи назаридан бизнес билан Ўзбекистон олий таълим муассасалари ҳамкорлигининг энг истиқболли шакллари ўз ичига оладиган механизмлари таклиф қилинди.

Таклиф этилган ўзаро алоқа шакллари, бизнингча, қуйидагиларни таъминлашга имкон беради: олий таълим муассасалари фаолиятининг макросамарадорлик нуктаи назаридан: таълим хизматлари бозорида ҳалол рақобатни ривожлантириш; бизнес билан интеграциянинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари янги ташкилий таркибларини синаш; олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; илғор тажрибаларни кўпайтириш; кўп вариантли молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш; тегишли даражадаги мутахассисларга, шу жумладан, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига бўлган эҳтиёжнинг етарли даражада аниқ узоқ муддатли прогнози; иш берувчиларни касб таълими ва олий таълим муассасалари фаолиятига жалб этиш, битирувчиларнинг малакасини аттестациялаш ва сертификатлашнинг корпоратив тизими доирасида мутахассисларни тайёрлаш натижаларини мониторинг қилиш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминлаш; ОТМ ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини синовдан ўтказиш ва кенг жорий этиш; олий таълим муассасалари фаолиятининг бозор самарадорлиги нуктаи назаридан: бизнеснинг, шу жумладан, иш берувчиларнинг, илғор халқаро тажрибага мувофиқ таълим муассасасининг ўқув, илмий ва бошқарув фаолиятида таълим муассасасининг охириги фойдаланувчиси ва инвесторларнинг меҳнат натижалари нуктаи назаридан иштироки; меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; компанияларнинг инновацион фаолиятини таъминлаш учун олий таълим муассасалари базасида ўқув-ишлаб чиқариш-технологик инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш; талабалар ва ўқитувчиларни ўқув жараёнига илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва муайян бизнес муаммоларини ҳал этиш бўйича лойиҳаларни тайёрлашга жалб қилиш; соҳалар ходимларини узлуксиз таълим билан таъминлаш имконияти; хўжалик самарадорлиги нуктаи назаридан: таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва кўп вариантли молиялаштириш учун қўшимча имкониятларни шакллантириш; интеграциялашган таълим мажмуасининг янги моделини яратиш (юқори сифатли бошқарув, янги инфратузилма, талабалар ва ўқитувчиларни ўқитиш учун технологиялар ва жойлар); иш берувчиларни ўқув дастурлари мазмунини ишлаб чиқишга жалб қилиш ва амалий таркибий қисмларнинг янгиланишини, шу жумладан, стажировкаларни ўтказиш учун зарур бўлган базани таъминлаш орқали таълим хизматлари сифатини яхшилаш; ўқув, илмий, ишлаб чиқариш ва институционал интеграциянинг янги моделларини ишлаб чиқиш; ўқув муассасаси олимлари, ўқитувчилари ва талабалари илмий тадқиқотларининг молиявий хавфсизлигини ошириш (илмий ишланмаларни қўшимча молиялаштириш, уларни патентлаш ва муаллифлик ҳуқуқи билан тижорат даражасига кўтариш); таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириш; истеъмолчи-абитуриент/талаба учун индивидуал инвестицион самарадорлик нуктаи назаридан – танланган ихтисослик бўйича ишга жойлашиш имконияти ва меҳнат бозорида рақобатбардошликнинг юқори даражаси асосида таълим хизматлари олишдан қутилган натижаларни таъминлаш.

Илмий ишимизда шунингдек, Ўзбекистон олий таълим муассасалари фаолият самарадорлигини оширишнинг шартларидан бири сифатида талабалар вақтинчалик бандлигини ташкил қилишнинг асосий йўналишларини таклиф этамиз: талабанинг вақтинчалик бандлиги ва амалиёт ўташини бирлаштирган ҳолда минтақа соҳалари учун кадрларни мақсадли тайёрлаш механизмини тиклаш ва янгилаш; олий таълим муассасалари турлари бўйича вақтинчалик ишга жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш: классик университет, техника ва технологияга йўналтирилган олий таълим муассасаси, педагогик ва гуманитар олий таълим муассасаси, талабалар шаҳарчаси мавжудлиги/йўқлигини ҳисобга олган ҳолда сервис йўналишидаги олий таълим муассасаси; ўз фаолиятини ушбу соҳага қаратган минтақа ва тармоқ жамоат ташкилотларини яратиш.

ОТМ самарадорлигини оширишнинг жиддий муаммоларидан яна бири ОТМ бўлимлари, ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятини баҳолашнинг аниқ тизими йўқлигидир. Функционал соҳаларнинг кўп жиҳатли ва серқирралиги, шунингдек, ОТМда турли тоифадаги

ходимлар фаолиятининг ўзига хос хусусияти уларнинг иш самарадорлигига сифат ва сон жиҳатидан баҳо берилиши мумкин бўлган мезонлар рўйхати ва мазмунини ишлаб чиқиш вазифасини анча қийинлаштиради. Шунга қарамай, бундай тизим зарур, чунки таълим фаолиятига талаб ортиб бораётганлиги сабабли, бу ўқув жараёни сифатини ва, умуман олганда, олий таълим муассасалари самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини сезиларли даражада осонлаштиради. Ушбу иш 3 босқичда амалга оширилиши тавсия этилади:

1-босқич. Олий таълим муассасаси лавозимлар таркибини таҳлил қилиш. Таҳлил натижасида горизонтал кўрсаткич (шкала) бўйича ходимлар тоифалари малакавий даражаси бўйича ва вертикал кўрсаткич (шкала) бўйича – функционал йўналишга кўра, ходимлар тоифалари жойлашадиган матрица қурилиши керак. Ушбу матрица у ёки бу ходимлар тоифаларини гуруҳлаш ёки аксинча, ажратиш имконини беради.

2-босқич. Йўналишлар ва ваколатларни шакллантириш.

3-босқич. Ваколатларни моделлаштириш.

2-босқичда шакллантирилган йўналишлар ва ваколатларнинг рўйхати негизида амалга оширилиши керак бўлган касбий вазифаларни бажариш юзасидан мутахассис шахсий қобилиятига қўйиладиган талабларни эътиборга олиш керак. Ушбу босқичнинг натижаси олий таълим муассасаси муайян тоифасидаги ходимларининг шахсий хусусиятлари тегишли рўйхатига профилларни қўшиш бўлади. Илмий блок мисолида ходимларни баҳолашнинг йиғма параметрлари кўрсатилган.

Юқорида кўриб чиқилган механизмларни олий касбий (профессионал) таълим тизимидаги таълим муассасаларини бошқариш амалиётига муваффақиятли жорий қилиш учун ОТМ ходимлари малакасини ошириш бўйича кенг қўламли таълим дастурларини амалга ошириш талаб этилади. Таркибига кўра, ҳар бир дастур шаклланган касбий ваколатлар ва тегишли модулларнинг хусусиятларини ўз ичига олиши керак. Ушбу дастурлар модулли асосда қурилиши лозим. Бунда модуллар нафақат индивидуал дастурлар доирасида шакллантирилиши, балки ҳар бир дастур ўзига хос модул бўлиши зарур. Улар биргаликда ўқув муассасалари раҳбарлари учун ягона малака ошириш дастурини ташкил этадилар. Ушбу ёндашув асосида ҳар бир ваколат доирасида назарий асослар ва амалий кўникмаларни тўлиқ ривожлантириш учун зарур бўлган ўқув юкмасининг миқдори таъминланади. Бундан ташқари, ушбу ёндашув тегишли давлат намунасидаги ҳужжат билан тасдиқланган керакли ваколатларнинг тўлиқ ҳажми, модул ва дастур-модулни муваффақиятли ўзлаштирган ҳолда малака оширишнинг ҳар бир босқичида оралиқ ва якуний сертификатларни тақдим этиш имконини беради.

Ўзбекистон ўрта махсус касб таълими ва олий таълим тизимида самарали бошқарув механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган бошқарув кадрлари малакасини ошириш вазифаси доимий равишда ахборот қўмагини талаб қилади. Бундай қўллаб-қувватлашнинг энг қулай, арзон ва тезкор воситаси, фикримизча, "Касб таълими тизимидаги таълим муассасаларини самарали бошқариш" тематик электрон портали ҳисобланади. Унинг таркиби энг муаммоли ва долзарб масалалардан иборат бўлиши керак. Уларни қуйидаги блокларга бирлаштириш мумкин: самарали бошқарув механизмларини жорий қилиш, ОТМ самарадорлигини баҳолаш методологияси, ОТМни минтақавий таълим маконига интеграциялаш, касбий таълим сифатини таъминлаш, иш берувчилар, давлат ва муниципал бошқарув органлари билан ўзаро алоқалар, минтақалараро ва халқаро ҳамкорлик ва бошқалар. Ҳар бир блок учун навигация тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади: меъёрий-ҳуқуқий база, ҳужжатлар таъминоти, услубий таъминот, янгиликлар, фикрлар ва тажриба алмашинуви (форум), долзарб масалалар бўйича тезкор ёрдам (ишонч телефони). Бундай порталнинг фаолият кўрсатиши тезкор маълумотларга доимий равишда кириш ва зарур тушунтиришлар ва маслаҳатларни олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. № 888. – Тошкент, 2019 йил 21 октябрь. Манба: www.lex.uz

3. Боева А.Н. Оценка и пути повышения эффективности образовательной деятельности государственных высших учебных заведений: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Владивосток, 2011. – 23с.

4. Зайнутдинов Ш.Н., Очиллов А.О. Олий таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б.83-87.

МЕҲМОНЛАРИМИЗ

5. Ковалева Ю.Н. Основные подходы к оценке эффективности деятельности вуза. Источник: <http://usurt.ru> – сайт Уральского государственного университета путей сообщения.
6. Кошелева А.В. Основные формы содействия трудоустройству учащихся и выпускников вузов Ярославской области в условиях посткризисной ситуации // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. 16-17 февраля 2012 года. – Ташкент. – 2012. – С.66–67.
7. Нурибегов Р., Ашурова З. Бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Жамият ва бошқарув. – 2010. – 4. – 67-68-б.
8. Очиллов А.О. Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги, самарадорлиги ва уни молиялашни бошқаришни такомиллаштириш йўллари // Монография. – Тошкент, Иқтисод-молия, 2011. – 232 б.
9. Файзиев Р.А., Файзиев Ш.Р. Олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятлари ва афзалликлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. – 4. – 11 б.

AREAS OF PERFORMANCE MANAGEMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS **O.S.Qahhorov¹**

PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL. 2020. № 1.

¹Bukhara State University, Bukhara city, M.Iqbol street, 11, Uzbekistan.

References

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – [President Of The Republic Of Uzbekistan M. Mirziyoyev's Appeal To The Supreme Assembly] Toshkent, “Xalq so‘zi” gazetasi, 2020-yil 25-yanvar.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Internet jahon axborot tarmog‘ida milliy kontentni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori [Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan “on additional measures for the development of national content in the Internet world Information Network”]. № 888. – Toshkent, 2019-yil 21-oktabr. Manba: [www. lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Boeva A.N. Otsenka i puti povsheniya effektivnosti obrazovatelnoy deyatel'nosti gosudarstvennykh vysshix uchebnykh zavedeniy [Evaluation and ways to increase the effectiveness of educational activities of state educational institutions]: Avtoref. dis. ... kand. ekon. nauk. – Vladivostok, 2011. – 23s.
4. Zaynutdinov Sh.N., Ochilov A.O. Oliy ta‘lim muassasalarini boshqarish samaradorligini baholash [Evaluation of the effectiveness of Management in tertiary institutions] // Iqtisodiyot va ta‘lim. – Toshkent, 2010. – № 2. – B.83-87.
5. Kovaleva Yu.N. Osnovne podxod k otsenke effektivnosti deyatel'nosti vuza [Basic approach to evaluating the effectiveness of the University's activities]. Istochnik: <http://usurt.ru> – sayt Uralskogo gosudarstvennogo universiteta putey soobsheniya.
6. Kosheleva A.V. Osnovnye formy sodeystviya trudoustroystvu uchashixsya i vyusknikov vuzov Yaroslavskoy oblasti v usloviyax postkrizisnoy situatsii // Podgotovka obrazovannogo i intellektualno razvitogo pokoleniya – kak vajneyshee uslovie ustoychivogo razvitiya i modernizatsii strany. Sbornik statey mejdunarodnoy konferensii. 16-17 fevralya 2012 goda. –Tashkent. – 2012. – S.66–67.
7. Nurimbetov R., Ashurova Z. Boshqarish samaradorligini baholash [Evaluation of management efficiency]// Jamiyat va boshqaruv. – 2010. – 4. – 67-68-b.
8. Ochilov A.O. Oliy ta‘lim muassasasining raqobatbardoshligi, samaradorligi va uni moliyalashni boshqarishni takomillashtirish yo‘llari [The competitiveness, effectiveness and ways of improving the management of its financing in the institution of higher learning]// Monografiya. – Toshkent, Iqtisod-moliya, 2011. – 232 b.
9. Fayziev R.A., Fayziev Sh.R. Oliy ta‘lim sifati va samaradorligini oshirishda avtomatlashtirilgan ta‘lim va monitoring tizimining imkoniyatlari va afzalliklari [The possibilities and advantages of an automated education and monitoring system in improving the quality and effectiveness of Higher Education]// Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2015. – 4. – 11 b.

Муаллиф ҳақида маълумот

¹Каҳҳоров Отабек Сиддиқович - Бухоро давлат университети иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

НАУЧНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКОГО И
КРЕАТИВНОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИШ.Х.Самиева¹, Т.В.Бутко²

В данной статье обсуждается роль креативности, творчества и творческого мышления в развитии мировоззрения молодых людей, анализируются вопросы их вовлечения в творческое и профессиональное обучение. В ней рассматривается роль дизайна, который в широком смысле охватывает искусство, а также процесс его создания и использования, а, следовательно, является неотъемлемой частью прикладного искусства. Сила произведений искусства, особенно в области дизайна, в его натуре и восприимчивости, может влиять на внутренний духовный мир и эмоции людей. Значимость этих понятий определили роль эстетического мировоззрения в развитии творческих способностей молодежи. В связи с этим образовательный процесс специалистов, деятельность которых связана с созданием эстетического продукта – молодые модельеры, дизайнеры должны базироваться на изучении и освоении различных видов искусства, в том числе национальных народных промыслов. Широкое использование богатого культурного наследия в процессе создания современной одежды, может стать важным фактором не только повышения ее художественного уровня, потребительской привлекательности, но и иметь эффект воспитания патриотического самосознания, национальной самоидентификации.

This article discusses the role of creativity, creativity and creative thinking in the development of the worldview of young people, analyzes the issues of their involvement in creative and professional training. It examines the role of design, which in a broad sense covers art, as well as the process of its creation and use, and, therefore, is an integral part of applied art. The power of works of art, especially in the field of design, in its nature and receptivity, can influence the inner spiritual world and emotions of people. The significance of these concepts determined the role of aesthetic worldview in the development of creative abilities of young people. In this regard, the educational process of specialists whose activities are related to the creation of an aesthetic product – young fashion designers, designers should be based on the study and development of various types of art, including national folk crafts. The wide use of rich cultural heritage in the process of creating modern clothing can become an important factor not only to increase its artistic level, consumer attractiveness, but also to have the effect of educating Patriotic self-awareness, national identity.

Ключевые слова: мировоззрение, творческое мышление, воспитание, креативность, дизайн, творческая деятельность, интеллектуальные способности, национальное искусство, педагогические инновации.

Key words: worldview, creative thinking, education, creativity, design, creative activity, intellectual abilities, national art, pedagogical innovations.

Введение. Высшие человеческие качества, такие как духовное и моральное очищение, интеллектуальное и научное развитие, профессиональные навыки и творческие способности, которые необходимы для развития общества и личности, не возникают спонтанно. В основе всего лежит воспитание подрастающего поколения в семье, в учебных заведениях. Интеллектуальное и физическое воспитание молодежи – одна из самых важных и актуальных проблем современности.

Одним из принципов непрерывного образования является приоритет образования и его развитие, авторитет знаний, образования и высокого интеллекта. Государственная политика Республики Узбекистан в области подготовки кадров предусматривает формирование гармонично развитой личности – гражданина через систему непрерывного образования, которая неразрывно связана с интеллектуальным и духовно-нравственным воспитанием.

Воспитание молодого поколения со зрелым, гармоничным и высоким интеллектуальным уровнем всегда было очень важной и актуальной задачей. В то же время эта задача широкая и сложная. Менталитет молодежи сложен, а факторы, которые влияют на него и его последствия, очень разнообразны. Поэтому изучение педагогических и психологических инструментов для изучения и развития творческих способностей молодежи является актуальной проблемой на сегодняшний день.

Обзор литературы. Творческая деятельность является важным аспектом реализации творческих способностей человека и включает в себя создание новых предметов, которые ранее не были доступны [11]. Творческие способности и их результат отражают уникальный, оригинальный и социально-исторический характер деятельности. Качества творческого человека развиваются только

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЈА

при наличии определенных условий. Например, свободы критики, творческой дискуссии, обмена идеями и борьбы между ними. Все это способствуют творческому развитию. Психологические и философские исследования показали, что творческая деятельность личности осуществляется в несколько этапов. Так, в 1924 году английский ученый Г. Уоллес [4] отметил, что этот процесс состоит из следующих четырех этапов:

- 1) подготовка;
- 2) появление идей;
- 3) их полное отражение;
- 4) проверка (контроль).

Появление идей и их отражение не означает, что творческий процесс контролирует сознательная воля. Напротив, деятельность часто осуществляется невольно, случайно. В связи с этим многие исследователи сомневаются, что этот процесс непременно будет продуктивным. Однако исследования, проведенные в течение последующих лет показали, что случайность дополняется добровольными и сознательными действиями.

Творческий человек не контролирует себя в процессе творчества, хотя и наблюдает общее состояние мышления (воображение, открытия, неожиданные решения и т. д.). Ф. Гальтон выдвинул идею о том, что индивид может организовывать деятельность только в том случае, если у него есть особые способности и развиты психологические качества творческого человека.

Однако Ф. Гальтон [5] и Ч. Ломброзо, которые исследуют изобретательность и ее специфические аспекты, подвергались резкой критике. С 20-х годов прошлого столетия интерес и подход к изучению личности, таланта и творческого потенциала резко изменились благодаря достижениям в науке и технике. Ранее используемые специальные тесты не могли оценить умственные способности человека и оценить уровень креативности в ситуациях, когда наблюдалась специфичность и необычное мышление.

В исследованиях М. Матюшкина [1] «Творческая деятельность» характеризуется как «система, связанная с когнитивными процессами». Ряд психологов, таких как: Н.П. Щерба [6], В. С. Юркевич [2], Е. Л. Яковлева [7] считают, что «Творческая деятельность - это процесс человеческой деятельности. Личность студента формируется в ходе различных мероприятий».

Американский психолог Э. Фромм комментирует концепцию «креативность» следующим образом: «Креативность – это увлечение и понимание способности принимать решения в самых разных необычных ситуациях. Способность создавать новое и получать более глубокое понимание личного опыта» [8].

Исследования показывают, что творческие способности (их рост и упадок) требуют многих организационных условий. Например, молодые люди более эффективны в выполнении творческих и интеллектуальных задач, когда их действия не подвергаются критике и недооценке, когда они не испытывают никакого страха.

Стремительно развивающаяся среда техники и технологий, поиск новых областей знаний стремительно развивается. В частности, в области культуры, легкой промышленности, дизайна и бытового обслуживания особое внимание уделяется творческому характеру деятельности, а также использованию технической и технологической составляющей процессов. Для этого требуется особый, нестандартный способ мышления специалистов, занятых в этих областях, что также является важным для осуществления инновационных преобразований.

6. Учащейся после заполнения диаграммы представляют свои варианты ответа.
7. Преподаватель оценивает студентов словами «правильно» или «неправильно», если студент даёт неправильный ответ, тогда он рассказывает верный ответ.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЈА

8. Студенти одговоривши правилниот одговор, оценуваат се позитивно, учитувајќи нахожденија ими схожие признаци и одделни симптоми заболувања.

Хронические воспалителни болести бронхов



Рис. 1. Диаграма Вена.

Во втора група студентима била исползувана интерактивна игра «метод асесмента». За спроведување интерактивна игра «метод асесмента» кај секој студенту раздава се предварително подготвен листок по еден асесмент (таб.1.). Секој асесмент има четири прашања:

1. Два сложени теста.
2. Понятия об обстоятелствима.
3. Ситуациона задача.
4. Практически навика.

Обучавајќи се оценуваат се следоушим образом: на секој правилен одговор теста студенту се даваат по 5 бали (вкупно 10 бали), понятия об обстоятелству – 15 бали, ситуациона задача – 40 бали, практички навик – 35 бали и вкупно – 100 бали.

Предварително преподавател приготвува секој студенту по еден асесмент. Пред раздавањето асесмента преподавателу дава информација за суштина на методот и бали на прашањата. Секој студенту раздава се листок «асесмент» и за подготвување се даваат 15-20 минути и секој студенту решава свој вариант. Секој студенту се оценува по набраниот балл.

Таблица №1. Задачи за решавање по методот асесмента

Тест	Ситуациона задача
<p>1. Трансудат образува се во плеурална полост во резултат; 1). Воспаление легки, ревматизм и рак легкого. 2). Нарушение лимфообращения в легки. 3). Воспаление легки. 4). Туберкулез легки. 5). Нарушение кровообращения в легки.</p> <p>a) 3,4; v) 2,5; b) 2,3; g) 4,5.</p> <p>2. Эксудат накаплива се во плеурална полост; 1) При воспалении легки и туберкулезе. 2) При лимфогранулематозе и нарушении кровообращения. 3) При туберкулезе и нарушении лимфообращения в легки. 4) При ревматизме и нарушении кровообращения. 5) При ревматизме, раке и лимфогранулематозе.</p> <p>a) 3,4; v) 1,5; b) 2,3; g) 4,5;</p>	<p>Больной 35 лет, мужчина. При поступлении в отделение беспокоили кашель с выделением ржавой мокроты, нехватка воздуха, одышка и повышение температуры тела. Из анамнеза болел в течение недели и связывает данного заболевания с переохлаждением. При объективном осмотре выявлено отставание правой половины грудной клетки в акте дыхания и вокруг губ и носа имеется герпетические высыпания. На ряду с этим определяется гиперемия правого щека. При пальпации определяется справа усиления голосового дрожания и усиления бронхофонии. Определите предварительный диагноз. Какие характерные перкуторные и аускультативные данные больного? Укажите характерных рентгенологических изменений при данной патологии.</p>

Понятия об обстоятельстве: Механизм образования бронхиального дыхания и места его выслушивания.

Практический навык
Техника топографической перкуссии легких.


Интерактивные методы «диаграмма Венна» и «метод ассесмента» применяли при изучении 15 аналогичных тем по предмету «Пропедевтики внутренних болезней» (ПВБ) студентам 3 курса медицинского института в репрезентативных группах. Проблемы решают на основе стимулирования креативной активности, при котором студентам предлагают высказывать правильные ответы в свой вариант. Преподаватель учитывает при оценке высказанных правильных вариантов ответов, которые могут быть использованы на практике. Метод широко используется во многих организациях для поиска нетрадиционных решений самых разнообразных задач, в том числе проблемных ситуациях. Данный метод целесообразно применяют и на занятиях по профилирующим дисциплинам в бакалавриате, клинической ординатуре и магистратуре. После раздачи вопросов преподаватель должен изложить студентам ход выполнения работы и могут «выдавать» некоторые идеи. Коротко излагать своё предложение о способе решения данной задачи, при этом должны быть полностью исключены критика и оценка предлагаемых идей. Последующим после ответа студентов можно дополнять и развивать, не критикуя чужие идеи.

Учебные игры «Диаграмма Венна» и «метод ассесмента» использовалась по ходу обучения темам как из общей, так и специальной части предмета ПВБ.

Уровень знаний и степень их закрепления проверялись с помощью вопросов, заданных в письменных работах, при тестировании и заданий текущих, промежуточных и итоговых контрольных работ.

Результаты: Проведённые исследования показали, что при обучении интерактивных методов «диаграмма Венна» и «метод ассесмента» влияло по разному на формирование знания студентов. Доказывает это результаты неоднократной контрольной проверки в академических группах. Как следует из полученных данных, учебная игра «Диаграмма Венна» в большей мере способствовала совершенствованию теоретического знания у обучающихся.

Из 15 проведённых занятий в медицинском институте с помощью интерактивного метода обучения «Диаграмма Венна» у 67,4% студентов формирование багажа клинических знаний ограничивалось теоретическим уровнем. У остальных 32,6% студентов отмечалось формирование теоретическим и умениями практических навыков (рис.2.). Применение полученных знаний на практике, тем более творческий подход к ним, практически не было замечено, что является существенным недостатком учебного метода «Диаграмма Венна».



Несколько иные результаты получены при проведении занятия с применением интерактивного способа обучения «Метод ассесмента». Этот метод вызвал более повышенный интерес у студентов и ими полученный знаний с его помощью, были совершенно по другому. Из 15 пройденных тем у 74,2% студентов были выявлены значительные сдвиги в формирование теоретических и практических навыков; и у остальных 25,8% студентов отмечены менее выраженное умение практических навыков, они ограничивались только теоретическими знаниями (рис.2.). Это по видимому связано с неполным участием участников игры, в ходе выполнения практических навыков. Следует признать, что в ходе использования интерактивного метода обучения «Метод ассесмента» студенты гораздо быстрее начали осмысливать формирующиеся знания, что является важным доказательством результативности данного метода обучения. Наряду с этим выявилось и другое положительное качество учебной игры «метод ассесмента». Так, среди студентов-участников учебной игры возросла частота овладения практическими навыками (пальпация, перкуссия и аускультация). Вместе с ним, непременно улучшалось качество применения ими данных навыков,

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

что полностью соответствовало поставленным задачам и цели. Единственный недостаток, который наблюдался в ходе использования интерактивного метода обучения, – не все студенты выполнили практические навыки.

Выводы:

1. Интерактивные методы обучения «диаграмма Венна» и «метод ассесмента» неодинаково влияют на развитие знаний обучающихся.
2. Выбор метода учебной игры необходимо осуществлять в зависимости от теоретической и клинической части занятий.
3. Интерактивный метод обучения «диаграмма Венна» оказался гораздо эффективнее в ходе обучения теоретической части, а «метод ассесмента» предпочтителен при изучении теоретической и клинической части предмета который обеспечивает усвоения практических навыков;

Литература

1. Григораш О.В. Система подготовки специалистов высшего профессионального образования //Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университет [Электронный ресурс]. – Краснодар: КубГАУ, 2014. - № 06(100). - С. 411-430.
2. Джаналиева Г.А. Мутахассислик фанларни уқитишда интерфаол методларни кулланилиши. Таълим, фан ва инновация. Ташкент, 2016.- С. 91-95.
3. Дронова Т.А. К вопросу о преподавании пропедевтики внутренних болезней // Клиническая медицина. – М., 2003. - №3. – С. 67-70.
4. Нарзиев Ш.С., Рахимов З.К., Хазратов У.Х. Эффективность новой педагогической технологии в формировании знаний студентов/ Pedagogikmahorat. Бухоро 2018. №3.стр. 37-41.
5. Нарзиев Ш.С., Хазратов У.Х., Аслонова И.Ж. Оценка эффективности интерактивных методов обучения в формировании знаний студентов по терапии. Вухоро Davlat Universiteti Ilmiy Axboroti. Бухоро 2015. № 4. Стр 174-178.
6. Панина Т.С., Вавилова Л.Н. Современные способы активации обучения / Под ред. Т.С. Паниной. – М.: Академия, 2007. – С.176.
7. Реутова Е.А. Применение активных и интерактивных методов обучения в образовательном процессе вуза: Методические рекомендации. – Новосибирск, 2012. - С.4.
8. Хазратов У.Х., Аслонова И.Ж., Халимова Д.Ж. Хамширалик иши фанини уқитишда интерфаол усулларнинг ахамияти. Вухоро Davlat Universiteti Ilmiy Axboroti. Бухоро 2019. № 3. Стр 269-273.
9. Beni G., Wang J. Swarm Intelligence // Annual Meeting of the Robotics Society: Proceedings of Seventh International Conference. – Tokyo: RSJ Press, 1989.– pp. 425–428.
10. Bonabeau E., Dorigo M., Theraulaz G. Swarm Intelligence: From Natural to Artificial Systems. – New York: Oxford University Press, 1999. – 320 p.
11. Chong S.C., Low M.Y.H. A Bee Colony Optimization Algorithm to Job Shop Scheduling //Winter Simulation Conference: Proceedings of the 38th Conference on Winter simulation. – Monterey: Monterey Press, 2006. – P. 1954-1961.
12. Lučić P., Teodorović D. Bee System: Modeling Combinatorial Optimization Transportation Engineering Problems by Swarm Intelligence //Transportation Analysis: Proceedings of the Triennial Symposium TRISTAN IV. – Sao Miguel: Azores Press, 2001. – P. 441–445.
13. Teodorović D., Dell’Orco M. Bee Colony Optimization – a Cooperative Learning Approach to Complex Transportation Problems // Advanced OR and AI Methods in Transportation: Proceedings of 16th Mini-EURO Conference and 10th Meeting of EWGT (13-16 September 2005). – Poznan: Publishing House of the Polish Operational and System Research, 2005. – P. 51–60.

Сведения автора

¹**Нарзиев Шамсидин Сайпиллоевич**, старший преподаватель кафедры пропедевтики внутренних болезней, кандидат медицинских наук. Бухарский государственный медицинский институт.

ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

А.Султонов¹

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синф тарбияси оғир ўқувчиларида миллий ғояни шакллантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида тавсифланиб, унинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, “ғоя” ва “миллий ғоя” тушунчаларига таъриф берилиб, ушбу тушунчаларнинг адабиётларда ёритилиши умумий таҳлил қилинган. Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг асосий мақсади, вазифалари, шакллари кўрсатиб берилиб, ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг асосий босқичлари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: таълим ислоҳоти, ижтимоий зарурият, умумий ўрта таълим, ғоя, миллий ғоя, оила, маҳалла, мактаб, концепция, шахс, мафкура, дунёқараиш, мафкуравий бўшлиқ, ёт ғоя, миллий тарбия, маънавий-маърифий ишлар самодорлиги.

В данной статье идёт речь о формировании национальной идеи в социально-педагогической необходимости у учеников 5-9 классов общеобразовательных школ. Он также описывает понятия «идея» и «национальная идея» и предоставляет общий обзор этих понятий в литературе. Представлены основные цели, задачи и формы взаимодействия школы, семьи и общества в формировании национальных идей у трудолюбивых учащихся. В нем также анализируются основные этапы участия школы, семьи и сообщества в формировании национальных идей у учащихся.

Ключевые слова: реформа образования, социальная необходимость, общее среднее образование, идея, национальная идея, семья, школа, концепция, личность, идеология, мировоззрение, идеологический вакуум, национальное воспитание, эффективность духовно-воспитательной работы.

This article describes the formation of a national idea in the socio-pedagogical necessity in the hard students of 5-9 grades of secondary schools. It also describes the concept of 'idea' and 'national idea' and provides a general overview of these concepts in the literatures. The main goals, objectives and forms of interaction between the school, family and society in the formation of national ideas for hardworking students are presented. It also analyzes the main stages of the participation of the school, family and community in the formation of national ideas among students.

Key words: education reform, social necessity, general secondary education, idea, national idea, family, school, concept, personality, ideology, outlook, ideological vacuum, alien, national education, effectiveness of spiritual and educational work.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ёшларнинг салоҳиятига, уларнинг интилишлари ва ақл-идрокига боғлиқ. Ёшларни баркамол шахс сифатида етиштириш ҳозирги даврда жамиятимиздаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки ёшлар тарбиясида пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ уларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатнинг олдини олиш, ёшлар онги ва қалбига миллий ғоямизни сингдириш ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори[1]нинг қабул қилиниши ҳам миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш масалаларига эътиборни қаратиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, “ғоя – бу инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир”[3;9].

Ғоялар тизими мафқурани яратди. "Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир"[3;9].

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Файласуф Э.Юсупов ёшлар онгига миллий ғояларимизни сингдириш жамият ва миллат маънавий тарақиётига хизмат қилса, тараққий этган жамият ҳар бир шахснинг манфаатларига тўла мос келишини эътироф этади [149;132-182].

Истиклол йилларида Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол Шахсни вояга етказишга асосланган таълим-тарбия тизимининг миллий модели яратилди. Шахс деганда биз “Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахс” ни [2;9] тушунамиз.

Айнан шу маънода шахс – бу муайян ғоянинг ташувчиси, субъекти, онгли, фаол ва ахлоқли одамдир. Шунинг учун ҳам мутахассислар “шахс – фуқаролик жамиятининг эркин, онгли, мустақил таркибий қисмидир”, – дея таъриф беришади[6,29].

Демак, ҳақиқий фуқаро бўлиш учун Шахс бўлиш лозим. Шахс эса изчил тарбия орқали шакллантирилади. Маҳалла, оила эса, юқорида таъкидланганидек, тарбиянинг дастлабки ва узоқ вақт таъсир этувчи омилларидир.

Шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ғоялар тизими ва уларнинг мазмуни доимо жиддий ижтимоий-педагогик мавзу бўлиб келган. Шу сабабли “Шахсни ғоявий баркамолликка етказишда қандай мезонларга таяниш лозим?”, “Бундай шахс қандай ижтимоий муносабатлар ва тарбиянинг қандай механизмлари асосида вояга етади?”, “Уни ёт бузгунчи ғоялардан қандай ҳимоя қилиш лозим?” каби муаммоларни илмий таҳлил қилиш бугунги ижтимоий педагогиканинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялашда миллий ғоя методологик таянч вазифасини бажаради. Маҳалладаги 5–9-синф ўқувчилари орасида олиб бориладиган мафкуравий профилактика ишлари – бу ўқувчилар онги ва тушунчалари тизимини ёт мафкуралар манфаатларига хизмат қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий қарашлардан миллий ғоя асосида муҳофаза қилишга қаратилган педагогик жараёндир.

Мафкуравий дунёқараш – мактаб, оила, маҳаллада миллий ғоявий тасаввур ва тушунчаларнинг бир бутунлигидир. Шу маънода оилада 5–9-синф ўқувчиларининг мафкуравий дунёқарашини тўғри педагогик назорат остида шакллантирилиши керак.

Мана шу ғоявий, оилавий, педагогик-профилактик омиллар натижасида 5–9-синф ўқувчилари ўз олдига мақсадларни қўйиб, уларга эришишни ўрганиб ўсади. Унинг шахсий ва жамият манфаатлари уйғунлигига қурилган ўз ғоялари вужудга келади.

Миллий тарбия йўналиши орқали ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб, фидойилик фазилатлари шакллантирилади.

5–9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда қуйидагилар оиланинг вазифалари этиб белгиланади:

–фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишни таъминлаш;

–болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, миллий ғоя ва мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

–оила, мактаб ва маҳалла олдига ўз фарзандларининг барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликларини ҳис этиш.

5–9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида маҳалланинг вазифалари:

–ёшлар диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг моҳиятини тўғри англаб етишига ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аجدодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;

–маҳаллаларда миллий давлатчилик ва миллий мафкура ғояларини, республикамызда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар тарғиботини амалга ошириш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш;

–"Маънавият ва маърифат", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Эл-юрт умиди", "Улуғбек", "Нуроний" жамғармалари, хотин-қизлар кўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмалар ҳамда ёшлар иттифоқини ёш авлодни миллий ғояларимиз асосида тарбиялаш ишига, муаммоли масалаларнинг ечимини топишга фаол жалб қилиш.

5–9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида мактабнинг вазифалари:

–ўз худудидаги маҳалла жамоаларининг фаолиятини тарбиявий мақсад йўлида мувофиқлаштириш;

–тарбияси "оғир", қаровсиз қолган болалар ва ота-оналари билан ишлаш, уларга педагогик ёрдам бериш;

–бола тарбияси яхши йўлга қўйилган оилаларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўрганиб, тажрибаларини оммалаштириш;

–ўқишни ва ишлашни хоҳламайдиган, безорилик йўлига кириб кетган 5–9-синф ўқувчиларини ҳисобга олиб, уларнинг ота-оналари билан келишган ҳолда муҳокама қилиш;

–турар жойда ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази – мактаб бўлишига эришиш;

–ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мафқурани тарғиб қилиш, ақидапарастлик ва миллий тараққиётимизга зарарли ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашишни ташкил этиш;

–5 – 9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари ва босқичларига эътибор қаратиш.

Ёш авлодни яхши ҳулқли, миллий ғояларимизга садоқатли қилиб тарбиялашда уларнинг ёш жиҳатларига, характерига алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки буларсиз тарбиядан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида қуйидаги босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади:

5 – 9-синф ўқувчиларининг (11–16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, 5 – 9-синф ўқувчилари гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

Таълим ва тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатларни, директив кўрсатмаларни самарали бажариш учун оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизим, услуб ва шаклларга эга бўлиши зарур.

Ўтказилган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг қўламли бўлиши керак.

5 – 9-синф ўқувчиларини мустақил фикрлаш, мустақил ҳаракат қилиш ва мустақил фаолиятда бўлишга одатлантириш учун ота-она, ака-опалар унинг ҳар бир саволига тўғри ва аниқ жавоб бериб бориш билан унда мустақил фикрлаш туйғусини рағбатлантира боришлари зарур. Чунки булар 5 – 9-синф ўқувчилари шахсида ўз ғояси, фикрига ишониш, уни намоён қилиш кўникмасини ҳосил қилади. 5–9-синф ўқувчиларида мақсадли бўлиш, мақсадни рўёбга чиқариш ва ўз ғоясига ишончли шакллантириш ғоявий собитлик фазилатларига замин тайёрлай боради.

Оилавий муҳит тарбияси оғир ўқувчиларни тарбиялашнинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчга эга. Мафқуравий профилактикага хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида шаклланади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит соғлом мафқурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигини таъминлаш мафқуравий профилактика вазифаларини амалга оширишда таянч бўлади. Оила мафқураси бу – муайян қондош ижтимоий гуруҳ аъзоларининг умумий эҳтиёжлар, тилак, орзу, умидлар ҳамда манфаатлари, қарашлари, тасаввурлари ифодасидир. Ҳар бир маърифатли жамият аъзолари ўзларининг туб мақсад ва манфаатлари асосида бирлашади. Бу муштарак бирлик давлат мадҳиясини ёд билиш, ҳар бир хонада давлат байроғининг фахр билан осиб қўйилиши ва бошқа умуммиллий анъаналарда намоён бўлади. Бу қарашлар тизими ҳар бир ота-она, ўғил-қизни ўз ватани, юрти билан фахрланиши, келажаги учун қайғуриш, бу йўлда тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш ва уни ёт таъсирлардан муҳофаа этишга ундайди.

Соғлом ғоялар тарбияси ва мафқуравий профилактика ишлари уйғунлигида шакллантириладиган мафқуравий иммунитет юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Мафқуравий иммунитет – тартибга солинган, яхлит тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни мафқуравий полигонларда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга, ёт мафқураларга фаол қарши туришга чорлайди.

Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан ижтимоий-тарбиявий вазифани бажаради. Кексалар-

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

нинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжихатлиги мисолида кишилар онгига Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғоялари сингдириб борилади.

Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ким ўз халқига қарши курашмоқчи бўлиб, аҳмоқона йўлга ўтган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч қерда ўз мақсадига эришмайди. Чунки азал-азалдан ўз ота-онаси ва эл-юртига қарши қўл кўтарадиган фарзанд “оқпадар” деган лаънатга учраганини талай мисолларда кўришимиз мумкин.

Маҳалла – аввало, соғлом миллий-ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган ижтимоий-педагогик тарбия маҳалла аҳлининг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида ҳимоя қилиб, асраб, тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани тарбияси оғир ўсмирларни тарбиялаш маскани деб ҳам аташ мумкин.

Айниқса, миллий кадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёс.

5 – 9-синф ўқувчилар дунёқарашининг шаклланиши, эътиқодининг мустаҳкамланиши учун ўта сезгир, сензитив босқич ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу давр нафақат шакллантириш учун, балки маълум бир номақбул қарашлар шаклланиб улгурган бўлса, уларни ўзгартириш учун ҳам қулайдир.

Педагогикада “ўсмирлик даври” ибораси кенг оммаланиб кетган тушунча ҳисобланади.

5 – 9-синф ўқувчиларига алоҳида эътибор берилишининг сабаби шундаки, бу даврда бола соматик-жисмоний, жинсий ва ижтимоий тараққиёти жиҳатидан жиддий ўзгаришларга учрайди. Шунинг учун ҳам жамият томонидан 5 – 9-синф ўқувчилари даври ва унинг хусусиятларига бериладиган баҳо айнан шу жамиятнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Агар 5 – 9-синф ўқувчилари даврининг бошланиши одатда кўпроқ жинсий жиҳатдан етилиш билан боғланса, субъектив жиҳатдан бу даврнинг якунланиши ҳаётда устун мавқега эга бўлган ижтимоий аҳвол, таълим олиш муддати кабиларга боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкин. 5 – 9-синф ўқувчилари ёши нуқтаи назарига ижтимоий-психологик ёндашув яна шу билан изоҳланадики, аввалги даврда 5 – 9-синф ўқувчилари учун етакчи бўлган ўқув фаолияти энди ўзининг катталар дунёсида ва ижтимоий муносабатлар таркибида ўз мавқеи ва ижтимоий ўзлигини англашга қаратилган фаолият билан алмашади. Шунинг учун ўсмирлик – боланинг улғайиш йўлидаги бир босқич ёки “ўтиш даври” эмас, балки теран мазмун, шахсий моҳият ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мустақил ёш даври ҳисобланади. Проф. М.Қуронов “Оталар китоби”да ўсмирлик даврига шундай таъриф беради: “... ўсмирнинг қўл-оёғи кўпинча унинг фикридан олдин юради. Масаланинг моҳиятига, “ичига кириш”дан кўра юзаки, тез ва хом қарор қабул қилади. У ўзига катталарнинг ишонишини, бирор жиддий нарса билан шуғулланишни истайди. Бироқ катталар уни бола деб билиб, эътиборсиз қолдиришади. Натижада ундаги фаоллик қаровсиз қолади.

Бировлардаги камчиликларни бўрттириб кўрсатади. Ўспиринлик – “ота-онам қўп нарсаларни билмайди” дейдиган давр. Бу давр – орзулар даври. Сирдош дўст, идеал қидириш даври” [7,42–49].

Айнан шу нуқтаи назардан тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда фойдаланилган асосий тушунчаларни кўриб чиқиш зарур бўлади. Бундай тушунчалар сирасига “ижтимоийлашув”, яъни боланинг жамият аъзоси бўлиб қолишига имкон берувчи қоида, ҳолат, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, шунингдек “5 – 9-синф ўқувчилари ривожланишининг ижтимоий вазияти” сингари тушунчалар киради.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Миллий мафкурамизнинг бош ғояси манфаатларига хизмат қилувчи ёш ўзбекистонликларнинг вояга етказилиши оиладан, маҳалладан бошланиши лозим. Ижтимоий педагогикамизнинг мақсади ҳам шунга йўналтирилган. Мисол учун, асосий педагогик ҳужжатларимиздан бири “Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепциясида “Оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш – оилавий тарбиянинг асосий вазифаси” эканлиги таъкидланади [5,16].

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчилари онгига миллий ғояни сингдириш яхлит педагогик фаолият жараёни бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал этилиши мақсадга мувофиқ:

– тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчиларини ғоявий-мафкуравий таълим-тарбиянинг моҳияти ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар билан қуроллантириш;

– тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчиларида ғоявий ва мафкуравий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириш ҳамда мафкуравий тафаккурни қарор топтириш;

– тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчиларининг ғоявий-мафкуравий, амалий фаолиятларини ташкил этиш борасида кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда қўйидаги илмий концепцияга асосландик:

– 5 – 9-синф ўқувчиларининг онг даражаси ижтимоий муносабатлар жараёнида, уларнинг жамият, атроф-муҳитга бўлган ёндашувида намоён бўлади;

– 5 – 9-синф ўқувчиларининг камолоти улар яшаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига боғлиқ;

– ёшлар онгида миллий ғояни маънавий-мафкуравий, объектив ва субъектив шарт-шароитнинг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил этиладиган, узлуксиз тизимли таълим-тарбияни йўлга қўйиш натижасида вужудга келади;

– 5 – 9-синф ўқувчиларининг ғоявий жиҳатдан ривожланиши давлат ва жамият манфаатларини ифодалайди.

Ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришга доир педагогик, фалсафий, психологик адабиётларни ўрганиш натижасида қўйидаги ишларни амалга ошириш зарурияти пайдо бўлди:

– 5 – 9-синф ўқувчилари ҳаётида кенг қўламли ижтимоий, маънавий соғлом муҳит яратиш;

– ўқувчилар онгига миллий ғояни сингдириш асосида миллий дунёқарашни кенгайтириш;

– 5 – 9-синф ўқувчиларининг билим ва тафаккурлари асосида ижтимоий фаоллигини ошириш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда қўйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

– 5 – 9-синф ўқувчиларининг миллий ғояни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини қарор топтириш, шахс камолотини таъминлашга эришиш;

– ёшларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида миллий ғоя мафқурасининг бош ва асосий ғояларига таяниш;

– тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим-тарбия шакл, метод ва усулларини белгилаб бериш ҳамда уларни татбиқ этиш;

– тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда маҳалла, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлардаги маънавий-маърифий ишлар билан уйғунлаштириш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришда 5 – 9-синф ўқувчиларининг ўзига хос характер, қобилият ва лаёқати каби шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълим-тарбиянинг мезонларини ташкил этувчи масъулият, эътиқод, иймон каби маънавий сифатларни мукамал тизимда улар онги ва қалбида собит ўрин эгаллашига қаратилган фаолиятни ташкил этиш муҳимдир. Бизга маълумки, инсоннинг мафкуравий етуқлигини белгиловчи сифатлардан бири унинг онги ва қалбидаги ғояларнинг барқарор ўрин олганлигидадир. Қалб, шахсий онг ва ғоявий узвийлик асосида инсоннинг мафкуравий иммунитетни шаклланади ва унинг мустақамлиги эътиқод ҳамда иймон билан белгиланади.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5 – 9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда, унинг ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки даражаси ва сифатига боғлиқ равишда мақсадли ҳамда режали тарздаги муносабатлар кўриниши шахсда мафкуравий иммунитетнинг сифатларини шаклланишига олиб келади. Шу боис жамият ҳаёти, ижтимоий тузумда қарор топган мафкуравий муносабатлар мазмуни унинг ғоялари 5 – 9-синф ўқувчиларида миллий ғояни шакллантиришда етакчи ўрин тутади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги bosқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори. Манба: Lex.uz.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.– Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 413 б.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон” 2000. – 80 б.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: “Университет”, 1998.–184 б.
5. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1998. – 16 б.
6. Қаршибоев М. Бунёдкор халқ ғояси. Маъруза матни. –Т.: “Маънавият”, 2001. -166 б.
7. Қуронов М. Оталар китоби. - Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 78 б.

Муаллиф ҳақида маълумот:

¹Акрам Султонов, Қаршии Давлат университети ўқитувчиси.

XVI-XVII АСРЛАРДА БУХОРО ХОНЛИГИДА МАКТАБ, ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

А.Нусратов¹

Ушбу мақолада XVI-XVII асрларда Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юзага келган маънавий кўтаринкилик кайфияти, ўз даврининг педагогик фикрлар тараққиётида ўтказган таъсири илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан XVI-XVII асрларда Бухоро хонлигидаги шайбонийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан, санъат, маданият, таълим ва бошқа соҳалардаги ўзига хос, давр руҳини ўзида мужассам этадиган қиёсий таҳлиллар келтириб ўтилган. Шунингдек ўша даврда маълум ва машҳур бўлган қатор олимлар, шоирлар, рассомлар, наққошлар, мударрислар ва бошқа илм-фан намояндalари, уларнинг қилган ишлари ва ёзган асарлари, уларда ёритилган ўша давр муҳити тўғрисидаги далилий фикрлар кўрсатиб ўтилган.

XVI аср меъморчилигида маҳобатли бинолар, мадрасалар, масжидлар, саройлар, мақбаралар, хонақолар қуриш учун энг яхши уста ва меъморлар жалб қилинганлиги, Бухоро хони Абдуллахон II нинг қаттиққўллик сиёсати туфайли мамлакатдаги ички бирикув, қурилиш ва меъморчилик соҳасининг ҳам ривожланишини таъминлашини, Бухоронинг шайбонийлар давлатчилигида пойтахт сифатида қарор топиши, шаҳарнинг архитектурасида ўзига хос ўзгаришлар, у ерда бир қатор меъморчилик ансамбллари туғрисида. Жумладан: Модарихон ва Абдуллахон мадрасалари, Говкушон Мадраса майдонида Хожя Масжид қурилиши меъморчилик санъатининг ижро уйғунлиги тўғрисидаги қимматли маълумотларда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, XVI асрда Қўқалдош мадрасаси, Мир Муфтий кутубхонаси, Мумо Мирак девон мадрасаси ва шунга ўхшаш кўплаб илм масканлари, улардаги таълим-тарбия ишлари, чунончи бу даврда келиб болалар олти ёшдан мактабга қабул қилинганлиги, уларга алифбодан сабоқ берилиб, ёзув-чизувлар ўргатилиши, сўнгра болалар мактаблардан мадрасаларга қабул қилинганлиги, мадрасаларда асосан диний таълим билан бирга ҳисоб-китоб, шеър ўқиш, мусиқа, хаттотлик наққошлик сингари махсус хунарлар мадрасадан ташқарида ўқиганлиги тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, миллий мерос, мадраса, мударрис, тафаккур, маданият, салоҳият, дунёқараш.

В данной статье анализируются научно-педагогические аспекты влияния духовного возрождения, возникшего в Бухарском ханстве XVI-XVII веках, на развитие педагогических идей того периода. В частности, проведён сравнительный анализ развития в Бухарском ханстве в XVI-XVII веках науки, искусства, культуры, образования и других сфер, вобравших в себя своеобразие и дух того времени. Вместе с тем в статье приводятся сведения о ряде учёных, поэтов, художников, чеканичников, преподавателей медресе и других представителей науки и искусства, известных и знаменитых в тот период, а также сведения об их работах и созданных ими произведениях, являющихся описанием и свидетельством среды, характерной для того периода.

Даны сведения о привлечение лучших мастеров и архитекторов для строительства великолепных зданий, медресе, дворцов, мавзолеев мечетей в архитектуре шестнадцатого века, о внутреннем объединении и развитии и строительствa и архитектуры благодаря строгой политики

бухарского хана Абдуллахана II, становление Бухары как столицы государства Шейбанид, определенных изменений в архитектуре города и о ряде архитектурных ансамблей, среди них – медресе Модарихон и Абдуллахан, а также остроительстве мечети Ходжа на площади Медресе Говкушон. А также идет речь о великопное медресе Кукалдош, построенное в восточной части города, о библиотеке Мир Муфтия, о медресе Мумо Мурак девон и многие других образовательных учреждениях, атакже об образовательных и воспитательных работах, мероприятиях. Например, дети были зачислены в школу в возрасте шести лет, им преподавали алфавит и учили грамоте. А затем зачисление детей в медресе; специальные навыки, такие как чтение стихов, музыка, каллиграфия или рисование отражаются за пределами медресе.

Ключевые слова: Мавераннахр, национальное наследие, медресе, преподаватель медресе, мышление, культура, потенциал, мировоззрение.

This article analyzes the scientific and pedagogical aspects of the influence of the spiritual revival that arose in the Bukhara khanate in the XVI-XVII centuries on the development of pedagogical ideas of that period. In particular, a comparative analysis of the development of science, art, culture, education and other spheres in the Bukhara khanate in the XVI-XVII centuries, which incorporated the originality and spirit of that time. At the same time, the article provides information about a number of scientists, poets, artists, coiners, teachers of madrasas and other representatives of science and art, famous and famous in that period, as well as information about their works and works created by them, which are a description and evidence of the environment characteristic of that period.

This information about attracting the best artists and architects for the construction of magnificent buildings, madrasas, palaces, mausoleums, mosques in the architecture of the sixteenth century, about the internal merger and the development and stroitelstva and architecture blogodarya strict policy of Bukhara Khan Abdullakhan II, the formation of Bukhara as the capital of the state Shaybanid, certain changes in the architecture of the city and a number of architectural ensembles, among them the madrassah of Modarikhon and Abdulla Khan and also about the construction of the mosque of Khoja square Madrasah Gavkushon. We are also talking about the magnificent Kukaldosh madrassah, built in the Eastern part of the city, the Mir Mufti library, the Mumo Mirak Devon madrassah and many other educational institutions, as well as educational and educational activities and events. For example, children were enrolled in school at the age of six and were taught the alphabet and literacy. And then enrolling children in madrasas; special skills such as reading poetry, music, calligraphy or drawing are reflected outside of the madrasa.

Keywords: *Maverannahr, national heritage, madrasah, madrasah teacher, thinking, culture, potential, worldview.*

Бугунги янги Ўзбекистон жамиятининг таракқиёти кўп асрлик миллий кадриятларимизни ўрганиш ва улардаги сара фикрларни ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси йўналишига сингдириш имкониятини яратди.

Ёш авлодни баркамол инсон, юсак ахлоқ соҳиби этиб тарбиялашда маънавий кадриятларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир миллатнинг миллий мероси ўша миллат томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни қамраб олади. Уларнинг айрими умумжаҳон характериға эға бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади. Миллий мерос миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқараши ва яратувчилик салоҳиятининг маҳсулидир. Миллий мерос миллат таракқиётининг турли тарихий босқичларида вужудға келиб, миллатнинг ўзи билан боғлиқ бўлган бойлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у миллатнинг ўз келажагини яратишда таянч ва тажриба манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам буюк тарихий-маънавий илдишларға эға бўлган давлатчилигимиз анъаналарини давом эттириш, демократик тамойилларға асосланган давлатни барпо этиш жараёни, жумладан, жамият аъзолари ҳисобланмиш ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб етишишларида аждодлар анъанаси ва ўтмиш кадриятлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий-маънавий юксалиши йўлида хизмат қиладиган, обод ва фаровон ҳаёт, жамиятнинг пойдеворини яратадиган, ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда вояға етказиш таълим соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади.

Президентимиз таъкидлаганлигидек, "Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрға ишонч ҳосил қиляпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуг олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ".

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Инсониятнинг ўз тарихи, маданияти, маънавияти асослари, илдиэларини ўрганиш ва улардан кейинги давр ривожланиш йўналишида фойдаланишга бўлган қизиқиши асосида ўз тараққиётини белгиловчи омиллар юзага келади.

XVI асрга келиб Бухоро хонлигида маънавиятда хурфикрлилик, илм-фанга хурмат-эътибор ва унинг кадр-қимматини юксак баҳолаш устунлик қилди. Бадиий маданият соҳалари темурийлар давридаги бой маданий меросга таянган ҳолда, ярим кўчманчи шайбонийлар турмуш тарзи анъаналари мужассамлигида акс этди.

Мовароуннаҳрнинг маданий маркази бу асрда аста-секин Самарқанд шаҳридан шайбонийларнинг янги маркази Бухорога кўчди. Бу ерга даврнинг алломалари, етук олимлари, шоирлари, мусиқачилари, наққош-хаттотлари, меъморлари, рассомлари ва бошқа соҳа билимдонлари тўпланиб, замонасини илғор ижодий ва илмий салоҳиятини кўрсатиб турди ва бадиий маданият ривожига муҳим ҳисса қўшди.

Мисол учун аштархонийлар даври муаррихи² Маҳмуд ибн Вали XVII асрда Бухоронинг илм тарқатувчи марказ сифатидаги хизматини шундай баҳолайди: «Олимларнинг кўплигидан уни олимлар ва илм-фан булоғи деб атайдилар». Бухорога XIX асрда сафар қилган Е.К. Мейендорф эса Бухоронинг ислом оламида тутган ўрнини қуйидагича таърифлаган экан: «Ўзининг кўплаб мактаблари, олимлари ҳамда муқаддас қадамжолари сабабли мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланган. Эҳтимол шунинг учун у «шариф» номига сазовор бўлгандир». Рус сайёҳи Н. Ханьков ўз эсдаликларида Бухорони йирик илм-фан ва маърифат, диний билимлар маркази сифатида таърифлаб: «Бухоро илм тарқатувчи марказ ҳисобланган ва ҳисобланади», - дейди. Ж.Кунитс ҳам Бухорони «араб-эрон маданиятининг қалъаси», Марказий Осиёнинг юз йиллик тарихидаги «Ислоннинг юраги», 250 масжид ва мадрасалар маркази дея атаганлиги диққатга сазовордир.

Мовароуннаҳр худудида қадимдан ривож топиб келаётган қурилиш-меъморчилик ишлари янги ҳукмрон сулола кучи ва мавқеини абадийлаштиришга қаратилган маданий ва маиший иншоотларнинг кўплаб барпо этилишида ўз аксини топди. XVI аср меъморчилиги ривожини икки йирик даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр XVI аср бошидан то 1560-йилларигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олган бўлиб, бунда темурийлар меъморчилиги анъаналарини давом эттириш ва шаҳар қурилишининг янги шарт-шароитларини ўрганишга эътибор қаратилди. Самарқанд шайбонийлар давлатининг пойтахти мавқеини сақлаб турган кезларида бир қанча қурилиш-меъморчилик ишлари амалга оширилди. Шаҳар ички қисмида кўркам ва ҳашаматли бинолар қад кўтарди. Регистон майдони кенгайтирилди, ободончилик ишлари бажарилди, маиший бинолар, ҳаммомлар, янги бозорлар бунёд этилди.

Шаҳарнинг атрофида ва шарқий қисмидаги Нов маҳалласида зодагонлар учун боғ-роғлар барпо қилиниб, Дили Афрўз боғининг гўзаллиги ажиб тароват касб этган.

Регистондан шимолроқда Олияи Хония мадрасаси Шайбонийхон даврида қурила бошлаган бўлиб, хоннинг ўлиmidан кейин унинг ўғли Темур Муҳаммад султон (вафоти 1514 й.) томонидан давом эттирилиб, сўнгра рафиқаси Меҳр Султонбегим томонидан қурилиши тугатилган. Меҳр Султонбегим фармонида кўра Олияи Хония мадрасасининг шимол томонида қурилиши жиҳатидан шунга ўхшаш ҳашаматли Хония мадрасаси қад кўтарди. Бу икки бино ложувард ва зарҳал кошинлар билан безатилган жуда катта пештоқ билан бирлаштирилган эди. Афсуски, бу бинолар бизнинг давримизгача сақланиб келмаган.

Шунингдек Бухоро шаҳри ва унинг атрофида бир қатор бинолар қурилиб, боғ-роғлар барпо қилинди. Убайдуллохон 1516 йили катта ва гўзал боғ бунёд эттирди.

Убайдуллохоннинг кўмаги билан 1535-1536 йилларда улуғ шайх Мир Араб томонидан мадраса, 1544 йили Абдулазизхон томонидан шаҳардаги Масжиди Моғиқ ҳамда Хожа Зайниддин хонақоси, Баланд масжид каби ноёб меъморчилик иншоотлари қад кўтарди.

Мамлакатнинг бошқа худудларида ҳам қурилиш ишлари тўхтаб қолмади. XVI асрнинг 60-йилларидан асрнинг сўнгги йилларигача вақтни ўз ичига олган иккинчи даврда Абдуллохон II нинг қаттиққўллик сиёсати туфайли мамлакатдаги ички бирикув қурилиш ва меъморчилик соҳасининг ҳам ривожланишини таъминлади. Бухоронинг пойтахт сифатида қарор топиши шаҳарнинг архитектурасида ўзига хос ўзгаришларни вужудга келтирди. У ерда бир қатор меъморчилик ансамбллари қад кўтарди. Жумладан: Модарихон (1566) ва Абдуллохон (1588-1590) мадрасалари, Говкушон Мадраса майдонида (1570) Хожа Масжид (1598) қурилиши меъморчилик санъатининг ижро уйғунлигини намоён этиди.

Бундан ташқари, 1586-1587 йилларда барпо этилган Чорсу иморати, шаҳарнинг шарқий қисми работида қурилган ҳашаматли Кўкалдош мадрасаси (1568-1569), 1558-1559 йилларда қурилган Мир Муфтий кутубхонаси, Мумо Мирак девон мадрасаси ва шунга ўхшаш кўплаб бинолар XVI аср меъморчилик ёдгорлиги саналади.

Буларнинг барчаси пойтахт Бухоронинг нафақат иқтисодий қудрати ошганлиги, балки юксак маданият маркази сифатида таркиб топиб, уста-меъмор ва санъаткорлар масканига ҳам айланганлигидан далолат беради.

Шунингдек, бу даврда ижтимоий, диний, илмий-маърифий аҳамиятга эга бўлган кўплаб бино ва иншоотлар Мовароуннахрнинг бошқа ўлка ва шаҳарларида ҳам бунёд этилган. Самарқанд шаҳрида Султон Сайид амри билан гўзал боғ ва Чорсу иморати (1567-1568), Жувамарданхон буйруғига кўра жамоат ҳаммоми, (1571-1578), Тошкентда Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари, Балхда Хўжа Камолиддин курдирган масжид ва бошқа ўнлаб бинолар бунга мисол бўла олади.

Россиянинг савдо бўйича Бухородаги вакили инглиз Женкинсон бу давр меъморчилиги ҳақида шундай ёзади: «Бухоро жуда катта шаҳар, унда гиштдан иморатлар, ибодатхоналар, серхашам бинолар кўп... Ҳаммомлар жуда моҳирона солинган бўлиб, дунёда мисли йўқ...».

XVI аср меъморчилигида маҳобатли бинолар, мадрасалар, масжидлар, саройлар, мақбаралар, хонақолар қуриш учун энг яхши уста ва меъморлар жалб қилинган бўлса-да, оддий иншоотлар: савдо-сотик бинолари, бозорларни ободонлаштириш, тўғонлар, кўприклар, карвон йўллари бўйлаб сардобалар қуриш ва бунёд этиш ишларига ҳам катта эътибор берилганлиги ҳам бу даврдаги ўнлаб бино ва иншоотларнинг бизгача етиб келганлигида ўз аксини топади.

Бу даврда меъморчилик билан бир қаторда халқ санъатининг рассомлик, наққошлик каби турлари ҳам ривожланди. Шайбонийхон 1507 йили Ҳиротни қўлга киритганда ўз хизматига бир қанча шоир, олим ва санъаткорларни жалб этган эди. Улар орасида машҳур рассом Камолиддин Бехзод ҳам бўлган. У Шайбонийхоннинг портретини реалистик услубда, катта маҳорат билан чизган. Кейинчалик Ҳиротни забт этган Шох Исмоил Бехзодни ўз хизматига олади. Бехзод ва Шох Музаффар санъатини уларнинг шогирдлари давом эттиради. Бу икки санъат соҳибни ҳақида Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» китобида куйидагича ёзади: «Шох Музаффар... унинг қалами (тасвирий) ғоятда нозик, тиниқ, гўзал ва пишиқдирки, қаровчининг кўзини қамаштиради... Бу ҳунар усталари уни жуда эъзозлайдилар. Бехзод уста мусаввирдир, гарчи шох Музаффардек нозик қўл бўлмаса ҳам, аммо бунинг қалами ундан маҳкамрокдир... – Тасвирда Абулхайрдан кейин... Шох Музаффар ва Бехзоддир... ва улардан кейин, бу кунга қадар, уларга ўхшаш бирор бошқа (рассом) пайдо бўлмади. Бу иккиси амир Алишердан тарбия топганлар».

XVI асрда яшаб ижод этган рассом ва наққошлар ўз замонасида яратилган «Шайбонийнома», «Фатхномаи хоний», «Футухати Шайбонийхон», «Тарихи Абулхайрхоний», «Таворихи гўзида Нусратнома» ва Акбаршоҳ замонида форс-тожик тилига таржима қилинган «Бобурнома» каби тарихий ва адабий асарларни чиройли расмлар, нафис нақш ва гўзал зарҳаллар билангина безаб қолмасдан, балки бу асарларни чиройли фалсафий, рухий, тасвирловчи лавҳалар билан бойитиб, уларни янада жонлантирдилар.

Ўтган асрлардан мерос бўлиб қолган кўпгина олим ва шоирларнинг асарлари бу даврда қайта кўчирилиб, улар ҳам нозик нақшлар ва катта маҳорат билан ишланган миниатюралар билан безатилди.

Жумладан, 1556 йилда Муҳаммад Мурод Самарқандий томонидан Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» асари қўлёзмасига ишланган жанг манзарасини акс эттирувчи миниатюра, Абдурахмон Жомийнинг «Тухрат-ул-ахрор» достонига 1558 йили ишланган «Боғдаги ўтириш» манзарасини тасвирловчи миниатюра, Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ига ишланган «Қабул маросими» манзараси ва бошқа кўплаб миниатюралар ишланди. Бу гўзал ва хайрли ишлар XVI аср маданияти савияси юксак эканлигини кўрсатиб қолмасдан, наққошлик, рассомлик, хаттотлик санъати таракқиётига муҳим ҳисса бўлиб кўшилди. 1510 йилда Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома» достонини кўчириб ёзган котиб Қосим, «насих ва настаълиқда» моҳир, кўплаб шогирдларнинг устози Мавлоно Султон Али Машҳадий, тилшунос олим Ҳофиз, қобилиятли шоир ва истеъдодли хаттот Султон Али Убеҳий, Тожиддин Бухорий, Муҳаммад Амин Бухорий, хожа Муҳаммад ибн Мавлоно Ҳошим Самарқандий, «Малик-ул-қуттоб» («Котиблар подшоҳи») унвонига сазовор бўлган Мавлоно Мир Али каби хаттотлар XVI асрда етишиб чикқан буюк адабиёт ва санъат намояндалари эди.

Хаттотлик санъати айниқса, мураккаб, масъулиятли ва меҳнатталаб ҳунар эканлиги ўша даврнинг машҳур назарийгчи хаттотлари томонидан битилган асарлардан ҳам сезилиб туради. Мир Али томонидан 1515-1519 йиллар орасида хаттотлик ҳақида назм билан ёзилган рисола, 1587 йилда Дарвиш Муҳаммад ибн Дўст Муҳаммад Бухорий томонидан ёзилган «Фавоид-ул-хутут» каби асарлар машҳурдир.

Бу даврда санъатнинг бошқа соҳалари каби мусиқа ва мусиқашунослар ҳам Мовароуннахрнинг турли шаҳарлари, айниқса Самарқанд ва Бухорода анча жонланди. Мусиқа асбобларидан рубоб, най, ғижжак, уд, қўбиз, сурнай, карнай, ноғора, дутор, сетор, чанг, камонча, чилтор, танбур кабилар кенг тарқалган. Мазкур даврда хушовоз Ҳофиз, бастакор, мусиқашунос ва истеъдодли машҳорлардан мавлоно Муҳаммад Амин Муғанний, мавлоно Нажмиддин Кавкабий, мавлоно Нойи, мавлоно Ҳасан

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Кавкабий, мавлоно Ҳожи Муҳаммад, мавлоно Ризо Самарқандий, мавлоно Боқий, мавлоно Нисорий, мавлоно Камалиддин Мир Махмуд, Мирзо Сабрий каби ажойиб санъаткорлар етишиб чикди.

Бу санъаткорлар орасида нужум илмининг билимдони, шоир ва истеъдодли мусикашунос мавлоно Нажмиддин Кавкабий (1473-1533) мусика илмининг амалиётчиси сифатидагина эмас, унинг назариётчиси сифатида ҳам танилган. У мусика бобида янги-янги куйлар басталаш билан чекланиб қолмай, «Рост», «Бузург», «Хижоз», «Ирок» каби мақомларга бағишланган куллиётлар ва кўплаб бошқа асарлар муаллифидир.

XVI асрда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг фарзандлари мактабларда таълим олган. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»да Қундуз шаҳрида бўлган воқеаларни тасвирлар экан, ҳар бир маҳаллада мактаб мавжудлигини, мактабдорлар лутфу иноятда бўлганлигини ёзади. Ўша даврда маҳаллий муаллимлар таълим-тарбия ишларига кенг жалб этилган. Зайниддин Восифий Тошкент вилоятида ўзбек шахзодаси Наврўз Аҳмад хузурида муаллимлик қилган. Бу пайтда болалар олти ёшдан мактабга қабул қилинган. Уларга алифбодан сабоқ берилиб, ёзув-чизувлар ўргатилар эди. Сўнгра болалар мактабдан мадрасага қабул қилинган. Мадрасада асосан диний таълим берилса-да, мадрасадан ташқарида ҳисоб-китоб, шеър ўқиш, мусика, хаттотлик наққошлик сингари махсус хунарлар ўқитилар эди.

Ўша даврнинг вақф ҳужжатларига асосан мадрасада уч гуруҳ: куйи, ўрта ва юқори гуруҳ толиби илмлари бўлиб, нафақа ва озик-овқат шу гуруҳларга қараб белгиланарди. Ҳар бир гуруҳда ўқиш муддати 8 йилдан, жами таълим 24 йиллик ҳисобланарди. Мадраса толиблари мадраса ҳужраларида истиқомат қилган, дарсларга қатнашиш мажбурий бўлиб, тартибни бўзган толиби илмлар ўз вақтида огоҳлантирилиб, жазоланган. Умуман олиб қараганда, XVI-XVII асрларда Бухоро хонлигида шайбонийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан, санъат, маданият, таълим ва бошқа соҳаларда ўзига хос, давр руҳини ўзида мужжасам этадиган, халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти ривожига катта ўрин тутган ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса ўз-ўзидан илмий педагогик фикрларни тараққиётга таъсирини кўрсатди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. 2018 й 15 июнь куни бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги видеоселектор йиғилишидаги нутқи.
2. Асророва Л. Қ. Бухоро мадрасалари тарихидан. – Тошкент: "Ҳилол", 2016.-2-3 б
3. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир ал-аҳбоб (Дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
4. Қазоқов Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия // Бухорои шариф, 2006. 28 июнь.
5. Хофиз Ганиш Бухорий. Абдуллонома. Том-1. С. Мирзаев тарж. Т.: Шарқ, 1999.
6. Камалиддин Бинаи. Шейбанинаме. Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (Извлечения из перс. и тюрк. соч.) / Сост.: С. К. Ибрагимов, Н. Н. Мингулов, А. К. Пишулина, В. П. Юдин. – Алма-Ата: Наука, 1969.

References:

1. Speech of Mirziyoev at a videoconference meeting on June 15, 2018 "Maintaining social stability and preserving the purity of our religion - the requirement of time"
2. Asrorova L. Q. Hilal Publishing House on the History of the Bukhoro Madrassas. Tashkent 2016.-2-3 p3.
3. Hasanhoja Nisari. Muzakkir Al-Ahbob (Friend's Note) / Ismail Bekjan Translated from Persian. Publication of A.Kodiriy's legacy. T.: 1993.
4. Kazakov B. Education and upbringing in old Bukhara madrasah // Bukhara Sharif, 2006. 28 June.
5. Hofiz Confidential. Abdullanoma. Part 1 S. Download Mirzaev. Translated T.: East, 1999.
6. Kamaliddin Binai Sheybaniname. Material of the history of kazakhstan khansst XV-XVIII vekov (From fr. To persp. K. Ibragimov, N. N. Mingulov, A. K. Pishulina, V. P. Yudin. - Alma-Ata: Nauka, 1969.

Муаллиф ҳақида:

Нусратов Анвар Нематжонович-Бухоро Давлат университети таянч докторанти
Ўзбекистон Республикаси Бухоро шаҳри. E-mail: anvar.nusratov.87@mail.ru Тел.: +998914437516

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ УЧИТЕЛЯ ТЕХНОЛОГИИ

Н. Н. Миржанова¹

Мақолада бўлажак ўқитувчилар учун таълим жараёнида касбий компетентликнинг аҳамияти хусусида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: компетентлик, касбий компетентлик, таълим, инновация, даража, қобилият.

В статье обсуждается важность профессиональной компетентности для будущих преподавателей в учебном процессе.

Ключевые слова: компетенция, профессиональная компетенция, образование, инновация, уровень, способность.

The article discusses the importance of professional competence of future teachers in the educational process.

Key words: competence, professional competence, education, innovation, level, ability.

По инициативе президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева утвержден Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах. Приоритетные направления развития страны в 2017 – 2021 годах по 4-раздел 4- пункту: «развитие социальной сферы, направленное на последовательное повышение занятости и реальных доходов населения, совершенствование системы социальной защиты и охраны здоровья граждан, повышение социально-политической активности женщин, реализацию целевых программ по строительству доступного жилья, развитие и модернизацию дорожно-транспортной и инженерно-коммуникационной инфраструктуры, развитие сферы образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, совершенствование государственной молодежной политики;»

Образование – это процесс (или результат) освоения определенных обществом уровней культурного наследия общества и связанных с ним уровней индивидуального развития. Образовательная система должна быть ориентирована не только на прошлое и настоящее, но и на будущее. Современное экономическое состояние общества создало предпосылки необходимости глубокого осознания таких понятий как занятость, конкуренция, инновация в образовании, компетентность и т.д. В связи с этим общество выдвигает перед системой образования новые проблемы и ставит новые цели и задачи. Одна из основных задач профессионального учебного заведения – своевременная реакция на запросы рынка труда: необходимо готовить компетентных в своей деятельности специалистов. Проанализировав большое количество определений понятий «компетенция» и «компетентность», необходимо отметить, что большинство авторов понятие «компетенция» трактуют как «заранее заданное социальное требование к образовательной подготовке педагога», потенциал личности, готовность (способность) актуализировать свой потенциал в профессиональной деятельности.

В профессиональном образовании принято выделять ключевые компетенции, характеризующие универсальность подготовки, социально-профессиональную мобильность специалистов и готовность успешно адаптироваться в разных социальных и профессиональных сообществах и др.

Под ключевыми компетенциями понимают межкультурные и межотраслевые знания, умения и способности, свойства (качества) личности, необходимые для адаптации и продуктивной деятельности. Руководствуясь тем, что в рамках конкретной профессии, наряду с ключевыми существуют специальные компетенции, мы считаем целесообразным рассматривать профессиональную компетентность учителя технологии как единство ключевых и специальных компетенций.

При этом ключевые компетенции учителя технологии отражают культуру педагога и подразделяются на: профессионально-педагогическую, социально-мотивационную, информационную, коммуникативную, креативную. Специальные компетенции интегрируют в себе знание предмета обучения (в данном случае технологии) и методики его преподавания, подразделяются на: целевую, содержательную, проектировочную, рефлексивную, мониторинговую.

Рассмотрим каждой из профессиональных компетенций подробнее.

1. Профессионально-педагогическая компетенция – фундамент педагогической компетентности, она характеризует интегративное единство естественно-научных, гуманитарно-социально-экономических и психолого-педагогических знаний и умений, позволяющих учителю анализировать учебный материал, педагогические ситуации, выбирать способы взаимодействия, формы и методы подачи материала.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЈА

2. Социјално-мотивациона компетенција јавља се показатељем осознања социјалне значајности професије учитеља, способности узети на себе одговорност за предложене нове методичке приступе и њихову реализацију, изражавање супротности личних интереса са потребама конкретног ученика, образовног установе, друштва. Она карактерише моралну културу, идеале, духовне вредности.

3. Информациона компетенција будућег учитеља технологије подразумева владу студентом специјалним вештинама добити, обрађивати и користити неопходну информацију у процесу професионалне активности. Особито место заузима владу новим информационом технологијама, напредним на достизање циљева информатизације образовања путем примене комплекса функционално-зависимих педагошких, информационих, методолошких, психофизиолошких и ергономских средстава и метода.

4. Коммуникативна компетенција карактерише особине комуникативне активности предавача, специфику његовог интеракције са администрацијом образовних установа, колегама на раду, ученицима и њиховим родитељима. Акцент ставља се на интеракцију са ефикасношћу педагошке активности, напредном на достизање образовних циљева.

5. Креативна компетенција – способност к творчеству. Творачки приступ у реализацији педагошке активности јавља се најважнијом објективном карактеристиком активности учитеља. Ово је условљено тиме, што разноврсност педагошких ситуација, њихова нејасноћа захтевају варијативне приступе к анализи и решавању произилазећих из њих задатака.

6. Циљева компетенција учитеља технологије подразумева вештину ставити и реализовати образовне циљеве различитог нивоа и напредности: обучавајуће, васпитавајуће, развијајуће; ближње, средње, даљње; текуће и перспективне; реалне и идеалне; глобалне и личне. Осознавање циља – први корак к реализацији професионалних задатака.

7. Садржајна компетенција карактерише знање учитељем предметног предмета, вештину творачки радити са предметном програмом, израђивати радну програму, изражавајући специфику региона, образовног установе, а такође могућности своје методичке потенцијале, информационог, техничког обезбеђења и, природно, ниво припремљености ученика.

8. Пројективна компетенција укључује у себе вештине педагога предвидети резултате своје активности, одређивати редослед својих дејстава при достизању циља, т.е. сводити уједињено своје педагошку стратегију и тактику. У раду учитеља технологије добијено распрострањење два вида пројектовања: педагошко (пројектовање конкретних часова или система активности по технологији, обједињених једним блоком или одељком) и техничко-технолошко (пројектовање материјалних објеката или услуга).

9. Рефлексивна компетенција повезана са интегративном, неотуђивом способношћу учитеља оценити свој труд уједињено, вештином увидети причинско-последственике везе између његових задатака, циљева, средстава, услова, резултата. Испитивање постаје извором методичког напретка учитеља само у оној мери, у којој он јавља се објектом структурираног анализе: неотрефлексивна пракса некорисна и са временом води не к развоју, а к професионалној деградацији учитеља.

10. Мониторингована компетенција учитеља технологије карактерише вештине педагога праћивати процес учења и споредити реално добијене резултате са планиранима, т.е. обезбедити квалитет образовања. Педагошка дијагностика – саставни део мониторинга, она укључује у себе контролу, проверу, оцену, акумулацију статистичких података, њихову анализу, изражавање динамике, прогнозирање података.

У складу са општепријатим нивоима учења и реализације у професионалној активности знања, вештина и професионално-личних квалитета (осмисливање, репродукција, примене у нестандартним ситуацијама, примене на ауторским концептуалним основама) нами издвојено 4 нивоа сформисаности професионалне компетентности учитеља технологије: појединачно-суштине, практично-дејствителни, светогледи, концептуални.

Појединачно-суштине ниво повезан са осознавањем будућим учитељем социјално-економских, морално-етичких, образовних захтева, које изражава друштво к активности учитеља технологије.

Практично-дејствителни ниво подразумева владу скупношћу знања, вештина и личних квалитета, обезбеђивајућих вештину израђивати и користити предметно-методичку

документацию, решать типовые профессиональные задачи и выполнять виды деятельности, характерные для учителя технологии.

Мировоззренческий уровень связан с наличием профессионального опыта, творческого потенциала и мировоззренческих идей, обеспечивающих готовность к профессиональному самосовершенствованию и повышению эффективности преподавания технологии.

Овладение концептуальным уровнем сформированности предполагает наличие глубоких и системных методологических знаний, совокупность которых обеспечивает создание авторской концепции технологического образования и профессионального саморазвития.

Реализация компетентного подхода в профессиональной подготовке учителя технологии позволяет:

- конкретизировать задачи профессиональной подготовки на новых позициях;
- построить модель подготовки учителя технологии;
- разработать на основе выбранной таксономии целей систему однозначно диагностируемых показателей сформированности профессиональных компетенций;
- разработать критерии диагностики и мониторинга профессионального становления.
- воспитывать учеников в духе уважения и почтения наших национальных ценностей.

Литература:

1. Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годы
2. Шадриков В.Д., Кузнецова И.В. Формирование профессиональной компетенции. *Справочник заместителя директора школы, № 8, 2012*
3. Жуков Г.Н. Основы общей и профессиональной педагогики: учебное пособие /Г. Н. Жуков, П. Г. Матросов, С. Л. Каплан /Под общей ред. проф. Г. П. Скамницкой. – М.: Гардарики, 2005. – 382 с.

Сведения об авторе

Миржанова Наргиза Норкуловна – учитель кафедры обучения труд Бухарский государственный университет. E-mail: nmirjanova1981@mail.ru

КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЁҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

О.Мухидова¹

Мақолада технология фани ёқитувчисининг касбий компетентлиги хусусида фикр юритилган. Технология фани дарсларини ёқитишда инновацион таълим технологиялари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, шунингдек, технология фани ёқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолиятнинг ўрни ҳақида ҳам кенг маълумот берилган.

Калит сўзлар: технология фани, компетентлик, касбий компетентлик, ижодкорлик, ижодий фаолият.

В статье представлен обзор профессиональная компетентность преподавателя предмет технологии. Существует также обширная информация об использовании инновационных технологий обучения, информационных и коммуникационных технологий на уроках преподавания предмет технологий и роли творческой работы в формировании профессиональной компетентности учителей технологии.

Ключевые слова: технология, компетентность, профессиональная компетентность, творчество, творческая деятельность.

The article presents an overview of the professional competence of the teacher subject technology. There is also extensive information on the use of innovative teaching technologies, information and communication technologies in teaching lessons, subject of technology and the role of creative work in shaping the professional competence of technology teachers.

Key words: technology, competence, professional competence, creativity, creative activity.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Маълумки, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадини келажакда амалга оширадиганлар ёшлар, яъни ҳозирги талабалардир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз» асарида ёшларга замонавий билим бериш, мустақам позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш лозимлиги, уларни маънавий-маърифий соҳадаги ишларни сусайтирмай янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда иқтисодий юксалиш ишларини амалга оширишда, албатта, замонавий фикрлайдиган, соҳаси бўйича кучли билим ва салоҳиятга эга ёшларимиздан умид каттадир.

Баркамол шахс тарбиясида, албатта, технология фанининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ушбу ўқув фани ўқувчиларда ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, меҳнат жараёнлари ҳақида кенг тушунча ҳосил қилиш, меҳнатга оид кўникма ва малакаларини ривожлантириш каби таълимий мақсадларга хизмат қилади. Шунингдек, ёшларни меҳнат ва касбларни кадрлашга ўргатиш, ижтимоий ҳаётда уларнинг аҳамиятини тушунтириш, касб асослари (технологияси) ҳақида билим ҳосил қилиш ҳамда мактаб давридан болада касбий тайёргарликни шакллантириш технология фани ўқитувчиларининг асосий вазифасига киради. Хусусан, меҳнат қуроллари, воситалари, жараёнлари, ҳудудий ишлаб чиқаришнинг асосларини ўргатиш, техника ва технологиялар асосида эгалланаётган касб-хунар соҳаси хусусиятлари, шу соҳанинг илғор вакиллари фаолияти билан таништириш ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида технология фанининг асосий мақсадидир.

Ҳозирги замон дунё таълим тажрибасида компетентли ёндашув кенг тарқалган. «Компетенция» марказий тушунча сифатида таълим тизимининг барча билим ва кўникмаларини ўзида бирлаштиради. «Компетенция» тушунчасида таълим моҳияти шаклланиб, ғояси мужассамлашади. Унинг аниқ натижаларини кўзлаган мақсади – компетенциянинг энг муҳим қирралари, доимо ривожланиш табиатига эга бўлган, универсал билимлар асосида шаклланган мустақил фаолият тажрибаларидан иборат маданият ва фаолиятнинг кенг тармоқларига тааллуқли унсурларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан талаба ёшларнинг интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан қай даражада камол топишларига боғлиқ.

Бўлажак технология фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳамда замонавий илмий-техник билимлар негизида шаклланган психопедагогик, умумкасбий ва махсус тайёргарлиги ҳам белгилайди.

Яқуний мақсад нафақат бўлажак технология фани ўқитувчисининг мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодирлигини қайд этади, балки уни умуминсоний тараққиёт ҳамда ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги истиқболли муаммоларини ҳал этишга йўналтиришни англатади.

а) умумий малакавий компетенциялар:

– интеллектуал, маданий, ахлоқий, жисмоний, касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишига кўра ва амалга ошира олиш;

– тарихий мерос ва маданий анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ижтимоий ва маданий тафовутларни бағрикенглик билан қабул қила олиш;

– тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва қонуниятларини, тарихда зўравонликнинг салбий роли, инсоннинг тарихий жараёндаги, жамиятнинг сиёсий тузилишидаги ўрнини тушуна билиш;

– дунёқараш, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган фалсафий муаммоларни тушуниш ва уларни таҳлил қилиш;

– ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;

– ахлоқий ва ҳуқуқий меъёр ҳамда мажбуриятларни ҳисобга олгани ҳолда мақсадга эришиш йўлида қатъиятни намоён қилиш;

– оғзаки ва ёзма ҳамда фикрлаш маданиятига эга бўлиш, асосли, аниқ баён қилиш қобилиятини эгаллаш;

– тўпланган тажрибани танқидий қайта англаш, зарур ҳолларда ўз касбий фаолият тури ва характерини ўзгартира олиш;

– касбий фаолиятда тикувчилик буюмларини яқка тартибда лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва безаш, майший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ва юритишга тайёр бўлиш;

– замонавий ахборотлашган жамиятда ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, бу жараёнда юзага келадиган таҳдид ва хавфларни англай олиш, ахборот хавфсизлиги бўйича асосий талабларга риоя қилиш, жумладан, давлат сирини сақлаш;

– ахборотни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий метод, усул ва воситаларини эгаллаш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

– глобал компьютер тармоқларида ахборот билан ишлаш қобилиятига эга бўлиш;

– чет тиллардан бирини сўзлашув даражасидан паст бўлмаган даражада эгаллаш;

– жисмоний тарбия ва саломатликни мустаҳкамлашнинг мустақил, методик жиҳатдан тўғри воситаларини эгаллаш, тўлақонли ижтимоий ва касбий фаолиятни таъминлаш учун жисмоний тайёр-гарликнинг зарур даражасига эришишга тайёр бўлиш.

б) касбий компетенциялар, жумладан:

–*назарияни амалиётга татбиқ этиш бўйича*: умумтаълим мактабларида ўқитиладиган технология фани, сервис хизмати йўналишидаги газламашунослик, тикувчилик жиҳозлари, пазандачилик жиҳозлари, тикув буюмларини конструциялаш ва моделлаштириш, тикув буюмларини тикиш технологияси, пазандачилик асослари, материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси, Давлат стандартлари моҳиятини, хизмат кўрсатиш соҳасига оид фанларнинг долзарб масалаларини илғай олиши ва таълим олувчиларга етказа олиши;

Технология фанининг ўқитилиш самарадорлигини оширишда амалий машғулотлар асосий ўринни эгаллайди. Амалий машғулотларда ўқувчилар бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш орқали (саноат, қишлоқ хўжалик ва умумий овқатланиш корхоналари, устахоналар, ташкилот, муассасаларда ёки ҳунарманд усталар ҳузурида) бозор муносабатлари қоидаларини ўрганиши ҳам асосий вазифа бўлиши керак.

Амалий машғулотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Экскурсиялар уюштириш (тарихий-географик, ишлаб чиқариш объектлари, музейларга ёки кинолавҳа, видеороликлар орқали);

2. Устахонада ёғоч ва металдан, тикув материалларидан уй жиҳозлари тайёрлаш.

Дарс жараёнида ўтказиладиган амалий машғулотлар қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) мактаб ўқув устахонасида олиб бориладиган машғулотлар мазмуни –ёғоч ва материалларни қўлда ишлашда қўлланиладиган асбоб-ускуналар билан муомала қила билишни ўргатиш. Амалий фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

2) мактаб тажриба ер майдонида олиб бориладиган машғулотлар мазмуни – ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти, уларнинг яшаш тарзи ва ривожланишларини чуқурроқ ўрганиш, турли мазмунда тажрибалар ўтказиш орқали амалий меҳнат қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

3) махсус жиҳозланган хоналарда олиб бориладиган машғулотлар мазмуни – турли асбоб-ускуна ҳамда кимёвий моддалар ёрдамида табиатда рўй берадиган ҳодисалар моҳиятини ўрганиш, ўзлаштирилган назарий билимларни қўллай олиш борасида кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш.

–*метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича*: анъанавий ва ноанъанавий методлар, фан ва мавзуларни ўргатиш вақтида илғор таълим технологияларни танлай олиш, ўз фанларида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиш, фактларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, шу асосда ҳулоса чиқара олиш;

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

–*илмий-методик ишларни амалга ошириш бўйича*: ҳар бир мавзунинг илмий-назарий, илмий-методик, психологик хусусиятларини ёрита олиш, ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориш, фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиш, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

–*маънавий-маърифий ишлар бўйича*: ҳар бир таълим олувчининг руҳий, ахлоқий ҳолатини билиш, яқка тартибда таълим олувчилар ва гуруҳ билан ишлай олиш, маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, таълим олувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, диний экстремизмга қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

– *ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича*: дарс типларини билиш ва уларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, ўқув режа ва фан дастури, тематик режани тайёрлай олиш, таълим муассасаси методик бирлашмаси ишини режалаштириш ва раҳбарлик қила олиш, дарс жадвалининг

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

тузилиш тамойилларини билиш, электрон дастурий воситаларни амалиётга татбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши, фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши, таълим муассасасига раҳбарлик қилишни билиши керак.

Барча фанларда бўлгани каби технология фанининг ўқитилишида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорликка хизмат қилади. Жумладан, технология фани дарсларида ахборот мажмуи – маълумотнома, мултимедия, мавзуга оид технологик харита, иш қобилиятини ташкил этишга оид филм, тарқатма материал, кўргазмалар курул, схема, расм, чизма, анимация, матнлар, тасвирий ахборотнинг статистик ва динамик ифодалари, овозли образлардан (ёзилган овоз, мусиқа ва бошқалар) фойдаланиш мумкин.

Электрон тақдимот, яъни дарсда слайдлардан кўргазмалар материал сифатида фойдаланиш ўқитувчи учун кенг имконият яратади. Ҳозирги кундаги янгилардан хабардор бўлиш ва улардан таълим самарадорлигини оширишда фойдаланишда интернет тармоғи муҳим рол ўйнайди.

Касбий компетентлик таҳлил қилинар экан, технология фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолиятнинг урни бекиёсдир. Технология фани ўқитувчисининг компетентлиги таркибига ижодий изланувчанлик, ижодкорлик ҳамда янгиларга қизиқиш каби сифатлар киритилиши асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Назарий компетентлик – бутун бир йиғилган билимлар жамланмаси булиб, ундан фойдалана билиш ва уни янада бойитиб бориш демакдир.

Ижодкорлик моҳиятини ўрганиш, айтиш жоиз бўлса, ўта мураккаб масала саналади. Чунки унинг зиммасига табиатни ўрганишнинг муҳим методологик масалаларини ечишдек вазифа қўйилади.

Ижодкор, мустақил фикрловчи шахсларни тарбиялаш вазифалари, аввало, умумий ўрта таълим тизимида амалга оширилади.

Ижод – инсоннинг фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилар яратиши, кашф этиши билан боғлиқ мураккаб психологик жараёнлар.

Ижодкорлик сўзининг ижтимоий адабиётларда бир қатор синонимлари мавжуд. Улар кўп ҳолларда новаторлик, ижодий қобилият, самарадор фаолият, ижодий фаолият, эвристик фаолият, ижодий фаоллик, фикрлашнинг ижодий усули, ижодий потенциал, ижодий изланувчанлик каби сўзлар билан изоҳланади.

М.Г.Яршевскийнинг фикрига кўра, ижодкорлик янгилар яратиш демакдир. Уни шундай тушуниш керакки, «субъектнинг тасаввурлари янгиланади ва ҳулқ-атвори яхшиланади, у яратган ва инъом этаётган маҳсулотлари ҳам». Бу белгиларни у ёки бу шаклда кўплаб ижодкорлар фаолиятида кузатиш мумкин.

Бизнингча, ижодкорликни аниқлашда С.Рубинштейннинг фикрлари аниқ ва лўнда баён этилган. Унинг таъкидлашича, «Ижодкорлик қандайдир янгилар яратувчи фаолиятдир. У ижодкор юксалиши тарихига янгилар олиб қиради. Шу билан бирга фан ва маданият тараккиёти тарихида ҳам ўз изини қолдиради».

Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, ижодда билим, тажриба, истеъдод намоён бўлади. Абу Наср Форобийнинг таърифига кўра “ижод – билиш жараёнида шундай улғу фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак”. Дарҳақиқат, ижод қилиш жараёнида инсон изланади, кузатади, тадқиқотлар олиб боради, натижаларни таҳлил қилиб мантикий ҳулосалар чиқаради. Ҳулосанинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тажрибада синаб борилади.

Ижодий фаолиятни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу жараёнга психологик жиҳатдан етарлича тайёр эмасликлари мураккаблаштиради.

Мунтазам равишда муайян метод, шакл, воситаларга таяниб қолиш – янги вазиятларга мослаша олмаслик, қўлланмаган вазиятларда иш юрита олмасликка олиб келади. Бу психологик ҳолат сифатида турли шаклларда намоён бўлиши мумкин, жумладан: ўзгалар фикр ва мулоҳазаларини умуман қабул қилмаслик; умумий қабул қилинган нуқтаи назардан қатъий ҳимояланиш; янги мазмун ва воситаларга нисбатан эски методларни қўллаш; янги методларда эски усулларнинг сақланиб қолиши; умуман янги масалани ечишда анъанавий усулларни қўллаш каби.

Ижодкорлик – «қайта шакллантириш», «мавжуд шакл унсурлари ёрдамида янги шакл яратиш демакдир». «Қайта шакллантириш» ижодкорлиги ўз ичига олдиндан маълум бўлган шаклга ўхшаган янги шаклни кашф этишдир, яъни бу жараён муносиб бўлмаган шаклни, муносиброғи билан алмаштиришни ўз ичига олади. Бу дегани олдингига караганда мукамалроқ таркибий қисмларни жойлаштириш демакдир. Шу каби ижодкорликни ўрганиш имкониятларини исботлаш учун қандай эвристик, яъни янги тақлиф ва йуриқномаларимиз борлигини кўрсатишимиз зарур.

Имкониятларни, янги йўллارни фаол излашимиз, нарсаларни ўрганиш, қўлланувчи ва тахминий фикрларни аниқлаш билишимиз даркор. Бу ҳолда ўрганиш имкониятлари асосий йўналишларни

идрок килиш, йўл ва чораларни фаол билишга интилишни такозо қилади. Албатта, топилган шакл-қоидаларимизга бўйсундирилиши даркор.

Ижодкорлик «бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш»дир, бу жараёнда қоидаларнинг янги қолип, чизмаси, маълум тузилмаларнинг янги тури юзага келади. Янги яратилган шакллар эски шаклларнинг янги талқини бўлмайди. Лекин нарсаларни англашнинг ҳақиқатан янги усуллари ва янги шакллари сифатида пайдо бўлади.

Ижодкор шахс қоидалар яратилиши биланок уларга суянган холда янги қоидалар яратиш устида иш бошлайди. Ундан сўнг фаолият шакллари очиш, олдин ҳеч қачон қўлланилмаган шаклларни кашф этиш учун бош қотиради.

Бўлажак технология фани ўқитувчисининг касбий компетентлигининг шаклланиши ҳақида фикр билдирар эканмиз, у фаолияти давомида:

- анъанавий вазиятларда янги муаммоларни ҳис этади;
- дарснинг ноанъанавий усуллари кўллаш олади;
- ўқув машғулотининг якуний натижасини олдиндан кўра олади;
- янги муаммоларни ҳал этишда фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган усуллари ва йўллари кайта ишлайди;
- принципиал янги йўллар топиш ниятида эскириб қолган йўллардан воз кечади.
- белгиланган режаларни бажариш иштиёқи кучли бўлиб, катта ҳажмдаги ишларни бажаради;
- ўз ғояларини ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлади;
- жамоатчиликнинг эътирозларини тўғри қабул қилади, тушкунликка тушмайди, сабр билан максадига содиқ қолади.

Ижодкор ўқитувчи юзага чиққан муаммоларни ҳал этиш юзасидан мунтазам равишда чора қидиради. Ўз фаолиятининг метод ва йўллари узлуксиз равишда такомиллаштириб боради.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш жоиз бўладики, бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда инсоннинг ижодкорлик фаолияти, ижодий фикрлашининг асосий унсурлари шаклланиши даражаси катта таъсир кўрсатади ва ўқитувчилик фаолиятининг сермахсул бўлишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик ва ахборот технологияларнинг тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Унинг ўқитувчилик фаолиятидаги касбий компетентлиги шиддат билан ривожланаётган давр талабларига мос келсагина, юксак билимли рақобатбардош мутахассислар яратилишига замин яратилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: “Фан ва технология”, 2013.
3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.

Муаллиф ҳақида маълумот

Мухидова Олима Нурилловна – Бухоро Давлат университети меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси. E-mail: muxidova2012@mail.ru

АХБОРОТ - ТАЪЛИМ МУҲИТИ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ФАНИ БЎЙИЧА МУЛЬТИМЕДИЯЛИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАСАЛАЛАРИ

О.А.Ҳамидов¹

Ушбу мақола техника олий таълим муассасаларида ўқитиладиган меҳнат муҳофазаси фани бўйича ўқув материалларини интеграция, кўرғазмаллик, индивидуаллаштириш, эмергентлик (пайдо бўлиш) ва пертинентлик (мослик) тамойиллари асосида тизимлаштириш орқали ўқитишнинг мультимедияли воситаларини яратиш масаласига қаратилган.

***Калит сўзлар:** ахборот, ахборот-таълим муҳити, ахборот-методик воситалар, мультимедияли ўргатувчи мажмуа.*

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

В статье рассмотрены задачи создания мультимедийного обучающего комплекса по предмету охрана труда преподаваемого в технических высших учебных заведениях, путем систематизации учебных материалов на основе принципов интеграции, наглядности, индивидуализации, эмерджентности и пертинентности.

Ключевые слова: информация, информационно-обучающая среда, информационно-методические средства, мультимедийный обучающий комплекс.

The article discusses the tasks of creating a multimedia teaching complex on the subject of labor safety taught at technical higher educational institutions, by systematizing educational materials based on the principles of integration, visualization, individualization, emergence and pertinent.

Key words: information, information and training environment, information and methodological tools, multimedia teaching complex

Бугунги кунда таълим мазмуни ва сифати масалалари жамият ривожланишининг устувор йўналиш сифатида қаралиб, дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, янги ахборот технологияларини жорий этиш масалалари оммалашмоқда. Ахборот-коммуникацион технологияларининг таълим соҳасига кенг кириб бориши эса ўз навбатида ўқитишга янгича ёндашувни жорий этишни талаб қилади.

Республикамизда таълим тизимини ахборотлаштириш жараёни давом этаётган айни пайтда олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича фаол изланишлар олиб бормоқда. Ушбу усуллардан бири эса олий таълим муассасаларида алоҳида олинган фанларнинг ўқув-методик таъминотини ўқитишнинг анъанавий инновацион педагогик ҳамда ахборот технологияларининг уйғунлашуви асосида янгилашдан иборот. Бундай шароитда фанларни ўқитиш усулиётида сифат жиҳатдан ўзгаришларни амалга ошириш, алоҳида фанлар бўйича электрон ўқув-усулий мажмуалар яратиш ва уларни ахборот-таълим муҳитига бирлаштиришни тақозо этади.

Мазкур ишда ушбу муаммоларни ҳал этишнинг баъзи бир жиҳатлари олий таълим муассасаларида ўқитиладиган меҳнат муҳофазаси фани бўйича ўқитишнинг мультимедияли воситаларини яратиш мисолида қараб чиқилган.

Техника йўналиши олий таълим муассасаларида ўқитиш кўзда тутилган меҳнатни муҳофазаси фани бўйича талабаларга етказиладиган ўқув материаллари бу билимлар, усуллар ва фаолият тажрибаси, эмационал-қадриятли муносабатлар тизимидир [2,3].

Билимлар ўқув материалининг таркибий қисми сифатида куйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги умумий тасаввурни шакллантирувчи – антологик;
- ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни эсга олиш ва эсда тутишни таъминлайдиган –меъёрий;
- ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ва муҳимлиги ҳақида ахборот берувчи –мотивацион.

Билимларнинг ушбу функциялари атама, тушунча, назария, далил, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, схема, жадвал, иллюстрация, хулоса ва бошқа воситалар ёрдамида акс этирилади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўқитишни мультимедияли воситалар орқали ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги билимлар иерархик (дарахтсимон) тузилма шаклида берилиши мумкин эмас, чунки улар турли соҳалардан танлаб олинади. Шу билан бирга, юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва улар ўртасида алоқа ҳамда муносабатларни ўрнатиш, талабаларда билимларни онгли идрок қилиш ва эслаб қолиш компетенцияларни шакллантириш имконини беради[4;5].

Фаолият усуллари эса талабалар томонидан кўникма ва малакалар кўринишида ўзлаштирилади. Мультимедияли восита таркибига киритилган фаолият усулларини куйидаги икки груҳга ажратиш мумкин:

- предметли (машқлар, тестлар, компетентли йўналтирилган топшириқлар, практикумлар, лойиҳалаш, ахборот ва дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, ҳисоблаш, конструкториялаш ва бошқалар);
- ташкилий (библиография тузиш, идрок этиш, таҳлил қилиш, ҳисоботларни тузиш, техник ҳужжатлар ва бошқалар).

Бу фаолият турлари ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга тайёргарликни шакллантиришга ёрдам беради .

Ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолият тажрибаси муаммоли масалаларни ечиш ва лойиҳалаш – конструкторлик ишларини бажариш орқали ўзлаштирилади.

Талабаларда меҳнатни муҳофаза қилишга эмоционал-қадриятли муносабатни шакллантириш эса ишлаб чиқариш объектлари ва вазиятларини баҳолашга йўналтирилган махсус топшириқларни киритиш орқали ҳал этилиши мумкин. Масалан, электр хавфсизлиги ва электр қурилмаларнинг химоя ускуналари бўйича мультимедияли ўргатувчи мажмуа таркибига нафақат ерга улаш мосламаларни монтаж қилиш алгоритми, балки ерга улаш мосламасининг ташқи контурини монтаж қилишда бажариладиган операцияларнинг бузилишлари билан боғлиқ ишлаб чиқариш вазиятлари ҳам киритилган.

Бундай вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида талабаларда ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган касб касалликларидан огоҳлантириш, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, шунингдек ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ташкил этишга барқарор йўналганлик шаклланади.

Мультимедияли ўргатувчи мажмуада ўқув материални тузилмалаштиришни куйидаги умум-педагогик ва махсус тамойиллар асосида амалга оширилиши аниқланди [1;5]:

– фаолият тажрибасини ўзлаштиришга, шунингдек, эмоционал-қадриятли муносабатни шакллантиришга йўналтирилган ўқув материални компонентларининг тизимли яхлитлигини таъминловчи интеграциялаш;

– муҳофаза қилишга эмоционал-қадриятли муносабат тажрибасини шакллантиришни кўзда тутувчи кўргазмалилик;

– индивидуал таълим траекторияларини ва ўқув материалнинг талабалар томонидан интериоризациялаш йўли билан ўрганишни таъминлайдиган шахсийлаштириш;

– ўқув материални компонентлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатишга мўлжалланган ва мультимедияли ўзгатувчи мажмуада унинг компонентларига хос бўлмаган хусусиятларни шакллантиришни таъминлайдиган эмерджентлик;

– ўқув материалнинг касбий йўналганлигини таъминловчи ва унинг талабаларнинг ахборот эҳтиёжларига мослигини таъминлайдиган пертитентлик.

Ўқув материални компонентларининг тизимли яхлитлигини таъминлайдиган интеграция тамойили фанлараро ўзаро таъсирлашув ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқа, касбий таёргарлик технологиясини кўзда тутуди. Мультимедияли воситада ўқув материални тизимлаштириш учун интеграция тамойилининг куйидаги жиҳатлари эътиборга олинди:

1. Ўқув режада ўқитиш кўзда тутилган фанлар билан фанлараро ўзаро алоқалар ўрнатиш:

– гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий фанлар. Ўзбекистон ҳуқуқий тизими ва Қонунчилиги асосларини билиш;

– табиий-илмий ва умумкасбий фанлар: асосий физик ва техник ходисаларни, жараёнларни уларга оид фундаментал тушунчаларни, классик ва замонавий физика ва техника қонунлари ва назарияларини ҳамда тамойилларни билиш;

– касбий фанлар: лойиҳалаш ва объектнинг барқарорлигини баҳолаш.

2. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини биргаликда ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш билан куйидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш: ишлаб чиқаришга оид лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда иштирок этиш; топшириқ бўйича илмий-техник ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштиришни амалга ошириш; лойиҳаланаётган объект намуналарининг стендли ва саноат синовларида иштирок этиш: мавзу бўйича ҳисоботлар тузиш.

3. Педагогик жараёнга шахсий мўлжаллаш омили асосида технологияларни комбинациялаш, талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш, ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва реконструкция қилиш, касбий тайёрлаш жараёнини бошқариш самарадорлиги ва ташкил этилиши, асосий таълимий дастурларни модулли – компетентли қуриш, шунингдек, касбий тайёрлаш методларини (гносеологик фаолиятли рағбатлантириш ва мотивациялаш, назорат ва ўз-ўзини назорат) комбинациялаш амалга оширилади.

Кўргазмалилик тамойили меҳнатни муҳофаза қилишга эмоционал-қадриятли муносабат тажрибасини шакллантиришни амалга оширишга имкон беради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фани бўйича мультимедияли воситада ўқув материални кўргазмалилик тамойили асосида тузилмалаштириш куйидаги компонентларни ажратишга имкон беради:

– матнли компонент: асосий (назарий-билиш), қўшимча (хужжатли хрестоматик) ва тушунтирувчи (эслатма, луғатлар, иловалар) матнларни ўз ичига олади;

– намоиш компоненти: расм, чизма, схема, диаграмма, фото, видео, технологик харита, плакат, белги, ишлаб чиқариш хавфларини таҳлил қилиш воситаларини ўз ичига олади;

– назорат компоненти: саволлар, топшириқлар, тестлар, машқларни ўз ичига олади;

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

– мўлжалли компонент: кириш, мундарижа, кўрсаткичлар; гиперилловалар, адабиётлар рўйхати ва интернет-ресурсларни ўз ичига олади. Масалан, мультимедияли воситанинг “Автомобил йўлларини куриш ва улардан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги” мавзуси ўқув материалларига қуйидагилари киради:

- 1) йўл куриш ишларини олиб боришда банд бўлган асосий касблар бўйича назарий-билиш матнлари, ҳужжатли - хрестоматия ва эслатмалар, луғат ва иловалар;
- 2) турли курилиш техникаларини қўллаш ва ишларни бажариш шароитлари акс этган, ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш бўйича график плакатлар;
- 3) кўргазмали тарқатма материал сифатида фойдаланиладиган график қўлланма;
- 4) материалнинг талабалар тамонидан мустақил ўрганилиши учун мўлжалланган ўргатувчи дастур;
- 5) таълимнинг барча босқичларида талабалар билимини автоматлашган назорат қилишни амалга оширувчи назорат дастури.

Индивидуаллаштириш тамойили талабаларнинг индивидуал қобилиятларини аниқлаш, фикрлашнинг индивидуал усулини такомиллаштириш ва индивидуал таълим траекториясини куришга йўналтирилган.

Мультимедияли восита ўқув материални индивидуаллаштириш тамойили асосида тизимлаштириш қуйидаги компонентларни ажратишни назарда тутиши аниқланди:

– ташхислаш компоненти талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш имконини беради;

– субъектив компонент: индивидуал таълим траекторияларини куриш учун ўқув материални локаллаштириш имконини беради;

– компаратив компонент: яқин истиқболли ривожланишга мос ўқув материалнинг ўзлаштирилиши самардорлигини ошириш масалаларини кўйиш учун касбий тайёргарликнинг дастлабки ва жорий даражаларини таққослаш имконини беради.

Масалан, “Автомобил йўлларини куриш ва улардан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги” бўйича мультимедияли восита ташхислаш компоненти билимлар даражасини текширишни амалга ошириш, талабалар билан уларнинг қобилиятлари ва билимларини аниқлаш мақсадида график плакатда тасвирланган мавзу бўйича ишлаб чиқариш вазияти ҳақида суҳбат ўтказиш имконини беради.

Субъектив компонент йўл курилиш ишларини амалга оширишда банд бўлган иш турлари ва ишчи мутахассислари учун график қўлланма ва ўқув дастурини ўз ичига олади ҳамда у алоҳида ўқув модулларига ажратилган, уларнинг ҳар бири маълум ишлаб чиқариш вазиятлари, ишларни амалга ошириш хавфсизлигига таъсир этувчи алоҳида ишчи операциялар ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Компаратив компонент доирасида график плакатларни қўллаб таълимнинг бир нечта босқичида талабалар билан мулоқат ўтказиш, талабаларга плакатнинг у ёки бу лавҳасига изоҳ бериш таклиф этилади. Ишларни хавфсиз ташкил этиш элементларини ажратиш, қўйилган ишнинг мураккаблигига ечимнинг тўғрилиги ва тезлигига қараб натижаларни балли тизимда баҳолаш амалга оширилади.

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида индивидуаллаштириш тамойилини амалга ошириш меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув материални талабалар тамонидан интериоризация қилишга имкон бериш аниқланди.

Эмерджентлик тамойилининг амалиётда қўлланиши ўқув материаллари компонентлари орасида шундай ўзаро алоқаларни эса мультимедияли ўргатувчи мажмуада янги хусусиятларнинг шаклланишига имкон беради. Масалан, фавқулотда вазиятларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқаришда ўқув материални мультимедияли ўқув мажмуасини эмерджентлик тамойили асосида қуйидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш имконини беради:

– ишлаб чиқаришда фавқулотда вазиятларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув материални самарали ўзлаштириш фанлараро ўзаро алоқа, ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқа, касбий тайёрлаш технологияси ва методларини комбинациялашнинг тизимли яхлитлиги шароитида эришилади;

– фавқулотда вазиятларда ишлаб чиқаришда башоратлаш ва ҳолатни баҳолаш методикаларини ўзлаштириш сифати даражаси, индивидуал таълим траекторияларини куриш учун ўқув материални шакллантириш шароитида амалга ошади;

–касбий компетенцияни ўзлаштириш, фавкулотда вазиятларда ишлаб чиқаришда башаротлаш ва вазиятни баҳолаш методикалари бўйича тажрибаларни ўтказишда, ўтказилаётган тадқиқот баёнини тузиш ва натижаларни тизимлаштиришда талабаларнинг тўлиқ иштироқи таъминланади;

–умуммаданий компетенцияларни шакллантиришга эса мультимедияли ўргатувчи мажмуага фавкулотда вазиятларда ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишни этник баҳолашга йўналтирилган махсус топшириқларни киритиш шароитида эришилади.

Фавкулотда вазиятларда ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув материалини ўзлаштириш, таянч (мажбурий) фанлар (модулар) мазмуни билан аниқланадиган билим, кўникма ва малакаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш шароитида мувофақиётли бўлади;

– фавкулотда вазиятларда ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув материални интериоризациялаш уни аудиториядан ташқари ишларда (хорижий компаниялар давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, вакиллари билан учрашувларда эксперт ва мутахассисларнинг мастер класслари) қўллаш шартида муваффақиятли бўлади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, меҳнатни муҳофаза қилиш фани бўйича ўқишнинг мультимедияли воситасида ўқув материални интеграция, кўргазмалилик, индивидуаллаштириш, эмерджентлик ва пертинентлик тамойиллари асосида тузилмалаштириш, ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ахборот-таълим муҳитини яратиш имконини беради.

Адабиётлар

1. Семенова Н.Г. Теоритические основы создания и применения мультимедийных обучающих систем лекционных курсов электротехнических дисциплин. Оренбург: “Вестник”, 2007. –317 с.

2. Х.Рахимова ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.

3. О. Юлдошев ва б. Меҳнатни муҳофаза қилиш.- Тошкент: “Меҳнат”, 2001.

4. K.T. Olimov, D.A. Sayfullaeva, D.O.Khimmataliev, S.Y.Ashurova, F.H.Gaffarov. “Teaching Special Subjects for Students with Disabilities in Preparation for the Profession by Using Innovative Educational Technologies”. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1S, November 2019-p 425-429.

5. A.R.Zhuraev Methods of applying virtual laboratories in teaching hydraulics and heat technology // “European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences”. -Great Britain. 2019. №7 (7). – P. 35-40.

Муаллиф ҳақида маълумот

¹Ҳамидов Одил Абдурасулович, Жиззах политехника институти Касб таълими кафедраси ассистенти

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСОФАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ш. Ф.Давронова¹

Мақолада масофавий технологиялардан фойдаланиш жиҳатлари ва уларнинг ўқув ахборотларини сақлаш, қайта ишлаш хусусиятларининг ривожланиши олий таълим муассасалари мисолида кўриб чиқилган. Таълим сифатини таъминлашда масофавий технологияларнинг ўрни ва дидактик аҳамияти, булутли технологиялар, булутли тизимни тарқатишнинг моделлари ҳамда уларни ўқув жараёнида фойдаланиш имкониятлари, бошқа интернет-ресурсларидан фарқли хусусиятлари, унинг ижобий томонлари таҳлил қилинган. Шунингдек, булутли технологияларни жорий этишидаги айрим муаммолар, бу технологиянинг фойдаланувчи ва педагогларнинг имкониятларини янада кенгайтириши батафсил баён этилган.

Калит сўзлар: таълимни ахборотлаштириш, электрон таълим ресурслари, ахборот - таълим муҳити, масофавий таълим, булутли технологиялар, платформалар, сервислар, электрон таълим, рухсат бериш, масштаблик, ишончлик, мослашувчанлик.

В статье рассматриваются аспекты использования дистанционных технологий и развитие их характеристик при хранении и обработке учебной информации на примере высших учебных заведений. Проанализированы роль и дидактическое значение дистанционных технологий в обеспечении качества образования, облачные технологии, модели развертывания облачных систем, их использование в образовательном процессе, особенности, отличающиеся от других интернет-ресурсов, его

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

положительные стороны. Также подробно описаны некоторые проблемы с внедрением облачных технологий, дальнейшим развитием возможностей пользователей и педагогов этой технологии.

Ключевые слова: информатизация образования, электронные образовательные ресурсы, информационно-образовательная среда, дистанционное обучение, облачные технологии, платформы, сервисы, электронное образование, доступность, масштабельность, надежность, гибкость.

The article deals with the use of remote technologies and the development of their characteristics in the storage and processing of educational information on the example of higher education institutions. The role and didactic significance of distance technologies in ensuring the quality of education, cloud technologies, models of deployment of cloud systems, their use in the educational process, features that differ from other Internet resources, and its positive aspects are analyzed. Some problems with the introduction of cloud technologies and further development of the capabilities of users and teachers of this technology are also described in detail.

Keywords: Informatization of education, electronic educational resources, information and educational environment, distance learning, cloud technologies, platforms, services, e-education, accessibility, scale, reliability, flexibility.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг етакчи йўналишларида таълим тизимини янада такомиллаштириш ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ҳамда таълим муассасаларида ўқитишнинг инновацион таълим технологияларини жорий этиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган [1].

Ҳозирги кунда Республикамизнинг Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини муқобил ташкил этиш ва машғулотларни замонавий инновацион технологияларнинг усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалашга эътибор ошди. Ахборотлаштириш ва ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, таълимни ривожланиришнинг кўп қиррали йўналишлари ичида юқори ўрин эгаллади. Ахборотлашган жамиятда янги ахборот технологияларини таълимга жорий этишнинг долзарблиги шундан иборатки, улар муайян педагогик масалаларни ечишда фақат инструментария (ўқитиш воситалари) вазифасини бажариб қолмасдан, ўқитишда сифат жиҳатдан янги имкониятларини яратади, мустақил ўқув фаолияти кўникмаларини шакллантиради, таълимда ўқитишнинг янги шакллари яратиш имкониятларини беради.

Таълимни ахборотлаштиришда қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- ахборотлашган жамиятнинг жадал ривожланиши;
- муваффақиятли касбий фаолият учун зарур бўлган ахборот миқдорининг ошиши;
- инфосфера шароитида инсоннинг ҳаётга адаптацияланиш муаммосини ҳал этишда таълимнинг долзарблиги;
- ахборотлаштириш воситаларидан кенг ва самарали фойдаланиш имкониятларининг яратилиши ва уларнинг турли соҳаларда кенг тарқалиши;
- ахборот-коммуникация технологияларининг функционал имкониятлари ва техник характеристикаларининг тезкор равишда ўсиб бориши [3].

Таълимни ахборотлаштириш жараёнида барча олий таълим муассасалари Интернет тармоғида ўзининг Веб-сайтига эга бўлди. Бу ўз навбатида электрон таълим ресурсларидан жамoa бўлиб фойдаланиш, талабаларга тегишли бўлган ахборотларни тарқатиш, субъектлар орасида ўзаро алоқани ўрнатиш, шунингдек, таълим муассасаси янгиликлари билан профессор-ўқитувчиларни ҳамда талабаларни доимий равишда таништириб бориш имкониятларини яратди. Шу билан бир қаторда таълимда масофавий ўқитиш технологияларини қўллаш орқали исталган жойдан ва исталган вақтда билим олишга имконият яратилди. Масофавий ўқитишни ташкил этишнинг асосий шартларидан бири – таълим жараёнини бир вақтнинг ўзида бошқариш ва олинган билимлар сифатини назорат қилиш эҳтимоли борлиги бўлиб ҳисобланади. Масофавий ўқитиш учун дастурий таъминотни танлаш – буюртмачининг, яъни таълим муассасининг талаби ва мақсадига мос равишда амалга оширилиши керак. Бундай талаблар, асосан таълим йўналишининг малака талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масофавий ўқитишнинг дастурий воситаларини танлашда қуйидаги мезонларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир [4]:

1. Масштаблик: платформа нафақат талабалар сонининг ошиши, балки янги фанларни киритиш ҳисобидан ҳам кенгайтириш имкониятига эга бўлиши керак.

2. Мультимедиявийлик: платформанинг техник потенциали талабаларга ўқитиш воситаси сифатида матнли ва график файлларни, видео ва аудио, анимация ҳамда 3D –графика маълумотларини қўллаш имкониятига эга бўлиши керак.

3. Функционаллик: зарурий опцияларнинг мавжудлиги, шу жумладан чат, форумлар, курсларни бошқариш, субъектлар орасида интерфаол мулоқот ўрнатиш, талабалар фаоллигини таҳлил этиш ва ҳ.к.

4. Дўстона интерфейс: таълим жараёнининг сифатига таъсир этувчи асосий параметрлардан бири сифатида қараш.

5. Модуллик: таълим курси ўқув материалнинг бир нечта блокдан (модулидан) ташкил топган бўлиши мумкин, зарурат туғилганда ушбу маълумотлар бошқа курсларнинг таркибига кириши мумкин.

Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иктисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепцияда ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-усулийматериалларни кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш, таълимда замонавий ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқиш, таълим жараёнларида “булутли технологиялар”дан фойдаланиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган [2].

Республикамизнинг олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида бир нечта масофавий ўқитиш платформаларидан фойдаланиб келинмоқда. Уларнинг ичида кенг тарқалган масофавий ўқитиш платформасидан бири австралиялик мутахассислар томонидан яратилган Moodle тизими бўлиб ҳисобланади. Ушбу масофавий ўқитиш тизими таркибига фанлар бўйича ўқув материалларни жойлаштириш, улардан жамоа бўлиб фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Ўқув материаллари таълим муассасаси серверига жойлаштирилади ва зарурат туғилганда уларни янгилаш ёки бошқа курсга алмаштириш мумкин.

Кейинги йилларда жаҳон таълим амалиётида булутли технологиялардан масофадан туриб фойдаланишга бўлган эътибор ортди. Булутли технологиялар таълим тизимига тобора чуқурлашиб кириб бораётган инновацион платформаларнинг энг охиригиси ҳисобланади.

Булутли технологиялар – янги сервис бўлиб, у маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш воситаларини масофадан туриб фойдаланишни назарда тутадиган технологиялардан биридир. “Булутли” серверлар ёрдамида ҳар қандай даражадаги ахборот ресурсларига эга бўлиш мумкин. Бунинг учун Интернетга ва WEB-браузерга уланишнинг ўзи кифоя қилади. Ушбу технология “Булутли ҳисоблаш” деб номланади. Бу масофавий технологияларни таълим соҳасида қўллаш нисбатан яқинда бошланди ва аста секинлик таълим муҳитига кириб келмоқда.

Ўқитишнинг янги формати муҳим аҳамиятга эга, чунки бу масофавий технология бир томондан таълим олишнинг юқори даражадаги имкониятларини таъминлашга, бошқа томондан эса унинг сифатини оширишга имкон беради. Бироқ бутунлай электрон таълимга ўтишдан кўра аралаш таълим (Blended learning)дан фойдаланиш янада самаралироқ ва яхши натижа беради. Таълимда булутли технологиялардан фойдаланиш натижасида, “булутлар” фанга мавжуд барча географик, технологик, ижтимоий тўсиқларни енгишга имкон беради.

Булутли технологиялар маълумотларни Интернет тармоғида сақловчи электрон омбор бўлиб, уларни таҳрирлаш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ўзаро файллар, ҳужжатлар билан алмашиш ҳамда мулоқотга киришиш имкониятларини яратади. Бундай технологияларни ишлаб чиқишга АҚШнинг Google корпорацияси катта қизиқиш билдирган ва Google Docs тизимини яратишга муваффақ бўлган. Охириги йилларда Google ва Microsoft компаниялари ўқув муассасалари педагоглари ҳамда талабалари учун булутли серверлардан фойдаланиш бўйича янги платформаларни яратишга эришди. Бундай серверлар таълим муассасида мавжуд бўлган электрон почтани, тезкор хабарлар алмашишини, календар режаларни тузишни, шахсий ҳужжатларни яратиш ва сақлашни, WEB-сайтларни яратиш каби ишларни амалга ошириши мумкин.

В.А. Королеванинг фикрига кўра, булутли технологиялар – янги парадигма бўлиб, маълумотларни тақсимланган ва узоқлашган ҳолда қайта ишлаш ҳамда сақлаш имконини беради [5]. Бунда дастурий таъминот ва ахборот технологияларининг инфраструктураси Интернет орқали хизмат

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

тариқасида етказилади. Ушбу тармоқ хизмати булут номини олган ва мобил телефон ёки компьютер орқали ҳар бир фойдаланувчи булут ресурсларига рухсат олиши ва ундан фойдаланиши мумкин.

Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари, жумладан, Литванинг Каунас технология университети Microsoft Live@edu томонидан тақдим этилган, АҚШнинг Хофстра университети Google Apps томонидан тақдим этилган булутли хизматлардан фойдаланмоқда. Таълим соҳасида кенг тарқала бошлаган булутли технологиялардан яна бири таълимни бошқариш тизимини булутга ўтказишдир (Learning Management Systems, LMS) [6].

Булутли технологиялар – бу интернетнинг ўзи эмас, балки мижоз дастурларини қайта ишлаш ва бажарилишини таъминлайдиган аппарат ва дастурий воситалар тўплами. Таълим тизимида “булут” дан фойдаланиш унинг сифатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Электрон таълимдаги булутли технологияларнинг имкониятлари ҳали етарлича ўрганилмаган, шунинг учун ушбу мавзуга алоҳида этибор қаратиб, янада чуқурак ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда булутли тизимни тарқатишнинг 4 хил модели қўлланилади. Буларга қуйидагилар киради:

- *тез-тез булут*. У бир нечта бўлинмаси бўлган битта ташкилотда фойдаланиш учун мўлжалланган. Ташкилотнинг ўзининг ёки учинчи томоннинг шахсий мулки бўлиши мумкин;
- *оммавий булут*. Кенг омма учун мўлжалланган. Тижорат, илмий ва давлат ташкилотларининг мулки бўлиши мумкин;
- *гибрид булут*. У ўзаро алоқаси бўлмаган бир нечта ўзига хос объектнинг турли хил булутли инфраструктуралари (хусусий ва оммавий) бирлашмасини ифодалайди;
- *жамоа булут*. Ягона топшириқларга эга бўлган истеъмолчиларнинг аниқ ҳамжамиятининг фойдаланиши учун мўлжалланган.

Булут қуриш учун асосий моделлар кўриб чиқилди ва уларни ўқув жараёнида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун таҳлил қилинди:

➤ Software as a Service (SaaS) – «ДТ - хизмат сифатида», таъминотчи фойдаланиш учун, ўзининг иловаларини таклиф этган вақтда булутли сервисларни тақдим этиш модели, бу иловалар булутли инфраструктурада ишга туширилган, мижоз улардан web-интерфейс ёки интерфейс дастур ёрдамида фойдаланиши мумкин бўлади;

➤ Platform as a Service (PaaS) – «платформа - хизмат сифатида». Мазкур ҳолда фойдаланувчига дастурий платформадан (операцион тизимлар, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, амалий дастурий таъминот, ДТ нинг ишлаб чиқиш ва тестлаш воситалари) фойдаланиш имконияти берилди;

➤ Infrastructure as a Service (IaaS) – «инфраструктура - хизмат сифатида», булутли сервисларни тақдим этиш модели, бунда фойдаланувчи қайта ишлаш ва сақлаш воситаларини, шунингдек бошқа фундаментал ҳисоблаш ресурсларини бошқариш имкониятига эга бўлади.

Булутларнинг ҳамма моделларини таҳлил қилиб, уларнинг чет мамлакатларда қўлланилишининг баъзи бир тажрибасини ўрганиб, таълим муассасаси томонидан «ДТ – сервис сифатида» (SaaS) булут модели тез-тез ишлатиладиган модел, эканлигини айтиш мумкин. Таълим муассасасидан маълумотларни қайта ишлаш ва унга хизмат кўрсатиш учун ўз марказини яратишни талаб қилмаслиги, молиявий ва ташкилий харажатларни қисқартириш имкониятини бериши, шунингдек провайдер платформасига ўз иловаларини ўрнатиши бу моделдан фойдаланишнинг афзалликлари ҳисобланади.

Таълимда булутли технологиялар электрон таълим, Интернет симуляторларнинг яратишидан кейин ривожлана бошлади. Бу сўнгги йилларда таълим тизимидаги энг истикболли янгиликлардан биридир. Булутли технологиялар ахборот инфратузилмаси нархини сезиларли даражада пасайтиради, шунингдек, таълим сифатини ошириш мақсадида кўшимча хизматларни яратишга ва тарқатишга имкон беради.

Булутли технологияларни ўқитиш жараёнига жорий этиш, ҳозирги кунда таълим тизимидаги энг истикболли инновациялардан биридир. Уларнинг ҳисобига ахборот инфраструктурасига бўладиган харажатлар анча пасаяди, таълим муҳитида таълим сифатини кўтариш учун кўшимча сервислар тарқатилади ва ишлатилади. Бундан ташқари, булутли сервислар ўқитишнинг индивидуал методларини ишлаб чиқишда жуда ҳам самарали восита ҳисобланади, бу жараённи ҳосил қилишга, Интернетни браузер ёки бошқа бирор тармоқ иловаси билан таъминлашга имкон беради. Одатдаги ДТ билан ишлаш методидан фарқ қилиб, фойдаланувчи ўз компютерининг ресурсини ёки ўз локал тармоғининг серверини эмас, балки унга Интернет- хизмати сифатида тақдим қилинган имкониятларни олади.

Бунда фойдаланувчига ўз маълумотларидан чекланмаган миқдорда фойдаланиш ва унга ўзига қулай қурилма билан ихтиёрий нуктадан туриб ишлаш имконияти беради, шу билан бирга фойдаланувчи операцион тизимни, дастурий базани ва улар ёрдамида шу иш амалга ошадиган бошқа жараёнларни бошқармайди. Маълумотлар ва иловлар “булут”да сақланади, фойдаланувчи минимал миқдордаги функционалликни сақлайди. Дастурий таъминотнинг ҳамма янгиланишларини, вирусларни текширишни ва бошқа хизматларни булут сервисининг провайдери бажаради. Бу ҳужжатларни бошқариш, уларни таҳрирлаш, улар фойдаланувчининг компютерида бўлган ҳолатга қараганда анча оддий бўлишини билдиради.

Булутли технологиялар ресурсларни online-сервис сифатида ифодалайди, бунда флэш-картага бўлган талаб йўқолади, чунки ахборот булутли омборда сақланади, фойдаланувчи компютерига қўшимча дастурий таъминотни ўрнатиш талаб қилинмайди [7]. Булутли технологияларнинг асосий функцияси – маълумотларни масофадан туриб қайта ишлаш зарур бўлган фойдаланувчилар талабларини қаноатлантириш. Асосий моҳияти масофадан туриб ўқиш имкониятидан иборат бўлган электрон таълимда булутли технологиялар таълим сифатини ва талабаларнинг мобиллигини оширувчи асосий восита ҳисобланади.

Булутли технологиялар фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

- рухсатга эга бўлиш – Интернет тармоғига кириш имконияти эга бўлган ҳар қандай кишининг исталган жойдан туриб керакли маълумотларга эга бўлиши;
- улкан сақлагич – катта ҳажмдаги ахборотлар булутли сақлагичда сақланади ва улардан исталган вақтда фойдаланиш мумкин;
- мослашувчанлик – ҳисоблаш ресурслари хотира, микропроцессор ва бошқа воситалар билан чегараланмаган;
- ишончлилиқ – маълумотларни қайта ишлаш марказлари қўшимча электрманбаига эга, маълумотларни нухалаш доимий равишда амалга оширилади;
- хавфсизлик – “булутли” серверлар етарли даражада хавфсизлик тизимига эга;
- юқори ҳисоблаш қуввати – булутли технологияларнинг барча ҳисоблаш қобилиятидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд [8].

Катта имкониятларга эга бўлган булутли технологиялардан ҳозирги кунда таълим тизимида етарли даражада фойдаланилмаяпти. Таълим тизимига булутли технологияларни қўллаш иккита муҳим масалани ечиш имконини беради. Биринчидан, таълим муассасалари ва ҳар бир талаба учун замонавий ва долзарб бўлган компютерли инфраструктурадан, дастурий воситалардан, электрон таълим ресурсларидан ва сервислардан фойдаланиш имкониятларини яратади. Иккинчидан, алоҳида таълим муассасалари ва бутун таълим тизимини булутли технологияларнинг ҳисоблаш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан локал ахборот инфраструктурани яратишга кетадиган харажатларни кескин камайтириш ва дастурий-техник таъминотга ажратилган молиявий харажатларни камайтиришга имкон беради.

В.Ткаченконинг фикрича, булутли технологиялар ўзининг характеристикалари ва имкониятлари билан бошқа Интернет-ресурсларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

- ✓ фойдаланувчи ўз иши учун зарурий ресурслар сонини ўзи ўрнатади, уларни етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчилар билан алоқада бўлиши талаб этилмайди;
- ✓ барча тақдим этиладиган хизматлар ер қуррасининг исталган жойидан амалга оширилади ва улар фойдаланувчи ишлаётган платформаларга боғлиқ бўлмайди;
- ✓ барча бўлинган физик ресурсларни фойдаланувчи сезмаган ҳолда дастурий платформалар ёрдамида автоматик тарзда яхлит бирликка бирлаштиради;
- ✓ хизмат тўловлари бутун сервис учун эмас, балки реал фойдаланган ишлар учун амалга оширилади [4].

Булутли технология конфигурацияланган ҳисоблаш ва ахборот ресурсларига (маълумотларни узатиш тармоқлари, серверлар, маълумотлар базаси, иловалар) доимий ва қулай тарзда кириш, шунингдек фойдаланувчинини танланган ресурслар билан ишлаш ҳамда унинг талаби асосида тизимдан чиқиб кетиш имкониятларини тақдим этишни назарда тутаяди.

Булутли технологияларнинг энг муҳим ижобий томонлари қуйидаги жиҳатларида намоён бўлади:

- ❖ иктисодий (қўплаб таълим муассасалари учун асосий устунликлардан бири бўлиб ҳисобланади);
- ❖ техник (аппарат таъминотига минимал талаблар қўйилади, мажбурий талаб фақат Интернет тармоғининг мавжудлиги бўлиб ҳисобланади);

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

- ❖ технологик (юқори даражадаги кўплаб булутли хизматлар фойдаланиш учун жуда қулай ёки минимал кўллаб-қувватлашни талаб этади);
- ❖ дидактик (кенг спектрдаги онлайн-инструментлар ва хизматларнинг мавжудлиги ва уларнинг педагог ҳамда талабалар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари) [3].

Кўриб ўтилган хизматлар асосида булутли технологияларнинг замонавий мактаб таълим жараёнига қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини тасдиқловчи дидактик имкониятларни шакллантирамиз:

- ўқитувчилар ва ўқувчилар катта жамоасининг биргаликдаги ишини ташкил қилиш имконияти;
- ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам ҳар хил турдаги ва қўлланишдаги ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва нашр этиш имкониятининг берилиши;
- сервис фойдаланувчисида хизмат кўрсатилаётган жойга ҳудудий боғланишининг йўқлиги сабабли яратилаётган маҳсулотларни таълим жараёнига тез киритилиши;
- интерфаол машғулотларни ва жамоа бўлиб дарс ўтишни ташкил қилиш;
- дарсларга тайёргарлик ишларини, шу жумладан, “аудитория ўлчами” ва “машғулотни ўтказиш вақти”га чегараланиш бўлмаган шароитларда ўқитувчиларнинг жамоавий лойиҳаларини бажариш;
- касбдошлар (нафақат улар) доирасида, уларнинг қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва биргаликда ишлар олиб бориш имконияти;
- зарурий материалларни (тинглаш учун мусиқа, дарс ишланмалари, ўргатувчи ўйинлар, интернет манбаларига мурожаатлар, тасвирлар ва б.) булутда жойлаштириш ва улардан фойдаланиш.

Таълим жараёнида булутли технологиялардан фойдаланишнинг бош дидактик аҳамияти педагог ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ишини ташкил қилишдир, бу технологиялар юқори технологик, долзарб ва истикболли бўлгани учун ўқув жараёнининг самарадорлигини кўтаришга, мақсадга эришишга кўмак беради. Булутли технологиялар, шахсий ўқиш, интерфаол машғулотлар ва жамоа бўлиб дарс бериш учун имкониятлар яратиб, ўқув жараёнининг анъанавий шаклига муқобил бўлган вариантларни таклиф қилади. Булутли технологияларни жорий этиш зарурий бўлган дастурий таъминотни сотиб олиш учун кетадиган харажатларни камайтирибгина қолмай, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини кўтаради, мактаб ўқувчисини замонавий ахборотлашган жамият ҳаётига тайёрлайди, педагог билан методик ишни сифатли ва тез ташкил қилишга ёрдам беради.

Булутли технологиялар ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий шаклларида алтернативани таклиф қилади, бу шахсий машғулотлар, интерфаол дарслар ва коллектив ўқитиш учун имконият яратади. Булутли технологияларни жорий этиш нафақат зарур дастурий таъминотни сотиб олиш харажатларини камайтиради, балки ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширади, талабани замонавий ахборот жамиятида ҳаётга тайёрлайди ва ўқитувчилар билан усулийишларни юқори сифатли ва самарали ташкил этишга ёрдам беради [6].

Булутли технологияларни жорий этишда айрим муаммолар ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан:

1. Тармоққа уланишга боғлиқлик.
2. Ҳужжатлар нусхаларини компьютерларда ёки ахборот ташувчи воситаларда сақлаш зарурияти.
3. Шахсий маълумотларни ҳимоялаш зарурияти.

Олий таълим муассасаларида булутли технологиялардан фойдаланиш – талабаларнинг мобиллигини оширади ва улар электрон ўқув-усулийматериалларни исталган замонавий коммуникацион қурилмалардан (стандарт компьютер, ноутбук, нетбук, смартфон, планшетли компьютер, мобил телефон) ёрдамида олиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, талабалар виртуал машиналарга уланган ҳолда, тажриба ёки амалий машғулотларни замонавий дастурий воситалар асосида бажаришлари мумкин. Бунинг учун талабалар дастурий воситаларни шахсий компьютерларига ёзиб қўйишлари ёки таълим муассасининг администратори локал тармоққа жойлаштириши талаб этилмайди.

Булутли технологиялар ўқитувчининг қуйидаги имкониятларини кенгайтиради:

- лицензияли дастурий таъминот талаб қилинмайди;
- ўқитишнинг индивидуал методларини ишлаб чиқиш учун самарали восита;
- бевосита аудиториядагина эмас, балки Интернетга чиқиш мумкин бўлган ҳар қандай нуқтада ишлаш мумкин;

• битта хужжат бир нечта киши томонидан бир вақтда тахрирланиши мумкин (гуруҳ бўлиб лойиҳалар, масофавий ишлар ташкил қилиш).

Масофавий ўқитишда гуруҳ бўлиб лойиҳа тайёрлаш амалиётда қандай қилиб амалга оширилишини кўриб чиқамиз. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади ва ўз лойиҳалари учун мавзу олади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида зарурий хужжатларни тайёрлайди ва гуруҳнинг ҳамма иштирокчилари учун электрон почта орқали улардан фойдаланиш имкониятини очиб беради. Ихтиёрий хужжатни – матнли файл, тақдимот ёки буклет яратиш мумкин. Yandex сервисининг яратувчилари булутли технологиялар куйидаги ҳаракат схемасини таъминлашлари керак, деб ҳисоблашилади: ўз компютерида ишни бошлаб инсон уйдан чиқа туриб, уни, йўл-йўлақай телефонида ёзиб давом эттириши, иш натижасини жўнатишни планшет орқали амалга ошириши мумкин. Тахминан шундай схема бўйича талаблар ўз лойиҳалари устида уйда, университетда ёки бирор бир бошқа жойда, иш олиб боришлари мумкин. Ўқитувчи ўқувчилар ўқий оладиган хужжатни тахрирлаш, изоҳлаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир ўқувчи лойиҳага қанча ҳисса кўшганини аниқлаш мумкин бўлади.

Талабалар билан ишлашдан ташқари, ўқитувчи булутли технологиялардан ўзи ҳам ўзи учун фаол фойдаланиши мумкин. Ўқув машғулотлари, консултациялар, лойиҳалар, рефератларни топшириш муддатларининг жадвалларини тузиш, талабаларга машғулотларни олиб ташлаш ёки кўчириш ҳақида ахборот беришни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Булутли ҳисоблашларни қўллаш мисолларини ўрганиб чиқиб, таълим ташкилотлари кўпинча “дастурий таъминот-сервис сифатида”ги булут моделидан фойдаланишларини айтиш мумкин. Таълим муассасаларининг бу ҳолда шахсий серверини яратишга ва унга хизмат қилишга бўладиган иқтисодий ва ташкилий харажатлардан қочишлари билан асосланади, хизматлар провайдери томонидан шахсий иловаларни платформага ўрнатиш имконияти пайдо бўлади [7].

Булутли технологиялар бугунги кунда бизга энди кириб келаётганлиги билан тавсифланади, шунинг учун уларнинг таълим соҳасига қўлланилиш тажрибаси, бошқа мамлакатлар билан таққосланганда, деярли йўқ, аммо бу технологияларнинг имкониятлари жуда ҳам кенг, шунинг учун булутли технологияларнинг таълимда фаол тарқалиши ўзини кўп кутишга мажбур қилмайди. Булутли технологияларнинг моҳияти маълумотларни қайта ишлашни шахсий компютердан ва ишчи станциялардан Бутун дунё ўргимчаги тармоғининг серверларига ўтказишдан иборат. Фойдаланувчи ҳисоблаш дастурлари ва комплексларини сотиб олмайди, балки улар билан ижарага олувчи сифатида иш кўради. Янги таълим стандартларига ўтишда булутли технологиялар ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг янги ахборот маданиятини шакллантиради, таълим фазосини анча очик қилишга имкон беради.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, таълим тизимида булутли технологияларнинг асосий ижобий томонлари сифатида ахборотлардан жамоа бўлиб фойдаланиш, ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш, исталган вақтда электрон ресурслар ва дастурий таъминот билан ишлаш, қўшимча дастурий таъминотни сотиб олиш ва ўрнатиш ишларидан холи бўлиш, қулай интерфейс билан ишлаш каби имкониятларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бизнинг фикримизча, келажакда булутли технологияларнинг аҳамияти ошиб боради ва улар олий таълим муассасаларида муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўз навбатида ўқув жараёнини оптималлаштиришни таъминлайди ва таълим сифатини оширишга хизмат қилади, унинг очиклик даражаси, объективлиги ҳамда креативлигини оширади.

Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. – T.: 2017 yil 7 fevral, PF-4947– sonli Farmoni. Rejim dostupa:<https://lex.uz/docs/-3107036>

2. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi, 2019 yil 8 oktyabr. Rejim dostupa:<http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-oliy-ta-lim-tizimini-2030-yilgacha--09-10-2019>

3. Kolosey N.S. Ispolzovanie oblacloudnix texnologiy v obrazovatelnom protsesse-uslovie dlya sovmestnoy raboti pedagogov i uchashixsya / [Elektronniy resurs]. – Rejim dostupa: <http://academy.edu.by/files/do%20ikspress/Kolosey.pdf>

4. Tkachenko V. Oblachnie vichisleniya (Cloud computing) [Elektronniy resurs]. –Rejim dostupa:<https://www.lessons-tva.info/archive/nov031.html>

5. Koroleva A.S. Innovatsionnie texnologiyi sovremennogo ofisa (Oblachnie vichisleniya): ucheb. posobie. “Visshaya shkola ekonomiki”, Sankt-Peterburg, 2012. - S-88.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

6. Vaganova O.I., Dvornikova E.I., Kutepov M.M., Luneva YU.B., Trutanova A.V. Vozmozhnosti oblačnix texnologiy v elektronnom obuchenii// Mejdunarodniy jurnal prikladnix i fundamentalnix issledovaniy. – 2017. – № 6-2. – S. 183-187.

7. Dukkardt A.N., Saenko D.S., E.A.Slepsova E.A. Oblachnie texnologii v obrazovanii // Jurnal “Otkritoe obrazovanie”, 2014. - №3 – S. 28-36.

8. Davronova Sh F. The role and importance of cloud technology in ensuring the quality of education.// European journal of research and reflection in educational sciences. – vol 7.12 (2019). – Page. 820-824.

Rejim dostupa:<http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2019/11/Full-Paper-THE-ROLE-AND-IMPORTANCE-OF-CLOUD-TECHNOLOGY-IN-ENSURING-THE-QUALITY-OF-EDUCATION.pdf>

POSSIBILITIES OF USING DISTANCE TECHNOLOGIES IN ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION

Sh.F.Davronova¹

References

1. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida PF-4947– sonli Farmoni [*On the strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan, PF-4947-th decree*]. – Toshkent - February 7, 2017. - Retrieved from <https://lex.uz/docs/-3107036> (In Uzb.)

2. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi [*The concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan up to 2030*]. October 8, 2019. - Retrieved from <http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-oliy-ta-lim-tizimini-2030-yilgacha--09-10-2019> (In Uzb.)

3. Kolosey N.S. Ispolzovanie oblačnix texnologiy v obrazovatelnom protsesse-uslovie dlya sovmestnoy raboti pedagogov i uchashixsya [*The use of cloud technologies in the educational process is a condition for joint work of teachers and students*]. [Electronic resource]. - Retrieved from <http://academy.edu.by/files/do%20ikspres/Kolosey.pdf> (In Russ.)

4. Tkachenko V. Oblachnie vichisleniya [*Cloud computing*]. [Elektronniy resurs]. – Retrieved from <https://www.lessons-tva.info/archive/nov031.html> (In Russ.)

5. Koroleva A.S. (2012) *Innovatsionnie texnologiyi sovremennogo ofisa (Oblachnie vichisleniya)* [Innovative technologies of modern office (Cloud computing)]. In: *Visshaya shkola ekonomiki* [Higher school of Economics]. Saint Petersburg: НИУ ВШЭ [NIU VShE]. pp – 88 (In Russ.)

6. Vaganova O.I., Dvornikova E.I., Kutepov M.M., Luneva YU.B., Trutanova A.V. (2017) Vozmozhnosti oblačnix texnologiy v elektronnom obuchenii [Possibilities of cloud technologies in e-learning]. *Mejdunarodniy jurnal prikladnix i fundamentalnix issledovaniy* [*International journal of applied and fundamental research*]. № 6-2. pp. 183-187. (In Russ.)

7. Dukkardt A.N., Saenko D.S., E.A.Slepsova E.A. (2014) Oblachnie texnologii v obrazovanii [Cloud technologies in education]. *Jurnal “Otkritoe obrazovanie”* [/ «Open education» Magazine]. №3. pp. 28-36. (In Russ.)

8. Davronova Sh. F. (2019) *The role and importance of cloud technology in ensuring the quality of education. European journal of research and reflection in educational sciences. vol 7.12* Page. 820-824. Retrieved from <http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2019/11/Full-Paper-THE-ROLE-AND-IMPORTANCE-OF-CLOUD-TECHNOLOGY-IN-ENSURING-THE-QUALITY-OF-EDUCATION.pdf> (In Eng.)

Муаллиф ҳақида маълумот

¹*Давронова Шахло Фармоновна, Бухоро муҳандислик технология институти таянч докторанти. Бухоро давлат тиббиёт институти “Биофизика ва тиббиётда ахборот технологиялар” кафедраси ассистенти. E-mail: davronova.shahlo@mail.ru*

С.И.Камбарова¹

Мазкур мақолада ёш авлод камолотида мустақил мутолаанинг ўрни, ўқувчиларда китоб мутолааси орқали таҳлил малакасини шакллантириши масалалари ёритилади. Шунингдек, ўзбекона урф-одат ва расм-русумлар (никоҳ тўйи, совчилик, нон ушатар, фотиҳа қилиш, куёв чорлар, келин-куёвлик даври, куёв товоқ, ойна кўрсатар, оёқ босди, келин салом, юз очди), миллий либослар (эркаклар дўпписи), халқ амалий санъати намуналари (палак, ойнахалта), Ҳайит байрами ва мавсумий маросимлар (арғимчоқ учши, бойчечак сайли)ни Тоғай Мурод ижоди мисолида ўрганишининг ўқувчилар маънавияти ва бадиий-эстетик тафаккурини юксалтиришидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: мустақил мутолаа, таҳлил, анъана, қадрият, тўй, либос, дўппи, палак, сўзана.

В данной статье освещаются вопросы о роли самостоятельного чтения в совершенствовании молодого поколения, посредством чтения формирование у учеников навыков анализа, рассуждения. А также, речь идет о значении в повышении нравственности, творческо-эстетического мышления учеников изучения узбекских традиций, обычай и обрядов (никоҳ тўйи (свадьба), совчилик (сватовство), нон ушатар (разламование хлеба), фотиҳа қилиш (сосватать), куёв чорлар (звать зятя), келин-куёвлик даври (период жениха и невесты), куёв товоқ (блюдо или чаша жениха), ойна кўрсатар (показание зеркала), оёқ босди (наступить на ногу), келин салом (Салам невесты), юз очди (открытие лица)), национальных нарядов (мужская тюбетейка), образцов народного рукодельного искусства (палак (паляк), ойнахалта (мешок зеркала)), праздника Ҳайит и сезонных церемоний на примере творчества Тоғая Мурада.

Ключевые слова: самостоятельное чтение, анализ, традиции, ценности, свадьба, наряд, тюбетейка, паляк, сюзане.

This article covers questions about the role of independent reading in improving the younger generation, through reading the formation of students ' skills of analysis and reasoning. And also, we are talking about the importance in enhancing the moral, creative and aesthetic thinking of the students studying Uzbek traditions, customs and ceremonies (Nico tee (wedding), saucily (matchmaking), non ushatar (razumevanje bread), fotia Ilich (to marry off), Cueva of collar (call son), Kelin-cevlik devri (the period of the bride and groom), Cueva Tova (a dish or bowl of the groom), oyna crater (reading mirrors), OE body (come on foot), Kelin Salom (bride's-Salam), SW of ocdi (opening face)), national costumes (men's skullcap), folk handmade art (Palak (Palak), oinakhalta (mirror bag)), Hayit holiday and seasonal ceremonies on the example of creativity Toga Murad.

Key words: independent reading, analysis, traditions, values, wedding, outfit, skullcap, palyak, suzane.

Ўзбек адабиётида ўз услуби ва ўз овозига эга ижодкорлардан Тоғай Муроднинг аждодлар бадиий тафаккури сарчашмаси – миллий қадриятлар, фольклор дурдоналари билан ижодий озиклантирилган асарлари бетакрор халқчиллиги билан ажралиб туради. Жумладан, “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Отамдан қолган далалар”, “Ойдинда юрган одамлар” каби асарлари халқона қадриятлар юксак даражада акс эттирилганлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Чунончи, унинг “Ойдинда юрган одамлар” киссаси қаҳрамонлар характери, турмуш тарзи мисолида миллат руҳияти ва дунёқарашини ёритишда азалий удумлар, халқ ижодиёти намуналаридан фойдаланганлиги билан диққатга сазовор.

Тоғай Мурод ижодини, хусусан, “Юлдузлар мангу ёнади” киссасидан бобларни ўрганиш умумий ўрта таълим мактаблари 6-синф “Адабиёт” ўқув дастурида режалаштирилган бўлиб, ўқувчилар ўзбек кураши, Сурхон воҳаси полвонларининг маънавий қиёфалари, халқнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўладилар [8; 92-б.].

Адибнинг ўқув дастурида ўрганилиши режалаштирилмаган бошқа асарлари юзасидан алоҳида машғулотлар ташкил этилиши мутолаа воситасида ўқувчиларнинг ўзбек халқи маданияти, миллий қадрият ва анъаналарига бўлган қизиқишларини орттиришга замин яратади. Бинобарин, мустақил мутолаага асар тавсия қилиш ва машғулотларни ташкил этишда таълимнинг узвийлигини белгилаш имконини берувчи концептуал тамойилга ёндашмоқ мақсадга мувофиқ. Бунда айнан бир ёзувчи ижоди таълимнинг турли босқичларида ғоявий-бадиий мундарижаси, тасвир услубининг ўзига

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

хослиги, образлар тизими, шунингдек, жанрий хусусиятлари ва композицион тузилиши аста-секин мураккаблаштирган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг шахсий кузатишлари, ҳаётий тажрибалари ва ёш хусусиятиларидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфида адибнинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси мустақил ўқишга тавсия этилиши ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган қадриятлари ва маданияти ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда долзарб аҳамиятга эга.

Асарни ўрганиш йўлини танлаш ўқувчиларнинг билим даражаси, таҳлил тажрибаси, кўзланган мақсад, ўрганилаётган мавзунинг адабиётшунослик нуқтаи назаридан долзарблиги сингари масалаларнинг бутун бир мажмуаси билан асосланади. “Ўқиш муаммоси, китобхонликни, китобхон маънавий оламини шакллантириш муаммоси ҳанузгача энг долзарб илмий муаммо бўлиб қолар экан, – деб ёзади рус олимаси О.Ю.Богданова, – методика фанида бадиий матнни яхлит идрок этишни, уни чуқур шарҳлашни, ёзувчи поэтикасини англашни таъминлайдиган иш усулларига устунлик бериш давом этаверади. Адабий таълимдаги асосий компонент асарни ўқиш ва ўрганиш, уни шарҳлаш дейилиши тасодифий эмас” [1; 13-б.].

Таҳлил усулларини танлаш осон иш эмас. У кўпроқ адабий турга боғлиқ. Лирика эпик асарга, драма эпосга қараганда турлича таҳлил усулларини тақозо этади. Таҳлил “...бадиий матнни ўқиш жараёнида ўқитувчининг изоҳи шаклида ҳам, асарни деталлаштириб кўздан кечириш шаклида ҳам, қахрамонларни тавсифлаш ёки тасвирий ифода воситаларини аниқлаш шаклида ҳам бўлиши мумкин... Чуқур маънодорлик адабий таҳлилнинг энг биринчи ва асосий шартидир. Таҳлилнинг хамиша маълум мақсадга қаратилиши унинг шакли ва мазмунини белгилайди” [6; 21-б.].

Таҳлил асарни тушуниб ўқишни, мутолаа жараёнида китобхон қалбида ранг-баранг туйғулар уйғотиш ва эмоционал кайфиятни янада жонлантиришни ҳамда ижодкор мақсадини матндан ажратмаган ҳолда ёритиш вазифаларини адо этади. Таниқли методист Қ.Йўлдошевнинг фикрича, мукамал ва тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслиги, унинг шахсий мулоҳаза характерида бўлиши, санъат ходисаларига борлиқнинг нусхаси сифатида қараш нотўғрилиги, тизимлилик, тарихийлик ва эстетик асосларнинг устуворлиги бадиий таҳлил таянадиган асосий тамойиллар сирасига қиради ва амалда шу асосда иш кўрилса, кўзланган натижа қафолатланади [9; 54–60-б.]. Шу боис таҳлил босқичларини куйидагича белгилаш мумкин:

- белгиланган вақт мобайнида қисса матнининг тўлиқ мутолаа қилиниши;
- таълим мақсадларига эришишда вазифалар пухта белгиланиши;
- махсус топшириқлар тизими ишлаб чиқилиши;
- асарда тасвирланган удумлар тарихи, мазмун-моҳияти билан танишиб чиқилиши;
- ўзбек миллий либослари ва амалий санъат намуналарига доир видеотасвирлар тайёрланиши;
- ўзбек маросимларига ишланган фильмлардан лавҳалар асосида слайдлар тайёрланиши;
- синф хонаси палак, сўзана, қуруқ, кашталанган белбоғлар билан шарқона услубда безатилиши;
- миллий матолар ва либослардан кўргазма ташкил этилиши ҳамда юқорида қайд этилган усуллар ўз ўрнида қўлланилиши ва ҳоказо.

Асарни ўрганиш жараёнида ўқувчилар удум ва анъаналар инсон бадиий тафаккури, энг асосийси, турмуш тарзининг юксак ифодаси эканлигини англаб етишлари муҳим ҳисобланади. Таниқли методист А.Зуннуновнинг таъкидлашича, “Ўқувчида ҳаётни, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни билиш, одамлар ва уларнинг руҳиятини англашга эҳтиёж туғилиши билан адабиётни англашга кизиқиш пайдо бўлади. Ўқитувчи бадиий асарни ўқитиш орқали ўқувчиларда пайдо бўлган ана шу кизиқишни ривож топтиради, уларни санъат оламига олиб қиради, ёши, билим даражасини олган ҳолда, бадиий дидини ўстиради” [2; 87-б.].

Машғулот аввалида ўқувчилар диққатига ақиқа, бешик, суннат, мучал ва никоҳ тўйлари билан алоқадор расм-русумлар акс эттирилган фильмлардан тайёрланган панорамик тасвирлар ҳавола этилади. Ишчанлик вазияти шу тариха ҳосил қилинганидан сўнг қиссани матнга боғлаб таҳлил қилишга киришилади.

Ўқувчи матн билан мулоқотга киришган дастлабки дақиқалардан бошлаб уни чуқурроқ тушуниш сари қадам қўяди. “Матн мазмунини тушуниш эстетик кечинмалар билан бирлашиб, аналитик-синтетик фаолиятни ифода этади, бадиий идрокка туташади. Ўқувчи асар мазмунини тушуниб ўқишга ҳаракат қилганда, ўзи эса олиб қолаётган нарсаларнинг аниқ бўлишига интилади. Бадиий идрок жараёни келиб қўшилганда эса мазмун муайян ўзгаришлар билан қабул қилинади. Адабий тайёргарлик кўраётган ўқувчи аста-секин ана шу даражани эгаллай бошлайди” [3; 29-б.].

Асар мазмун-моҳияти мантикий тафаккур, эмоциялар уйғунлигида адабий матн жозибаси ва нафосатини туйиш, ахлоқий тарбия таъсирини англаш самараси ўлароқ ўзлаштирилади. “Аслида китобхон ҳам ёзувчи сингари ижодкор, – деб ёзади С.Матчонов. – У асар мутолааси жараёнида

муаллиф фаолиятини такрорлаш йўлидан боради. Ёзувчи ижодининг мураккаблиги шундаки, у хаёлида туғилган ғояни адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, курашлари мисолида конкретлаштиради, китобхон унга тескари – адабий қаҳрамон хатти-ҳаракати, курашлари тасвиридан умумий хулосалар чиқариш йўлини тутади” [6; 49–50-б.].

Таҳлилнинг дастлабки босқичида ўқувчилар эътибори фарзандсизлик муаммоси қисса сюжетида мустаҳкам ўрин эгаллаши, асар қаҳрамонлари Қоплонбек ва Оймомонинг йиллар давомида фарзанд кутиб, сабр-бардошлари ҳаёт оташларида тобланганлиги, қаҳрамонлар турмуш тарзи мисолида ўзбек удумларининг бетакрор ва яхлит композицияси яратилганлигига қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Таҳлил мақсади бу жуфтликнинг никоҳ тўйлари дебوحаси – анъанавий **совчилик** удумига эътибор қаратишдан бошланишини тақозо этади. Ёзувчи барча таомилларнинг ўз ўрнида адо этилиб, қиз томоннинг розилиги олинган, совчиларнинг **белқарс** ўраб қайтишига алоҳида урғу беради. Ўзбекларда ёшларнинг унаштирилганлиги элга **“Нон ушатар”** маросимини ўтказиш орқали билдирилади. Келин-куёв азиз неъмат каби эъзозлансин, насибалари бутун бўлсин, қўша қарисин деган эзгу ниятда бир жуфт нон синдирилади. Қиссада ўктам йигит Қоплонбекнинг сулув қиз Оймомо билан унаштирилиши миллат маънавиятининг ёрқин кўзгуси мисолида қаламга олинади.

Нонни фақат бир никоҳли одам синдириши маросимнинг қатъий шартларидан саналиши, тўйга етказсин дея ўртасидан тенг иккига бўлинган нондан даврадагиларга ва келин-куёвга ҳам бир бурдадан улашиб чиқилиши, куёв томондан қизниқига **фотиҳа тўйи** (кўй, ёғ, гуруч, мева-чева ва канд-курслар), бир муддат ўтиб **тўққиз-тўққиз** (кўйлак, кўрпа-тўшак тикиш учун мато ва пахта) юборилишига оид тасвирлар халқ удумларининг ижтимоий моҳияти теранлигидан далолат беради.

Барча замонларда ҳам келин-куёвнинг иззат-икромни билиши, ўз кадр-қимматини сақлаши кишилар диққат-эътиборида бўлган. Илгарилари, жумладан, Хоразмда келин камида бир йилгача қайнота-қайнонасига юзини кўрсатмай юрган бўлса, куёв ҳам ўз навбатида **“Куёв чорлар”** гача келиннинг яқинларига рўбарў келмасликка ҳаракат қилган. Ориятли йигитлар уятга қолмаслик учун турли синовларга пухта ҳозирлик кўришган. Қаҳрамонимиз Қоплонбек ҳам қайлиғининг қариндошлари олдида одоб сақлайди, улардан узоқроқ юришга, давраларда юзма-юз ўтирмасликка, кўзларига тик қарамаслик удумига амал қилади.

Келин-куёвлик даври Қоплонбек тимсолидаги ўзбек йигитларида ёшлиқдан шакллантирилган андиша, ғурур, ор-номус каби ахлоқий сифатларни имтиҳон қилади. Белгиланган кун келиб таклиф этилган қизлар Оймомонинг, йигитлар эса Қоплонбекнинг уйларига йиғилишади. Таомилга кўра, келин тарафидан **“Куёв товоқ”** – махсус тайёрланган тансиқ таомлар ҳамда дамланган палов қозони билан куёв жўраларга жўнатилади. Қуда томон овқатларни тановул қилиб бўлишгач, келинга аталган ўз совға-саломларини олишиб, қизниқига келишади. Ёшлар ўйин-кулгу билан нишонлаган **“Бозор кечаси”** тантанасига энг масъулиятли ва ҳаяжонли **“Никоҳ ўқиш”** маросими уланиб кетади.

Қоплонбек ва Оймомога никоҳ ўқилади. Келин-куёв умрбод бирга бўлишсин, ҳеч қачон ажрашиб кетмасин деган мақсадда никоҳ ўқишиш жараёнида ўғлининг елкасига ёпилган беқасам тўн устидан онаси учлари тугилмаган ип ўтказилган игнани ўтказиб-ўтказиб олади. Фарзандининг ували-жували, ризқ-рўзли бўлиш истагини эса Қоплонбек боши узра бир ҳовуч буғдой уруғларини сочиш орқали адо этади.

Таҳлилининг навбатдаги босқичида келин-куёвнинг бир-бирларига умрбод вафодор ёр бўлиш, ўғил-қизлари кўп бўлишини истаб қилган аҳдлашувлари ҳамда вояга етказган ота-оналарига миннатдорчилик рамзи бўлган **“Ойна кўрсатар”** удумига урғу берилади:

“Ит гириллатар, Кампир ўлди, Соч сийпатар, Қўл ушлатар бўлди.

Ойна кўрсатар баридан-да завқли бўлди, баридан-да гаитли бўлди!

Кайвони аёл келин-куёвга ойна тутди. Келин-куёв юзларини ойнадан олиб қочди. Келин қараса, куёв қарамади, куёв қараса, келин қарамади!

Кайвони аёл келин-куёв бошини ёнма-ён ушлади. Юзларини ойнага қаратиб турди. Бир-бири билан айтишмаганларига-да қўймади!

Куёв келин акси билан, келин куёв акси билан пичирлашиб айтишди...” [7; 228-б.]

Шу ўринда ўқувчилар эътиборини “Оёқ босди” удумига қаратиш орқали ёшларда, хусусан, йигитларда эркак киши жуфтнинг оёғини босган кунидан бошлабоқ унинг ҳаётига масъуллигини ўз зиммасига олиши билан боғлиқ бурч, дахлдорлик ҳислари ҳам шакллантирилиши кўзда тутилади.

“Оёқ босди” – шундай кизикарли удумлардан биридир. Гўшангада келин ёки куёвдан қайсиниси биринчи бўлиб жуфтнинг оёғини босиб олса, ўша оилада умр бўйи устун бўлади, деб ҳисобланган. Бу удумни эпчиллик ва чаптастлик билан адо этган Қоплонбек жўралари томонидан голиб саналади.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Илгарилари куёвниги олиб кетилаётган келиннинг йўлини ҳали уйланмаган йигитлар аркон ёки таёқлар билан тўсиб қўйиш одати бўлган. Тўсиқдан ўтказиб юборишлари эвазига келин тарафдан бирор нарса талаб қилинган. Асарда янгалари йигитларга Оймомо тўқиган дастрўмоллардан биттадан улашиб чиққанидан сўнггина келиннинг йўли очилади. “Йўл тўсиш” деб номланган бу удум ҳозир ҳам Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сақланиб қолган.

“Ўрта Осиё халқлари орасидаги турли маросимларда, баъзи удумлар юзасидан шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан ёқиб, унинг атрофида базм уюштириш, келинни кўчага гулхан ёқиб, унинг атрофида бир айлантиргач, уйга олиб кириш; чавандозларнинг катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, йўрғакланган чақалокни гулхан устидан у ёқ бу ёққа отиб олиш ва бошқа анъаналар ҳам зардуштийликнинг ҳамон сақланиб келаётган удумларидандир. Бу куёш ва оташни муқаддас билингани натижа-сидир” [10; 8-б.].

Куёв уйга келин келади. Янги оила ҳар хил инс-жинслар, ёмон назарлардан сақлансин, деган мақсадда дарвоза олдига ёқилган гулхан атрофида уч марта айлантирилади. Кўнгиллари оқ бўлсин деган ниятда келин ва қудаларнинг юзларига ун сепилади.

Ўзбек удумлари устида изланишлар олиб борган олим Маҳмуд Сатторнинг таъкидлашича, никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган “юз очди”, “келин салом”, куёв томон, маҳалла аёллари ва қизларининг “келин кўрди”га келишлари каби маросимлар “халқимизнинг жўмард табиати, қўли очиқлик одати, тўкин-сочин, эркин ҳаёти мазмунидан келиб чиққан” [4; 106-б.].

“Келин салом” маросимида Оймомо дастлаб остонага, сўнгра қайнога-қайнона ва тўйловчиларга эгилиб-эгилиб салом қилади. “Келин салом” кўшиғидаги “ҳар бир сўз (мисра) бир вақтнинг ўзида бирор шахс, нарса, хусусиятларнинг белгиси бўлиши билан бирга кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳам рамзий талқинидир” [5; 55-б].

Тўйнинг эртаси куни тонг сахарлаб турган келин аёллар ҳамроҳлигида ўчоқ-козон билан таништирилади, ун-ёғ билан боғлиқ удумлар адо этилади. Шу уйга содиқ бўлайин, деб ит товоғига овқат қуйилади. Ёниб турган оловга мой томизилади. Бу унинг бахтли бўлиш ниятини билдиради. Невара-чеварали бўлиш истаги эса қўлига ёш болани олиши билан изҳор этилади.

Қиссада **“юз очди”** маросими қайин укаси бориб Оймомо юзидаги рўмолни тортиб очиши билан изоҳланади. Демак, никоҳ маросимлари таркибидаги урф-одат ва расм-русумларнинг ҳар бирида ажодларимизнинг оилани муқаддас билиши, уни ёмон кўзлардан асраб-авайлаши йўлидаги эзгу мақсад ва интилишлари намоён бўлади.

Машғулотнинг навбатдаги босқичи ўзбек халқининг маънавий қиёфасини белгиловчи омиллардан ҳисобланган – матолар, либослар ва амалий санъат намуналари таҳлилига бағишланади. Адиб ўзбек аёлларининг зебу зийнатлари, рўмоллари, атласу адраслари ва келинлик либосларини мадҳ этиш қатори эркакларнинг миллий кийимларини ҳам ўзгача завқ-шавқ билан таърифу тавсиф қилади.

Камалакнинг турфа ранглари матоларда товланади. Довруғи етти иклимга атлас бўлиб таралади. Ўзбекнинг номини дунёга машҳур қилади. Атлас – келинчак кўрки. Ҳеч бир ўзбек қизи йўқки, байрам ва тўйларда Марғилон хонатласи, Гулномошом, Саккизтепкилик, Шодикара, Самарқанд оқшоми каби атласлардан кўйлак киймаган, келинлик сарпосига атаб сандиғининг бир четига атлас матосини ташламаган бўлсин. Қаҳрамонимиз Оймомо ҳам бундан мустасно эмас.

Анъанага кўра, никоҳ кунида келин-куёв махсус кийимларда ҳозир бўлишади. Либослар йигит-қизнинг ўзлигини, маънавий қиёфасини акс эттиради. Чимилдиққа қадам қўйган Оймомо юзини оппоқ ҳарир, бошини шойи рўмол, эгини бекасам камзул ва атлас кўйлаклар безайди. Пешонасида ял-ял ёнган жимжимадор тиллақоши, кулоғидаги халқа балдоқлари, кўкрагидаги кумуш зебигардонлари келинчакка зеболик бахш этади.

Бошида қўқонча дўппи, елкасида бекасам тўн, белида шойи белбоғ ва оёғида ғарчиллама баланд пошнали этиқда Қоплонбек янада кўркамлашади. Эгнидаги либоси куёвнинг табиатан мард, танти, чапани ва қатияътлилигидан далолат беради.

Халқимиз орасида эркак кишининг ғурури ва диёнати унинг дўпписида эканлиги ҳақидаги ривоятлар юради. Дўппи эркаклар учун зарур бош кийим. У бошни қишда совуқдан, ёзда иссиқдан сақлайди. Европа минтақасидаги кўпгина халқлар ҳам дўппи кийишади. Мазкур бош кийим номланиши туркийча “тубе” – тепа, уст сўзларидан келиб чиққан. У нафақат Ўзбекистонда, балки Туркия, Ироқ, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон ва Хитой каби давлатларда ҳам кенг тарқалган. Дўппиларга улар яратилган шаҳарлар номи қўшиб айтилган: “Чуст дўппи”, “Кўқон дўппи”, “Шаҳрихон дўппи”, “Тилам (Шаҳрисабз) дўппи” ва бошқалар. Дўппида тўрт томон борлигида ўзига хос маъно мужассам. Бу дунёнинг шимол, жануб, шарқ ва ғарб томонлари бирлашуви тимсоли.

Бу бош кийимни юртимизда дўппи, каллапўш, қалпоқ каби номлар билан ҳам аташади. Дўппини бошдан ечиб олиш ҳақорат деб тушунилган. Самарқанд ва Бухорода унга “давлати сар”,

яъни “бошнинг давлати” сифатида қарашади. Шу боис дўппини кимгадир ҳада қилишни мол-давлатидан воз кечиш билан баробар деб ирим қилишган.

Ривоятларга кўра, энг кўп тарқалган дўппи беағи “қалампирнусха” – поклик, кўз тегмаслик; “пат бойлами, қушлар” тасвири – донишмандлик, оқиллик; “бодом” – ҳаёт ва унумдорлик рамзидир. Халкимиз “илонизи” нақшини тумор сифатида билишади.

Дўппининг тепа қисмидаги тўртта гул эркаклар саломатлигини тўрт томондан ҳимоялаб тураркан. Четларидаги ўн олти гул эса дўппи соҳиби ёки соҳибасининг оиласи катта ва аҳил бўлиши истагини билдирар экан. Оқ матога оппоқ ипак билан безак берилиши эркаклар қалби поклиги рамзи саналади.

Қадимда қизлар зардевор, сўзана, кирпеч, гулкўрпа ва қуроқларни ўзлари тикишган. Тўқилган рўмолчалар, сочиқлар, дўппилар ва белбоғларга меҳр билан гуллар солишган. Ўзбек қизларнинг истеъдоди, ақл-заковати, дид-фаросати улар тиккан рўзғор жиҳозларида кўзга ташланган.

“Келин чимилдиқда тик турди. Чимилдиқ боғичида ўн саккиз хил келинлик кийими терилди. Деворларда ойнахалталар, чойхалталар бўлди, зардеворлар, сўзаналар бўлди...”

Бари келин иши бўлди!” [7; 238-б.].

Момоларимиз уйлари палак, сўзана, дорпеч, кирпечлар билан безашларида ажиб маъно бор. Ўқувчиларда муайян тасаввур ҳосил қилиш учун келинчалар хонаси деворларини зийнатлаган палак, унга нақшланган гуллар ва ранглар жилоси ҳақида маълумот бериб ўтилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Палак тикиш – момомерос удум. Аслида “палак” – “фалак” сўздан олинган бўлиб, коинот ва заминнинг ўзаро муштараклиги маъносини ифодалайди. Палаклар атрофига тикилган ой тасвирида оламнинг ёруғ жамоли маъноси мужассам. Ҳаёт ва тириклик рамзи яшил, зангори, пистоқи рангларда жилоланган. Сўзаналар ҳошияларидаги нилоби “илон” нусхалар инсонни, оилани, уйни қўриқловчи нажоткор тимсол. Хонаданларга файз-у шукуҳ, тароват бахш этувчи сўзана ва палаклар гулидаги рангларда ҳаётга муҳаббат, гўзалликка ташналик акс этган.

Ҳам иш қуроли, ҳам уй деворларига безак вазифасини ўтовчи кашталанган чойхалта-ю ойнахалталар, ипдан тўқилган тузлиқлар ҳақида бугунги кунда барча ҳам яхши билмаса керак. Ўқувчида ойнахалтанинг вазифаси нимадан иборат, у қандай тикилади деган савол туғилиши табиий.

Қадимда момоларимиз игна, ип, ғалтак, ангишвона, қайчи каби рўзғор анжомларини ёш болаларнинг қўли етмайдиган жойларда, яъни деворга илинган ойнахалталарга солиб қўйишган. Тўрт-бурчак шаклдаги ойнахалта ва астари учун қалин, пишиқ, чидамли ва ювганда ранги чиқмайдиган газлама танланган. Унинг устки қисмига шойи ипаклардан турфа нақшлар солинган. Шокилани попуклар йиғирилиб, четлари бирлаштирилган. Хонадонларни ёмон кўзлардан асрайди, деган маънода тўртала бурчагига сувмунчоқ, кўзмунчоқ, қалампирмунчоқ ва туморчалар чатиб қўйилган.

Ойнахалтани узунасига тенг иккига бўлиб, астарининг ичидан билинтирмай тикилган. Унинг биринчи қисмида аёлларнинг пардоз ашёлари, иккинчи қисмида эса рўзғорга зарур бошқа майда-чуйдалар сақланган. Ойнахалтанинг нафис безаклари уйга кўрк бериш баробарида шу хонадондаги қизлар ва келинчалар нечоғлик ораста, саранжом-саришта, укувли ва чевар эканлигидан далолат берган. Қизларнинг келинлик сарпосига атаб, албатта, ойнахалта тикиш анъанаси бугунги кунда Бухоро туманида сақланиб қолган.

Қиссада Қурбон ва Рамазон айёмлари билан боғлиқ мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларини муборакбод этиши, ўзларига оро бериши, янги либослар кийиши, қурбонликлар қилиши, рўза тутиши, Лайлат ул-Қадр кечасини кутиши, ўтганларнинг қабрларини зиёрат этиб, марҳумлар ҳақида дуолар ўқиши, ҳайитликлар улашиши каби расм-русумлар маълум мақсад билан келтирилади. Жумладан, асар руҳиятига кўтаринкилик ва жозибадорлик бахш этган қуйидаги удумнинг тағзаминида қандай ҳаётий ҳақиқат мужассамлигига диққат қилайлик:

“Ҳайитда улкан ҳовуз бўйида жийноқ бўлди.

Жийноқда нишолда, нўхат сотди, ҳолва, писта сотди.

Болалар лойшувиллак чалди, сибзиқ чалди...

Теварак томларда ҳолва еб ўтирмиш ҳайитловчилар ҳалинчак томоша этди.

...Шунда, Оймому ҳалинчаклади.

Солланиб-солланиб бир учди, бир учди-е! Гир айланиб кетайин деди...” [7; 234-бет].

Хўш, “Ҳалинчак учди” қандай удум?

Бу саволга мазкур удум замирига сингдирилган маънони изоҳлаш орқали жавоб бериш мумкин.

“Ҳалинчак (арғимчоқ) учди” удумида эзгу тилаклар ижобатига ишонч туйғулари яширинган. Илгарилари қиз-жувонлар, ҳатто ёши улуғ момолар ҳам байрам сайилларида азим

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

дарактлар шохларига солинган ҳалинчакларда учишган. Улар арғимчоқ учган одамнинг йил давомида билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилади деб ният қилишган. Турмушга чиқмаган қизлар, фарзанд кутаётган келинчаклар орзулари рўёби истагида ҳалинчакни янада баландлатиб учишга уринишган.

Оймомонинг оидин орзулари ҳалинчак билан ҳаволаниб осмонлар сари кўтарилади. Кейинчалик фарзанд кўриш ушалмас армонга айланишини хаёлига келтирмаган масъума қиз Яратгандан бир этак ўғил-қизларнинг ота-оналари бўлишлари истагида арғимчоқ учган бўлса не ажаб?

Энди асардаги яна бир азалий, навбахорий удум “Шукроналик анъанаси” деб номлашга арзи гулик бир кадрят таҳлилига ўтсак. Наврўз сайлида ёш болалар териб келган бойчечакларни кафтлари орасида эъзозлаган отахон ва онахонлар дилида Яратганнинг яна бир баҳорга етказганига, умрига умр қўшилганига шукроналик хисси жўш уради. “Омонлик-омонлик” дея кўклам даракчисини кўзларига суртадилар.

Она диёримиз ҳудудидаги маросимларнинг энг сеvimлиси гулларга бағишланган сайллардир. Қадимда баҳор келиши билан болалар чучмома, бинафша, қоқигул, ялпиз, кўзикорин чиқишини, толбаргак очилиб, барг ёзишини интиклик билан кутишган ва уни байрам сифатида нишонлашган.

Бухоро ва Хоразмда “Қизил гул сайли”, Тошкент ва Фарғонада “Лола сайли”, Наманганда “Гул сайли”, Чуст ва Сурхон воҳасининг Денов ҳудудларида “Сумбула сайли” ва бошқа жойларда “Бойчечак” сайли ўтказилади. Бугунги кунда “Гуллар байрами”ни ҳар йили август ойида ўтказиш республикамизнинг Наманган вилоятида анъанага айланиб қолган.

Эрта баҳорда тўп-тўп ёш болакайлар кир-адирлар бағридан бойчечак ахтаришган. Ким биринчи бўлиб излаб топса, бахтли саналар экан. Гулни яқин кишиларига тухфа этиш баробарида кўнгилларга бир олам шодлик ва меҳр-мухаббат ҳам улашилган.

Кўлларида бойчечак тутган болажонлар уйма-уй юриб кўклам ташрифидан кўнгилларни хушнуд айлаган. Хушхабардан диллари яйраган қишлоқ аҳли келаси йилни соғ-саломат қарши олишни ният қилишиб, болаларга турли ширинликлар тортиқ қилишган.

Халқимиз орасида бу неъматни кўрган кишининг остонасидан яхшилик, қалбидан қувонч аримайди, ёмонликлар ундан нари юради, деган нақл бор. Гўзаллик тимсоли бўлган бу чечак юртимизнинг баъзи гўшаларида “Заъфарон” ёки “Савринжон” деган номлар билан ҳам аталади. Демак, урф-одат ва расм-русумларнинг ҳар бирига ажодларимизнинг эзгу мақсади ва тилаклари жо бўлган. Халқ амалий санъати намуналарида халқимизнинг турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши кўзгу мисол акс этади.

Таъкидлаш мумкинки, китобхон-ўқувчи “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси тасвирида келтирилган кадрят ва анъаналар мисолида ажодларимиз яратиб қолдирган бой маънавий меросимиздан чексиз баҳра олади, ёзувчи дунёқараши ва шахсиятига баҳо беради, китобхонлик маданияти юксалади, энг муҳими, ўзлигини ва оила муқаддаслигини англаб етади.

Адабиётлар

1. Богданова О.Ю. и др. Методика преподавания литературы. – Москва: “Академия”, 2002, 13-б.
2. Зуннунов А., Эсонов Ж., Хотамов Н., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992. 87-б.
3. Ниёзматова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент: “Фан”, 2007. 29-б.
4. Mahmud Sattor. O‘zbek udumlari. –Toshkent: “Cho‘lpon”, 2007. 106-б.
5. Ражабов Д. “Келин салом”лардаги образларнинг ўзига хос ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. № 5. – Б. 55.
6. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
7. Тогай Мурод. Танланган асарлар. I. – Тошкент: “Шарқ”, 2008.
8. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил 14 (774)-сон, 230-модда. 92-б.
9. Қозоқбой Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: “Камалак”, 2016. 54–60-б.
10. Ҳомидий Х. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Тошкент: “Шарқ”, 2004. 8-б.

The interrelationship of literary education with life is a matter of personal morality and the humanization of literary education is a difficult task, and in the process it is impossible to achieve anything without reading a book. Unless a school-age schoolboy gets the impression of a book, his interest in reading books will gradually diminish. Without the skills of whitening, the reader will not be able to follow the daily literary process and read newspapers and magazines regularly. Literature is a living, constantly evolving process. A student's lack of interest in the process will deprive him of current news and important information. The reader selects the work of fiction within his or her own interests. However, considering the age-related processes, interests, and qualities of a student, the teacher can be encouraged to freely choose from a number of works of spiritual and educational nature. Based on these tales, it is advisable for secondary school students to read independently the works of talented writer Togai Murod. This article explores the role of independent readers in the maturity of the younger generation and the formation of students' analytical skills through reading. There are also Uzbek customs and rituals (wedding, wedding parties, grooms, windows, bridal greetings), national costumes (men's skullcaps, example of folk applied art, the celebration of Eid and seasonal rituals are illustrated by the work of Togai Murod, which emphasizes the importance of spirituality and artistic aesthetic in students.

In the Uzbek literature there are many works of art that are embodied in vivid colors of the living values and traditions of our people, who have withstood the tests of history, in particular, the story of the folk writer of Uzbekistan Togai Murod "People walking in the moon" is considered to be one of the finest work with a high level of international values. Although the problem of love and childlessness is firmly embedded in the story, the reader will see that Uzbek customs and rituals have become an integral part of the nation's spirituality through the lives of its heroes. Heroes Koplombek and Oymomo are people who have been expecting children for many years and whose patience has been fueled by the flames of life. When the problem of childlessness plays a strong role in the plot of the work, the reader is sure that the unique and holistic composition of Uzbek customs has been created in the way of heroes lives. Then our people know, preserve and strengthen the family through such ceremonies as "the bridegroom", "market night", "wedding ceremony", "bridal greeting". The idea of conceptualization is analyzed. In the subsequent stages, we will examine the meanings of meanings of fabrics, costumes and applied arts, which are considered as factors that determine the spiritual image of the Uzbek people. For example, national fabrics (Margilon xonatlas, Gulnomozshom, Sakkiztepkilik, Shodiqara, Samarqand oqshomi), men's hats (chust, Quqan, Shaxrixon skullcaps) emphasizes these types of skullcaps and colors and ornaments they contain. In the past our mothers embroidered glasses, suzannies, dangles, lashes and work tools also embroidered on the walls of the home, embroidered glass, and "swing flight" that inspired the spirit of the work, as well as the spring "Boychechak" "by explaining the ideas to enhance students' artistic aesthetic thinking and spiritual world.

References:

1. Bogdanova, O.Yu. (2002) Metodika prepodovaniya literaturi [Methodology of teaching literature]. – Moscow: "Akademiya". – P. 13.
2. Zunnunov, A., Hotamov, N., Ibrohimov, A. (1992) Adabiyot o'qitish metodikasi [Methodology of teaching literature]. – Tashkent: Teacher. – P. 87.
3. Niyozmetova, R.H. (2007) Uzluksiz ta'lim tizimida o'zbek adabiyotini o'rganish metodikasi [Methods of studying literature in the system of continuous education]. – Tashkent: Science. – P. 29.
4. Mahmud Sattor. (2007) O'zbek udumlari [Uzbek traditions]. A publishing house named by Chulpon. – Tashkent. – P. 106.
5. Rajabov, D. (2007) "Kelin salom"lardagi obrazlarning o'ziga xos ifodasi [The characteristic expression of bridal greetings]. Ўзбек тили ва адабиёти [Uzbek language and literature]. – Tashkent: – P. 106.
6. Safo Matjon. (1996) Maktabda adabiyotdan mustaqil ishlar. O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma [Independent work from literature at school. Methodical instructions for teachers]. – Tashkent: Teacher.
7. Togai Murod. (2008) Selected works. I. – Tashkent: East.
8. Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartini tasdiqlash to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori. About approval of the state educational standard of general secondary and specialized professional education. Decision of the cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2017). – Tashkent: num. 14 (774), item 230. – P. 92.
9. Qozoqboy Yuldash, Muhayyo Yuldash. Badiiy tahlil asoslari (2016) Basics of artistic analysis. Tashkent: Rainbow. P.p. 54–60.

Муаллиф ҳақида маълумот

Камбарова Саодат Иркиновна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси, E-mail: saodat7373@mail.ru.
Tel.: +99899 489 23 04

**БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ҲАКИМИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ЎРНИ**

Н.Ачилов¹

Мақолада Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти, Ҳакимия таълимоти, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти баён этилган. Шунингдек, Ҳакимия таълимотида шогирд одоби, устозга қўйилган талаблар, таълим-тарбия усуллари ва маърифатпарварликка эришиш босқичлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: илм, тасаввуф, билим, тариқат, маърифат, ҳақиқат, Ҳакимия таълимоти, мазҳаб, шариат, автод, тарбия, таълим, устоз, пир, шогирд, мурид.

В этой статье описывается жизнь Аль-Хакима ат-Термизи, его роль и значение в воспитании молодежи. Кроме того, в властном учении изучены привычка ученика, требования к учителю, методы обучения и достижения просветительства.

Ключевые слова: наука, мистика, знание, порядок, просвещение, истина, учение власти, секта, шариат, автод, воспитание, образование, учитель, пир, ученик, мурид.

This article describes the life of Al-Hakim at-Termizi, his role and importance in the education of youth. Also in the teaching of Hakimiya, shogird custom, requirements to the teacher, methods of education and stages of achieving enlightenment were investigated.

Keywords: science, mysticism, knowledge, sect, enlightenment, truth, Hakimiya doctrine, sect, sharia, avtod, education, teacher, pir (Master of some job), shogird, murid (pupil).

Обод ва фаровон ҳаёт, бахтли келажак барча замонларда ҳам ҳар бир инсоннинг орзуси бўлган. Жамиятнинг тараққиёти ва халқ фаровонлиги эса кўп жиҳатдан шу юртга мансуб ёшларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ёшлар тарбияси, азалдан, уларнинг илми, фозил бўлиб вояга етиши учун ҳамма даврларда алоҳида аҳамият берилган. Унга эришиш учун турли халқлар турфа усуллардан фойдаланган. Ёшларнинг тўлақонли билим олишлари учун тинч муҳитни яратишга ҳаракат қилинган. Бу ҳатти-ҳаракатлар бесамар кетмаган, албатта. Хусусан, юртимизда ҳам таълим-тарбияга эътибор қаратилган. Натижада Мовароуннаҳр заминидан минг-минглаб буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг бой илмий мероси туфайли илмнинг барча соҳалари гуллаб-яшнаган. Алломаларимиз қолдирган илмий-маънавий меросдан ҳозиргача бутун дунё аҳли баҳраманд бўлмоқда. Зеро, улар ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар бўйича бирдек самарали ижод қилганлар. Аслида ўтган аждодларимизнинг ким бўлганлиги борасидаги ҳақиқатлар мустақилликка эришганимиздан сўнг кўпчилигимизга аён бўла бошлади. Бу алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини таҳлил ва тадқиқ этган ҳолда татбиқ қилиш, улардан кенг халқ оммаси, айниқса ёшларни хабардор қилиш ҳозирги давр учун энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, Жайхун соҳилида қад кўтарган қадимий шаҳар – Термиз ўз қадимий ўтмиши билан Ватанимиз тарихи саҳифаларида алоҳида ўрин эгаллайди. Эски Термиз шаҳри ўз бағрида залворли тарих воқеаларини пинҳона сир сақлаб келмоқда. Уни тўлиқ ёки тўқис кашф этдик дейиш ножоиз. Шу кўҳна сўлим Сурхон диёри дунё тамаддунига машҳур олимларни ҳадя этган. Унинг қучоғида жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган алломалар, тенгсиз адиб ва шоирлар етишиб чиққан. Муқаддас ислом дини теран ғояларининг мумтоз тарғиботчилари Ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Абу Исо ат-Термизий шулар жумласидандир. Ана шундай қадим тарихимизнинг оғир юқларини пинҳон тутган кўҳна Термиз шаҳрида буюк аллома Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир ибн Ҳорун Ҳаким ат-Термизий дунёга келди. У ёшлигидан донишманд боболари ва суюкли момоларидан Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.) ҳадисларини тинглай бошлаган эди. Оиладаги ана шундай илмга чанқоқ муҳит, шаҳардаги шарт-шароит Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг муқаддас Қуръони Карим тиловатига, Расулulloх ҳадисларига рағбатини янада оширди.

Илмга чанқоклик Ал-Ҳаким ат-Термизийни Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур ҳамда Шарқнинг Рай, Ҳамадон, Бағдод, Басра, Самара, Куфа, Макка, Мадина ва яна кўплаб бошқа шаҳарларига чорлайди. У сафар жараёнида бу шаҳарларнинг илм аҳли билан танишиб, улар билан қизгин суҳбатлар қурди. Олиму-фузалолардан фан сирларини ўрганди, илм-фанга оид барча баҳсу мунозараларда фаол иштирок этди. Аллома ана шу давр тасаввуф мактаблари ва уларнинг асосчилари, аини замонда, ўзининг асрдош ва яқин замондошлари Зуннун Мисрий (Зунуния тариқатининг асосчиси), Боязид Бистомий (Тайфурия тариқатининг асосчиси), Жунайд Бағдодий (Жунайдия тариқатининг асосчиси), Мансур Ҳаллож (“Анал ҳақ” мактабининг асосчиси) кабиларни тариқатларини ўрганиб, уларнинг фикрларини таҳлил қилди. Ал-Ҳаким ат-Термизий Нишопурга бориб, анча яшаб қолади ва шу ерда Ҳакимия тариқатига асос солади [5.Б.40]. Ҳакимия таълимотининг назарияси, унинг низомлари, пир ва муридларга кўйиладиган талаблар, зикр ва ибодат усулларига бағишлаб “Китоб ан-наҳаж” (“Йўл-йўриқлар китоби”), “Хатм ул-авлиё” (“Валийлар муҳри”), “Баён одоб ал-муридин” (“Мурид одоби баёни”) каби асарларини ёзади. Жумладан, “Будувв аш-шаън” да айтилишича, аллома Басрадан Маккага боради, у ерда бир муддат истиқомат қилиб, муборак ҳаж амалларини бажаргандан сўнг Ватанига қайтади. Мусофирлик кезларида, уйга қайтиш онларида Аллоҳнинг китобини ўқиш ва ўқиб олишга бўлган ҳавас уни тарк этмайди. Натижада, у йўл бўйи Қуръони Каримни бемалол ёдлаб олади. Ўша аснода Аҳмад ибн Осим ал-Антокийнинг “Давоъ ал-қулуб” (“Қалблар даъвоси”) китоби Ал-Ҳаким ат-Термизий кўлига тушиб қолади. Бу китоб алломанинг шуурига кучли таъсир ўтказди. Унга ўз ҳаёт йўлини белгилаб олишида ва тўғри йўл танлашида кўмаклашади. Чунки Антокий таълимотининг йўли – илм йўли эди. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” да Антокийдан қуйидаги сўзларни келтиради: “Ҳар амалнинг имоми илмдур, ҳар илмнинг имоми иноят”. Фаридуддин Атторнинг эътирофича, Ал-Ҳаким ат-Термизий асос солган Ҳакимия таълимотининг мазҳаби – йўли ҳам илмга асосланган эди. Шу сабали Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Ал-Ҳаким ат-Термизийга юксак баҳо берган ва ҳамisha Ҳакимия тариқатини алоҳида эътироф этган. Нақшбандийнинг Ал-Ҳаким ат-Термизий зикрида изҳор этган фикрлари, Жомийнинг “Нафаҳат ал-унс” ва Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарларида келтирилган. Аини шу фикрлар “Баҳоуддин Балогардон” асарида қуйидагича ифодаланади: “Агар улар (яъни Баҳоуддин Нақшбанд) Хожа Муҳаммад Али Термизий қуддису сирруху (Аллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин) руҳониятига (қалб руҳларига) таважжух (жиддий эътибор) қилсалар, бу эътибор (зехнли диққат)нинг асари (таъсири) соф бесифатлик (беқиёслик) ҳолатида бўлар эди. Бу бесифатликда ҳеч бир иш кўзга ташланмасди, яъни ҳеч бир бошқа иш ҳодисага эътибор қаратмас эди”. Нақшбандийнинг Ал-Ҳаким ат-Термизий зикрида яна бир фикри “Баҳоуддин Балогардон” да келтирилган: “Етти юз саксон тўққизинчи (милодий 1387) йилда айтган эдилар: Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким Али Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат (яъни ҳол баёнида беқиёс) эдилар. Агар бирор киши билса, мен ҳам бу замонда бесифатдурман”. Бу берилган таърифлардан кўринадики, Баҳоуддин Нақшбандий ҳам ва унинг издошлари “Ҳакимия” тариқатига бефарқ бўлмай, аксинча, бу таълимотга сидқидилдан эргашиб, унинг равнақи йўлида жонбозликлар кўрсатган экан. Кўп йиллар илм илинжида ўзга юртларда, узоқ сафарда бўлган аллома, ниҳоят она шаҳри Термизга қайтди [6, 12]. Шу вақтдан бошлаб аллома ҳаётида янги давр бошланди. Энди Ал-Ҳаким ат-Термизий таълим-тарбия бериш ишларига киришди.


Шу даврда ижтимоий ҳаётда турли фикрлар, турли мазҳаблар, ўзаро тортишув ва баҳслар авж олган эди. Содиқ хидоят йўлида юрувчилар билан бирга тасаввуф бўйича турлича даъво қилиб, тўғри йўлдан оғиб кетганлар ҳам бўлган. Тажрибаларни гапириб ўтишда Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзида танглик сезмас, баъзи нарсаларни танқид ҳам қилар эди. Турли соҳалардаги уламолар билан тортишиб ҳам турар, бу нарса фикрча оид илмларда бўладими ёки асарларга оид илмларда бўладими, барибир эди. Бу баҳслар баъзи бир сўфийларнинг сулук борасидаги айтганларига ва қилаётганларига боғлиқ бўлиши ёки ижтимоий ҳаётга оид гаплар бўлиши ҳам мумкин эди. Ал-Ҳаким ат-Термизий ана шуларнинг ҳаммасини ўрганиб, таҳлил қилиб, жамлаб борди ва кўп қийинчиликларга ҳам учради. Унга бидъатчи дея тухмат қилишди, у ҳақда ҳар хил гап сўзлар тарқалди ва бошқа турли нохуш ҳолатларни бошидан кечирди. Бундай пайтларда унга ихлос билан қилган илтижолари ёрдам берди. Аммо бу иш узоққа чўзилмади. Юртда фитналар авж олди, унга озор берадиганлар кўпайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий одамларга аралашини бошлаганида илми, фазли намоён бўла бошлади. Одамлар унинг ортидан келиб, ҳовлисида дарс ола бошлаганини, толиби илмлар кўпайиб кетиб, ҳатто ҳавлисига сиғмай қолганини кўра олмайдиган, унга қарши иш қиладиганлар ҳам кўпайди. Шундан кейин аллома масжидда дарс ўта бошлайди, уни улуғловчи одамлар тобора кўпайиб кетади. Баъзи баҳс қилувчиларнинг мулоҳазаларига кўра, Ал-Ҳаким ат-Термизийга нисбат берилган гуруҳ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

ўша пайтда пайдо бўлган бўлиши эҳтимоли бор. Баъзи китобларда “Ҳақимия ва Термизия тоифасинининг валийлик тўғрисидаги гапи Термизийнинг гапидир”, деган гаплар келтирилади.

Ал-Ҳақим ат-Термизий “Ҳақимия” таълимотини назарий асослашда салафлари ва замондошларининг тариқатини ўрганиб, уларни таҳлил қилди ва синтезлаштириди. Мавжуд таълимотларнинг моҳиятини, ҳаётийлигини сақлаб қолган, бидъат ва хурофий томонларини чиқариб ташлаган. Аллома тасаввуф илми инсониятни покловчи, камолот сари етакловчи таълимот эканлигини таъкидлайди. Ҳатто, аждодимиз ҳар бир асарида илмга алоҳида эътибор бериб, уни эгаллаш йул ва воситаларини очиб беради. Илмга нур деб таъриф беради ва шу нур инсонни Аллоҳ васлига олиб борувчи асосий восита эканлигини уктириб, умри давомида шу ғоя йўлида фидойилик кўрсатган.

Аллома Ҳақимия таълимотида пир-муридлик бобига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Пиру муридлик, устоз-шогирдлик анънаси инсониятни ёруғликка, эзуликка чорлаб келган. Пиру муридлик таълимоти барча даврларда, ҳаётнинг барча жабҳаларида зарур ва асосий фарз амалларидан бири ҳисобланган. Чунки, жамиятнинг барча даврларида комил инсонларга эҳтиёжманд бўлган. Баркамол, маънан етук инсонлар жамият тараққиётида йўлчи юлдуз сифатида хизмат қилиб одамларни орқасидан эргаштирганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) “Зиллу олимин – заллу оламин” деганлар. Бу фикрнинг маъноси “Олимнинг гумроҳлиги – оламнинг гумроҳлиги” демакдир. Мана шу таълимот толибни пири комил этагини тутишга ундаган, шогирд ўзини устозга топширган. Қадимдан ота ўғлини устоз кўлига топшираётган вақтида эти сизники, суяги бизники деб топширган. Ҳар бир шогирд устоз этагидан тутар экан унинг хизматида доим тайёр туриб, ўзини тоблаган, ўзлигини иқтидорини намоён қилиб, юксаклик чўққисига эришган. Ҳақимия таълимотида ҳам тариқат мактабига кирган ҳар бир шогирд олдиндан ишлаб чиқилган тавба, вараъ, зуҳд, фақр, хавф, сабр, ражо, таваккул, ризо каби таълим босқичлардан ўтиб, ҳар бирининг талабларини бажариши ва машақатли тўсиқларни енгиб ўтиши керак бўлган. Бу босқичларни машақат билан енгиб ўтган шогирдгина маърифатпарварликка эришган(1-расм).



1-расм. Ҳақимия таълимотида маърифатни эгаллаш босқичлари

Ҳақимия таълимотида пир, устоз олдида ҳам юксак даражадаги талаблар кўйилган:

Ҳақим ат-Термизий “Устозликнинг барча талабларига жавоб бермай туриб, ғайб сирларидан огоҳ бўлмай муридларининг қалбларига боқмай, уларнинг жон ва мол-дунёлари ҳамда ҳолларидан огоҳ бўлмай туриб устоз бўлиши жоиз эмас” [4, 42] дейди. Устоз шогирдининг шодлигини ҳам ғамини ҳам баҳам кўрган. У тарбия жараёнида насиҳат, илҳомбахш сўзлар, ва танбех(2-расм) каби тарбия усуллари самарали фойдаланган.



2-расм. Ҳақимия таълимотида тарбия усуллари

Ал-Ҳаким ат-Термизий “Ҳакимия” таълимотида шариатсиз тариқатга, тариқатсиз маърифатга, маърифатсиз ҳақиқатга эришиб бўлмаслиги ҳақида таъкидлаб, уларни қуйидагича таснифлаб беради.

Яъни тасаввуфни авлодга, унинг босқичлари шариат кутб, тариқат ғавс, маърифат нажийб, ҳақиқатни абдолга ўхшатади. Бу ерда нажийб, кутб, ғавс, абдол сўзлари ўзасл маъноларида эмас, рамзий маънода доимо инсонни ҳимояловчи, мададкор, Аллоҳга яқин, тоза, соф, пок тўрт нафар зот маъносида автод эса ана шу тўрт буюк зотни бирлаштириб турувчи таянч, устун сифатида талкин этилади. Ёнғоқ меваси талқини бўйича тасаввуф босқичларининг узвийлигини ер, дарахт ва мева муносабатида ҳам нисбат берилади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг Ҳакимия таълимоти баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса устоз шогирднинг қалбини ўрганиши ва ундан жой олиши бугунги куннинг талабидир. Ҳозирда бу талабни педагогик жараёнда устоз-шогирд тарбиясида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, “Муриднинг қалбига васваса тушса, яхшилик аломати деб билсин, чунки шайтон уни йўқлаб қолибди. Одатда шайтон обод бўлаётган қалбларни васваса қилишга уринади. Хароба қалблар шундай ҳам унинг мулки ҳисобланади, овора бўлиб, уларни васваса қилиб ҳам ўтирмайди. Шайтон обод қалбларни хароба қилиш умидида уларга васваса қилади, ниятига эриша олмагач, ташлаб кетади” [3, 7]. Демак, инсонлар вақтида билиб билмай қилган ишларини дарҳол англаб етиб, Аллоҳдан паноҳ сўрасалар, қалбларига тушган васваса уларга зарар етказа олмайди. Бу эса рухий-маънавий ахлоқий соғломлик учун ниҳоятда зарурдир.

Халқимизнинг бой илмий-маънавий мероси, ислом дини ва унинг ғоялари, диний, миллий-маънавий кадриятларимиз, юртимизда етишиб чиқиб, бутун дунёда машҳур бўлгани каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва илмий, маънавий меросларига асосланган ҳолдагина ислом дини ғояларини бузиб талқин қилишга уринаётган оқимларнинг асл мақсадларини фош қилишга асос бўлади. Алломаларимиз маънавий меросини илмий ўрганиш, улардан ёшларни хабардор қилиш “миллий ўзликни англашда бузилишларга олиб келаётган сабабларни, омилларни аниқлаб олишимиз, ана шу жараёнларга ижобий таъсир ўтказиш”[2, 90]нинг асосий йўлларида ҳисобланади. Яъни, илмсиз тараккиёт бўлмайди – жаҳолат саодатманд этмайди. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жаҳолатга қарши – маърифат”ни қурол қилган аждодларимиздан бизгача етиб келган бой маънавий мерос ўзига хос нажот қалъаси, ҳимоя кўрғони вазифасини ўтайди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.:“Маънавият”, 2008. – 17-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекисон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 90-б.
3. Ал-Ҳаким ат Термизий. Сарахс аҳли сўраган масалалар(Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси). –Т.:“Ҳилол-Нашр”, 2017. – 7-б.
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Маърифатул асрор(Абдулхамид Муҳаммад Турсунов таржимаси) – Т.:“Мовароуннаҳр”, 2018. – 42-б.
5. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. –Т.:, 2000. 40-бет
6. Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури.-Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 12-б.

Муаллиф ҳақида маълумот

Нуриддин Ачилов, Термиз давлат университети педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMIDA FUNKSIONAL SAVODXONLIK MASALASI

A.I.Kudratova¹

Mazkur maqolada XXI asrda muhim hisoblangan insonning funksional savodxonligi haqida fikr yuritilgan. Ta'limning oldida turgan dolzarb fazifalardan biri insonning hayoti davomida doimiy ravishda oladigan bilim, ko'nikma va malakalar ini keng qamrovli hayotiy masalalar yechimini topishga va o'z faoliyatining turli sohalarida duch keladigan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarida qo'llay olishga yo'naltirishdir.

Kalit so'zlar: inson, ta'lim, savodxonlik, funksional savodxonlik, maqsad, vazifa, munosabat.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

В статье рассматривается одно из наиболее значимых достижений цивилизации в развитии человека и общества функциональная грамотность. Так как одна из важнейших целей образования считается воспитать людей способных вступать в отношения с внешней средой, быстро адаптироваться и функционировать в ней.

Ключевые слова. *Человек, образование, грамотность, функциональная грамотность, цель, задача, взаимосвязь.*

The article considers one of the most significant achievements of civilization in the development of human and society functional literacy. Since one of the most important goals of education is considered to educate people who are able to enter into relations with the external environment, quickly adapt and function in it.

Keywords. *Person, education, literacy, functional literacy, goal, task, relationship.*

Pedagogika fanida deyarli yangi hisoblangan "funktional savodxonlik" tushunchasi XX asrning uchinchi choragida jamiyatning postindustriya davriga o'tish bilan bog'liq zamonaviylikning global muammolariga javoban paydo bo'lgan.

XX asrning 50-yillarida ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha Birlashgan Millatlar Tashkiloti bo'limi (YUNESKO)ning tashkil etilishi munosabati bilan aholining savodxonligi muammosi xalqaro miqyosda o'rganila boshlagan. YUNESKOning 1958-yildagi 10-sessiyasida "matnlarni tushungan holda o'qiy oladigan va kundalik hayotining qisqa bayonini yoza oladigan odamgina savodli, faqat o'qish ko'nikmasiga ega bo'lgan odam esa yarim-savodli" deb hisoblash tavsiya etildi. Xalqaro ekspertlarning jamiyat savodxonligini hamda ta'lim sifatini oshirish maqsadida olib borgan ko'p yillik tadqiqotlari natijasi va xulosalari asosida "savodxonlik" tushunchasiga turlicha yondashuvlar vujudga keldi.

O'zbekiston Milliy ensiklopediyasida savodlilik va savodxonlik tushunchalariga quyidagicha ta'riflar berilgan: 1) aholi madaniy saviyasi ko'rsatkichlaridan biri; 2) odamning adabiy til normalariga muvofiq keladigan og'zaki va yozma nutq malakalariga egaligi; 3) oddiy matnlarni o'qish va yoza olish ko'nikmasiga egaligi; 4) muayyan soha bo'yicha bilimga egaligi (siyosiy savodxonlik, texnik savodxonlik, tibbiy savodxonlik). "Savodxonlik" tushunchasining mazmun-mohiyati jamiyat taraqqiyotining turli bosqichlarida uning ijtimoiy, siyosiy, ilmiy, madaniy hamda ruhiy saviyasiga bog'liq ravishda o'zgarib turadi [2].

Iqtisodiyotning raqobatbardoshligi hamda jahon davlatlari darajasida innovatsiyalarda liderlikka erishish yo'lida yangi impulslarni izlash, mehnat bozori hamda biznes, yuqori texnologik ishlab chiqarish tomonidan ta'lim oldiga turli yo'nalishdagi bilimlarga ega, tanqidiy va kreativ fikrlaydigan, muammolarni anglab turli hayotiy vaziyatlarda yechimini topib, innovatsion loyihalar yarata oladigan mutaxassislar tayyorlash vazifasi qo'yildi.

Jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti o'tgan asrning 70-yillariga kelib "savodxonlik" tushunchasi kengayishini taqqozo etdi va 1965-yilda Tehronda bo'lib o'tgan Butunjahon ta'lim vazirlari kongressida "funktional savodxonlik" atamasidan foydalanish taklif qilindi va unga "insonning munosabatlarga kirishish, tashqi muhitga moslashish va unda faoliyat yuritish qobiliyati" deb ta'rif berildi.

Bu mavzuda ko'pgina olimlar va tadqiqotchilar izlanish olib bordi. Masalan, A.A.Leontyevning fikriga ko'ra "funktional savodxon inson—bu hayoti davomida doimiy ravishda oladigan bilim, ko'nikma va malakalarini kengqamrovli hayotiy masalalar yechimini topishda va o'z faoliyatining turli sohalarida duch keladigan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarda qo'llay oladigan insondir"[4]. B.S. Gershunskiy o'z izlanishlarida ta'limiy yutuqlar zanjirini "savodxonlik, ta'lim, kasbiy kompetentsiya, madaniyat, mentalitet" kabi tartibda bo'lishi lozim deb hisoblaydi. Bunda funktsional savodxonlik kasbiy darajada qaralib, asosiy tarkibiy qismlariga fanini bilishi, ijodkorligi, mas'uliyatliligi, qat'iyatliligi, yangi bilimlarga tashnaligi, voqelikni estetik idrok etishi kabi yuqori axloqiy fazilatlarini kiritilgan[5].

Turli adabiyotlarda funktsional savodxonlikka berilgan ta'rif va tahlillarga ko'ra funktsional savodxonlik bilan bog'liq quyidagi kompetensiyalarni ajratish mumkin:

- olingan bilimlardan foydalanib, hayotiy muammolarini hal qilish;
- global muammolarni anglash;
- moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirish;
- axborotlar bilan ishlash;
- o'zkonstitutsion va boshqa huquqlarini anglagan holda jamiyat hayotining turli jabhalarida ishtirok etish.

Mamlakatimizda ham bugungi kunda ta'limga katta e'tibor qaratilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-sonli farmoni ijrosini ta'minlash maqsadida

umumta'lim maktabi o'qituvchilarining o'zlashtirish ko'rsatkichlarini nazorat qilish va baholashni xalqaro dasturlar asosida amalga oshirish hamda ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etish, 2030-yilga kelib PISA (Programme for International Student Assessment) Xalqaro miqyosda 15 yoshli o'quvchilarning funksional savodxonliklarini baholash dasturi reytingi bo'yicha jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakati qatoriga kirishiga erishish vazifalari kun tartibiga qo'yildi[1]. Xalq ta'limi vazirligi, Respublika ta'lim markazi, viloyatlardagi xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazlari, xalq ta'limi boshqarmalari, shahar va tuman xalq ta'limi bo'limlari va bevosita maktablar bilan hamkorlikda ijobiy ishlar amalga oshirilib, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilmoqda. Tahlillarga ko'ra, maktablarimizda o'quvchi intellektlarining o'qituvchi tomonidan quyidagicha (1-rasm) baholanish tartibi bugungi kungacha saqlanib qolgan. Bu esa o'qituvchiga dars jarayonida o'quvchining ongida qanday aqliy jarayonlar kechayotganligini aniqlash imkonini bermaydi.

Nemis klassik falsafasi asoschisi Immanuel Kant fikriga ko'ra "materiallarni yodlash orqali aqli, chiroyli so'zlash va xuddi bilimli insondek taassurot qoldirish mumkindir, lekin bunday yo'l bilan ma'lum bir vaziyatlar bo'yicha keng dunyoqarashni shakllantirish mumkin emas. Chunki bunday ta'limda o'rganilayotgan sohaga chuqur kirib borilmaydi, haqiqiy aql-idrok, zehn yo'qoladi. Bunday kishi esa buyuk ishlar qilishga qodir bo'lmaydi" [3].

Bundan ko'rinadiki, agar o'quvchilar maktabda olgan bilimlarini o'zlashtirmasa, o'zlashtira olmasa yoki nima uchun o'zlashtirayotganliklarini anglab yetmasalar, sifatli ta'lim va funksional savodxonlik haqida gapira olmaymiz.

Hozirgi pedagogika fanida o'qituvchining amaliyotchilik, tadqiqotchilik, tashkilotchilik, vositachilik, ijrochilik singari vazifalari borligini qayd etilgan bo'lib, ana shu vazifalarni to'la uddalaydigan o'qituvchigina bugungi yosh avlodning barkamol shaxslar sifatida shakllanishiga ta'sir ko'rsata oladi deb ta'kidlanadi.


Yuqoridagi rasmda so'roq belgisi(?) o'rnini to'ldirish maqsadida o'qituvchi o'quvchilarida darsning avvalida a) "Bu bilimlar menga kerakmi?", dars davomida b) "Bu menga qiziq", dars so'ngida v) "Men buni qila olaman" va natijada g) "Men bu bilimlarni hayotimda qo'llayman" va eng muhimi) "Men buni yangi innovatsion loyihasini yarata olaman" kabi g'oyalarni shakllantirishi lozim. Buning uchun bolalar shaxsiyatini kamol toptirish, ularning aql-idrokining o'sishini qo'llab-quvvatlash, bilimlarga nisbatan tanqidiy munosabatlarni shakllantirishga ko'maklashish, ayniqsa, ularni muttasil o'zgarib borayotgan dunyoga moslashishga qodir bo'lgan bilimli insonlar qilib tarbiyalashda o'qituvchilarning kasbiy kompetentligi muhim ahamiyat kasb etadi.

Jamiyatimizda funksional savodxonlikni shakllantirish va rivojlantirish maqsadida quyidagi tavsiyalarni keltirish mumkin:

- ta'lim muassasalarida "Funksional savodxonlik tushunchasi, uni shakllantirish va rivojlantirish" mavzusida ilmiy-amaliy seminar, treninglar tashkil etish;
- funksional savodxonlik sohasidagi jahon tajribalarini ommaviy axborot vositalarida yoritib borish;
- o'qituvchilar uchun funksional savodxonlikni shakllantirish va uni baholash yuzasidan metodik ko'rsatmalar tayyorlash;
- internet saytlari va telegram kanallarida funksional savodxonlikka doir sinflar kesimida topshiriqlar joylashtirib borish;
- keyslar yaratish va ular bilan ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish;
- ta'limda "Loyihalashtirish" texnologiyasini singdirish;
- umumta'lim maktablari uchun STEAM pedagoglarni tayyorlash.

Funksional savodxonlik masalasi bo'yicha bildirilgan qisqa ilmiy-tahliliy mulohazalarga xulosa qilar ekanmiz, umumta'lim maktablarida sinf-dars tizimidan loyihaviy faoliyatga tomon o'tish, fundamental bilimlarni funksional bilimlarga ko'chirish, amaliyotda faol qo'llash jarayoni orqali fanlar integratsiyasi, kesishmasida muammolar yechimining yangicha yo'llarini izlash, lozim topilsa, kashf etishga yo'naltirish kabi amaliy-metodik vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirishning innovatsion yo'llarini joriy etishimiz lozim.

Funksional savodxonlik bizning nimani bilishimiz emas, bilganlarimizni qanday qo'llayolishimizdir.



ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenining 2019-yil 29-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712 – sonli farmoni QHMMB: 06/19/5712/3034-son29.04.2019 y.
2. O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
3. Immanuel Kant. Pedagogika to‘g‘risida.– Toshkent, 2013-yil.
4. Образовательная система «Школа 2100». Педагогика здравого смысла: сб. мат-лов / поднауч. ред. А. А. Леонтева. М.: Баласс, Издателский дом РАО, 2003. 368 с.
5. Гершунский Б.С. Образование как результат: грамотность, образованность, профессиональная компетентность, культура, менталитет// Философия образования: учебное пособие для высших и средних пед. учеб. заведений. М.: МПСИ: Флинта, 1998г. Ст.65
6. Педагогические науки. Парт 2. П. И. Фролова. К вопросу об историческом развитии понятия «функциональная грамотность» в педагогической теории и практике. УДК 37.01 ДОО 10.17238/иссн1998-5320.2016.23.179
7. Ta’limda “Loyihalar” metodidan foydalanish. Toshniyozova Ra’no. Samarqand, 2018-yil.
8. STEM-подход в образовании (идеи/методы/практика/перспективы). Минск. 2018 г.
9. Qozoqboy Yo‘ldoshev. O‘qituvchi kitobi. – T., 1997-yil.
10. Тангян С.А. Образование на пороге века // Педагогика. 1995 г. № 1. Ст. 11.

BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI RIVOJLANTIRISH

O. R.Ortiqov¹

Ushbu maqolada bugungi murakkab, globallashuv jarayonlari sharoitida mafkuraviy kurash va g‘oyaviy tahdidlar, inson ongi va qalbini egallash uchun olib borilayotgan kurashlar hamda ularga qarshi hozirgi zamon talablariga mos, mafkuraviy immunitetni shakllantirish maqsadida, bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyalash yo‘nalishlari ochib berilgan. Bundan tashqari, maqolada bo‘lajak o‘qituvchilarning oliy ta’lim sohasida egallayotgan bilimlarini zamonaviy metodlar va texnologiyalar asosida oshirish va amaliyotga tatbiq etish muammolari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: mafkura, g‘oya, immunitet, tarix, rivojlanish, globallashuv, metod, oila, ta’lim, tarbiya, mahalla, o‘qituvchi, pedagog.

В рамках данной статьи рассматривается проблема подготовки будущих учителей, обладающих сложившимся идеологическим иммунитетом и подходящих к требованиям современности.

Ключевые слова: идеология, идея, иммунитет, история, глобализация, метод, семья, образование, воспитание, махалла (местный сход граждан), учитель, педагог.

The article deals with the problem of the problem of training of future teachers that possess completely formed ideological immunity and are fit for the needs of present day.

Keywords: ideology, idea, immunity, history, globalization, method, family, education, upbringing, mahalla (local gathering of citizens), teacher, teacher.

Bugungi murakkab globallashuv, o‘zgarishlar sharoitida mafkuraviy kurash, inson ongi va qalbini egallash uchun olib borilmoqda. Bu kurashning zamirida esa turli yot va vayronkor g‘oyalarni amalga oshirish yotadi. Shunday ekan, mamlakat mustaqilligini mustahkamlashning muhim shartlaridan biri ham g‘oyaviy tarbiyani kuchaytirishdir. Bo‘lajak o‘qituvchilar ma’naviyatiga tahdid soladigan xavflar va ulardan o‘zini ongli himoya qilish ko‘nikmalari ustozlarning ta’lim-tarbiyasida va o‘gitlarida, ota-onalar va bobo buvilarning pand-nasihatlarda, atrof-muhitda bolib turgan yaxshilik va yomonliklarni ko‘rish va bilish jarayonida shakllana boradi. Kelajak avod tarbiyachlanuvchilariga ilk yoshdan boshlab nima yaxshi, nima yomon, ularga qanday munosabat bildirish kerak degan, savollarga asoslangan holda aytish mumkinki oila, mahalla va ta’lim muassasalari hamkorligi, oliy maktab tarbiyasi, undan keyin ijtimoiy tarbiya uzviyligi yo‘lga qo‘yilsagina har bir ilmi tolib sog‘lom, ishonchli, mustahkam immunitetga ega bo‘ladi. Immunitet esa o‘z navbatida, talabalarni to‘g‘ri yo‘ldan “ozish”dan, turli yo‘llarga adashib, keyin pushaymon bo‘lishlardan, baxtsizlikdan, millatni esa parokandaliklardan, parchalanishlardan, sinfiy, mahalliy yoki boshqa bo‘linishlardan asrab, kelajak avlod tarbiysiga mas’uliyat bilan yondashishga undaydi. “Mafkuraviy

immunitet shaxs, ijtimoiy guruh, millat, jamiyatni turli zararli g'oyaviy ta'sirlardan himoya qilishga xizmat qiladigan g'oyaviy-nazariy qarashlar va qadriyatlar tizimi"[1, 10]. Bevosita, mafkuraviy immunitet davlat va millatning ma'naviy birligini, sog'lomligini himoya qiluvchi g'oyaviy qalqon vazifasini bajaradi.

Mustaqillik sharoitida ma'naviy islohotlar zamirida madaniy-ma'rifiy faoliyat tubdan o'zgardi, yangi mazmun kasb etdi, shaklan kamol topdi. Bu o'zgarishlar istiqloq bergan imkoniyatlar asosida sodir bo'ldi. Zero, bu sohaning yangilanishi tarixiy zarurat edi.

Bo'lajak pedagoglarda ma'naviy ehtiyojlarini qondirish, milliy an'analarini tiklash, ijodiy ravnaq toptirish, yangi milliy mafkurani targ'ib etish ularning muhim vazifasiga aylanishi darkor. Hozirgi kunda yoshlarimizni dunyoda kechayotgan murakkab siyosiy, mafkuraviy kurashlardan muntazam xabardor qilish, jahonda va yon atrofimizda sodir bo'layotgan voqea-hodisalarga nisbatan ularda ongli munosabatni shakllantirish, ularda milliy manfaatlarimizni chuqur anglash va himoya qilish, shu aziz Vatan uchun, uning buguni va ertasi uchun daxldorlik va mas'ullik tuyg'usini yanada kuchaytirishga qaratilgan ma'rifiy ishlar amalga oshirilishi ko'zda tutilgan.

Ma'naviy-ma'rifiy va mafkuraviy targ'ibot ishlari hech qachon hozirgidek dolzarb vazifaga aylanmagan. Ma'naviy islohotlar davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi bo'lgani, mafkuraviy tahdid va axboriy xurujlar ko'payib borayotgani, odamlar ongi va qalbini egallash yo'lidagi kurash jarayonlari kuchaygani uchun hayotning barcha jabhalari, ishlab chiqarishning hamma sohalari, aholining hamma qatlamlari orasida, ma'naviy-ma'rifiy va mafkuraviy sohada jadal ishlarni amalga oshirish, targ'ibotchi oldidagi eng muhim vazifa hisoblanadi. Yoshlar tarbiyasi, sport, intellektual salohiyatni oshirish, kitob o'qish, mutolaa madaniyatini shakllantirish, yoshlarni ilmiy, bilimli, dunyoqarashlarining keng bo'lishi, jamiyat taraqqiyotiga hissa qo'shish va boshqalar davlatimiz siyosatining asosiy masalalari sifatida qaralayotganligi sir emas. Zero, yurtboshimiz Sh.Mirziyoyev aytib o'tganlaridek, "Yoshlarning ilmiy va badiiy kitoblar, jumladan, elektron asarlarni o'qishga bo'lgan qiziqishini yanada oshirish, huquqiy, ekologik, tibbiy va axborot- kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish madaniyatini yuksaltirish orqali ularda turli mafkuraviy tahdidlarga, xususan, diniy ekstremizm, terrorizm, «ommaviy madaniyat» va boshqa yot g'oyalarga qarshi mustahkam immunitetni shakllantirish" [2, 10] masalalari hozirgi kunning eng muhim strategik vazifalaridandir.

O'tmish, tarix bugungi kun va kelajak uchun ibrat darsidir. Darvoqe, "Vatan, millat taqdiri hal bo'ladigan qaltis vaziyatlarda to'g'ri yo'lni tanlay olish uchun, avvalo, tarixni va hayotning achchiq-chuchugini bilish kerak. Tarix insonning ko'zini ochar ekan. Shunda ko'p xatolarning oldini olish mumkin bo'lar ekan [27, 62]. Hozirgi kunda yoshlarimizda turli xil yot va zararli g'oyalarga qarshi kurashish uchun mafkuraviy immunitetni shakllantirish dolzarb ahamiyat kasb etib bormoqda. Binobarin, bu jarayon jamiyat, davlat, xalq va millat taraqqiyoti, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy ma'rifiy, ta'lim-tarbiya va mafkuraviy jarayonlarning uzviy birligi asosida amalga oshadi.

Mafkura (arab. – fikrlar majmui) – muayyan ijtimoiy guruh, qatlam, millat, jamiyat, davlatning manfaatlari, orzulari, maqsadlari ifodalangan qarashlar va ularni amalga oshirish tizimi.

"**Immunitet** so'z tibbiy tushuncha bo'lib (**ma'nosi lot.Immunitos – ozod bo'lish, qutulish**), organizmning doimiy ichki muayyanligini saqlashi, o'zini turli ta'sirlardan, tashqi infeksiyalar kirib kelishidan himoya qilishga qodir bo'lgan reaksiyalar majmui tushuniladi"[3, 12 – 15]. Sodda qilib aytganda, **birinchidan**, immunitet – inson organizmining o'zini turli kasalliklaridan himoya qila olish qobiliyatidir. Vaholanki bugungi kun yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirib borish muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. **Ikkinchidan**, u har bir yosh avlod uchun o'ziga xos xususiyatga ega bo'lmog'i lozim. **Uchinchidan**, immunitet tizimi shakllangandagina jamiyatda mafkuraviy daxlsizlikni ta'minlash mumkin.

Yoshlarimizni turli g'oyaviy va mafkuraviy tahdidlardan asrash, jamiyatda mafkuraviy immunitet hosil qilish uchun uni, avvalo, taraqqiyot qonunlarini chuqur aks ettiradigan sog'lom, insonparvar g'oya va mafkura bilan qurollantirish kerak. O'zligimizni, axloqimizni, merosimiz, qadriyatlarimiz va milliy ruhimizni zararli g'oyalar va mafkuralar ta'siridan avaylab-asrash, ularga qarshi yoshlarimiz qalbi va ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirish orqaligina millatni asrash mumkin.

Mafkura har qanday jamiyat hayotida zarur. Mafkura bo'lmasa odam, jamiyat, davlat o'z yo'lini yo'qotishi muqarrar. Ikkinchidan, qayerdagi mafkuraviy bo'shliq vujudga kelsa, o'sha yerda begona mafkura hukmronlik qilishi ham tayin. Insoniyat yangi asr bo'sag'asida turgan bugungi kunda turli xil eski va yangi mafkuralarning o'zaro kurashi har qachongidan ham ko'ra shiddatli tus olmoqda. Rang-barang, ba'zan birbiriga mutlaqo zid dunyoqarashlar, siyosiy, milliy, diniy oqimlar, mazhab va sektalar o'rtasidagi fikr talashuvlari goho bahs-munozara doirasidan chiqib qonli to'qnashuvlar, ommaviy qirg'inlarga sabab bo'lmoqda, odamlar boshiga behisob qayg'u-kulfatlar solmoqda. Hozirgi vaqtda dunyoda ikki qarama-qarshi qutb barham topgan bo'lsa-da, turli xil maqsad va manfaatlarini ifoda etuvchi mafkuralar tortishuvi to'xtagani yo'q. Ochiq aytish kerakki, bu tortishuvlardan ko'zlangan asosiy maqsad – inson, avvalambor, yoshlar qalbini egallash, muayyan mamlakat yoki mintaqadagi biror millat yoki xalqning ongiga, uning sezgi-

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

tuyg'ulariga ta'sir o'tkazish, uni o'z dunyoqarashiga bo'ysundirish, ma'naviy jihatdan zaif va tobe qilish. Fikr qaramligi, tafakkur qulligi esa har qanday iqtisodiy yoki siyosiy qaramlikdan ham ko'ra dahshatlidir.

Ta'limni takomillashtirish strategiyasida bugungi kunnigina emas, balki istiqbolni ham belgilab beruvchi maqsadlar ko'zlanib O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning nutq va chiqishlarida, shuningdek, 2018-yil 28- dekabrda Oliy Majlisga qilingan Murojaatnomasida muhim vazifalar ilgari surilmoqda. O'zbekiston Respublikasining istiqboli ajdodlarimizning tarixiy an'analari va ma'naviy merosiga suyanan holda, kelajakni belgilab berishning asosiy tamoyili hisoblanadi. Shu o'rinda Prezidentimizning "Farzandlarimizni mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini chuqur egallagan, mustahkam hayotiy pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyallash" [4, 10] bo'lajak o'qituvchilar uchun dasturulamal bolmog'i kerakligini ta'kidlash joiz.

Jahondagi har bir xalq va davlat o'z yoshlarini milliy g'oya ruhida tarbiyalagan taqdirdagina o'z kelajagini ta'minlashi, yuksak taraqqiyotga erishishi mumkinligini hozirda butun dunyo tan olmoqda. O'zbekiston mustaqillik yillarida yosh avlodni intellektual jihatdan kuchli, jismonan baquvvat, ma'nan sog'lom etib tarbiyalashga alohida e'tibor berib keladi. Hozirgi kunda yoshlar ongiga milliy g'oyani singdirishda, ta'lim va tarbiya, fan, madaniyat va madaniy-ma'rifiy muassasalar, adabiyot va san'at, din, jismoniy tarbiya va sport, urf-odat, marosim va bayramlar, oila, mahalla, mehnat jamoalari, siyosiy partiyalar, nodavlat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari orqali milliy g'oyani va milliy mafkuraviy immunitetni xalqimiz, ayniqsa yoshlar ongiga singdirishda qator ishlar amalga oshirilmoqda. Maxsus dasturlar tashkil etilmoqda, milliy g'oya, milliy mafkurani targ'ib etish bo'yicha, jahon chempionlari, mashhur san'atkorlar bilan uchrashuvlar va davra suhbatlari amalga oshirilib kelinmoqda.

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovning "Dunyodagi zo'ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o'ziga tobe qilib, bo'ysundirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo'lsa, avvalambor, uni qurolsizlantirishga, ya'ni eng buyuk boyligi bo'lmish milliy qadriyatlarini, tarixi va ma'naviyatidan judo qilishga urinadi" [5] degan fikrlari bilan mafkuraviy immunitet haqidagi qarashlarmizni ifodalaymiz.

Mustaqilligimizning dastlabki yillardan boshlab O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov tashabbuskorligida turli tashqi kuchlar hamda markazlar tomonidan tarqatilayotgan yot g'oyalarga qarshi ma'naviy immunitet shakllantirish va bu yo'lda, milliy g'oya, milliy mafkura tushunchalarini yoshlar ongiga singdirish yuzasidan bir qator ishlar olib borildi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 2001-yildan boshlab "Milliy istiqloq g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" fani bo'yicha ta'lim dasturlarini yaratish va respublika ta'lim tizimiga joriy etish to'g'risidagi farmoyishi, 2006- yil 25- avgustdagi "Milliy g'oya targ'iboti va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish to'g'risida"gi 451-sonli qarori, hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017- yil 28- iyuldagi Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazini tashkil etish to'g'risidagi PQ-3160 sonli qarori e'lon qilinganligi muhim qadam bo'ldi. Shu bilan birgalikda, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009- yil 28-fevraldagi 07/2-80-sonli "O'zbekiston Respublikasi Ma'naviyat targ'ibot markazi, Milliy g'oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi, O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirliklari, Ichki ishlar, Respublika Bosh prokuraturasi, "O'zbekkino" milliy agentligi, O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi hamkorligida ta'lim muassasalarida diniy ekstremizm va missionerlikning oldini olish, ijtimoiy-ma'naviy muhitni yanada sog'lomlashtirish bo'yicha chora-tadbirlar rejasi" (3-qism 16-bandi)ni dasturulamal sifatida ko'rsatish mumkin. Shuningdek, Oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish, milliy g'oyani amalga oshirishning istiqloq yillarida shakllangan mexanizmi, o'ziga xos tizimi mavjud. Bu ham ta'lim, ham tarbiya jarayoni orqali amalga oshiriladi. Ta'lim muassasalarda yaratilgan o'quv qo'llanmalardan tortib, sinflar va auditoriyalargacha mafkuraviy ta'lim beruvchi ijtimoiy reklamalar bilan qurollantirish va milliy g'oyani o'quvchi yoshlar ongiga singdirishda darsliklardagi mavzular yuzasidan interfaol ta'lim metodlaridan foydalanish o'zining ijobiy samarasini beradi.

Bundan tashqari o'tgan davrda ijtimoiy hayotda biz yoshlarga haqiqiy tayanch va suyanch bo'ladigan, ularning orzu-intilishlarini ro'yobga chiqarishga ko'maklashadigan O'zbekiston yoshlar ittifoqi va uning turli bo'g'indagi tuzilmalari, "Sog'lom avlod uchun", Zulfiya nomidagi davlat mukofoti, "Nihol" kabi mukofotlar tashkil etildi. Bularning barchasi zamirida bir ezgu maqsad – mamlakatimiz yoshlarini mafkuraviy immunitetni har tomonlama shakllantirish, ularni kelajagimizning haqiqiy egalariga aylantirishga qaratilgan sa'y-harakatlar turgani tabiiy, albatta.

Milliy istiqloq g'oyalari asosida kamol topayotgan bugungi yoshlar mustahkam e'tiqod, yuksak dunyoqarash, ma'rifat asosida o'zligini namoyon etmoqni, mamlakatimiz aholisini qalbi va ongini egallashga qaratilgan tahdidlarga qarshi turishi va ogoh bo'lib yashamog'i uchun madaniy-ma'rifiy tabdirlar saviyasini ham zamon talabi darajasida moslashtirmoq zarur. Shunday qilib, jaholatga qarshi ma'rifat asosida

kurashish, ma'rifatchilik milliy istiqloq g'oyasining muhim tamoyillaridan bo'lib, sog'lom e'tiqod, yuksak dunyoqarash hamda mafkuraviy immunitet asoslarini mustahkamlashga xizmat qila oladigan tadbirlar rejasini yaratish zarurdir.

Bugungi yoshlar ertangi jamiyatimizning taqdirini belgilovchi avloddir. Yoshlarga qat'iy tarbiya bersak, bizning kelajagimiz ham shunday bo'ladi. Yoshlar ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirishda madaniy-ma'rifiy muassasalarning imkoniyatlari katta. O'quv yurtlari, asosan bilim, tarbiya berish bilan shug'ullansa, madaniy-ma'rifiy muassasalar ularning bo'sh vaqtini maroqli o'tkazishga ko'mak beradi. Biroq joylardagi madaniyat muassasalari aholining barcha qatlamlari uchun umumiy tadbirlarni o'tkazadi. Ular yoshlarning ehtiyoji, qiziqishi va ularning ruhiyatiga mos tadbirlarni tayyorlashga alohida e'tibor bermoqda.

10. Scrivener, Jim (1994). *Language Teaching. The Essential Guide to English Language Teaching*. London: Macmillan.

About the author

Jalilova Lola Jalilovna, senior teacher, Bukhara State University, "English literature" department; Yuldasheva Mokhina, 2-nd course student.

МАҚОЛЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

В.Т.Бабаева¹

Ушбу мақолада олий ўқув юрти талабаларининг чет тили ва ўзбек тилини ўқитишда тилларнинг ўзаро омехталаниши, немис ва ўзбек тилларидаги мақолларни қиёслаб ўрганиши ва уларнинг таржимасини тавсия қилиши, бирининг иккинчисига таъсир этиб бориши ва булардан дарсда унумли фойдаланиши масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: мақол, матал, халқ оғзаки ижоди, қиёсий таҳлил, бадиий адабиёт.

В данной статье раскрываются практические аспекты и методы изучения сопоставлением пословицы немецких и узбекских языках и их переводы, взаимодействие и влияние, пользоваться на практических уроках

Ключевые слова: пословица, поговорка, устное народное творчество.

This article illuminates the theoretical aspects and methods of teaching Uzbek and Germany proverbs, the problems of translating, studying and influencing of each other

Key words: proverb, saying, oral folk art, comparative analysis, fiction.

Ҳар бир халқ тилидаги мақол ва иборалар асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажрибалар асосида сайқалланиб, турли воситалар билан келажак наслларга мерос қилиб қолдирилади. Шу сабабдан ҳам улар бебаҳо мерос ҳисобланади. Қолдирилган бундай бебаҳо меросни ўрганиш ёки ўргатиш, айниқса, тил ўрганиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда ўзига хос масъулият ва чидамлик талаб қилади.

Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини,

нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир кудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, Ўзи ва Ўзлиги тўла намоён бўлган. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланмоқда. Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг – жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган. Чунки ўзбек халқининг бундай улкан фольклор мероси фольклористик нуқтаи назардан кейинги асрларгача деярли тўпланмай ва ўрганилмай келган. Бундан халқ мақоллари ўтмиш адиблари, шоирлари, тарихчилари эътиборидан мутлақо четда экан, деган хулоса чиқмаслигимиз керак. Мақолга адабий нуқтаи назардан қизиқиш, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз санъаткорларининг диққат марказида бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Аваз, Ҳамза, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Гулом ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари синчиклаб ўрганилса, уларнинг таркибида қанчадан қанча мақоллар баъзан айнан, баъзан ўзгарган ҳолда мавжудлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуа ва хрестоматияларга киритиш, улардан махсус тўпламлар тузиш ишлари эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Масалан, венгер олими Ҳ. Вамберининг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чиғатой тили дарслиги» хрестоматия-луғатига ўзбек фольклори ва адабиётининг айрим намуналари қатори 112 та мақол киритилган бўлиб, уларнинг немис тилига таржимаси ҳам берилган. Шундан кейин бирин-кетин Н. Остроумов (1895), Б. Раҳмонов (1924), Ш. Жўраев (1926), Ҳ. Зарифов (1939, 1947), Б. Каримов (1939), Ш. Ризаев, У. Азимов, У. Холматов (1941), М. Афзалов, С. Иброҳимов, С. Худойбергандов (1958, 1960, 1965, 1978), Р. Жуманиёзов (1964, 1967, 1970), Э. Сиддиқов (1976, 1986), Б. Саримсоқов, И. Ҳаққулов, А. Мусоқулов, Р. Зарифов (1978), Б. Саримсоқов, А. Мусоқулов, М. Мадраҳимова (1981, 1984), Ш. Шомақсудов, Ш. Шораҳмедов (1987, 1990, 2001), Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, А. Мусоқулов (1989) каби фольклоршунослар, фан ва маданият ходимлари томонидан тузилган турли характердаги ва турли ҳажмдаги мақоллар тўпламлари нашр этилди. М. Абдураҳимов, Х. Абдураҳмонов, М. Содикова, Ҳ. Кароматов, К. Кароматова, Ҳ. Бердиёров, Р. Расулов каби олимларнинг тилшунослик ва таржимашунослик йўналишидаги тўпламлари юзага келди. Шунингдек, Е. Чернявский, В. Рўзиматов (1959), Н. Гацунаев (1983, 1988), А. Наумов (1985) каби таржимонларнинг меҳнати билан ўзбек халқ мақоллари рус тилида ҳам айрим-айрим тўпламлар сифатида босилиб чиқди.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий кутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак. Уларда шундай сўзлар борки, бу сўзлар тарихан бутунлай бошқа маъноларни англаган. Масалан, **туз** сўзи бугунги кунда минерал моддани билдиради. Тарихан бу сўз **тўғри, одобли; дала, текислик** маъноларини англаган ва фақат мақоллардагина сақланиб қолган: **Қиз сақласанг, туз сақла. Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл.** Шунингдек, **меҳнат** сўзининг **азоб-уқубат, бахтсизлик** маъносини ҳам фақат мақолларда ёки айрим шевалардагина учратиш мумкин: **Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, Давлат ҳам эгиз-эгиз.**

Сўз санъатининг маҳсули сифатида мақоллар ҳам бадиият ҳодисаларидир. Уларда бир сўзнинг ўнлаб маъно қирралари, бадиий тасвир воситалари, поэтик кўчимларининг барча намуналарини учратиш мумкин.

Масалан, юқоридаги мақолларда сўзларнинг маъно имкониятлари нақадар кенглигини кўрсатади.

Мақоллар сўз санъати маҳсули сифатида ўз маъносига, кўчма маънода ва ҳар иккала маънода қўлланиши мумкин. Шунинг учун уларда бадиий-тасвирий воситаларнинг хилма-хил шаклларида дуч келамиз. Аммо мақолларда ўхшатишнинг кам ишлатилишини, унинг бу жанр учун характерли эмаслигини ҳам кўраемиз. Мақолларни ўхшатишлар билан ўзгартириб қўлласак, одатда улар ўз мақоллик хусусиятини йўқотади. Масалан: “**Булбул чаманни севар, Одам — Ватанни**” мақолини Булбул чаманни севгандай, одам ватанни севар ёки “**Дехқон бўлсанг, шудгор қил, Мулла бўлсанг, такрор қил**” мақолини Дехқон шудгор қилгандай, мулла бўлсанг такрор қил деб кўрайликчи, бутунлай маъносизлик юзага келади. Кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида мақолнинг ана шу хусусиятини

ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР

ҳисобга олмай, ўзгартириб қўллаш ҳолларига дуч келмоқдамиз. Масалан, “Устоз отангдан улуг” мақоли “Устоз отангдай улуг” тарзида бузиб қўлланмоқда. Бунда отани камситиш ҳолати йўқ, шундай бўлганда халқ “Ота рози –худо рози” деган мақолни яратмас эди. Бу ерда устоз ҳурматини бўрттириш бор. Қолаверса, халқда барча одамзоднинг биринчи якка-ягона устози Оллоҳдир деган тушунчалар ҳам бор. Иккинчидан, устоз билан ота тенглаштириб қўйилса, мақол мазмуни бутунлай ўзгариб, халқ карашларига зид бўлиб қолади. Тўғри, кўп вариантлилиқ мақоллар учун хос ҳодиса. Аммо бу мақолларни истаганча ўзгартириш мумкин дегани эмас. Вариантлилиқнинг ҳам ўзига хос табиий қонуниятлари бор.

Мақоллар тўплами бир забт билан ўқиб чиқиладиган асар эмас. Унга барча соҳа кишилари турли муносабат билан ҳар доим, ҳар куни мурожаат қилишлари мумкин.

Талабаларни немис тилидаги мақоллар билан таништириш оғзаки нутқ кўникмалари ва қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали усуллари билан биридир. Илдизи узок ўтмишларга бориб тақаладиган халқ оғзаки ижоди дурдоналари саналмиш мақоллар ўқувчиларга тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини янада чуқурроқ англаб етишга чакирадиган мақоллар билан таништириш ёки мақолларни ўргатиш талабаларда ижобий ҳис-туйғуни шакллантиради, уларни маданиятлараро мулоқотга чорлайди.

Мазкур мақолада мақолларни ўрганиш ёки улар билан шуғулланиш усуллари ҳақида фикр юритилади:

1. Талабаларнинг талаффузини яхшилашда ва тузатишда:

Anfang und Ende reichen einender die Hände – Хайрли ишни орқага сурма.

Ende gut-alles gut - Охири яхши тугаса, оқибати хайрли бўлар ёки охири бахайр бўлсин.

Erst denken dann lenken - Аввал ўйла, кейин сўйла.

Gut begonnen, halb gewonnen -Яхши ният ярим давлат.

Aller Anfang ist schwer – Ҳамма ишнинг бошланиши қийин.

Keine Antwort ist auch eine Antwort – Сукут аломати ризо.

2. Дифтонгларни қўллашда:

Ohne Fleiß kein Preis – Ишламаган тишламайди.

Mit Geduld und Zeit kommt man allmählich Weit – Сабрнинг таги олтин.

Die Zeit teilt, heilt, eilt – Вақт шошади, даволайди.

Einmal ist keinmal – Бир уриниш, уринишмас.

Es ist noch kein Meister vom Himmel – Инсон олим бўлиб туғилмайди.

Ein Mann – ein Wort – Ваъдага вафо марднинг иши.

3. Қисқа ва чўзиқ унли товушларни талаффузини ўргатишда

Keine Rose ohne Dornen – Тикансиз гул бўлмас.

Morgenstunde hat Gold im Munde – Эрталабки иш унумли бўлади.

Ledig gehen kostet viel Lehrgeld - Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

4. Умлаутларни тушунтирганда:

Lügen haben kurze Beibe – Ёлғоннинг умри қисқа.

Nord, Süd, West, Ost daheim ist das – Ўз уйим – ўлан тўшагим.

Jeder Bär brummt nach seiner Höhle – Ўз уйинг – ўлан тўшагинг.

All Ding währt seine Zeit – Ҳар нарсанинг ўз вақти бор.

Грамматикани тушунтирганда :

5. “man” шахсиз олмошини тушунтирганда:

Man lernt nie aus - Ўрганишнинг чеки йўқ.

Den Freund erkennt man in der Not - Дўст кулфатда билинар.

Was man hat, das hat man – Қозонда бори чўмичга чиқар.

Den Vögel erkennt man an seinen Federn –Қуш қанотидан билинар.

Man lernt, solange man lebt – Кўп яшаган, кўп билар.

6. Модал феълларни тушунтирганда:

Wer nicht arbeitet, soll auch nicht essen

– Ишламаган тишламайди (Ким ишламаса ўша емайди).

Wer will – der kann –Интилганга толе ёр.

Das Alter soll man ehren – Қарини шарафлаш керак.

Wer nicht hören will, muss fühlen –Тинглашни билмаган ҳам қилишни билиши керак.

Wer will haben, der muss graben –Ўз гўрингни ўзинг қаз.

Ein guter Magen kann alles vertragen - Яхши ошқозон ҳамма нарсани ҳазм қилади.

7. Сифатларни даражаларини тушунтирганда:

Wer zuletzt lacht, lacht am besten – Охирги кулган яхши кулади.

Vier Augen sehen mehr als der Rock – Тўртта кўз икката кўздан яхшироқ кўради (Минг бор эшитгандан бир марта кўроқ афзал).

Das Hemd ist mir näher als zwei Ohren – Икки кулоқдан кўра, кўзга ишонмоқ афзал.

Ost, West, zu Hause best – Шарқ, ғарб, уйингда яхши (Ўз уйинг, ўлан тўшагинг).

Eine Biene ist besser als ein ganzer Schwarm Fliegen

– Икки қанотдан бир оёқ афзал.

8. Турланишларни тушунтирганда:

Ein guter Plan ist halb getan

– Яхши режа – ярим даромад.

Wer das Kleine nicht ehrt; ist des Grossen nicht wert

– Озга қаноат қилмаган каттани қадрламайди.

Dem Glücklichen schlägt keine Stunde

– Бахтиёрга вақтнинг аҳамияти йўқ.

9. Сўз ясовчи элементларни тушунтирганда.

10. Рангларни ифодалайдиган сўзларни яхшироқ ўзлаштириши учун.

Топикларни, яъни бирор бир мавзунини тушунтирганда. Масалан; “Mein Freund” (Менинг дўстим), “Essen” (Овқатланиш), “Gesundheit” (соғлиқ), меҳнат ва бошқалар.

Талабаларнинг мақолларни қай даражада тушунганлигини текшириш учун қуйидаги топшириқлар тавсия этилади: берилган мавзуга тегишли бўлган мақолларни танланг. Қуйидаги мақоллар орасидан мавзуга мосини топинг.

Оғзаки нутқни ривожлантириш учун ўқувчиларга қуйидаги вазифалар берилади:

1. Мақолларнинг маъносини тушунтиринг.
2. Диалог тузинг ва унда мақолларни қўлланг.
3. Шиор, лозунг сифатида қўлланиладиган мақолларни айтинг.
4. Дўстингизга маслаҳат беринг ва бунда мақоллардан унумли фойдаланинг.

Масалан: Мен сенга кўп гапирмасликни маслаҳат бераман, биласан-ку “Кўп тингла, оз сўйла”. Шунингдек ўқувчилар хотирасида мақолларни янада яхшироқ сингдириш ва мустаҳкамлаш учун қуйидаги мақолларни тавсия қилиш мумкин.

Тўғарак ёки факультатив машғулотларда “Ким кўп мақолни такрорлай олади?” деб номланган ўйинни ўйнаш мумкин, бунда бир талаба бир мақолни айтади, 2-талаба уни такрорлайди ва янги мақол айтади, 2-талаба уни такрорлайди ва янги мақолни айтади, 3-талаба эса ҳар иккала талаба айтган мақоласини айтади ва ўзи яна янги мақола айтади ва шу тариха бахру-байт давом этади.

Мақолларнинг кўп қирралиги турли ёшдаги ва турли билим даражасига эга бўлган кишилар ва талабалар билан ишлаш имкониятини беради.

Бу қисқача ҳикматли сўзларнинг чуқур маъноси нафақат талабаларнинг фикрини ривожлантиришда, балки уларни тарбиялашда, тили ўрганилаётган мамлакатларнинг урф-одатларини ўрганишда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Ғ.Саломов. Тил ва таржима. – Т., 1966. –Б.383
2. Куванова Ш. Немис тили грамматикасидан универсал қўлланма.–Т., 2012. –308 – 351-б.
3. Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Т., 2003.
4. Йўлдошев И.ва б.Ўзбек ва турк мақоллари ва иборалари. – Т.,1998. –192 бет
5. “400 deutscher gereimten Sprichwörter und der sprichwörtlichen Redensarten”. Petlevanyj G., P.Malik O.S.. Den Verlag „Hochschule“– 1980. Seite 120.
6. „Das Jahrhundert lebt – das Jahrhundert lerne“. Audem Ch.Ju.Händlich G. Den Verlag „Mörz“, Moskau, 2000. Seite 165.
7. Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок. – Москва, Советская энциклопедия, 1966. стр.535
8. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати. –Т., 2007. – 99 б.
9. Назаров Р. Немисча-ўзбекча мақол ва маталлар. – Самарқанд, 2001. – 80 б.
10. Каримов Ш., Исмоилов Ю. Usbekisch deutsches Wörterbuch. – Тошкент 2011.– 80 б.

Бабаева Васи́ла Таишулатовна, БухДУ факультетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

М.Х.Давлатова¹

Мазкур мақолада аспектualлик билан боғлиқ ҳолатларнинг замон ва макон доирасида юзага келиш имконияти таҳлил қилинади, шунингдек, инглиз тилидаги феъл юктамалари аспектual маркерлар сифатида феъл семантик маъноларининг ўзгаришлари ҳақида сўз юритилади.

Таянч сузлар: аспектualлик, семантик, компонент, дискурс, фрейм, пропозиция, дивалент, локатив, процессуал.

В данной статье анализируется возможность возникновения аспектuality во времени и пространстве, а также говорится о роли глагольных частиц, как аспектualные маркеры, при изменении семантики глагола в английском языке.

Ключевые слова: аспектuality, семантический, компонент, дискурс, фрейм, пропозиция, дивалент, локативы, процессуально.

This article analyzes the possibility of the emergence of aspectuality in time and space, and also discusses the role of verbal particles, as aspectual markers, when changing the semantics of the verb in English.

Keywords: semantics, component, discourse, frame, proposition, divalent locative, procedure.

Аспектualлик майдони «ўзаро алоқага киришувчи тил воситалари (морфологик, синтактик, сўз ясовчи, лексик, грамматик ва х.к.) орқали ясаладик, бу воситалар семантик функцияларнинг умумийлиги билан бирлаштирилиб турилади. Мазкур функциялар аспектualлик соҳасига тегишлидир. Аспектualлик майдонининг асосий компонентлари орасида, энг аввало, феъл тусининг грамматик категорияси кўрсатилади. Бунда мазкур тус бир хил мазмунга эга бўлган морфологик шакллар қаторини бирлаштирувчи система сифатида тушунилади [2; 76]. Аспектualликни дискурс ёрдамида таҳлил қилиш аспектualлик билан боғлиқ ҳолатларнинг турли замон ва макон доирасида юзага келиш имкониятини аниқлаш учун хизмат қилади. В.А. Белошапкова аспектualлик категориясини дискурс таҳлили асосида тадқиқ этиш жараёнида дискурсининг учта параметрини аниқлаган: продуктивлик, структур-семантик модел, функционалик. У продуктивликни аспектual маънолар қўлланишининг умумий тасавури деб белгилайди. Таркибий-семантик модел концептига концептни ифодаловчи восита ва усуллар, шунингдек, концептнинг семантик-таркибини аниқлаш ва кузатиш ҳолатларини киритади. Учинчи, функционалик тушунчасида муаллиф аспектual концептнинг қўлланилиш ва ифодаланиш усулларининг тажрибага таяниб амалга оширилишини киритади [1; 14]. Хусусан, семантик таркиб аспектualликни фрейм сифатида талқин этиш имконини яратади. Ҳаракатларнинг фреймли тасавури ўз ичига объект, субъект компонентлари ўртасидаги муносабат ва субъектнинг ҳаракатга бўлган муносабати натижасида юзага келадиган тугалланганлик/тугалланмаганлик, резултативлик/результатив бўлмаганлик, давомийлик/давомий бўлмаганлик, ҳаракат ва ҳолат, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ва шу каби маъноларнинг бошқа ҳаракатлар билан боғлиқлигини ўз ичига олади. Келтирилган параметрлар турли бирикмаларда ҳосил бўлса, баъзи фрейм турлари ўзига хос турлари ва кичик гуруҳларига ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўриладиган фреймлар бир неча бирикларни ўз ичига олиши мумкин. Фикр, асосан, предикат асосида курилади ва унинг муҳим компоненти деб акционалик (феъл семантикасидаги чегараланганлик/чегараланмаганлик), феълнинг ҳаракат ва ҳолат семантикасини қарама-қарши қўйиш, потенциаллик (феълнинг лексик-семантик, грамматик имконияти) кабилар ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фрейм таҳлили пропозиционалик билан ҳам боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Чунки пропозиция ўзига хос таркибни ташкил қилади ва унинг асосида предикат ва унинг актантини боғлайдиган кўплаб тушунчалар, иборалар, фикрлар ётади.

Турли тиллар тизимида перфективликнинг ифодаланиш усуллари билан боғлиқ ҳолларни инглиз тилшуноси Б. Комри қуйидагича таснифлайди:

1. Қисқа дуративлик. Перфектив имперфективга нисбатан қисқа вақт оралиғидаги давомийлик билан характерланади.

2. Чекланган дуративлик: Мазкур ҳолда перфектив чегараланганлик "bounded" (*telic*, having a natural end) чегараланмаган "unbounded" (*atelic*) имперфективга қарама-қарши қўйилади; *shut the door- started to laugh*.

3. Ингрессив (инхоатив) маъно: Перфективлик ҳаракат ёки ҳолатнинг бошланиш нуқтасини кўрсатса, имперфективлик унинг прогрессивлигини англатади. Мазкур маъно одатда имперфективлик ҳолатида *begin* ва *start* феъллари билан қўлланилади.

4. Резултативлик: перфективлик ҳаракатнинг натижаси билан боғлиқ ҳисобланади; *shut the door* [3; 45].

Келтирилган таҳлил дивалент структура доирасида куйидаги акционал фреймларни аниқлаш имконини берди:

1. Экспрессив (интеллектуал фаолликни билдирадиган феъл) (контентив); *He vaguely remembered that he **shook** her gently, urging her to eat. But she was so tired last night he slept as if drugged.* (A. Kelleher, 170);

2. Экспрессив (нутқ фаолиятини англатувчи феъл) (контентив); *I **reckon** he'll be along right soon. What does that lobster salad you mentioned taste like, Brother Jackson?*' (O'Henry, 249);

3. Экспрессив (нутқ фаолиятини билдирувчи феъл) (реципиент); *He **thanked** God for having some experience in riding and hoped that this body had some memory of its own.* (A. Kelleher, 77);

4. Перцептив (ҳис-туйғуни билдирадиган феъл) (паиенс); *Linda, as she was backing the car, **saw** Carlos' tie (Plante); He saw an unreadable expression ran his face, the glint of a frown.* (A. Kelleher, 84);

5. Трансфер (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (директив); *Biting his lip, he **went** to the lobby.* (A. Kelleher, 104); *Then I paid Uncle Ned his fifty cents, and **walked down** to the newspaper office.* (O'Henry, 260);

6. Трансфер (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (локатив); *He **entered** the waiting-room* (Barnes, 48);

7. Трансфер (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (мақсад); *She **reached** for her EightBall* (Lamb, 136);

8. Каузатор-агенс (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл (каузация)) (трансфер); *Cal was relieved, he **wasn't driving** his Merc* (Hines, 49);

9. Трансфер (субъект ҳаракатини билдирадиган феъл) (реципиент); *She was **nodding** at him encouragingly* (Hines, 89);

10. Агенс (жисмоний таъсир этишини англатувчи феъл) (паиенс); *She **hugged** him* (Hines, 68);

11. Агенс (жисмоний таъсир этишини англатувчи феъл) (локатив); *Hugh **peeked through** the trees hoping to get a better view of the dark-haired tall girl.* (A. Kelleher, 48);

12. Каузатор-агенс (каузатив ва функционал ситуатив маъносини берадиган феъллар) (экзистентив); *He **turned off** the engine* (Vine, 12); *Slipped behind the trunk of a huge tree and crashed into it in anticipation of a fatal shock.* (A. Kelleher, 51);

13. Агенс (ижтимоий фаолиятни билдирувчи феъл) (боғлиқлик, одабийлик); *He **spent** his life seining the air for flying fish of the June-bug order, and then sticking pin through 'em and calling 'em names.* (O'Henry, 391);

14. Агенс (ижтимоий фаолиятни билдирувчи феъл) (мақсад); *They **fight** each other ... maybe there's a way to return this to our advantage.* (A. Kelleher, 52); *Nowhere but in the big cities does it survive, and here most of all, where the ultimate perfection of culture, citizenship and **alleged** superiority joins, bawling, in the chase.* (O'Henry, 177);

15. Экспериментер (жисмоний фаолиятни билдирадиган феъл) (паиенс); *I **felt** a kind of sensation in my left side - something like dough rising in a crock by the fire.* (O'Henry, 99);

16. Каузатор-агенс (жисмоний (каузатив) фаолиятни англатадиган феъл) (экспериментер); *Dolly broke a piece of Penguin biscuit and **fed** the rat* (Plante, 36);

17. Агенс (яратувчиликни билдирадиган феъл) (натижавий); *Geoffrey Eleanor **launched** another dirty look and left the room. The door **shut with a thud.*** (A. Kelleher, 56);

18. Каузатор-агенс (эмоционал (каузатив) ҳолатни билдирадиган феъл) (экспериментер); *I **felt** the bench shake all over just then.* (O'Henry, 101);

19. Экспериментер (эмоционал ҳолатни англатувчи феъл) (каузатор); *Although maybe that was better ... Scared, shaking his head even tighter. What was wrong? I was really tired.* (A. Kelleher, 164);

20. Каузатор (эмоционал (каузатив) ҳолатни билдирадиган феъл) (экспериментер); *That **pleased** and **satisfied** him, that things were ordered as they should be* (Hill, 83);

21. Экзистентив (воқеа-ҳодисани англатувчи феъл) (паиенс); *Who knows what had happened to his soul in the dark hours in which he had lain as dead in the lobby?* (A. Kelleher, 165);

22. Экзистентив (воқеа-ҳодисани англатувчи феъл) (манба); *Dan was just coming out of the laundry when she arrived. There was a queer, strained look on his face.* (O'Henry, 131);

23. Каузатор (воқеа-ҳодисани англатувчи феъл (каузация)) (экзистентив); *Richard did not even know the road. He raised his arm and gestured.* (A. Kelleher, 76);

24. Жойлашув (жойлашувни англатадиган феъл) (локатив); *Trees **lined** the garden...* (Hill, 97);

25. Трансфер (силжиш ҳаракатини англатадиган феъл) (локатив); *The brown water **lapped** at his feet* (Barker 28);

26. Восита (сезги ва ҳис-туйғуни билдирувчи феълорқали бирор каузацияни юзага келиши) (трансфер семантикаси); *She touched his chest and felt no movement in his fingers....* (A. Kelleher, 39);

27. Каузатор (ўзаро муносабатни англатадиган феъл) (релятив); *As soon as we met I should know whether I still **attracted** him* (Holt, 41);

ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР

28. Каузатор (мажбурий ҳаракатни англадиган феъл) (натижавий); *The store was her forest; and many times she raised her rifle at game that seemed broad-antlered and big; but always some deep, unerring instinct - perhaps of the huntress, perhaps of the woman - made her hold her fire and take up the trail again.* (O'Henry, 118); *A noise made to look up* (A. Kelleher, 66);

29. Релятив (ўзаро шахсий муносабатни англадиган феъл) (паиенс); *He was thinking what a good story he would have told in Cloverdale about having been mistaken for a burglar* (O'Henry, 69).

Келтирилган мазкур моделларда субъектнинг семантик вазифаси сифатида, асосан, феъл семантикасида келиб чиққан ҳолда унинг инициаторлиги, агенслик вазифаси, трансфер, экспрессив ва бошқалар маъноларини келтириш мумкин. Шунингдек, семантик вазифадан келиб чиққан ҳолда каузатор-агенс хусусияти ҳам мавжуд.

Объектнинг семантик ўрни турлича бўлиб, улар куйидаги семантик вазифаларни бажариши мумкинлиги аниқланди, масалан: паиенс, трансфер, реципиент, мақсад, локатив ва бошқалар.

Кўриниб турибдики инглиз тилидаги феъл юктамалари аспектual маркерлар сифатида феъл семантик маъноларининг ўзгаришида муҳим ўрин тутади. Аспектual жиҳати деб уларнинг фақатгина тугалланганлик ёки процессуаллик маъноларини назарда тутишдан ташқари, улар транзитив (transition – бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш) ёки процессуал (process – ҳаракатда бўлиш) семантик хусусиятларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилишади. Тилнинг грамматик системасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган аспектual белгиларни билдирадиган предикатларнинг қўлланилишини фреймлар асосида таҳлил қилиш шу тилнинг грамматик тузилишидаги ҳодиса, вазиятларга аниқлик киритиш имконини беради. Аспектual маъноларни ташкил қиладиган семантика сифатида темпорал, процессуал, итератив, инхоатив ва бошқа шу каби хусусиятлар коммуникантлар, субъект, объект муносабатларидаги нутқ вазиятларида юзага келади. Ўз навбатида бу ҳолатда фрейм берилган тилдан фойдаланувчига муҳим бўлган тушунчани умумлаштирувчи структура бўлиб хизмат қилади.

Аспектual концептлар ҳар доим ҳам феълларнинг лексик-семантик маъноларидан келиб чиқа-вермайди. Улар билан ифодаланадиган аспектual концептлар ушбу феълларни тўлдириб келадиган (эга, тўлдирувчи, локатив позицияни кўрсатувчи) отли структураларда ҳам юзага келади.

Семантик структурада ҳосил бўладиган аспектual концептларнинг ифодаланиш усуллари куйидагича кўриниш олади: субъект ва унинг фаолияти, субъект унинг ҳаракати ва шу ҳаракатнинг объектга қаратилганлиги, субъект ҳолатининг ўзгариши, субъект ҳаракатининг миқдори, субъект ҳаракатининг сифатий хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳамаспекуал маъноларнинг синтактик фреймда ифодаланиши грамматик таркибга эмас, балки лексик асосга эга эканлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Белошاپкова Т.В. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектualityности в современном русском языке. Автореф. док. фил. наук. Москва, 2008. – 40 с.
2. Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. – аспектологии. – Л., 1983. – 208 б.
3. Comrie B. Vogel P. Approaches to the Typology of Word Classes. – Berlin., 2000 514 p.
4. Гройсман Л.А. Медицинская психология. – М., Аванта, 1995. – С. 74 – 79.
5. Иорданская Л.Н. Лексикографическое описание русских выражений, обозначающих физические симптомы // Машинный перевод и прикладная лингвистика. – М., 1972. – С. 16.
6. Michaela Porn. Psychophysical and Physical Causative Emotion Verbs in Finnish: The Temporal Structure of Causative Emotion Verb+ Infinitive 1-Constructions within Conceptual Semantics // SKY Journal of Linguistics. №21. 2008. – P. 201-218.

Муаллиф ҳақида маълумот

Давлатова Муҳайё Ҳасановна, Бухоро Давлат тиббиёт институти ўқитувчиси.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (ТЕХНОЛОГИИ МЕТОДА ПРОЕКТОВ) В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ

Г.А.Исаева,¹ Л.А.Туйлиева²

В этой статье обсуждаются методы обучения русскому языку и его использование на практике, а также рассматривается использование инновационных технологий (метод проектов) в обучении русскому языку как иностранному. В статье также приводятся различные рекомендации, соответствующие разным этапам обучения. Для формирования различных речевых навыков и умений предлагаются интерактивные формы обучения. Система упражнений, представленная в данной статье, способствует развитию устного общения. Обучение – это сложный и многогранный процесс. Деятельность учителя должна быть направлена на максимальное использование ресурсов учебного процесса. Коммуникативный принцип, который стал основой для большинства дидактических концепций, успешно реализуется практически на всех этапах обучения. В статье представлены различные методические рекомендации, которые соответствуют различным этапам обучения.

Ключевые слова: инновация, методика, обучение русскому языку, инновационные технологии, модуль, система образования, интернет-технология, интеграция, активность учащегося.

This article discusses the methods of teaching the Russian language and its use in practice, and also discusses the use of innovative technologies (project method) in teaching Russian as a foreign language. The article also provides various recommendations corresponding to different stages of training. For the formation of various speech skills and abilities, interactive forms of training are offered. The exercise system presented in this article contributes to the development of oral communication. Training is a complex and multifaceted process. Teacher activities should be aimed at the maximum use of the resources of the educational process. The communicative principle, which became the basis for most didactic concepts, is successfully implemented at almost all stages of training. The article presents various methodological recommendations that correspond to different stages of training.

Keywords: innovation, methods, teaching Russian language, innovative technologies, module, education system, Internet technology, integration, student activity.

Ushbu maqolada rus tilini o'qitish metodikasi va uni amalda qo'llash, rus tilini chet tili sifatida o'qitishda innovatsion texnologiyalar (loyiha usuli)dan foydalanish masalalari ko'rib chiqildi. Shuningdek, o'qitishning turli bosqichlariga mos keladigan turli xil tavsiyalar berilgan. Rus tilida nutqiy ko'nikma va malakalarni shakllantirish uchun interfaol mashg'ulotlar taklif etiladi. Ushbu maqolada keltirilgan jismoniy mashqlar tizimi og'zaki muloqotni rivojlantirishga yordam beradi. O'qitish murakkab va ko'p qirrali jarayon. O'qituvchi faoliyati o'quv jarayoni resurslaridan maksimal darajada foydalanishga qaratilgan bo'lishi kerak. Ko'pgina didaktik tushunchalar uchun asos bo'lgan kommunikativ prinsip deyarli barcha o'quv bosqichlarida muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda. Maqolada o'qitishning turli bosqichlariga mos keladigan turli xil uslubiy tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: innovatsiyalar, usullar, rus tilini o'qitish, til, innovatsion texnologiyalar, modul, ta'lim tizimi, internet texnologiyalari, integratsiya, talabalar faoliyati.

Введение

В европейских языках слово «проект» заимствован из латыни: «проект» означает «выкинутый вперед», «бросающийся в глаза».

Метод проектов – это совокупность образовательных и познавательных режимов, которые позволяют решить ту или иную проблему как результат самостоятельных действий студентов с обязательным представлением результатов.

Мы проанализировали несколько примеров того, как достичь нескольких целей одновременно на уроке с помощью методики проекта: расширить словарный запас студента, закрепить приобретённые навыки.

Преподаватель может реализовать множество мероприятий в группах и индивидуально работать с методом проекта. Необходимо отметить, что метод проектов помогает студентам овладеть такими компетенциями, как: быть готовым работать в команде, взять на себя ответственность за выбор, поделиться ответственностью с членами команды, анализировать результаты деятельности.

Основная часть

В наше время образование играет ключевую роль в жизни человека, так как с его помощью люди могут добиваться невероятных высот, строить себе карьеру, быть востребованными и профессио-

нальными специалистами в своей сфере деятельности. Без образования не происходило бы формирования и развития качеств личности, необходимых ей и обществу для включения в социально значимую деятельность.

Согласно указу президента Республики Узбекистан об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года призывает общество в целом и систему образования в частности поднять на качественно новый уровень процесс подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров с современными знаниями и высокими духовно-нравственными качествами, модернизации высшего образования, развития социальной сферы и отраслей экономики на основе передовых образовательных технологий.

Закон Республики Узбекистан об образовании № 464-Ют 29 августа 1997 г. [1] определяет правовые основы обучения, воспитания, профессиональной подготовки граждан и направлен на обеспечение конституционного права каждого на образование.

Также он определяет задачу системы образования - создать необходимые условия для воспитания и развития личности на основе национальных и общечеловеческих ценностей, а также научных и практических достижения.

Главная задача системы образования – создание необходимых условий для получения образования, направленных на формирование, развитие и профессиональное становление личности на основе национальных и общечеловеческих ценностей, достижений науки и практики. Немаловажно также создать необходимые условия для изучения культуры, обычаев и традиций, народов проживающих в Республике Узбекистан, что приводит к плодотворным отношениям.

Тенденция создания национальных образовательных стандартов характерна в последние годы для систем образования многих стран мира. Подобными документами в Узбекистане с такой широкой сферой применения являются Конституция и законы, в частности, Закон Республики Узбекистан «Об образовании» [1]. Мечтой и желанием каждого студента, а также любого человека, изучающего иностранный язык, является умение правильно говорить и выражать свои мысли на интересующем его языке. Иностранный язык приобрел свое значение в 21-ом веке, потому что он стал языком науки и техники. Иностранный язык это широко распространенный в мире международный язык. Иностранный язык сегодня используется во всех сферах международных отношений: научно-технической, СМИ и бизнеса. Иностранный язык ключевой объект информационных технологий и информатики.

В настоящее время новые условия развития общества делают систему высшего образования лицом к лицу новые задачи создания совершенно нового уровня подготовки квалифицированных специалистов, который бы способствовать их развитию и становлению творческими личностями, обладающими собственным стиль мышления, а также способность решать задачи, с которыми они сталкиваются творчески и самостоятельно.

Преднамеренное развитие и систематическое реформирование высшего образования предполагает особую роль языкового образования, развития коммуникативной компетентности человека, способного использовать иностранный язык как средство общения. Е.И. Пассов считает иностранного языка «производительной силой» и грамотность на иностранном языке – как «экономическая категория» [6].

Одинаково важно формирование языковых и коммуникативных компетенций в преподавании русского языка как иностранного. С ростом требований к качеству специалистов, эти компетенции стали существенными квалификациями. Коммуникативная компетентность является ведущей компетенцией в вышеупомянутом списке, и в то же время это, прежде всего, ключ, позволяющий определить уровень владения языком. По мнению А. К. Крупченко и А. Н. Кузнецов, коммуникативность – это способность речи выражать определенное содержание в стремлении удовлетворить конкретные потребности коммуникаторов. [4]

Ключ к общению между людьми заключается в их стремлении понять друг друга.

Каждая культура формируется в соответствии со своими основными характеристиками, одной из которых является язык.

По словам С.Г. Тер-Минасовой, изучая одно иностранное слово, человек извлекает пазл из странной картины, еще не до конца ему известной, и пытается примирить ее с картиной мира, существующая в его сознании, которая была задана его родным языком [8]. В узбекских вузах в программу изучения русского языка, как и других иностранных языков, входит углубленное изучение грамматики, фонетики и лексического состава языка, все больше акцент делается на обучение системе языка и в основном на грамматике. Использование инновационных технологий в изучении русского языка как иностранного дает студентам возможность узнать культуру, историю, достижения науки, учебную литературу на этом языке. Если в средних школах ученики изучали русский язык на практическом уровне, то это дало бы возможность высшим школам обучать студентов на уроках самостоятельной работе, использовать свои знания на практике. Методика

преподавания русского как иностранного языка меняется в связи с потребностями общества. В настоящее время преподавание РКИ преследует поставленные цели обучения: коммуникативные, образовательные, развивающие и воспитательные цели. Среди этих целей коммуникативные цели занимают ведущее место. Другие цели используются для выполнения задачи в коммуникативной цели. При изучении иностранного языка используются шесть уровней: «начинающий», «начальный», «промежуточный», «средний», «средний уровень», «расширенный».

На уроках РКИ используются элементы двуязычного обучения. Некоторые уроки проводятся с использованием интеграции. Интеграция означает отношения субъектов друг с другом на более высоком уровне. Интеграция дает возможность объединить несколько предметов и играет важную роль в подготовке квалифицированного урока.

В целях совершенствования русской устной и письменной речи студентов, говорящих на родном языке, решаются такие задачи: правильное использование инновационных материалов в обучении с использованием современных инновационных методик, обучение студентов общаться на иностранных языках, индивидуально подходить к каждому студенту, используя толковые, русско-узбекские и узбекско-русские словари, чтобы развить интерес к изучению языка.

Есть несколько методов обучения, которые высоко оценены: модульные технологии, проблемное обучение, ускоренное обучение и индивидуальный подход, информационное обучение, обучение в соответствии с уровнем студентов, игр и коммуникационных технологий.

В настоящее время многие мировые университеты используют модульную технологию обучения. Важность такого преподавания на всех уровнях урока оправдана. Студенты могут иметь возможность работать самостоятельно.

Также основной целью является не только обучение, но и дать студентам возможность развивать аудирование, говорение, чтение, письмо, навыки аналитического мышления.

Учебный модуль состоит из трех структурных частей, которые часто повторяются как учебный цикл: вступление, речь (диалог) и заключительная часть.

Вводная часть (введение в модуль темы).

Разговорная часть (обычно это диалог для формирования познавательных навыков учащихся).

Финал (справочная работа, тестирование, диктант и т. д.).

Точнее, во вступительной части учитель знакомит учащихся с общей структурой модульного обучения, его целью и обязанностями. После этого учитель кратко (на 10-15 минут), объясняет учебный материал модуля с использованием чертежей, таблиц.

В части разговорной речи используются 4 уровня технологии обучения (репродуктивный уровень, эвристический уровень, творческий уровень) сосредоточиться на уровне знаний студентов. В заключительной части может быть дан контрольный тест. Основная цель модульной технологии:

- повысить активность ученика в школе;
- развить у студента интерес к предмету;
- студент стремится к непрерывному самопознанию;
- студент осваивает словарный запас языковых категорий и грамматические структуры;
- позволяет максимально расширить устную и письменную речь;
- студент формирует необходимые навыки, постепенно достигая поставленных целей.

Итак, модуль является одной из крупнейших систем, здесь студент обучается не только по разделам, но и систематически, соблюдая порядок. Учащиеся обучаются работать, у них пробуждается интерес к науке, развиваются навыки самостоятельной работы. Процесс обучения ведется в разными способами: объяснение, разговорная речь, чтение, лекции, практические занятия (практическая лаборатория, графика, словарный запас и грамматические упражнения), ясность (диаграммы, таблицы, иллюстрации и демонстрация), и т.п.

Цели изучения русского языка варьируются в зависимости от потребностей общества. Сейчас обучение РКИ имеет четыре цели: общение, знание, образование и улучшение качества образования. Основной из них является коммуникативная цель; другие цели достигаются за счет реализации коммуникативной цели.

Формы обучения: а) общая или структурная: групповая или индивидуальная группа, пара, команда и б) точные или специальные: репетиторство, конференции, дебаты, групповое обсуждение.

Каждый день число людей, желающих изучать русский язык определяется значимой ролью иностранного языка в системе образования нашей страны.

В последние годы все чаще ставится проблема применения новых информационных технологий в вузе. Это не только новые технические средства, но и новые формы и методы обучения, новый подход к процессу обучения. Основная цель обучения русскому языку – это формирование и развитие коммуникативной культуры школьников, обучение практическим владением русским языком.

Задача учителя состоит в создании условий практического овладения русским языком для каждого ученика, выбирая такие методы обучения, которые позволили бы каждому ученику показать свой творческий потенциал. Современные педагогические технологии, такие как методика проектирования, использование новых информационных технологий, интернет-ресурсов помогают реализовать личностно ориентированный подход в обучении, обеспечить индивидуализацию и дифференциацию обучения с учетом способностей детей, контролировать уровень новыми информационными технологиями и т. д.

Использование компьютера на уроках русского языка помогает в решении таких дидактических задач, как:

- улучшение произношения;
- формирование и развитие навыков и умений чтения;
- улучшение навыков письма;
- обогащение лексики учащихся;
- обучение грамматике;
- формирование устойчивой мотивации изучения иностранного языка

Возможности использования интернет-ресурсов огромны. Интернет создает условия для получения любой необходимой информации для учеников и учителей, которая есть в любой точке земного шара: региональный географический материал, новости из жизни молодежи, статьи из газет и журналов, необходимая литература и т.п.

На работе ставится цель – внедрить методику преподавания РКИ в школе вместе с развитием современных информационных технологий. Можно решить ряд дидактических проблем с помощью интернета на уроках русского языка: сформировать навыки чтения, используя материалы глобальной сети; улучшить качество письменной речи школьников; пополнить лексику учеников; сформировать у школьника устойчивую мотивацию изучения русского языка. Кроме того, интернет-технологии способствуют расширению кругозора школьников, установлению и поддержке деловых связей и контакты со сверстниками на русском языке как в стране, так и за её пределами.

Учащиеся могут принять участие в тестировании, викторинах, конкурсах, олимпиадах, проводимых в интернете, переписываться со сверстниками из других стран, участвовать в чатах, видео-конференциях и др. Общение в истинной языковой среде реально в Интернете; ученики оказываются в реальных жизненных ситуациях. Участвуя в решении широкого круга значимых, реалистичных, интересных и достижимых задач, школьники обучаются спонтанно и адекватно реагировать на их, что стимулирует на создание оригинальных утверждений, а не мыслить шаблонно. Внимание учеников концентрируется на использовании форм, а обучение грамматике осуществляется косвенно, в прямом общении, исключая изучение грамматических правил. Компьютер лоялен к разнообразным ответам ученика: он не сопровождает работу учеников различными оценочными комментариями, что создаёт благоприятную социально-психологическую атмосферу на уроке, а, следовательно, дает им уверенность в себе, что является важным фактором для развития индивидуальности учащегося. Развитие образования органично связано с повышением уровня его информационного потенциала сегодня. Эта характерная особенность во многом определяет как направление эволюции образования и будущего всего общества.

Наиболее успешная ориентация в мировом информационном пространстве требует овладения учеником информационной культуры, а также компьютерной и экранной культуры как приоритет в поиске информации в интернете.

Как информационная система, интернет предлагает пользователям разнообразную информацию и ресурсы. В набор услуг может входить:

- электронная почта (Email);
- телеконференции;
- видеоконференции;
- возможность публикации собственной информации, создание собственной домашней страницы (homepage) и его размещение на веб-сервере;
- доступ к информационным ресурсам:
- справочные каталоги
- поисковые системы
- разговор в сети

Эти ресурсы можно активно использовать на уроке.

Овладение коммуникативной и межкультурной компетенцией невозможно без общения, практики и использование ресурсов интернета на уроке русского языка в этом смысле просто незаменим: виртуальная среда интернета позволяет выйти за рамки временной и пространственной, предоставляющий возможность подлинного общения с реальными собеседниками по темам, актуальным для пользователей с обеих сторон. Тем не менее, нельзя забывать, что интернет

является лишь вспомогательным техническим инструментом обучения, и для достижения оптимальных результатов необходимо грамотно интегрировать его использование в процесс урока.

Помимо работы, используя навыки чтения и разговора, можно пополнить словарный запас.

Для этого необходимо предложить ученикам делать записи, руководствуясь прочитанной информацией.

Одним из наиболее ценных материалов, применяемых для изучения и преподавания языка, является, конечно, видео. Недавний крупномасштабный опрос, проведенный Каннингом-Уилсоном, показывает, что ученикам нравится изучение языка с использованием видео, которое часто используется для обозначения различных вещей и явлений в преподавании языка. Это означает не более, чем воспроизведение телевизионных программ на видеомэгнитофон для просмотра в классе или в кабинете. Для других это подразумевает использование видеокамеры в класс, чтобы записывать и воспроизводить учащимся их действия и достижения на уроках русского языка. Фактом является то, что большинство студентов, посещающих курсы русского языка, фактически не имеют навыков и умений использовать язык в обычном общении, будь то в устной или письменной форме. Проблема возникает не из самой методологии, а из-за неправильного или неполного ее использования.

Видео доказало свою эффективность в преподавании русского языка как второго языка как для молодежной аудитории, так и для взрослой аудитории. Видео может быть использовано в различных учебных классах, на сайтах дистанционного обучения, где информация передается учащимся, которые взаимодействуют с фасилитатором через видео или компьютер, а также при самообучении и оценке ситуации. Он также может быть использован в личном и профессиональном развитии преподавателя или студента как способ представления контента, инициирования разговоров и предоставления иллюстраций различных понятий и явлений. Преподаватели и студенты всегда могут создавать свои собственные видеокассеты в качестве контента для класса или как средство оценки успеваемости обучаемых. Это так близко к языковой реальности, содержащей как визуальные, так и звуковые сигналы – видео является отличным средством для использования в языковой аудитории. Его можно использовать по-разному, в том числе для преподавания множественных языковых явлений. Эти заметки призваны помочь вам думать о том, как вы можете использовать видео в своей аудитории. Они не являются исчерпывающими, потому что в конечном итоге способы использования видео ограничены только вашим собственным воображением.

Языки не являются фиксированными, но постоянно меняются, как и средства массовой информации; телевидение, радио и газеты, которые являются чрезвычайно богатым источником используемого языка. Поэтому целесообразна интеграция инновационных технологий в учебную программу, разработанную преподавателями русского языка как иностранного. В частности, использованию видео уделяется все больше внимания в недавних исследованиях по интеграции технологий в учебные программы для учителей.

Выводы

Подводя итог, можно сказать, что одной из благоприятных особенностей модульной технологии обучения является деятельность ученика в школе. Одной из особенностей этой технологии является то, что на всех этапах обучения в развивающихся познавательные способности студента. Развитие разговорной и письменной речи может мотивировать студентов заниматься творчеством. При освоении словарного запаса, грамматики, фонетических навыков русского языка мы можем формировать деятельность студентов в процессе обучения, их умение работать самостоятельно, делать выводы.

Литература:

1. Закон «Об образовании» Республики Узбекистан // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Ташкент: “Шарк”, 1997. 63 с.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь // Избр. психол. исслед. М., 1956. 517 с.
3. Митусова О.А. Лингвистический компонент модели современного специалиста // Строительство – 2001: материалы Междунар. научно-практической конф. Ростов н/Д.: РГСУ, 2003. С. 114–118.
4. Крупченко А.К., Кузнецова А.Н. (2015). Основы профессиональной лингводидактики.
5. Основы профессиональной лингводидактики: монография. Москва: АРКIPPRO.
6. Пассов Е.И., Киберева Л.В., Коларова Е. (2007). Концепция коммуникативноязычного образования (теория и ее реализация). Методическое пособие для русистов
7. Ресурсная книга для русских. Санкт-Петербург: Златоуст.
8. Тер-Минасова С.Г. (2008). Язык и межкультурная связь: Учеб. пособие
9. Язык и межкультурная коммуникация: учебное пособие. – Москва: Слово.

Literature:

1. The Law "On Education" of the Republic of Uzbekistan // Harmoniously developed generation - the basis of progress in Uzbekistan. Tashkent: Shark, 1997.63 p.
2. Vygotsky L.S. Thinking and Speech // Fav. psychol. researched M., 1956. 517 p.
3. Mitusova O.A. The linguistic component of the model of a modern specialist // Building-2001: materials of the Intern. scientific and practical conf. Rostov N / A: RGSU, 2003. S. 114–118.
4. Krupchenko A.K., Kuznetsova A.N. (2015). The basics of professional linguodidactics:
5. The basics of professional linguodidactics: a monograph. Moscow: APKiPPRO.
6. Passov E.I., Kibereva L.V., Kolarova E. (2007). Communicative concept foreign language education (theory and its implementation). Methodical manual for Russian scholars
7. Resource book for Russians. St. Petersburg: Zlatoust.
18. Ter-Minasova S.G. (2008). Language and intercultural communication: Textbook. allowance
9. Language and intercultural communication: a training manual. Moscow: Word.

Сведения об авторах

Исаева Гулнора Абдукодировна, Старший преподаватель кафедры русского языка и литературы

Бухарского Государственного университета

Туйлиева Лола Абдуллаевна, Преподаватель кафедры русского языка и литературы

Бухарского государственного университета

ПЕДАГОГ МАҲОРАТНИНГ НУТҚИЙ ТАЛАБЛАРИ

И.М.Тўхтаров¹, Ш.И. Турдалиева²

Мақолада бугунги кунда ўқитувчи нутқ маданиятига нисбатан қўйиладиган талаблар, унда учраётган айрим муаммолар баён этилган ва уларнинг сабаблари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, ушбу муаммоларнинг ечими юзасидан айрим таклиф ва мулоҳазалар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: *Нутқ, нотиклик, нутқ маданияти, адабий тил нормалари, ўзбек тили, сўз, сўз санъати.*

В статье изложены особенности требований, предъявляемых речевой культуре педагогов-преподавателей, некоторые недостатки, встречающиеся в их речи вообще. А также авторы статьи поделятся в ней со своими соображениями решения перечисляемых проблем.

Ключевые слова: *Речь, ораторство, речевая культура, нормы литературного языка, узбекский язык, слово, речевое мастерство.*

The article describes the features of the requirements imposed on the speech culture of teachers-teachers, some disadvantages that occur in their speech in General. The authors of the article will also share their ideas on how to solve the listed problems.

Key word: *Speech, oratory, speech culture, norms of the literary language, Uzbek language, word, speech skills.*

Олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнининг долзарб вазифаларидан бири таълим сифатини таъминлашда нутқий талабларга риоя қилишдан иборатдир. Зеро, намунали нутқ маданиятига эришиш жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгиси бўлганлиги боис мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устивор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда педагог кадрларимизнинг нутқ маданиятини янада ўстириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, бозор иқтисодиёти талаблари асосида ҳар томонлама рақобатбардош кадрларни тайёрлаш зарурияти туфайли бугунги кунда барча соҳалар сингари она тилимиз имкониятларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини топиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, нутқ маданиятимизга хос бўлган нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш, юртдошларимиз томонидан она тилимизнинг жозибadorлиги, равонлиги, гўзаллиги ва теранлиги каби жиҳатларини пухта эгаллашлари учун барча шароитлар яратилмоқда

Республикамизнинг «Давлат тили тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор

йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа тарихий ҳуқуқий-норматив ҳужжатларида маънавий-маърифий тарбия қатори нутқ ва тил тарбиясига оид масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, ҳар бир замонавий мутахассис кадр, энг аввало, ўз она тилисининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим. Бу тўғрида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, **«ўз фикрини мутлақо мустақил, ўз она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, ... бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин»** [1;331].

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам бугунги кун воқеилигидан келиб чиққан ҳолда мустақиллик ва Ватан тараққиёти ғояларига содиқ бўлган янги инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш ўта муҳим вазифа эканлигини қайта-қайта таъкидлашмоқда [2].

Бироқ айна пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган айрим ўқитувчиларимизнинг оғзаки ва ёзма нутқидажиддий камчиликлар мавжудлиги таълим сифатига салбий таъсир этаётганлиги билан ташвишли ҳолдир.

Аслида, ўқитувчининг нутқ маданияти адабий тилимиз ва унинг нормаларини пассив эмас, балки фаол эгаллаганлиги ҳамда кундалик сўзлашув-муомала (коммуникатив) жараёнларида уларга риоя эта олишини англатади. Адабий тил нормаларига риоя қилмаслик натижасида айрим ўқитувчиларимиз нутқида ўз фикрларини тўлиқ ва тушунарли баён қилиб бера олмаслик, кўпчилик ҳолларда шевачиликка берилиш ҳоллари яққол кўзга ташланмоқда.

Намунали нутқий маданият эгаси бўлиш учун эса ўқитувчи ўз нутқий малакаларини шакллантириш жараёнида доимо зарур бўлмаган сўзларни қўлламасликка ҳаракат қилиши, ортиқча такрорларга берилмаслиги, шунингдек, шевачиликка оид ибораларни қўллашдан ҳам тийилиши керак. Нутқнинг чўзилиб кетиши, унда такрорлар бўлиши, зарур бўлмаган сўзларнинг кўп учраши ўқитувчи нутқини сийқалаштиради, уни зерикарли қилиб қўяди, ғализлаштиради, таъсирчанлигини камайтиради. Бошқача қилиб айтганда, нутқ жараёнида шундай фикрлаш ва сўзлашга эришиш керакки, бунда нутқдаги бирорта сўзни олиб ташлаб ҳам бўлмаслиги, ўзгартириб ҳам бўлмаслиги, айна пайтда бирорта сўз қўшиш ҳам мумкин эмаслиги зарур.

Бунинг учун эса ўқитувчидан тилни ҳар томонлама пухта эгаллаш талаб этилади. **Тилни пухта эгаллаш эса адабий тил нормаларини онгли равишда ўзлаштириш ва ундан оғзаки ҳамда ёзма нутқ амалиётида унумли ва хатосиз фойдалана олиш, демакдир.** Афсуски, баъзи ҳамкасбларимизнинг ўзбек тилида нуқсонсиз ва равон ёза олмаслиги ёки адабий тилда эркин сўзлай олмаслиги уларнинг ўзбек адабий тилини пухта эгаллашга нисбатан безътибор бўлаётганликларидан дарак беради. Ҳар бир фан ўқитувчиси эса дарс давомида талабада адабий тил нормаларига асосланган нутқ кўникмаларини шакллантириш учун масъул эканлигини, ўқув машғулотлари чоғида имкон қадар адабий тилда сўзлашиши зарурлигини доимо ёдда тутмоғи лозим. Зеро, **Кайковуснинг: «...Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир... Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қил... Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади»**[3; 123] , деган ўғитлари бугунги кун педагог ходимлари учун ҳам бевосита тегишли ва долзарбдир.

Барчамизга аёнки, фан ўқитувчилари орасида ўзбек адабий тилини яхши эгаллаган, сўзга уста мохир нотиклар талайгина. Бундай ўқитувчилар нутқини талабалар, одатда, диққат билан тинглашади, улар тилига ҳавас билан тақлид ҳам қилишади. Айна пайтда, афсуски, тил ва адабиёт ўқитувчилари орасида адабий тилни етарли эгалламаган ва бу тилда равон, намунали гапира олмайдиган педагоглар ҳам учрайдики, буни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Ваҳоланки, умумтаълим ўрта мактабларида ҳам, олий таълимда ҳам нутқ маданиятини ўрганишнинг асосий омили она тили ва адабиёт дарсларида берилувчи таълимдир. Айниқса, бунда она тили (ўзбек тили) таълими етакчи ўрин тутди. Шу сабабли таълимда она тили ва адабиёт дарсларида талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади, бу ишнинг илмий методик томонлари педагог олимлар томонидан махсус таҳлил ҳам этилган.

Бу борадаги мавжуд вазиятни синчковлик билан ўрганиш нутқ маданиятида учраётган камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари орасида кейинги пайтда китобхонлик маданиятининг тобора оқсаб бораётганлиги, китоб мутолаасига нисбатан эътиборнинг сусайиб бораётганлиги омили билан ҳам бевосита боғлиқлигини кўрсатмоқда. Ҳақиқатан ҳам кўпгина ёш ўқитувчилар билан қилинган яқиндан мулоқот чоғида уларнинг жуда кам китоб ўқиши, бунинг ўрнига телевидение, интернет сингари замонавий ахборот алмашинув манбалари билан ошно бўлишнинг ўзини етарли эканлигини рўқач қилиб кўрсатилаётганлиги кўзга ташланмоқда. Шунингдек, ўқитувчиларимиз орасида бадий китобларни мутолаа қилишдан кўра улар асосида ишланган фильмларни томоша қилишни етарли деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Худди шунингдек ўз фарзандларига қайси китобларни ўқиб берганликлари сўраб кўрилган тақдирда ҳам бугунги кунда кўпчилик ота-оналаримизнинг мулзам бўлиб қолиш эҳтимоллиги юқоридир. Ваҳоланки, бувилари томонидан кечалари ўқиб берилган эртак китоблар Навоий, Пушкин,

Ҳамид Олимжондек буюк сўз санъаткорларини етказиб берганлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик зарур.

Ҳеч қачон унутмангки, она тилини ўрганмасдан ва китоб ўқимасдан туриб нутқ маданияти тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ахир маърифатли дунёнинг ҳар бир аъзоси ўзидаги ҳар қандай фазилатлар учун китобдан миннатдор бўлаётганлиги мутлақ ҳақиқат эмасми?! Зеро, ҳар бир кишининг сўз бойлиги, фикрлаш доирасининг кенглиги, мантикий изчил мулоқотга киришиш, ақлли сўзлашиш, маънодор муомала қила олиш каби инсоний сифат ва фазилатларининг заминида ўқимишлилик деган нарса ётади. Шундай экан, китоб мутолааси инсонни маърифатли шахс этиб тарбиялайди, уни жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида вояга етказди.

Кези келганда, бизнингча, яна бир омилни ҳам қайд этиб ўтмаслик мумкин эмас. Гап шундаки, кейинги йиллар мобайнида олий таълим олиш мақсадида кириш имтиҳонлари ўрнига тест синовларининг жорий этилганлиги олий таълим олиш истагидаги даъвогарларнинг билимини холис баҳолаш учун хизмат қилаётганлигини тўлиқ эътироф этган ҳолда, унда она тили ва адабиёт фани бўйича тестларнинг учинчи блок фани этиб белгилангани ҳам умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг нутқ маданиятини ўстириш учун хизмат қилмоқда, деб бўлмайди. Чунки она тили ва адабиёт бўйича ҳар бир тўғри ечилган тест учун амалдаги тизимга кўра энг кам балл берилиши тартибининг жорий этилганлиги, ўз-ўзидан равшанки, аксарият битирувчиларнинг ушбу фанга камроқ эътибор қаратиб (агар умуман эътибор бермай қўйган бўлишмаса), кўпроқ балл тўплаш имконини берадиган бошқа блок фанларини чуқурроқ ўрганиш учун ҳаракат қилишга ундамоқда. Оқибатда она тили ва адабиётни ўрганишга нисбатан юзаки муносабат қарор топмоқда ва яқин келажакда мутахассис сифатида фаолият бошлаётган кўпгина кадрларнинг нотиклик фазилатларини ёмон эгаллаганликларида ўз аксини топмоқда. Бу айтилган ҳақиқат бўлиб, мамлакатимиздаги тегишли тузилмалар томонидан ушбу муаммога ижодий ёндашув зарурлиги тўғрисидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда [4; 156].

Таъкидлаш жоизки, таълим сифатини ошириш мақсадида замонавий ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан жорий этилаётганлигини мутлақо ижобий жараён сифатида эътироф қилиш билан бирга айрим ўқитувчиларимиз бу имкониятлардан бемақсад фойдаланишаётганликларини ҳам қайд қилмасдан бўлмайди. Гап шундаки, баъзи ҳолларда ўқув машғулотлари чоғида ўқув материали матнларини проектор орқали намойиш қилиш ёрдамида самарали дарс ўтиш ўрнига “жонини қийнамасдан дарс ўтиш усули” сифатида фойдаланаётган ўқитувчиларимиз борлигини тан олиш ҳам ўринлидир. Яъни ушбу тоифадаги ўқитувчилар матнда баён қилинган мазмун ва моҳиятни проектор воситасида тушунтириб бериш ўрнига талабаларга кўчиртириш имкониятини яратиб бериш орқали “вақтдан унумли фойдаланиш” деб аталадиган янги педагогик технологиядан фойдаланишмоқда. Оқибатда кафедралик иштирокидаги проекторлар ана шундай ўқитувчилар ўртасида “таламон” воситага айланмоқда. Табиийки, бу ўринда ўқитишнинг ҳар қандай замонавий технологияси фақат ўқитувчи нутқи ёрдамида самарадор бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўқитувчи аудиторияда жамиятнинг, халқнинг, давлатнинг вакили сифатида талабалар жамоаси билан бевосита иш олиб боради. Бундай шароитда ўқитувчининг масъулияти унинг хулқини тарбияга солиб турадиган, бошқарадиган куч, талабаларга таъсир ўтказиш даражасининг асосий мезони ҳисобланади. Унутмаслик лозимки, жамиятнинг келажаги, ота-онанинг умиди, нури-дийдаси — талаба-фарзандининг тақдири, келажаги ўқитувчи қўлига ишониб топширилган. Ўқитувчи талабаларнинг билимига баҳо қўяди, баҳо эса жамиятнинг, катталарнинг, ота-онанинг болага муносабатини белгиловчи мезон, омиллардан биридир. Шундай экан, яхшилик, адолат, шаън, кадр-қиммат, инсоф, инсонийлик қабиларнинг мавжудлигига талабада ишончни вужудга келтириш ўқитувчининг масъулиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўқитувчи ўзи билим бераётган ва тарбиялаётган ҳар бир болага эҳтиёткорлик билан муомала қилиши кераклиги, бунда ўқитувчининг ўзи ўқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини яхши тута билиши, болаларни бўлар-бўлмасга мақтайвермаслиги ёки жазолайвермаслиги даркорлигини антик даврдаёқ машҳур педагоглардан бири Марк Фабий Квинтилиан «Нотикни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида алоҳида таъкидлаган эди. Ўқитувчилик касбини танлаган кишилар ўз зиммаларига қанчалик юксак, шарафли масъулият олаётганликларини тасаввур этишлари шарт. Олий ўқув юртини битириб, ўқитувчилик фаолиятини бошлаган киши барча тоифадаги талабаларга ўзини яқин тутиши, одоби, одиллиги билан уларга ижобий-ахлоқий намуна кўрсатиши зарурлигини ёддан чиқармаслиги керак. Бунда қачонлардир бизга яхши дарс бериш билан бирга хушмуомалада бўлган ўқитувчиларимиз кўпроқ хотирамизда сақланиб қолганлиги, ҳамиша уларга ўзгача меҳр билан тақлид қилишга интиланлигимиз доимо кўз ўнгимизда турмоғи айтилган муддаодир.

Педагогик жараёнда ўқитувчи асосий фигура ва етакчи киши бўлиб, унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бу жараёнда у талабаларда муайян муомала маданиятини ҳам шакллантирувчи субъект сифатида фаолият кўрсатаётганлигини ҳам унутмаслиги

лозим. Чунки талабалар таълим-тарбия жараёнида ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича муайян билим ва кўникмаларни эгаллаш билан бирга умуминсоний ва миллий ахлоқ нормаларини (мезонларини) ҳам ўзлаштиради. Бунда кўп ҳолларда муомала одобини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади. Бошқача қилиб айтганда, юксак нутқ маданияти сохиби бўлган сеvimли устозшогирд талаба учун бир умр идеал, беназирлик тимсоли, ибрат учун намуна бўлиб қолиши бор ҳақиқатдир.

Худди шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда бурчлари ҳам белгиланган. Унга кўра ижтимоий бурчни юксак даражада англаш ўқитувчининг асосий ахлоқий фазилатларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчи талабаларга ўргатадиган ғоялар унинг қалбидан жой олиб, дунёқарашининг мулкига айланиши зарур. Ҳар бир ишда, ҳар бир масалада ўқитувчи ўз бурчига содиқ бўлиши зарур. Ўқитувчининг мафкураси фуқаролик руҳи билан суғорилган бўлса, талабага ижтимоий бурчни виждонан ҳис қилишга, интизомлилик, ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қила билиш, камтарлик, инсонпарварлик, ўз кадр-кимматини тўғри баҳолай олишга имкон беради.

Табиийки, талабаларда нутқ малакаларини шакллантириш ўқитувчи томонидан улар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб туриладиган самимий суҳбатлар орқали амалга оширилади. Ана шу суҳбатлар ва ҳар хил чиқишларнинг талабаларга қай даражада таъсир қилиши, уларни ишонтириш, кайфиятларини ўзгартириш, қўйилаётган масалаларга нисбатан талабаларнинг диққатини тортиш ўқитувчилардан жуда катта маҳорат талаб қилади. Чунки ҳар бир нутқ талабани ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантқиқли ва аниқ бўлгандагина уларга ўзгача таъсир қилади. Ана шуларни таъминлай олган ўқитувчигина нотик сифатида ўз олдига қўйган мақсадга тўла эришади.

Моҳир ўқитувчилар талабаларида нутқий кўникмаларни шакллантиришда қуйидаги асосий ҳолатларга алоҳида эътибор беришга интиладилар:

1) ўқитувчи ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур билиши, ўрганиши, ўзлаштириб олиши, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиши керак;

2) ўқитувчи эркин фикрлай олиши ва буни ўз нутқидан фойдаланган ҳолда намойиш қила олиши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи ўз дунёқарашига эга бўлиши, сўз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг узвий ва чамбарчас боғлиқлигига эришиши, фикрларни илмий асослай олиши лозим;

3) нутқ қаратиладиган мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни талабалар оммаси олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққатини жамлай олиши зарур;

4) ўқитувчи талабалар билан яқин алоқа ва мулоқотни ўрнатиши, уларнинг кайфиятини доимий ҳис қилиб туриши, бу орқали эса у талабаларини ўз фикрларига ишонтира олиши даркор;

5) ҳар бир ўқитувчи талаба билан мулоқотга киришиш учун жиддий тайёргарлик қўриши, жумладан, фикрни нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача обдан ўйлаб олиши, масалаларни ўртага ташлаш кетма-кетлигини яхши белгилаб олиши, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаши, маълум режалар ёки режа-конспектлар тузиб олиб, ўзи учун алоҳида ва кенг тўхталиши зарур бўлган ўринларни махсус белгилаб олиши орқали нутқий изчилликка эришмоғи мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, нотиклик санъатини яхши эгаллаган педагог ходим сўз кудратидан оқилона фойдаланиб, талабаларни ўзига қарата оладиган воизга айлана олади. Ўзининг нотиклик маҳорати билан бутун Римни забт эта олган Цицерон бу борада нотиклик маҳоратига осонликча эришиб бўлмаслиги ва бунинг учун жуда кўп билим ва меҳнат талаб қилинишини антик даврдаёқ қайта-қайта уқирган эди[5;102]. Бу ўғитлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Нотиклик маҳоратини эгаллаш, адабий тил нормаларини пухта ўзлаштириш, талабалар психологиясини ўрганиш, омма олдида нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш талабалар аудиториясига таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради.

Одатда одамларни мажбур этиш уларни ишонтиришдан кўра осонроқ юмушдир. Худди шу боис кўпгина раҳбарлар мажбурлаш ёрдамида оммани ўзларига бўйсундиришни бошқарувнинг энг маъқул усули деб билишади. Бу эса фикр эркинлигини бўғиш, жамият ҳаётида буйруқбозликнинг авж олиши, кишилар онгида норозилик кайфиятининг куртак ота бошлаши каби иллатларни келтириб чиқаради. Шу маънода нутқ ёрдамида ишонтиришнинг мажбурлашдан кўра афзал жиҳатлари бениҳоя кўпдир. Буни ҳар бир ўқитувчи доимо диққат марказида тутмоғи лозим.

Зеро, ишонтириш инсон қалби ва онгига кириш, уни забт қилиш имконини беради, ҳамфикрлилик, ҳамнафаслик туйғуларини таркиб топтиради, пировардида, шундай дейиш жоиз бўлса, суҳбатдошининг ақли ва тафаккурини эгаллаш имконига эга бўласиз. Нутқ ёрдамида сиз ўз фикрларингизни ўзга кишининг онгига сингдирсангиз, улар ўша одамнинг ўз шахсий фикридек ҳатти-ҳаракатларини йўналтирувчи кучга айланади ва оқибатда у сизнинг доимий таъсирингиз остида қолади. Тасаввур қилинг, тақдир тақозоси билан талабангиз келажакда турли лавозимларда

ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР

фаолият юритаётган кезларда унинг маънавий мулкига айланган сизнинг фикрларингиз у бошлаган эзгу ишларни амалга оширишда энг яқин кўмакчи бўлади. Бу айти пайтда ўқитувчи меҳнатининг, жумладан, унинг нутқининг ҳам завқли самарасидир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., 6-Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19(7521)
3. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент, 1997 йил.
4. Тўхтаров И. Талабанинг нутқ маданияти. ФарПИ илмий-техника журнали. 2019 йил, 1-сон.
5. Тўхтаров И. Римни забт этган нотик. “Тафаккур” журнали, 2001 й. 3-сон, 102-112-бетлар.

SPEECH REQUIREMENTS OF PEDAGOGICAL EXCELLENCE

I.M. Tuhtarov¹, Sh.I.Turdialyeva²

The article describes the features of the requirements for the speech culture of teachers, some of the shortcomings encountered in their speech in general. And also the authors of the article shared with their thoughts on solving the enumerated problems.

Key words: *Speech, oratory, speech culture, norms of the literary language, Uzbek, word, word mastery.*

References

1. Karimov I.A. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo'lida: T., 6-T.: O'zbekiston, 1998- yil. [Security and sustainable development: T., 6-T.: Uzbekistan, 1998.]
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. “Xalq so‘zi” gazetasi, 2020 yil 25 yanvar, № 19(7521) [President Of The Republic Of Uzbekistan M.Mirziyoyev's Appeal To The Supreme Assembly. Gazetesi "people's Su", January 25, 2020, № 19(7521)]
3. Kaykovus. Qobusnoma. Toshkent, 1997 yil. [Keykavus. Qabusname. Tashkent, 1997]
4. To‘xtarov I. Talabaningnutqmadaniyati. FarPI ilmiy-texnikajurnali. 2019 yil, 1-son. [Student's speech culture. FarPI scientific and technical journal. 2019 year, Number 1.]

Муаллиф ҳақида маълумот

¹Исматулла Муродович Тўхтаров, фалсафа фанлари номзоди, доцент. Фарғона политехника институти. Фарғона, Ўзбекистон. E-mail: elyor6233@mail.ru

²Шаҳзода Исматуллаевна Турдиалиева, техника фанлари номзоди, доцент. Тошкент Давлат техника университети. Тошкент, Ўзбекистон. turdialyeva81@mail.ru

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.Қ.Қаххоров¹, М.И.Даминов², Ю.Жамилов³

Мақолада муқобил энергия манбалари ва қурилмаларидан халқ хўжалигида фойдаланишининг қонуний асослари, мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, таълим жараёнида муқобил энергияга оид тушунчаларни ўқитишининг ўрни ва педагогик асослари ўрганилган ҳамда методик тавсиялар берилган. Ўқувчиларда муқобил энергияга оид компетенцияларни шакллантиришининг педагогик асослари мазмунида дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш, ўқув машғулотларини ўтказишда электрон дарсликлар, виртуал лаборатория стендлари, мултимедиа воситалари ва ўқув тренажёрларидан фойдаланишининг дидактик имкониятлари таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: муқобил энергия, электрон дарслик, виртуал лаборатория стендлари, анимация, мултимедиа, электрон дидактик восита, дастурий таълим воситалари.

В статье рассматриваются правовые основы использования альтернативных источников энергии и устройств в народном хозяйстве, актуальность и значимость темы, роль и педагогические основы преподавания концепций альтернативных источников энергии в учебном процессе, а также даются методические рекомендации. Использование программного обеспечения в контексте педагогических основ формирования альтернативных энергетических компетенций у студентов, анализ дидактических возможностей использования электронных учебников, виртуальных лабораторных стендов, мультимедийных средств и тренажеров для проведения учебных занятий.

Ключевые слова: альтернативная энергия, электронный учебник, виртуальные лабораторные стенды, анимация, мультимедиа, электронные дидактические инструменты, инструменты для обучения программному обеспечению.

The article discusses the legal basis for the use of alternative energy sources and devices in the national economy, the relevance and importance of the topic, the role and pedagogical foundations of teaching the concepts of alternative energy sources in the educational process, as well as provides guidelines. The use of software in the context of the pedagogical foundations for the formation of alternative energy competencies among students, the analysis of didactic possibilities of using electronic textbooks, virtual laboratory stands, multimedia tools and simulators for conducting training sessions.

Key words: alternative energy, electronic textbook, virtual laboratory stands, animation, multimedia, electronic didactic tools, tools for teaching software.

Бугунги кунда жаҳон таълим соҳасида ўқитишининг замонавий дидактик воситаларини жорий этиш, замонавий таълим воситалари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш, ахборот таълими муҳитида дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш долзарб масала сифатида қаралмоқда. Европа ва бошқа ривожланган мамлакатларга хос глобал таълим муҳитини шакллантириш, таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлигини таъминлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ўқитишни ривожлантиришда замонавий дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида халқаро таълим стандартларига мувофиқ мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, замонавий мутахассис кадрлар бозори талабларига жавоб берадиган юкори малакали, рақобатбардош, юксак касбий ва интеллектуал, танлаган таълим йўналиши бўйича инновацион технологияларни татбиқ эта оладиган кадрлар тайёрлаш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда инновацион техника ва технологияларни қўллаш, таълим жараёнига миллий ва жаҳон таълим тажрибасида мавжуд ёндашувларга асосланган ташкилий-педагогик механизмларни татбиқ этиш ҳамда такомиллаштириш орқали мамлакатимиз интеллектуал ресурслари потенциали улушини ошириш алоҳида аҳамият касб этади [1].

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Жумладан, таълим жараёнида ўқувчиларнинг муқобил энергия, муқобил энергия манбалари ва қурилмалари, улардан халқ хўжалигида фойдаланишнинг қонуний асослари, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг экология ва атроф муҳит софлигини сақлашдаги аҳамиятига оид компетенцияларни шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4512 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 21 майдаги “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-539 сонли Ўзбекистон Республикасининг қонуни мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини тадқиқ қилиш, халқ хўжалигида фойдаланиш ва ривожлантириш борасидаги ишларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сон Қарорлари, узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантиришда, малакали кадрлар тайёрлашда, таълим сифатини тубдан ошириш ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш билан биргаликда электрон таълим муҳитини яратиш, дастурий таълим воситаларидан фойдаланишни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади [5].

Таълим жараёнида дастурий таълим воситалари, яъни электрон дарсликлар, электрон масалалар тўплами, электрон ўқув-усулий мажмуалар, виртуал лаборатория стендлари, мултимедиа воситалари, 3D анимациялар, электрон ўқув тренажорларива билимларни назорат қилишнинг компьютерли тизимларидан фойдаланиш таълим олувчиларнинг мотивацияси ҳамда таълим сифати самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади [1].

Мисол тариқасида, физика фанидан “Ярим ўтказгичлар. Ярим ўтказгичларда аралашмали ўтказувчанлик” мавзусини ўқитишда назарий маълумотлар билан биргаликда ярим ўтказгичли қурилмаларнинг вольт-амперь характеристикасини аниқлашда виртуал лаборатория стендлари, ярим ўтказгичларнинг амалиётда қўлланилиши мисолида фотобатарейкалар, уларнинг тузилиши ва ишлаш принципи акс этган 3D анимациялардан фойдаланиш таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан чуқур билим олишини таъминлайди (1-расм).



1-расм. Қуёш батареяси тузилиши ва ишлаш принципининг анимацион намоиши этилиши

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, табиатда қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган (муқобил) энергия манбалари мавжуд. Қайта тикланмайдиган энергия манбаларига нефт, кўмир, табиий газ ҳамда АЭС (атом электр станциялари) радиактив ёқилғилари киради. Қайта тикланадиган (муқобил) энергия манбаларига эса қуёш энергияси, шамол энергияси, оқар сув энергияси, биогаз, геотермал энергия ва бошқа муқобил энергия турлари мисол бўлади [2, 3].

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, ўқувчиларда муқобил энергияга оид компетенцияларни шакллантиришда дастурий таълим воситаларини яратиш ва қўллашнинг педагогик-психологик ва дидактик имкониятлари, методикаси, илмий асослари тўлиқ очиб берилмаган. Уларни такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса таълим олувчиларда муқобил энергияга оид компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришда дастурий таълим воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясини тадқиқ этишни тақозо этади.

Бу борада электрон дарсликлар, виртуал лаборатория стендлари, мултимедиа воситалари, 3D анимациялар, электрон дидактик воситаларяъни дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Адабиётлар

1. Жўраев А.Р. Бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари. Замонавий фан, таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари. Электрон журнал. – Урганч. 2019-1.

2. Қахҳоров С.Қ., Жўраев Ҳ.О. Муқобил энергия манбалари. Касб-хунар коллежлари учун дарслик. – Т.: “Niso Poligraf”, 2016.

3. Қахҳоров С.Қ., Жўраев Ҳ.О., Ҳамдамова Н.М. Использование учебных материалов по источникам альтернативной энергии в интеграции на уроках физике. Инновации в науки. Научный журнал. №5(93). Новосибирск. 2019.

4. Jurayev H.O. Ways of Using Educational Materials on Alternative Energy Sources at Physics Lessons. Eastern European Scientific Journal. –Dusseldorf, 2017. № 2. –P. 83-86.

5. www.lex.uz

Муаллифлар ҳақида маълумот

¹Сиддиқ Қахҳоров, Бухоро Давлат университети физика кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.

²Мирзоҳид Даминов, Бухоро Давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори, педагогика фанлари номзоди.

³Юсуф Жамилов, Бухоро давлат университети физика кафедраси таянч докторанти.

МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Т.Ҳ.Расулов¹, З.Е.Мустафоева²

Мақолада математика фанини ўқитишда мустақил таълимнинг аҳамияти ёритилган. Мустақил таълим талабалар ўртасида ижобий маънодаги рақобатни келтириб чиқариши, бир-биридан ибрат олган ҳолда ўзларининг ақлини, кучини, вақтини фойдали фаолият билан шуғулланишига йўналтириши асосланган. Мустақил таълим натижасида талабаларнинг турли хил танловларга тайёргарлик кўриши, фан олимпиадаларида иштирок этиши ва голиб бўлишига интилиши, илмий-ижодий кўрғаз-маларда қатнашиши орқали улар истеъдодининг номаълум қирралари очилиши таъкидлаб ўтилган. Бакалаврият таълим йўналиши учун мустақил таълим тизими ва мустақил таълим материалларнинг дидактик имкониятлари ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: мустақил таълим, дидактик материаллар, мотивацион муҳит, билим, кўникма, малака.

В статье обсуждается важность самостоятельного обучения в преподавании математики. Независимое образование основано на создании позитивной конкуренции среди студентов, направляя их ум, энергию и время на полезные занятия, учась друг у друга. Было отмечено, что в результате

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

самостоятельной учебы студенты готовятся к различным конкурсам, участвуют в научных олимпиадах и стремятся побеждать, участвуют в научных и творческих выставках, раскрывают неизвестные аспекты своих талантов. Обсуждаются система самостоятельного обучения для бакалавриата и дидактические возможности материала самостоятельного обучения.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, дидактические материалы, мотивационная среда, знания, умения, навыки.

The article discusses the importance of independent learning in teaching mathematics. Independent education is based on creating positive competition among students, directing their minds, energy and time to useful activities, learning from each other. It was noted that as a result of independent study, students prepare for various competitions, participate in scientific Olympiads and strive to win, participate in scientific and creative exhibitions, and reveal unknown aspects of their talents. The system of self-study for undergraduate students and didactic possibilities of self-study material are discussed.

Key words: independent learning, didactic materials, motivational environment, knowledge, skills.

Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар пировард натижада жаҳон талаблари даражасидаги билим ва малакаларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни кўзда тутди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги яна бир қарори эълон қилинди [1]. Мазкур қарорда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу тизимнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қанча изчил вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, қарорда белгиланган бандга кўра, ҳар бир олий таълим муассасасида 1-курс давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этиш, 2-курсдан уларни ўқитишда алоҳида ўқув режа ва дастурлар асосида амалга ошириш, ушбу тоифадаги талабаларни магистратурага мақсадли қабул қилиш ва бу орқали олий таълим муассасалари кафедралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш мамлакатимизда илм-фан ривожининг жадаллашувига олиб келиши қайд қилинган.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ҳар бир омилнинг муҳимлиги, профессор-ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллаш олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишда талабанинг мустақил ижодий ёндашувининг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу пайтгача олий таълимнинг амалдаги ўқув-билув жараёни талаба шахсига йўналтириш имкониятларини рўёбга чиқариш ўрнига, асосан, ўқувчи-ёшларга анъанавий ҳамда фронтал тарзда билим бериш ва қисман шу билим асосида кўникма, малака ҳосил қилишга йўналтирилган жараён бўлиб келмоқда. Инсон бугунги кунда тайёр ечимлар бўлмаган ва берилмайдиган ўзгариб боровчи муҳитда фаолият юритмоқдаки, унда ҳар бир шахс зарур ечимни ўзи мустақил топиши, оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши талаб этилаётган бир даврда рақобатбардош, мустақил фикрловчи ва мустақил қарор қабул қила олувчи, ўзгалар фикрини тинглаб, уни эътиборга олган ҳолда ҳулоса чиқара олувчи шахсни тарбиялаш бу таълим босқичининг устувор вазифаси бўлиб қолмоғи лозим.

Кўпчилик педагоглар талабанинг саводхонлигини баҳолаш орқали таълим сифати ва самарадорлигини аниқлашнинг ягона механизми деб ҳисоблайди. Аммо баҳо билимни белгиловчи аниқ мезон эмас. У талабаларни фаолликка ундовчи, рағбатлантирувчи восита, ҳолос.

Шу ўринда америкалик психолог Ж.Брунернинг ўқувчиларнинг таълим жараёнида ривожланиши хусусида тўхталиб, “Биз фанларни дунёга кичик жонли кутубхоналарни келтириш учун эмас, балки ўқувчининг ўзини математик фикрлаш, муаммоларни тарихчи мисолида ўрганиш, билим олишда иштирок этишга ўргатиш учун ўқитамиз. Билиш – бу жараён, маҳсул эмас”, - деб ёзганини эслаш етарлидир.

Таълим тараққиётини белгиловчи муҳим мезон сифатида талабаларнинг ўқув ютуғи, нафақат унинг эгаллаган шахсий ва ижтимоий компетентлиги, балки рақобатбардош “келажақ” кўникмаларини ўзлаштириши билан белгиланмоғи зарур. Бу масалани ижобий ҳал қилиш илғор тажрибаларни излаш, уларнинг дидактик имкониятларини синаб кўрган ҳолда амалиётга татбиқ этишга бўлган ҳаётий эҳтиёж устувордир.

Шунингдек, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги энг муҳим, долзарб вазифалардан бири ҳар томонлама кучли, билимли, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашдир. Бунда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Ахборот оқими ва билимлар доираси тез

суръат билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотни фақат дарс машғулотида талабаларга етказиш қийин. Шунинг учун профессор-ўқитувчилар талабаларнинг мустақил ишларини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратишлари лозим.

Албатта, талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар мавжуд. Бироқ кўп ҳолда ўқув-тарбия жараёнида талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралмайди, мустақил таълим мазмунини таҳлил этиш ва ишлаб чиқишга замонавий нуқтаи назардан ёндашилмайди, унинг самарали метод, шакл ҳамда воситаларидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмайди. Мазкур масалаларни илмий педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, таълим жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ҳамда мустақил билим эгаллашлари учун етарли шарт-шароит яратиш бериш зарурати, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича касбий педагогик тайёргарлигининг замон талаблари даражасида эмаслиги, талабаларда мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларининг етарли даражада шаклланмаганлиги, ўқув-методик адабиёт, тавсия, ишланма, йўриқнома, кўрсатмаларнинг етарли эмаслиги натижасида уларнинг мустақил ҳолда қарор қабул қилиш ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш кўникмаларининг тўлиқ шаклланмаганлиги муаммонинг ниҳоятда долзарблигини кўрсатди. Анъанавий таълимдаги талабаларга тайёр билимларни бериш мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликнинг ривожланишига олиб келмайди.

Мустақил таълим талабалар ўртасида ижобий маънодаги рақобатни келтириб чиқаради. Бир-биридан ибрат олган ҳолда ўзларининг ақлини, кучини, вақтини фойдали фаолият билан шуғулланишга йўналтирадилар. Турли хил танловларга тайёргарлик кўриш, фан олимпиадаларида иштирок этиш ва ғолиб бўлишга интилиш, илмий-ижодий кўргазмаларда қатнашиш орқали уларнинг истеъдодининг номаълум қирралари очилади. Мустақил таълим ёшларнинг шахс сифатида камол топишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Унда характер хусусиятларининг барқарорлашуви, айниқса, иродавий сифатларнинг мустақамланиши, ўз-ўзини бошқариш каби фазилятлар такомиллашади. Атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, уларни тўғри баҳолай олиш, ўзларининг мустақил фикрларини билдириш ва далиллашга одатланадилар.

“Мустақил таълим” тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда “мустақил таълим олиш”, “ўзини тарбиялаш”, “мустақил ўқиш” тушунчаларидан синоним сифатида фойдаланилмоқда. Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қуйидагича таъриф берилган:

Мустақил таълим – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқари ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятидир.

Мустақил таълим жараёнини қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қуйидаги меъзонлар билан белгилаш мумкин:

- 1) мақсадга йўналтирилган, мотивацион муҳитдаги мустақил таълим;
- 2) мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;
- 3) мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар.

Талабалар мустақил таълим олиш жараёнида қўшимча адабиётларга мурожаат қилади, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпинча талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайди, маъруза, реферат тайёрлашда илмий-оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланади.

Ўқув режасига киритилган таълим дастурларида талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олишлари назарда тутилади. Барча йўналишдаги бакалавр ўқув юктамасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Шундан аудитория ўқув ишлари ҳажми ҳафтасига 28 соат, қолган қисми, яъни 26 соат аудиториядан ташқари мустақил таълим олишга қаратилган. Бундан кўриниб турибдики, бакалавр даражасидаги кадрларни тайёрлаш учун ўқув режасида белгиланган юктаманинг 48% ҳажми мустақил таълим олишга қаратилган. Мустақил ишларни бажаришда талабалар фанлараро боғланишни ҳисобга олиб, ўқув адабиётларни танлайди, улардан керакли маълумотларни ёзиб олади, уларни таҳлил қилиб ишнинг мазмунини ўрганади ва шу иш бўйича тушунчага эга бўлади.

Талаба мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. Ўқишнинг бошланғич босқичларида талаба мустақил ишини ташкил этиш бир қатор вазифалар билан

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ҶЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури – олий таълим талабларига кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориш лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштирилаётган билим ва кўникмаларнинг курсдан курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўникма ҳосил қилган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Бакалаврият таълим йўналиши учун мустақил таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) мустақил таълим мазмуни: таълим берувчи (ўқитувчи) фаолияти ва таълим олувчи (талаба) фаолияти;
- 2) мустақил таълим материаллари тури: (дарслиқлар, ўқув-усулий қўлланмалар, маъруза матнлари, аудио, видео, компьютер ва интернет материаллари): мустақил таълим материаллари (топшириқлари)ни ишлаб чиқиш ҳамда ўқув ахбороти сифимини мустақил ўқиш асосида кенгайтириш;
- 3) ўқитувчи ва талаба мулоқоти: мустақил таълим олишга йўналтириш;
- 4) натижа: мустақил таълим олиш кўникмаси шаклланган талаба.

Мустақил таълим олишнинг асосий воситаси *мустақил таълим материалларидир*.

Мустақил таълим материаллари турли дидактик имкониятларга эга, яъни:

- таълим олувчининг билим, ўқув ва малакалари даражасини оширади (мустаҳкамлайди);
- ўрганилаётган жараёнлар билан боғлиқ асосий ғоялар, тушунчалар, жараёнларни фаоллаштиради;
- ўрганилаётган материалларни тузатади;
- таълим олувчининг билимлар сифимини кенгайтиради;
- таълим олувчининг амалий кўникма ва малакаларини шакллантиради;
- ўқитувчининг таълим беришдаги фаолиятини ва таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаради;
- янги мустақил таълим материалларини яратишга ижодий ёндоқишни рағбатлантиради.

Мустақил ишнинг асосий мақсади ўқитувчи раҳбарлиги ва назоратида фан дастуринининг маълум режалаштирилган қисми бўйича, маълум бир тартибда, олиниши зарур бўлган билимни ва кўникмаларни ўқувчи онгида шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мақсаддан келиб чиққан ҳолда унинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- янги ва дарсларда олинмаган, берилмаган билим ва кўникмаларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштириш;
- илмий-усулий, интернет маълумотларини излаб топиш ва ишлатиш, тайёрлаш методикасини ўзлаштириш;
- илмий адабиёт ва интернетдан олинган маълумотлар билан ишлаш, уларни излаб топиш;
- олинган маълумотлардан самарали фойдаланиш;
- тўпланган маълумотларга асосланиб рационал ечимларни белгилаш.

Бугунги кунда Республикамизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши туфайли, барча фанлардаги сингари математика фанларини ўқитишда ҳам талабанинг индивидуал хусусиятлари, имкониятларини ҳисобга олиш, фанни ўқитишда турли педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсларни ДТС талабларига мувофиқ ташкил этишнинг мақбул йўли ҳисобланади. Математика фанларини ўқитишда йўналтирилган машғулотлар жараёнини ноанъанавий шаклларда ташкил этиш, таълим жараёнини мукамал андоза асосида лойиҳалашга эришиш, мазкур лойиҳалардан оқилона фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг пухта, чуқур ўзлаштирилиши, уларда амалий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишининг кафолати бўла олади [2, 10].

Математика фани инсоннинг интеллектини, диққатини ривожлантиришда, кўзланган мақсадга эришиш учун қатъият ва иродани тарбиялашда, алгоритмик тарздаги тартиб-интизомлиликни таъминлашда ва тафаккурини кенгайтиришда катта ўрин тутади.

Математика оламни билишнинг асоси бўлиб, теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос қонуниятларини очиб бериш, ишлаб чиқариш, фан-техника ва технологиянинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун математик маданият – умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Математика фанини назарийлаштирган ҳолда ўқитишга ёндашишдан воз кечиб, талабанинг кундалик ҳаётида математик билимларни татбиқ эта олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга эришиш, талабаларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини намоён қилиш ва фаоллаштиришга эътиборни кучайтириш – давр талаби.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши ёш авлоднинг ўзгарувчан дунё меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиши, фанларни мукамал эгаллашини тақозо этади. Бу эса таълим тизимида, жумладан, математикани ўргатишга илғор миллий ва халқаро тажрибалар асосида стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Талабаларда математикага бўлган қизиқишни орттириш, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш учун таълим жараёнида амалий ва ностандарт характердаги масалалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай масалаларни ечиш ўқувчиларда анализ, синтез, аналогия, умумлаштириш, дедукция ва индукция каби мантикий мушоҳада юритиш фаолиятини ривожлантириб, талабаларни олинган натижалар устида танқидий фикрлашга ўргатади. Айрим ҳолларда амалий ва ностандарт характердаги масалаларнинг ечими дарҳол топилмасдан, бир неча бор уринишлар натижасидагина аниқланилиши мумкинлиги, бу мақсадга эришиш учун тиришқок бўлиш, яъни мустақил фикрлай олиш каби жуда аҳамиятли сифатларнинг таркиб топишига имкон беради. Энг асосийси, бундай масалаларнинг ечилиши ўқувчиларда натижага эришилганлик, ечим йўлининг гўзаллиги ва ноанъанавийлиги билан боғлиқ бўлган руҳий кўтаринкилик бағишлаши муҳим аҳамиятга эга.

Демак, мустақил таълим тўғри ташкил қилинса, кенг қамровли (фикрли) билим олишга, ўзлаштиришга, олинган билимларни кенг ва самарали қўллашга имкон берадиган замон талаблари даражасида билим беришга эришамиз.

Адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 11-iyuldagi “Oliy va o‘rta maxsus ta’lim tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora – tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.
2. Farberman B.L. Ilg‘or pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: “Fan”, 2000-yil, 127 bet.
3. Farberman B.L., Musina R.G., Jumaboyeva F.A. Oliy o‘quv yurtlarida o‘qitishning zamonaviy usullari. – Toshkent, 2002-yil, 192 bet.
4. Universitetda talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish, nazorat qilish va baholash tartibi to‘g‘risida namunaviy Nizom (Talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish bo‘yicha tavsiyalar). Toshkent: TDPU. O‘quv-me‘yoriy hujjatlar. 2005-yil.
5. Barton B. The language of mathematics // Springer Science+Business Media, LLC, 2008.
6. Hiehler R., Scholz R.W., Straesser R., Winkelmann B. Didactics of mathematics as a scientific discipline // Kluwer Academic Publishers, New York, 2002.
7. Cowan P. Teaching mathematics a handbook for primary and secondary school teachers // Taylor & Francis e-Library, 2006.
8. Rasulova Z.D. Pedagogical peculiarities of developing socio-perceptive competence in learners // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8:1 (2020), pp. 30-34.
9. Rasulov T.H., Rasulova Z.D. Organizing educational activities based on interactive methods on mathematics subject // Journal of Global Research in Mathematical Archives, 6:10 (2019), pp. 43-45.
10. Rashidov A. Development of creative and working with information competences of students in mathematics // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8:3 (2020), Part II, pp. 10-15.

THE ROLE OF THE INDEPENDENT EDUCATION IN TEACHING MATHEMATICS

Tulkin H. Rasulov¹, Zarina E. Mustafoeva²

Key words: independent learning, didactic materials, motivational environment, knowledge, skills.

This article first focuses on the selection of talented students in higher education institutions during the 1st year, the creation of special groups for them, the implementation of their teaching in the 2nd year on the basis of separate curricula and programs. Information was provided on the reforms related to the targeted

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

admission of this category of students to the master's degree, and thus the introduction of a system of training qualified personnel for the departments of higher education institutions.

It was noted that it is important for teachers to be able to effectively use modern educational technologies in the educational process, as well as to form an independent creative approach of students in the organization of the educational process. Opportunities created for students to receive theoretical and practical independent education, a modern approach to the analysis and development of the content of independent education, the use of its effective methods, forms and tools were discussed.

Criteria for determining the level of independent learning activities are listed on the basis of the acquired knowledge, how to implement the process of independent learning. Elements of an independent education system for undergraduate education are listed. The organization of the process of teaching mathematics to students in non-traditional forms, the ability to design the educational process on the basis of a perfect standard, the ability to use these projects rationally is based on the ability of students to master theoretical knowledge, develop practical skills.

There is a description of the work done by the professor-teacher in the spiritual preparation of students for independent learning and in teaching them to independently select additional knowledge, depending on their needs, interests and abilities.

The didactic possibilities of independent study materials are discussed one by one. The main goals and objectives of the independent work are given, which outlines the work to be done on a particular planned part of the science program under the guidance and supervision of the teacher. It is explained what kind of issues should be used in the educational process to develop students' interest in mathematics, the formation of basic and scientific competencies. There are comments on the achievements of higher education institutions through the proper organization of independent study in mathematics.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Farberman B.L. Ilg‘or pedagogik texnologiyalar [Advanced pedagogical technologies]. – Toshkent: “Fan”, 2000-yil, 127 bet.
3. Farberman B.L., Musina R.G., Jumaboyeva F.A. Oliy o‘quv yurtlarida o‘qitishning zamonaviy usullari [Modern methods of teaching in higher education]. – Toshkent, 2002-yil, 192 bet.
4. Universitetda talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish, nazorat qilish va baholash tartibi to‘g‘risida namunaviy Nizom (Talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish bo‘yicha tavsiyalar) [Model Regulations on the organization, control and evaluation of independent work of students at the University (Recommendations for organizing independent work of students)]. Toshkent: TDPU. O‘quv-me‘yoriy hujjatlar. 2005-yil.
5. Barton B. The language of mathematics // Springer Science+Business Media, LLC, 2008.
6. Hiehler R., Scholz R.W., Straesser R., Winkelmann B. Didactics of mathematics as a scientific discipline // Kluwer Academic Publishers, New York, 2002.
7. Cowan P. Teaching mathematics a handbook for primary and secondary school teachers // Taylor & Francis e-Library, 2006.
8. Rasulova Z.D. Pedagogical peculiarities of developing socio-perceptive competence in learners // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8:1 (2020), pp. 30-34.
9. Rasulov T.H., Rasulova Z.D. Organizing educational activities based on interactive methods on mathematics subject // Journal of Global Research in Mathematical Archives, 6:10 (2019), pp. 43-45.
10. Rashidov A. Development of creative and working with information competences of students in mathematics // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8:3 (2020), Part II, pp. 10-15.

Муаллифлар ҳақида маълумот

¹*Расулов Тўлқин Хусенович* – Бухоро Давлат университети Математика кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди, доцент. E-mail: rth@mail.ru

²*Мустафоева Заринабону Эркин қизи* – Бухоро Давлат университети Математика мутахассислиги I босқич магистранти.

ТИББИЙ КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ч.Қ.Хайруллаев¹

Мақолада тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида замонавий янги педагогик технологияларни жорий этишнинг аҳамияти, шунингдек, тиббий кимё фанини ўқитишнинг устувор аҳамияти таҳлил қилинган. Таълимни лойиҳалаштиришнинг дарс самарадорлигини оширишдаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Калим сўзлар: модернизация, халқаро таълим стандарти, замонавий ўқитиш технологиялари, педагогик лойиҳалаштириш.

В статье анализируется важность внедрения современных педагогических технологий в медицинских учебных заведениях, а также приоритетное направления преподавания медицинской химии. Уделяется особое внимание на важность образовательного проектирования в повышении эффективности работы.

Ключевые слова: модернизация, международные образовательные стандарты, современные технологии обучения, педагогическое проектирование.

The article analyzes the importance of introducing modern pedagogical technologies in medical schools, as well as the priority areas of teaching medical science. Particular attention is paid to the importance of educational design in improving work efficiency.

Keywords: Modernization, international educational standards, modern teaching technologies.

Бугун мамлакатимиз таълим тизимининг дунё микёсида тобора нуфузи ошиб, хорижий давлатлар нигоҳида намуна сифатида қаралаётганлигининг асосий сабаби, шубҳасиз, кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос мукамаллиги баробарида, жаҳондаги энг илғор тажрибаларнинг тезкор ўзлаштирилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда ҳар бир педагог юксак касбий тайёргарлиги асосида янги замонавий технологияларда ишлашга қодир мутахассисларни тарбиялаши давр талабидир. Бунинг учун биринчи навбатда, педагог ходимнинг ўзи янги инновацион технологиялардан хабардор бўлиши, замон талаблари асосида дарсни самарали ташкил қила олиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар сифатида ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-усулийматериалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказиш кабиларнинг белгилаб берилганлиги мавзунинг нақадар долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик технологиялар қўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик технологияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди. Шунингдек, янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир ўқитувчининг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллаш билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабидир. Бундан ташқари, замонавий ўқитиш технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурий билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил, чуқур ва мустаҳкам шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Ҳозирги таълим жараёнида зарур билимларни талабаларнинг ўзлари қидириб топиши, мустақил ўрганиши ва хулоса чиқаришига имкон берадиган замонавий педагогик технологияларга эътибор кучайиб бормоқда.

Тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида тиббий кимё, тиббий биология фанларини ўқитишда замонавий янги педагогик технологияларни жорий этиш ва таълим самарадорлигини ошириш мақсадида амалда таълимнинг турли усул ва воситаларни қўллашни татбиқ этиш учун, аввало,

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

таълимнинг дидактик тамойиллари, таълим шакллари, ўқитиш воситалари ва ҳақозоларни инobatга олиш муҳим саналади. Биринчи навбатда, таълим шаклларида тўғри фойдаланишни ташкил этишда уларни ўқув жараёнидан тугган ўрни ҳамда уларга қўйиладиган талабларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Дарҳақиқат, тиббий кимё, тиббий биологик кимё фанлари машғулотларининг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, соғлом авлоднинг туғилиши аҳолининг генетик билимлардан етарли даражада хабардор бўлиши, уларнинг генетик саводхонлиги ва тиббий маданиятини оширишга бевосита боғлиқдир. Ирсий касалликлар сабабларини аниқламай ҳамда уларнинг айрим хоссаларини авлоддан авлодга узатиш қонуниятларини чуқур англамай туриб, соғлом авлоднинг дунёга келишига ишонч билдириш асло мумкин эмас. Шу сабабли аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тиббий ва генетик билимларни (саводхонликни) кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада тиббий кимё, тиббий биология фанини ўқитишнинг роли бекиёсдир. Бу предметни ўзлаштириш афзалликларини қуйидаги ҳолатлар билан тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, бўлажак мутахассисларни организмнинг индивидуал ривожланиши ва турли генетик касалликларнинг келиб чиқиш сабабларидан хабардор этиш, уларнинг мавжуд биологик билимларини янада бойитишга ёрдам беради;

Иккинчидан, ушбу фанларнинг ривожини соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тиббий кимё фанини ўрганишда талабаларнинг ижодий фикрларини ривожлантиришга таъсир кўрсатиши, соҳага оид тушунчаларни чуқур тушуниши, назарий масалалар билан амалиётни боғлаш маҳоратини ҳосил қилишлари учун маъруза қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак:

Биринчидан, маълум бир йўналишга, технологиянинг асосий қонунлари, жараёнларини, тараққиётнинг муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак.

Иккинчидан, ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт кечириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш илозим.

Учинчидан, илмийлиги жиҳатдан назария асосларини амалиёт билан, масаланинг қўйилишини илмийлик билан ҳамда иқтисодиётнинг янги долзарб масалаларига ижодий ёндашиш билан, назарий далилларнинг мантиқийлик билан узвий бирлиги таъминланиши керак.

Олий таълим тизимида бўлажак касбий таълим педагогини билимларни ўзлаштириш ва касбий фаолият моделини лойиҳалаштириш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирадиган янги концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурати ҳозирги глобаллашув шароитида кун тартибига кескин килиб қўйилмоқда.

Педагогик назарияда педагогнинг касбий тайёргарлигини ўзини ўзи такомиллаштиришга тайёрлик парадигмасида кўриб чиқиш учун маълум омиллар юзага келди. Илмий тадқиқотлар таҳлили мутахассиснинг ўзини ўзи такомиллаштиришга тайёрлаш масаласи ҳар томонлама ишлаб чиқилганлигини кўрсатади. Шу жумладан, педагогик назарияда ўқитувчининг ўзини ўзи такомиллаштиришга касбий тайёргарлигини ўрганиш учун маълум асослар шакллантирилган. Н.В.Кузьмина, В.А.Сластёнин томонидан ижодкор шахснинг касбий фаолиятда ўзини ўзи муваффақиятли сафарбар қилиши учун ўқитувчининг ва талаба ҳамкорлиги вазиятида, ижодий таълим муҳитида ўзаро таъсирлар кўрсатишнинг педагогик омиллари белгиланган. Ватанимиз психологлари С.С. Отамуратов [1,20], Н.С.Сафаев [2,38]лар шахс миллий ўз-ўзини англашнинг психологик хусусиятларини тадқиқ қилган. А.Абдукадиров [3, 180], Н.Н.Азизходжаева [4, 193], У.Ш.Бегимкулов [5,143], У.К.Толипов [6, 51], Н.С.Сайидахметов [7, 154], Э.Р.Юзликбаева [8, 42]ларнинг олий таълим муассасаларида таълимни интенсифлаштириш ва педагогик ҳамда ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишга доир тадқиқотлари амалга оширилган. Р.Ахлиддинов, У.И.Иноятов, Э.А.Сейтхалилов, Ш.С.Шарипов, Э.Р.Юзликбаева [9, 243] тадқиқотларида республикамизда таълим муассасаларини бошқариш моделларини яратиш ва жорий қилиш масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлар: Г.С.Альтшуллер, Дж.Джонсон, Я.Дитрих, В.Х.Килпатрик, Е.Коллингс, П.Хилл, Л.Тондлар томонидан лойиҳалаштириш жараёнида лойиҳалаштирувчи шахснинг ижодий салоҳияти билан ихтирочилигининг алоқадорлиги назариясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган.

В.Л.Матросова, М.Х.Махмудов [10.Б.269], Г.Е.Муравьева, З.М.Сундукова тадқиқотлари таълим жараёнлари, ўқув режалари ва дидактик тизимларни лойиҳалаштириш муаммосига бағишланган.

Педагогик лойиҳалаштириш жараёнида мақсадни белгилаш ва уни оптималлаштиришнинг турли жиҳатлари, таълим жараёнини лойиҳалаштириш муаммоси В.В.Краевский, И.Л.Лернер,

В.В.Краевский, И.Л.Лернер, В.И.Машбиц, Б.В.Сазоновларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Р.Г.Исянов [11.Б.69], Н.А.Муслимов [12, 47], Ш.С.Шарипов [13, 20]ларнинг илмий ишларида ўқув жараёни ва ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш муаммолари тадқиқ қилинган.

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси – лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш жараёни, ўқитувчининг юқори малакага эгаллиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам бу технология XXI аср технологияси ҳисобланади.

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то интеллектуал ёки оддий маҳсулотни оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

Шундай қилиб, ушбу фанларни ўқитишда, профессор-ўқитувчи ундаги таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари, шу билан бирга, уларни дарсга фаол қатнашишларини таъминловчи, тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга эътибор беришлари лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Otamuratov S.S. Natsionalnoe samosoznanie sotsialno aktivnoy chasti molodeji yego funkcionirovanie v usloviyakhnezavisimosti Uzbekistana (sotsiologicheskiy analiz): Avtoref. dis. ...kand. sots. nauk. – Tashkent: NUU, 2000. – 20 s.
2. Safaev N.S. Psixologicheskie osobennosti natsionalnogo samosoznaniya studencheskoy molodeji.: Avtoref. dis. ... doktora psix. nauk. – Tashkent: NUU, 2005. – 38 s.
3. Abduqodirov A. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. – Toshkent: “Iste’dod”, 2008. – 180b.
4. Azizxodjaeva N.N. Pedagogicheskiye texnologii i pedagogicheskoe masterstvo/ Ucheb. posobie dlya magistrrov vsex spetsialnostey.–Tashkent: TGPU, 2003. – 193s.
5. Begimqulov U.SH. Pedagogik ta’lim zamonoviy axborottexnologiyalarni joriy etishining ilmiy-nazariy asoslari. – Toshkent: “Fan”, 2007. –143 b.
6. Tolipov U.K. Pedagogicheskie razvitiya obshchetrudovyx i professionalnyx umeniy i navykov v sisteme vysshego obrazovaniya: Avtoref. dis. ... doktora ped. nauk. – Tashkent, 2004. – 51 s.
7. Sayidaxmetov N.S. Pedagogika amaliyotida yangi texnologiyalarni qo‘llash. –Tashkent: “Yangi avlod”, 2001. –154 b.
8. Yuzlikayeva E.R. Teoriya i praktika podgotovki uchitelya k diagnosticheskoy deyatelnosti: Avtoref. dis. ... doktora ped. nauk. –Tashkent: TGPU, 2012. – 42 s.
9. Qurbonov SH.E., Seytxalilov E.A., Inoyatov U.I., Yuzlikayeva E.R., Sharipov SH.S. Kadrlar tayyorlash milliy modeli va dasturi: «Islom Karimov modeli» - O‘zbekiston mustaqilligining yuksak yutug‘i va natijasi./ O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: TDPU, 2013. – 234 b.
10. Maxmudov M.X. Ta’lim didaktik loyixalashning nazariy asoslari : Ped. fan. dok. ... dis. – Toshkent, 2004- 269 b.
11. Isyanov R.G. Klasterniy podxod v formirovaniy modulnoy kompetentnosti prepodavateley visshikh obrazovatelnix uchrejdeniy. – Tashkent: TGPU, 2014. – 69 s.
12. Muslimov N.A. Kasb ta’limi ukituvchisini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari: Ped. fan. dok. ... dis. avtoref. – Toshkent: TDPU, 2007.– 47 b.
13. SHaripovSH.S. Pedagogicheskie usloviya formirovaniya izobrazitelskogo tvorchestva studentov (Na primere fakultetov Truda i professionalnogo obrazovaniya): Avtoref. diss. ... kand. ped. nauk. – Tashkent: UzNIIPN, 2000 - 20 c.

Муаллиф ҳақида маълумот

¹Хайруллаев Чориқул Қазоқович – кимё фанлари номзоди, Бухоро Давлат тиббиёт институти доценти.

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИМЁ ФАНИГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Г. Кадирова¹

Халқаро миқёсда табиий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малака (БКМ)ларини ривожлантириш, таянч ва фанга оид умумий компетенцияларини шакллантириш, турдош фан асослари мазмунини интеграциялашга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз таълим тизимида ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга қизиқишини ошириш, таълим олиш сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтариш бўйича ижобий ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кимё таълими методик таъминоти мазмунини такомиллаштиришда амалий мазмунга эга топшириқларни ишлаб чиқиш зарурияти кузатилмоқда. Ушбу мақолада ўқувчиларда кимё ўқув фанига оид компетенцияларни шакллантириш сифатини ошириш масалалари кўриб ўтилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: компетенциявий ёндашув, мунозара, ҳаёт фаолияти билан боғлаш, компетентлик, фанга оид компетенциялар, уй тажрибалари, амалий мазмундаги масалалар.

На международном уровне проводятся исследования по повышению эффективности обучения естественным наукам, развитию знаний, умений и навык (ЗУН)ов учащихся, формированию ключевых и предметных компетенций у учащихся, интеграции содержания основ смежных наук. В системе образования нашей страны проводятся эффективные реформы по повышению интереса учащихся к изучению основ науки, повышению качества образования до уровня мировых требований. Вместе с этим, наблюдается потребность разработки заданий практического содержания в целях совершенствования содержания методического обеспечения. В данной статье рассматриваются вопросы повышения качества предметных компетенций у учащихся по предмету химии.

Ключевые слова и понятия: компетентный подход, дебаты, связь с жизнью, компетентность, предметные компетенции, домашние эксперименты, задание связанные с практикой.

The content of chemistry has been improved by giving priority to mutually integrative features of the basic concepts (laws, phenomena, factual materials)of natural sciences; The development process of pupils' research skills in chemistry has been improved by including elements of euteogological thinking (independent research, ingenuity) based on the concept of modern natural sciencesin the organization of home experiments; The methodological support (tests, problems and tasks, chemical experiments)for the effective development of pupils' knowledge and skills in chemistry has been worked out on the basis of requirements for the level of natural science literacyThis article discusses the issues of improving the quality of subject competencies in students in chemistry.

Key words and conceptions: competent approach, debate, relationship with life, competence, home experiments,natural science,subject competencies


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармонида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш лозимлиги кўрсатилган [1]. Шунингдек шу Фармонга мувофиқ 2019 йил 4 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Президент Фармонининг 2-бобида умумтаълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш ҳамда мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш талаб этилаётганлиги, ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш лозимлиги, давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамадан, ўқитиш ва баҳолаш методлари, шунингдек дарсликлар ва бошқа материалларни асосан ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қаратилган бўлиб, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантириш зарурати борлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ушбу Фармоннинг 3-бобида халқ таълими тизимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишлари белгиланган бўлиб, уларга кўра ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенциялар ва ўқув жараёнини интерактив бошқариш маҳорати тамойилларига асосланган

педагогик фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ўқув муддатларини ўзгартирмаган ҳолда ўқувчилар томонидан ўзлаштириш компетентлигини кенгайтиришни таъминловчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш каби ҳозирги куннинг долзарб масалалари кўрсатилган[2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 187-сон қарорида Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва кизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос равишда уларда таянч ва ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенцияларни шакллантириш кўрсатиб ўтилган. Ушбу қарорда “компетенция – мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти” деб таърифланган.

Тадқиқотимиз доирасида юқорида кўрсатилган фармонлар ижроси юзасидан Халқ таълими тизимини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларда таянч ва умумтаълим фанларига оид умумий компетенцияларни шакллантириш самарадорлигини ошириш масалаларига кимё фани мисолида эътиборимизни қаратмоқчимиз.

1 шакл



АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Умутаълим мактаблари 9-синф битирувчилари учун кимё ўқув фанидан Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларида ўқувчиларда шакллантирилиши назарда тутилган қуйидаги кимё фанига оид умумий компетенциялар келтирилган:

1. Кимёвий жараён, ходисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси.
2. Элемент ва формулаларни кимёвий тилда ифодалаш компетенцияси.
3. Кимёвий тажрибалар ўтказиш ва амалиётда қўллаш компетенцияси.

A2 даражасидаги 9-синф битирувчисига қўйиладиган малака талабларида компетенлик доирасида:

– анорганик бирикмаларнинг кимёвий хоссаларига оид содда турдаги масалаларни еча олиш;
– Ўзбекистонда олинadиган кимёвий хом-ашёлар ва улар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари, моддалардан фойдаланишда экологик маданиятни билиш;
– кимёвий қонуниятлар асосида ўрганилганларидан кундалик турмушда, ҳаётий фаолиятда фойдалана олиш каби малака талаблари белгиланган.

Ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Шу боис компетенцияга эгалик – “компетентлик” тушунчалари тўғрисида бир неча тадқиқотчиларнинг билдирган фикрларига тўхталиб ўтсак[3].

Таниқли олим Н.А.Муслимовнинг фикрига кўра “компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йул тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда харакатланиш режасига эгаликни англатади[4].

Е.И.Огарев компетентликни инсонни субъект сифатида умумий меҳнат тизимида харакатини таъминловчи шахсий сифатлар мажмуасини кўрсатувчи даража сифатида баҳолайди.

Шу муаммоларга ечим сифатида кимё фанини ўқитишни ҳаёт фаолиятига боғлаган ҳолда ташкиллашни таклиф этамиз. Буни қисқача қуйидаги шакл орқали ифодаладик (1-шакл).

1-шаклда умумий ҳолда келтирган фикрларимизга мисол тариқасида 9-синф кимё ўқув фани дастуридаги “Углерод ва унинг бирикмалари” ва “Кальций ва магний металлари ва уларнинг бирикмалари” мавзуларини кундалик ҳаёт фаолиятига боғлаб ўқитиш мақсадида дарс жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган қуйидаги саволларни келтираемиз:

1-савол. *Қандолатчи ва ош содаси*

Қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашда хамирнинг ғоваклигини ошириш учун ош содасидан фойдаланилади. Ёш қандолатчи кекс тайёрлаш учун ош содаси ўрнига ош тузидан фойдаланмоқчи бўлди. Бунда у сифатли кекс тайёрлай оладими? Фикрларингизни кимёвий реакция тенгламалари асосида изоҳланг.

2-савол. *Кальций металлнинг ўрта ва нордон тузлари*

Ўқувчига CaHCO_3 ва CaCO_3 тузларидан намуналар берилади. Кимёвий реакциялардан фойдаланмаган ҳолда тузларни бир-биридан фарқлаш керак. Ўқувчига тавфсиялар беринг.

3-савол. *СО нинг сублимацияланиши*

Ичимликларни совутиш мақсадида қаттиқ ҳолатдаги углерод(II) оксидидан фойдаланилади. Шу модда ўрнида сувни музлатиб олинган муз бўлагидан фойдаланиш мумкинми? Фикрларингизни изоҳланг.

Шунингдек, “Углерод ва унинг бирикмалари” ва “Кальций ва магний металлари ва уларнинг бирикмалари” мавзуларини мустаҳкамлаш учун қуйидаги масалаларни ўқувчиларга тақдим этиш мумкин:

1-масала

Гипс

Тиббиётда, ортопедия-травматология соҳасида қўлланиладиган гипс қоришмасини тайёрлаш учун 1 кг гипсга 500 г сув қўшилади. Ушбу массадаги сув гипс таркибидаги кристалл суви массасидан неча грамм кўп?

2-масала

Углероднинг ёниши

Ўрта ёшли киши бир кунда ўртача 750 л (н.ш) кислород билан нафас олади. Шунча ҳажм кислород қанча миқдордаги углеродни ёкиш учун сарфланиши мумкин?

3-масала

Ўсимликлар ва карбонат ангидрид

Ер шари ўсимликлари йилига 175 млрд тоннага яқин CO₂ ни қайта ишлаб органик моддага айлантиради. Бир кунлик қайта ишлаш учун сарфланадиган CO₂ гази неча кг CaCO₃ парчаланишидан хосил бўлиши мумкин?

4-масала

Ис газининг атмосферага таъсири

Маълумотларга кўра ҳаво таркибидаги ис газининг 92 % и автотранспорт воситаларидан ажраладиган ис гази ҳисобига тўғри келар экан. Истикболли ёнилғи ишлаб чиқиши йўлга қўйилса автотранспортлардан атмосферага ажраладиган ис гази миқдори 30% гача камайиши мумкин бўлади. Агар автотранспортдан чиқадиган тутун таркибида ўртача 7 % ис гази бўлса, истикболли ёнилғи ис гази ажралиш миқдорини неча фоизга пасайтириши мумкин?[5].

Тадқиқотчининг фикрича компетентликка эга шахс қўйидаги сифатларга эга бўлади:

- ечилиши керак бўлган муаммони моҳиятини чуқур англай олади;
- муаммога ечим излаш доирасида муваффақиятга эришиш учун мақсадли ҳаракатланади;
- муаммони ечиш жараёнида оптимал вақт ва керакли воситаларни тўғри белгилай олади;
- керакли натижаларга эришиш учун жавобгарликни ҳис этади;
- хатолардан тўғри хулоса чиқара олади ва мақсадга эришиш йўлида камчиликларни

баргараф этишга интилади.

Тадқиқотимиз доирасида олиб борилаётган кузатув, ўқувчилар билан суҳбат, анкета-сўровнома ишларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда мактаб битирувчилари кимё фанидан ўзлаштирилаётган назарий билимларини амалиётда қўллаш, табиатда бўлаётган ҳодисаларни кимёвий нуқтаи назардан изоҳлай олиш, кундалик ҳаётда қўлланилаётган турли кимёвий ишлаб чиқариш маҳсулотлари таркибини таҳлил қилишда бироз қийинчиликка дуч келадилар.

Амалий фаолият кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш боришда уй шароитида тажрибалар олиб бориш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини, кимёвий билимларини эгаллашга бўлган интилишларини ортишида, ўз кундалик ҳаётларида учрайдиган моддалар ва ҳодисалар мисолида фан асосларини ўрганишларида, ўқувчиларда кимё ўқув фанидан компетенцияларни шакллантиришда самарали восита сифатида қўллаш мумкин[5].

“Углерод ва унинг бирикмалари” ва “Кальций ва магний металлари ва уларнинг бирикмалари” мавзуларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги уй тажрибаларини таклиф этамиз:

1-тажриба

Ҳаво таркибидаги углерод оксидини аниқлаш

Стаканга ярим қилиб оҳакли сувдан эҳтиёт бўлиб қуйинг. Унга газ ўтказувчи найнинг бир учини тушириб (газ ўтказувчи най сифатида суюқликларни ичиш учун мўлжалланган найчадан фойдаланиш мумкин), унинг иккинчи учидан пуфланг. Аста-секин рангсиз оҳакли сувнинг хиралашини, оқ рангли чўкма пайдо бўлишини кузатинг. Пуфлашни давом эттиринг ва оҳакли сувнинг яна тиниклашишига эътибор беринг. Оҳакли сувнинг хиралашини ва яна тиниклашиши сабабини тушунтиринг. Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

2-тажриба

Оҳакли сув таркибини ўрганиш

1-тажрибада кўрсатилган тартибда тиник оҳакли сувда оқ чўкма ҳосил қилинг. Ҳосил бўлган чўкмадан 2-3 мл олиб, уни чинни идиш тубига қуйилган одеколон алангасида киздиринг. Сув буғланиб кетгач, идиш тубида қолган қаттиқ қолдиққа сирка эссенциясидан эҳтиёткорлик билан бир неча томчи томизинг. Ўзгаришни кузатинг. Кимёвий жараёнлар давомида ҳосил бўлган моддаларни кимёвий формулаларини ёзинг. Реакция тенгламаларини тузинг[5].

3-тажриба

Ҳавонинг таркибий қисмларини

Туби чуқур ликопча ёки идиш олиб, унга янги тайёрланган оҳакли сув қуйинг ва ликопча тубига бирор оғирроқ буюм ўрнатиб, устига шам бўлагини ўрнатиб. Шамни ёкиб қўйгач, унинг устини 1 л ҳажмли шиша банка билан ёпиб қўйилади. Шам ўчгач, бир оз вақт кутинг. Содир бўлган ўзгаришларни тушунтиринг ва тегишли реакция тенгламаларини ёзинг. Нима учун оҳакли сув хиралашади? Нима учун оҳакли сув банканинг фақат 1/5 қисмигача кўтарилади? Тажрибаларга тегишли ҳисоботларни тайёрланг ва расмлар билан содир бўлган ўзгаришларни ифодаланг.

4-тажриба

Газланган ичимликларнинг оҳакли сувни лойқалатиш ва шамни ўчириш хусусияти

Газланган ичимликларни қадоқлашда ишлатиладиган полиэтилен қопқоқда айлана шаклидаги газ ўтказувчи най диаметрига мос келадиган тешик ҳосил қилинг ва найчани унга маҳкамланг.

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Газланган ичимликлардан бирор турини олиб, идиш қопқоғини тезлик билан, аввалдан тайёрлаб қўйилган найчали қопқоқ билан алмаштиринг. Газланган ичимликдан ажралаётган газни газ ўтказувчи най орқали оҳакли сувдан ўтказинг. Нима учун оҳакли сув лойқаланади? Сиз аввалги тажрибада най орқали пуфланган газ билан газланган ичимликлардан ажралаётган газ орасида қандай ўхшашлик бор?

Кимё фанини ўзлаштириш давомида ўқувчиларда бир неча саволлар пайдо бўлиши табиий. Масалан, таом қачон ўзгаради, қайси тозаловчи воситани қайси мақсадда тозалаш учун танлаймиз, кимёвий ишлаб чиқариш воситалари қандай материаллардан ишлаб чиқарилган ва уларнинг хусусиятлари қандай, биз уларни қандай қилиб ишлата оламиз каби саволларига жавоб топишда ёки потенциал тушунганимизда, ўқувчилар онгида замонавий кимё фанини технологик ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадорлигини тушунтириш учун амалий аҳамиятга эга бўлган топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир[10].

Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоён бўлади. Хусусан, ижтимоий, махсус(психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади.

Компетентликка йўналтирилган таълимни амалга ошириш, дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда табиат ҳодисалари, кундалик турмушда, табиатда кузатилаётган кимёвий жараёнларни моҳиятини англашга қаратилган муаммоли вазиятларни яратиш ва уларга жавоб топиш тарзида ташкиллаш компетенциявий ёндашув асосида таълимни амалга ошириш учун хизмат қила олади[6].

Ҳозирги давр меҳнат бозорида компетентли кадрларга бўлган эҳтиёж кучли. Компетентли мутахассисни тайёрлаш эса мактаб даврида ўқувчиларда таянч ва умумий фанларга оид компетенцияларни шакллантиришдан бошланади[11]. Мактаб даврида шакллантирилган компетенциялар ўқувчиларнинг келгуси ҳаёт фаолиятида шаклланадиган ва ривожланадиган касбий компетенцияларни эгаллаши учун мустақкам пойдевор вазифасини бажариши лозим[12].

Хулоса ўрнида қўйдаги фикрларимизни келтирамиз:

– кимё дарсларида ва дарсдан ташқари машғулотлар давомида ўқитиладиган билимларни доимий равишда имкон даражасида ҳаёт фаолияти билан боғланган ҳолда ташкил этиш ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шаклланишига ёрдам беради;

– амалий машғулотлар, жумладан ўқувчиларни ўзлари томонидан амалга ошириладиган кимёвий тажрибаларни ўтказиш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишининг ортишига хизмат қилади;

– кимё фанини ҳаёт фаолиятига боғлаб ўқитиш орқали ўқувчиларда атроф-муҳитда содир бўлаётган кимёвий жараёнларни фан нуқтаи назаридан изоҳлай олиш қобилияти ривожланади;

– ўқувчиларда экологик маданият ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби шахсий фазилатлар тарбияланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5588-сонли «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси, 2018 й.05.09.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5588-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси. 2019й.29.04. 06/19/5712/3034-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрель 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

4. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М. Д., Сайфуров Д.М., Тураев А.Б. – Тошкент, 2015. –120 бет.

5. Использование материала связанного с жизнью на уроках химии, / Кудинова Н.Ф. – Москва, Издательство МГОУ, 2009.– 39 с.

6. Кимёдан кизиқарли тажрибалар / Дўмонов Б.М., – Андижон, 2017. – 36 бет.

7. И.Р.Аскарлов, Н.Х.Тўхтабоев, Б.М.Дўмонов. Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибаларнинг аҳамияти. // “Педагогик таълим” журнали, Тошкент, 2009. – № 2. – 67–69-б.

8. И.Р.Аскарлов, Б.М.Дўмонов. Домашний химический эксперимент на начальном этапе обучения. //Журнал “Химия в школе”, Москва, 2009. – № 9. С. 61–63.

9. Б.М.Думанов, Р.Буриев. Влияние самостоятельных заданий практического содержания на повышение эффективности обучения химии в школе. // Материалы VII международной научно-практической конференции «Воспитание и обучение: теория, методика и практика». – Москва, 2015. – С. 26–30.

10. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инноватсион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол”, 2013, 2016.–279 б.

11.Жўраев А.Р. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий компетенцияларини шакллантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш // “Педагогик маҳорат”. Илмий-назарий ва методик журнал № 1 / Бухоро. 2019. – Б. 58-61.

12.Zhuraev A.R.Using Electronic Teaching Materials for Training Future Teachers // “Eastern European Scientific Journal”. Auris Kommunikations – und Verlagsgesellschaft mbH. Journal ausgabe 1. Germany. 2019. – P. 432-435.

Муаллиф ҳақида маълумот

¹*Гулнора Кадирова Педагогик инновациялар, касб-хунар тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти*

«ЁРУҒЛИК ҚОНУНЛАРИ» МАВЗУСИ БЎЙИЧА МУЛЬТИМЕДИЯЛИ МАЪРУЗАЛАРДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Д.С.Рўзиева¹

Мақолада ўқитувчи томонидан тайёрланган ва яратилган алоҳида мультимедия воситаларини берилган дарсга ёки берилган мавзуга мўлжалланган ягона мажмуага бирлаштириш, мультимедия воситаларини турли дидактик мақсадларга эришиш учун анъанавий воситалар билан биргалликда қўллаб ўқитиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиши ҳақида мулоҳаза юритилади.

Таянч иборалар: мультимедияли мажмуа, босма ахборот асри, ўқитиш самарадорлиги, видео қисм, анимация, интерфаол модел, рақамли ахборот.

В статье рассматриваются вопросы сочетания отдельных мультимедийных средств, подготовленных и созданных преподавателем в единый комплекс, предназначенный для данного урока или данной темы, комбинированного использования мультимедийных средств в сочетании с традиционными средствами для достижения различных дидактических целей – повышения эффективности обучения.

Ключевые слова: мультимедийный комплекс, век печатной информации, эффективность обучения, видео-часть, анимация интерактивная модель, цифровая информация.

The article discusses the combination of individual multimedia tools prepared and created by the teacher in a single complex, designed for this lesson or topic, the combined use of multimedia tools in combination with traditional tools to achieve various didactic goals – to increase the effectiveness of training.

Keywords: multimedia complex, the age of printed information, learning efficiency, video part, animation, interactive model, digital information.

Ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимида тез суръатлар билан кириб келиши ва тобора такомиллашиб бориши ўқув жараёнига электрон дидактик воситаларни яратиш ва уни татбиқ этишга эҳтиёж туғдирмоқда. Шу боис ҳам ахборот-коммуникация технологиялари илмий-техника ривожланишининг илғор тенденцияларидан бири сифатида замонавий жамиятнинг кўпгина томонларини қамраб олган. Ахборот индустрияси, ахборот технологиялари жадал равишда яратилмоқда. Электрон дидактик воситалар замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгидан саклаш, билимларни интерфаол усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имконига эга бўлган манба ҳисобланади. Электрон-дидактик воситалар

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларни ривожлантиришга ва қўшимча маълумотлар билан таъминлашга қаратилган бўлади. Шунинг учун таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар у ёки бу даражада кадрлар тайёрлаш жараёнларининг ахборот таъминотини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни белгилайди. Ахборотлар уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашга бўлган ёндашувлар кўпчилик илмий тадқиқотлар ва давлат дастурларида асосий ўринлардан бирини эгаллайди [1, 85]. Ахборот технологияларини узлуксиз педагогик таълим тизимида татбиқ қилиш йилдан йилга кенг қўламда амалга оширилмоқда. Ахборотлаштириш жараёнида педагогик ҳамжамият томонидан кўп сонли ахборот ресурслари ишлаб чиқилмоқда, лекин бу ишларни етарли деб бўлмайди [1, 92]. Замонавий ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва компьютер тармоқлари ахборот ресурсларига кириш ва йиғишнинг бутунлай янги имкониятларини яратди. Ўқитишнинг турли шакллари билан биргаликда ва бирликда таълимни такомиллаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига қаратилаётган эътибор, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, таълим сифатини оширишдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, таълим мазмунини такомиллаштириш билан бир қаторда, унинг сифатини илмий асосда бошқаришни ҳам тақозо этмоқда. Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бу эса бевосита таълим сифатига боғлиқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда шакллантирилиши, жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви таълим тизими олдида долзарб масалаларидан бири бўлган сифатли таълимни амалга оширишни ва сифатли мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўяди. Физика фанига оид лаборатория машғулотларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий изланишлар халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган илғор таълим тизимларида АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Япония, Бразилия ва бошқа давлатларда олиб борилмоқда. Хорижлик олимлар томонидан ҳам таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш, илмий-методик ишларида, машғулотлар жараёнида интернет тармоқлари, электрон доска, виртуал ишланмалар, мультимедияли намоёиш тажрибаларидан фаол фойдаланиш ва талабаларнинг индивидуал фаоллигини таъминлашда ижодий ёндашиш зарурияти таъкидланган.

Компьютер технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши босма ахборот даврининг инқирози билан характерланади. Босма ахборот даври – китоб, газета, журналларни кўпайтириш учун босма матбуотнинг ихтиро қилиниши билан бошланади. Ахборотни кўпайтириб, сақлаш ва узатишнинг бошқа аналог воситалари: фотография, кино, телеграфия, телефония, радио, телевизор каби воситаларнинг кенг тарқалиши билан тугайди. Босма ахборот асри инқирозига 3 йўналишдаги камчиликлар сабаб бўлади:

- 1) тўпланган маълумотларни қайта ишлаш қийинлиги;
- 2) маълумотларни узоқ вақт сақлаш чегараланганлиги;
- 3) ахборотни ёзиш, сақлаш, қайта ишлаб чиқариш усуллари ва қурилмаларининг турлича эканлиги.

Янги компьютер технологиялари ривожланган даврда бу муаммолар бартараф қилинди, яъни:

- 1) ахборот: матн, аудио, видео, рақамли шаклда ягона тарзда тақдим этилади;
- 2) маълумотни сақлаш осон;
- 3) маълумотлар рақамли шаклда нусха кўчиришда бузилмайди;
- 4) ахборотни қайта ишлаш осон.


Таълимда мультимедиядан фойдаланиш катта ҳажмдаги ахборот ва интерфаол имкониятлардан фойдаланиш билан бирга самарадорликнинг сифат поғонасини белгилаб берди. Замонавий ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш муаммоларини ўрганишда ҳамда амалиётга татбиқ этишда Гомулина Н.Н., Смирнов А.В., Абдуқодиров А.А., Закирова Ф.М. каби олимлар ва илмий тадқиқотчилар бир қанча илмий изланишлар олиб боришган. Айниқса, Гомулина Н.Н. физика ва астрономия дарсларида янги ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаш методикасини тадқиқ қилган бўлса, Гавриченко А.Н., Моркотуна В.Л. ўқитувчиларни анъанавий аудиовизуал технологиялардан фойдаланишдаги касбий тайёргарлиги ҳақида мулоҳаза юритишади [2, 155]. Таълимнинг барча даражасида ўқитувчиларнинг мультимедия технологияларидан фойдаланишга тайёргарлигининг узлуксизлигини таъминлаш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мультимедия воситалари (кўп воситалилик) – аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган ҳолда, компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради. Мультимедия замонавий ахборот турли-туман муҳитларни товуш, видео, графика, матнлар, анимациялар ва бошқаларни ишлатиш технологияси бўлиб, тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Ривожланган дунё мамлакатларида мультимедия воситалари асосида ўқитиш усули ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича татбиқ этилмоқда. Компьютерларнинг ўтган асрнинг 70-йилларида таълим соҳасида кенг қўллаш йўлида уринишлар зое кетганлигининг сабаби ҳам ўша пайтдаги компьютерлар унумдорлигининг ниҳоятда пастлиги билан боғлиқ эди. Мультимедия воситалари асосида билим олишда 30% гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар хотирада узоқ муддат сақланиб қолади. Агар таълим жараёнида ўқувчилар бериладиган билим ва маълумотларни видео асосида қабул қилса, хотирада ахборотнинг сақланиб қолиниши 25% -30% га ошади. Ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишда умумлаштирилган ҳолда берилса, хотирада маълумотларнинг 75% миқдори сақланиб қолади.

Мультимедияли мажмуани яратишни физика фанининг лаборатория машғулоти мисолида кўриб чиқсак. Замонавий дастурий воситаларнинг имкониятларидан фойдаланиб, физика фани ўқитувчиси сифатида ўзи таълим берадиган фанининг умумий бўлимларига мўлжалланган мавзуларнинг ҳар бири учун тайёрланган виртуал лаборатория ишларини бир муҳитга жойлаши ва ҳар сафар ундан фойдаланиш учун фақат бир *.exe кенгайтмали файлга мурожаат қилиш мумкин. Физика фанининг баъзи бўлимлари юзасидан тайёрланган электрон ўқув виртуал лабораторияларни Auto Play дастури ёрдамида бирлаштириб чиқиш мумкин. Виртуал лаборатория ишларини бажариш учун Crocodile Physics ёки Physics education technology дастурларидан бирини ишга тушираемиз. Тайёр дарсликларимизни Avto Play дастури ёрдамида бирлаштириб оламиз, дастурни ишга туширганимизда компьютер экранида мулоқот ойнаси пайдо бўлади ва у ердан “Создать новый проект” буйруғини танлаймиз. Бу ердан фойдаланувчи ўзи учун мос лойиҳани такомиллаштириш учун очиши ёки янги бўш лойиҳани яратиш имкониятлари мавжуд[3, 125]. Янги лойиҳанинг устига бир марта чертиб, лойиҳани ишга тушираемиз. Дастур ёрдамида лойиҳамизнинг кўринишларини ва ҳар бир объектга керак бўлган боғланишларни ўрнатиб бўлгач, “Предусмотр” ёрдамида лойиҳамизнинг якуний ҳолатини кўришимиз мумкин. Агар лойиҳа камчилик ва хатоликларсиз чиққан бўлса, у ҳолда биз ушбу лойиҳамизни сақлашимиз керак бўлади. Бунинг учун “Файл” менюсидан “Сохранить” ни танлаймиз. Шу тарзда сақласак, биз кўрсатган дискдаги жойимизга дастур лойиҳанинг *.exe файлини автоплей кенгайтмали таҳрирлаш файлини ҳамда, ушбу лойиҳада фойдаланилган ва боғланишлар кўйилган дискдаги барча файлларни типларга ажратган ҳолда алоҳида папкаларга сақлаб қўяди. Бундан ташқари, “Экспорт” буйруғини танласак, у ҳолда дастур биз кўрсатган дискка лойиҳанинг .апз. кенгайтмали архив файлини сақлаб қўяди. Тайёр лойиҳадан фойдаланганда эса педагог ушбу архив файлни ишга тушириш билан ҳар дарсада ушбу битта файлдан фойдаланиб юриши мумкин. Бу эса педагоглар учун жуда катта қулайлик яратади, шунингдек, таълим олувчиларнинг ҳам олаётган билимларининг кетма-кетлиги, узвийлигини, ўтилган мавзуларга боғланганлигини виртуал лаборатория ишларининг унумлилигини оширади. Ушбу AutoPlay дастури юқорида келтирилган қулайликлардан ташқари яна жуда кўп имкониятларга эга ва ундан дастурлаш тиллари ва амалий дастурий воситаларда яхши кўникмаларга эга бўлган фойдаланувчилар унумли фойдаланиши мумкин. Аммо бундай кўникмалари камроқ бўлган педагоглар юқорида келтириб ўтилган содда ва керакли амалларни бажаришни амалласа етади. Мажмуадан таълим жараёнида қай даражада фойдаланиш эса, аввало, педагогнинг маҳоратига, кейин эса тайёрлаган дастурий воситалар ва тақдимотларнинг кўргазмалилигига назорат воситаларининг тушунарли ва аниқ натижалилигига боғлиқдир. Юқоридаги амаллар ёрдамида биз қуйидаги кўринишдаги мультимедияли мажмуани яратамиз. (1- расм)


АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

1-расм. Мультимедияли ўқув мажмуасининг бош саҳифаси.



Ушбу кўринишдаги электрон мажмуани тайёрлаб, ҳар бир педагог ушбу мажмуанинг тайёр файлини талабаларга кўчириб бериш орқали, уларни ушбу босқичда ўтиладиган мавзулар юзасидан мустақил билим олишларини, билимларини мустаҳкамлаб боришларини, компьютер билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга эришиши мумкин. Бундан ташқари, дарс маъруза шаклида ўтилганда педагог ушбу лойиҳадан мультимедияли маъруза кўринишида фойдаланиши мумкин. Бухоро муҳандислик-технология институтининг 3 та: кимёвий технология (КТ), нефт ва газ саноати (НГ) ҳамда, энергетика (Э) йўналишларида таҳсил оладиган талабалар билан физиканинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида бир ўқув йили (2017- 2018) давомида тадқиқот ишлари олиб борилди.


2-расм. Фан бўлимлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари(фоиз ҳисобида).



Бунда физика фанининг бўлимлари бўйича алоҳида тузилган назорат саволлари ёрдамида талабаларнинг билимлари ўрганиб чиқилди. Физиканинг оптика бўлими бўйича ўтказилган назорат ишининг натижасига кўра, оптикадан энг паст ўзлаштириш кўрсаткичлари қайд қилинди. Замонавий оптикавий асбобларнинг иш жараёнини тушуниш учун, албатта, физикавий билимлар пухта эгалланган бўлиши керак[4, 74]. Оптикавий қурилмаларнинг тузилиши, ишлаш жараёнини ўрганишда мантикий кетма-кетликка эътиборни кучайтириш, ўзлаштириш даражасини ошириш учун мультимедияли мажмуадан фойдаланиб дарс машғулоти олиб борилди. Масалан, мультимедияли мажмуа воситасида “Линзанинг фокус масофаси ва унинг сферик абберациясини аниқлаш” мавзусидаги виртуал лаборатория ишининг бажарилиш тартибини ҳавола қиламиз:


1. Crocodile Physics дастури ишга туширилади.
2. Оптика бўлимидан линзалар мавзуси танланади.
3. Чап қисмлардаги оптик муҳитлардан бири йиғувчи ёки сочувчи линзалардан бири танланади.
4. Линзалар ва кўзгулардаги нур йўллари тасвирлар яшаш ўрганилади.
5. Линзалар ва кўзгуларнинг фокус масофалари аниқланади.

3-расм(а, б) Crocodile Physics дастурининг лойиҳа ойнаси



4-расмга кўра белгиланган таълим йўналишларида оптика бўлимини ўқитишда мультимедияли мажмуани қўллаб оптикавий қурилмалар уларнинг иш жараёнларини ўрганиш ҳолатида ўзлаштириш бўйича натижалар юқорилаганлигини кўриш мумкин[5, 65].

4-расм. Оптика бўлими бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари.



Ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчи ва ўқувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юқори билим ва ақл- идрок билан ажратиб олиш зарур.

Мультимедияли мажмуа асосида ўқитиш қуйидагича афзалликларга эга:

1) семинар, амалий ёки лаборатория шаклида ташкиллаштирилса, маърузалар ўтилган мавзунини мустақамлаш учун назорат воситаларини компьютер ёрдамида вақтни чегаралаган ҳолда ўтказиш мумкин бўлади;

2) берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти мавжуд;

3) таълим олишнинг янги соҳалари билан яқин алоқа қилишга қизиқиш ортади;

4) таълим олишнинг вақтини тежаш имкониятини беради;

5) олинган билим ва маълумотларни киши хотирасида узок муддат сақланиб керак бўлганда амалиётга қўллаш имкониятига эришилади.

Ўқув жараёнида компьютер технологиялари ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш таълим жараёнини ташкил қилиш таълим самарадорлигига ҳамда талабаларда мустақил ишлаш ва фанга қизиқишларини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар

1. Абдурахмонова А.Х., Нефедьев Е.С., Шликова О.П. *Элементы волновой оптики*. Учебное пособие. Москва.: КДУ. 2009. ст. 110.

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2. Michael Henderson, Geoff Romeo. *Teaching and Digital technologies big issues and critical questions*, Cambridge University Press, Australia, 2015. 15-16p.
3. Босова Л.Л., Босова А.Ю., Коломенская Ю.Г. *Занимательные задачи по информатике* –М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2005.
4. Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф.М. *Информатика ўқитиш методикаси*. Тошкент. «Талқин» 2004. 187-б
5. Алехин В.А. *Электротехника и электроника: Лабораторный практикум с использованием миниатюрной электротехнической лаборатории МЭЛ, компьютерного моделирования, Mathcad и LabVIEW*: М.: МИРЭА, 2010. 224 с

Муаллиф ҳақида маълумот

Рўзиева Дилноз Салимовна – Бухоро муҳандислик технология институти физика кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: dilnoz0572@mail.ru

МАТЕМАТИКА ФАНИДАН SINFDAN TASHQARI ISHLARNI TASHKIL QILISH VA O‘TKAZISH

N.N.Doniyorov¹

Maqolada umumiy o‘rta ta’lim maktablarida matematika fanidan sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilish va o‘tkazish haqida so‘z boradi. Sinfdan tashqari ishlarning dars mashg‘ulotlaridan farqli jihatlari va uning tashkiliy-usuliy xususiyati yoritib berilgan.

Tayanch so‘zlar: *kompetensiya, rebus, viktorina, olimpiada, sinfdan tashqari ish.*

V статье рассказывается, как организовывать и проводить внеклассные занятия в общеобразовательных школах. Просвещаются отличительные аспекты от учебных занятий и организационно методическая специфика внеклассной работы.

Ключевые слова: *компетентность, ребус, викторина, олимпиада, внеклассные работы.*

The article describes how to organize and conduct extra – curricular activities in secondary schools. The differences between extra-curricular activities and classroom activities are described.

Key words: *Competence, rebus, quiz, olympiads, extracurricular activities.*

Oxirgi yillarda ta’lim tizimiga qaratilayotgan e’tibor davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Buni O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947 sonli farmoni bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” (4-yo‘nalish: 4.4. Ta’lim va fan sohasini rivojlantirish) va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida” gi qarori misolida ham ko‘rishimiz mumkin. Ushbu me‘yoriy-huquqiy hujjatlar orqali umumta’lim fanlarini o‘qitishning uzluksizligi va izchilligini ta’minlash, zamonaviy metodologiyasini yaratish, umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi davlat ta’lim standartlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, o‘quv-metodik adabiyotlarning yangi avlodini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish nazarda tutilgan [1, O‘RQHT., 2017-y., 6-son, 70-modda].

Hech birimizga sir emaski, umumiy o‘rta ta’lim tizimida boshqa fanlar singari matematika fanini o‘qitishda ham turli didaktik vositalar va o‘yinli texnologiyalardan keng foydalanilmoqda. Shunga qaramasdan matematika fanini o‘qitishda va o‘quvchilarda fanga nisbatan qiziqishni oshirish uchun o‘qitishning yangi usul va vositalarini shakllantirish hamda rivojlantirish zarurati mavjud. Bu zaruratni qisman bo‘lsa-da qondirish maqsadida ushbu maqolada sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilish va o‘tkazishga e’tibor qaratildi [2, O‘RQHT., 2017-y., 14-son, 230-modda].

Matematikadan sinfdan tashqari ish deyilganda o‘quvchilarning darsdan tashqari vaqtda tashkil qilingan, dastur bilan bog‘liq bo‘lgan material asosida ixtiyoriylik tamoyiliga asoslangan mashg‘ulotlar tushuniladi. Sinfdan tashqari ishlar o‘quvchilarning matematik bilimlarini chuqurlashtirish va kengaytirish, murakkab misol va masalalarni yechishni mashq qilish, matematikaning hayot bilan bog‘liq bo‘lgan tomonlarini ochadigan va dasturga kirmagan ba’zi savollar bilan tanishtirishni maqsad qilib oladi.

Sinfdan tashqari ishlarning quyidagi turlari mavjud:

- Matematik to‘garaklar.

- Olimpiadalar.
- Qiziqarli matematik kechalar.
- Matematik ekskursiyalar.
- Matematik gazetani chiqarish.
- Matematik viktorina va burchaklarni tashkil qilish va boshqalar.

Sinfdan tashqari ishlarda bilim va amaliy ko'nikmalarini chuqurlashtirish hamda kengaytirish, o'quvchilarning mantiqiy tafakkuri, topqirligi, matematik ziyrakligini rivojlantirish, fanga bo'lgan qiziqishini oshirish, shuningdek, qobiliyatli va layoqatli bolalarni topish, talabchanlik, irodani tarbiyalash, mehnatsevarlik, mustaqillik, uyushqoqlik hamda insoniylikni o'stirish kabi xususiyatlar bosh mezon bo'lib hisoblanadi.

Sinfdan tashqari ishlarning darsdan farq qiluvchi quyidagi xususiyatlari mavjud:

- O'z mazmuni bo'yicha matematika dasturiga taalluqli emas. Ammo beriladigan bilimlar o'quvchilarning kuchiga mos bo'lishi kerak.
- Sinfdan tashqari ishlar imkoni boricha barcha o'quvchilarni jalb qilishi, ya'ni qiziqarli bo'lishi zarur. Past o'zlashtiruvchi o'quvchilar ham qiziqish orqali faol o'quvchiga aylanishi mumkin.
- Sinfdan tashqari ishlar ixtiyoriylik tamoyiliga asosan tashkil qilinadi, lekin qiziqishni ta'minlash lozim. Bu mashg'ulotlarga baho qo'yilmaydi, ammo faol ishtirok etgan o'quvchilar rag'batlantiriladi.
- Mashg'ulot mazmuni va shakllariga qarab, 10–15 minutdan 60 minutgacha mo'ljallangan bo'lishi mumkin.
- Sinfdan tashqari ishlarning mazmuni va shakllarining turli-tumanligi bilan ajralib turadi.

Sinfdan tashqari ishlarni mazmunli tashkil qilish uchun qiziqarli matnli masalalar, o'tkir zehnilikka oid masalalar, hazil masalalar, berilgan ma'lumotlari yetishmaydigan yoki berilgan ma'lumotlari ortiqcha masalalar, mantiqiy masalalar, qiziqarli matematik voqealar, arifmetik rebuslar, o'yinlar, fokuslar, boshqotirmalar, tarixiy ma'lumotlar berish kabi masalalardan foydalaniladi.

Sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilish va o'tkazish quyidagilarga asoslanishi kerak:

- Sinfdan tashqari ishlar darsda o'quvchilar olgan bilim, ko'nikma va malakalarni hisobga olgan holda o'tkaziladi.
- Sinfdan tashqari ishlar o'quvchilarning xohishi, havaskorligi, ijodkorligi tamoyillariga asoslanishi va ularning individual fikrlarini qoniqtirish maqsadida tashkil qilinadi.
- Sinfdan tashqari ishlarni o'tkazish shakllari darslardan farq qilib, qiziqarli tomoni kuchli bo'ladi. Buning uchun zaruriy shart shuki, o'tkaziladigan ishning rejalashtirilishi va tizimlilikining murakkabligidadir.

Shuni ta'kidlash lozimki, yakka tartibdagi va guruhli mashg'ulotlar tizimli ravishda o'tkazilmasligi, aksincha, asosiy ish sinfda bajarilishi kerak.

Quyida matematika fanidan sinfdan tashqari ishlarning eng ko'p tarqalgan turlari va ularni tashkil qilinishiga to'xtalib o'tamiz:

Matematika minutliklari – bunda topshiriqlarga qiziqish uyg'otish va quvvatlash uchun bu topshiriqlar darslarda beriladigan oddiy matematik topshiriqlarga o'xshash bo'lmasligi kerak. Mashg'ulot o'tkazish uchun har xil qiziqarli arifmetik va geometrik mazmunli masalalar, qiyinroq masalalar, hazil masalalar, masalalar tuzishga doir masalalar, qiziqarli kvadratlar, rebuslar, topishmoqlar va boshqa materiallar asosiy yordamchi bo'lib xizmat qiladi.

Matematik to'garak – sinfdan tashqari tizimli ishning eng ko'p tarqalgan turlaridan biri. Uning asosiy vazifasi – matematika faniga alohida qiziqish ko'rsatgan o'quvchilar bilan bajariladigan chuqurlashtirilgan ishdir. Matematik to'garak ishi qiziqarli matematika soatlaridan quyidagilar bilan farq qiladi:

– matematika to'garagiga o'quvchilar tanlashda ularning matematikaga nisbatan alohida qiziqishlarini, moyilliklari va imkoniyatlarini hisobga olish kerak.

– mustaqil ravishda ko'rgazmali qurollar (taqdimotlar, ba'zi o'yinlar uchun misollar yozilgan kartochkalar va boshqalar) tayyorlaydilar, matematika kechalari o'tkazishga tayyorgarlik ko'radilar va hokazo;

– matematika to'garagini o'tkazish uchun oldindan uning ish rejasini tuzish kerak.

Matematik tanlovlar – har xil qiyinlikdagi masalalarni yechish, qiziqarli, fikrlatadigan masalalar va topshiriqlarni bajarishdagi musobaqa hisoblanadi. Asosan, o'quvchilarning xohishi bo'yicha masalalar yechishda o'z kuchini sinaydigan, yetarlicha tayyorgarlikka ega bo'lgan o'quvchilar ishtirok qiladi. Tanlovlar o'tkazishni 5-sinfdan boshlash ijobiy natija beradi. Bu tanlovlarni bitta maktab doirasida ham o'tkazish mumkin. Buning uchun maktab devoriy gazetasi yoki to'garak gazetasidan foydalanish ayni muddaodir. Ma'lum muddat ichida o'quvchilarga ishlash uchun masalalar beriladi va mas'ul o'qituvchi

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАҢЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

ko'rsatiladi. Bunda g'olib o'quvchilarni qanday rag'batlantirilishining oldindan e'lon qilinishi samarali natija beradi.

Matematik olimpiadalar – tanlovlarga qaraganda keng masshtabda o'tkaziladigan va matematikani o'rganishda o'quvchilar erishgan muvaffaqiyatlarni namoyish qiladigan ishdur. Olimpiada qatnashchilarining tarkibiga bog'liq holda maktab ichida, tuman va shaharlarda o'tkazilishi mumkin. Olimpiadani 3-sinf dan boshlab o'tkazish, g'oliblarni maktabning devoriy gazetalarida e'lon qilish hamda o'quvchilar yig'ilishlarida rag'batlantirilishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Olimpiadalarning xolisona o'tkazilishi va g'oliblarning munosib rag'batlantirilishi o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishi hamda ishtiyoqining ikki karra oshishiga sabab bo'ladi.

Matematik viktorinalar – (“viktorina” – lotincha “kichik g'alaba” degani) savol-javob tarzida tashkil qilinib, o'quvchilarni topqirlikka, hozirjavoblikka, to'g'ri fikr yuritishga, xulosa chiqarishga o'rgatadi. Matematik viktorina dars vaqtida yoki darsdan tashqari vaqtda fan (yoki mavzu) yuzasidan o'quvchilarning olgan bilimlarini aniqlash, o'tilgan mavzuni mustahkamlash maqsadida sinf yoki maktab miqyosida o'tkazilishi mumkin. Bunda berilayotgan savollarning qiyinlik darajasiga, mazmuniga alohida e'tibor qaratish lozim.

Matematik devoriy gazeta. Gazetada har xildagi matematik mazmuni o'z ichiga olgan topishmoq, misol va topshiriqlar rasmlarda berilib, ular o'quvchini qiziqtirish xarakterida bo'ladi. Odatda matematik burchak deb ataluvchi joyga osib qo'yiladi, bu burchakda Vatanimiz yutuqlarini ifodalovchi sonli ma'lumotlar ham berib boriladi. “*Bilasizmi?*” ruknida qiziqarli materiallar beriladi. Masalan:

- Tuyaqush tuxumining vazni tabiiy sharoitda 1406 gramni tashkil qiladi.
- Dunyodagi eng uzun temir yo'l 9302 km ni tashkil etadi.
- Dunyoda okeanlar suvida 13300 mln tonnagacha kumush bor.
- Inson asab tolalarining umumiy uzunligi 70 km ga teng.
- Yerdan Quyoshgacha bo'lgan masofa 150 000 000 km ga teng.

Matematika burchagini tashkil qilishni o'quvchilar va ularning ota-onalari faoli yordamida amalga oshirish mumkin.

Matematik ekskursiyalar. Ekskursiyalarning asosiy maqsadi konkret hayotiy fakt va taassurotlarni shakllantirishdan iborat. Ekskursiya o'tkazishdan qanday maqsad ko'zlanganligi bolalarga tushunarli bo'lishi nihoyatda muhimdir, shunday bo'lganda bolalar oldindan nima qilishlari kerakligini va o'zlarini qanday tutishlari lozimligini bilib oladi. Maktabning joylashgan o'rniga qarab bolalar bilan har xil ustaxona, fabrika, kombinat, ferma, jamoa xo'jaligi va boshqa joylarga ekskursiyalar o'tkaziladi [3, 93 –130]. Bu jarayonda qurilish materiali, mashinalar, ishchi kuchlari va boshqa narsalardan foydalanish haqida masalalar tuzish va yechish mumkin.

Yuqorida bayon qilingan sinfdan tashqari ishlar umumiy o'rta ta'lim tizimida matematika fanini o'qitishni sifat jihatidan yaxshilash, o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshirish, fanga oid umumiy va kognitiv¹ kompetensiyalarni shakllantirish, PISA (Programme for International Student Assessment) –15 yoshli bolalarni matematika, tabiiy fanlar va ona tilidan hayotiy ko'nikmalarni egallaganligini o'rganishga qaratilgan xalqaro dasturida (2000-yildan boshlangan va uch yillik davrda o'tkaziladi), TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study) – matematika va tabiiy fanlarni o'qitish bo'yicha xalqaro an'analari deb nomlangan xalqaro tadqiqotlarida (o'quvchilarning o'quv yutuqlari sifatini baholash xalqaro assotsiatsiyasi tomonidan 4 – 8- sinf o'quvchilari o'rtasida har to'rt yilda o'tkaziladi) qatnashish uchun boshlang'ich tayyorgarlik vazifasini bajaradi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947 sonli farmoni bilan tasdiqlangan “O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi”., O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-yil, 6-son, 70-modda.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli “Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida” gi qarori., O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-yil, 14-son, 230-modda.

3. А.А. Аъзамов, Б.К. Хайдаров Математика сайёраси. – Тошкент, 1983. –211 б.

Muallif haqida ma'lumot

¹Doniyorov Negmurod Normurodovich, BuxDU matematika kafedrasida o'qituvchisi, negmurod1989@mail.ru

МУСИҚА ТАЪЛИМИ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

“ВИНТ ЧИЗИГИ” МАВЗУСИНИ ЎТИШДА AUTOCAD ДАСТУРИДАН Фойдаланиб ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Д.И.Мамурова¹

Ушбу мақолада AutoCAD дастуридан фойдаланиб “Винт чизиги” мавзусини ўқитишда биринчи навбатда ўқувчиларнинг рангли чизмалар орқали дарсга қизиқишини ошириш, ўқувчи фазовий тасаввурининг турли ҳолатлари шаклланиши ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: AutoCAD дастури, чизма, фан, ўқитувчи, графика, чизмачилик, имконият, ўқувчи, таълим, замонавий, таълим, винт чизиги, нуқта.

В этой статье рассматривается с помощью программы AutoCAD тема «Винтовая линия» ориентирована, в первую очередь, на повышение интереса учеников к занятиям в классе с помощью цветowych чертежей и формирование различных мысленных пространственных воображение ученика.

Ключевые слова: программа AutoCAD, чертёж, наука, учитель, графика, черчение, возможность, ученик, образование, современность, обучение, винтовая линия, точка.

This article discusses using the AutoCAD program the topic “Screw Line” is focused primarily on increasing students' interest in classes in the classroom using color drawings and the formation of a different thinking spatial student imagination.

Key words: AutoCAD program, drawing, science, teacher, graphics, drawing, opportunity, student, education, modernity, education, helix, dot.

Олий таълим тизимида ҳам таълим мазмуни, сифатини ошириш ва шу билан бирга ўз касбини мукамал ўзлаштирган билимдон, тадбиркор, ташаббускор мутахассислар тайёрлаш талаб қилинади. Талаба-ёшларнинг билим савиясини оширишда ўқитишнинг янги структураларини ишлаб чиқиш биз педагогларнинг бугунги кундаги муҳим вазифамиздир. “Олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурсларини кенгайтириш” мақсадида фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларининг ўқитиш жараёнига киритилиши таълим самарадорлигини оширишнинг энг муҳим вазифалардан бирига айлантирилди.

Дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчиларга интерактив ўқув қўлланмалари билан боғлиқ бўлган янги янги ўзига хос қулайликлар яратади. Компьютернинг бошқа ўқитиш воситалари, масалан, проектор, электрон доскалар билан оператив қўшилиши, кўргазмалар қуроллардан фойдаланиб маълумот бериш ҳажмини оширади ва бу билан ўқитувчи учун дарс вақтидан унумли фойдаланишга имконият яратади.

Дарс жараёнида компьютер технологияси элементларини кўпроқ қўллаш, ўқув жараёнининг хилма-хиллигини оширишга ёрдам бериб, ўқувчи - тингловчиларни зеркиш "касаллигидан" қутқаради, таълим беришни сифат жиҳатдан янги, юқори поғоналарга кўтаради, бенуқсон ўқув дарсликлари билан таъминлашга эришилади, шахс ривожланишига ёрдам беради, ўқувчи ва ўқитувчининг ижодий потенциали ва билиш фаоллигини шакллантиради, уларда ўқишга, ҳаётга бўлган қизиқишини оширади.

Бизнинг фикримизча, дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш ўзининг энг юқори самарасини беради. Ўқитувчи презентация слайдларини кўрсатаётган пайтда ҳар хил расмлар, формулалар ва графикларни кўрсатиши, маърузани қисқа ва лўнда қилиб ёздириши мумкин. Бунда ўқувчи бир вақтнинг ўзида эшитаётган тушунчаларини кўзи билан кўриб ҳам туради. Маълумки, ахборотнинг катта қисми кўриш орқали олинади.

Чизмачилик фанларида, асосан, компьютер технологиясидан дарс жараёнида фойдаланиш, бунда график фаолиятнинг уйғунлиги билан бир қаторда талабаларга тасвирларни ҳаракатли(анимацион) кадрларда реалистик намоиш қилиш орқали фазовий тафаккур, тасаввурини оширишда кенг имкониятлар яратади.

AutoCAD дастурида чизмаларни чизиш барча фан ўқитувчилари сингари муҳандислик графикаси фан ўқитувчилари ҳамчизмачилик фанида шу дастурнинг имкониятларидан кенг

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

фойдаланиши мумкин. Чизмачилик фанида ушбу дастурдан фойдаланишда биринчи навбатда ўқувчиларда фазовий тасаввурнинг турли ҳолатларда шакллантиришни назарда тутати. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тасаввурини етарлича ривожлантириб, уларда фазовий жараёни реал кўз ўнгиде шакллантира олиши, шунингдек ўқувчи ёшларни мустақил равишда билим олишларига ҳам кенг имконият яратати. Ушбу дастурда ҳар бир объект учун анимацион эффектлар – ҳаракатларни кўллаш, рангли тасвирлар орқали чизмаларни бажариш имконияти мавзуси таркибиде жойлаштирилган энг муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатиш ва дарс жараёнида талабаларнинг диққатини жалб қилишда муҳим рол ўйнайди.

Винт чизиғи мавзусини мисол тариқасиде кўришимиз мумкин.

1-мавзу:	Винтчизиклар.
1-маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси.	
Вақти– 2 соат	Талабалар сони: тўлиқ гуруҳ ёки жуфт тўлиқ гуруҳлар
Ўқув машғулотининг шакли:	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	Винт чизик чизмасини бажариш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Винт чизик чизмасини бажариш ҳақида маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
– Винт чизиғи ҳақида маълумот бериш – Винт чизиғи чизмасини бажариш билан таништириш;	– Винт чизиғи ҳақида маълумотга эга бўлиш – Винт чизиғи бажаришни ўрганади билан таништириш ҳақидаги маълумотга эга бўлади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, суҳбат, баён қилиш, ББХ жадвали
Ўқитиш воситалари	Дарслик, маъруза матни, проектор, тарқатма материаллар, кўргазмали плакатлар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Кўлланиладиган методлардан келиб чиқиб гуруҳларга бўлинади.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Назоратсаволлари, кузатиш, оғзакиназорат, савол-жавоблисув, ўқувтопириқ.

1-Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади .	1.1. Эшитади.
	1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловши саволларни экранга чиқаради, , машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини ёшон қилади .	1.2. Ёзиб олади.
2-босқич. Асосий Қисм	2.1. <i>Талабаларнинг эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоблар ўтказади.</i> Жавобларни биргалиқда умумлаштиради.	2.1. Эшитади. Саволларга жавоб беради. Фактларни ўйлайди, изоҳ беради ва тўғри жавобни эшитади.
	2.2. <i>Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади.</i> - Винт чизиғи чизмасини бажариш ҳақида маълумот беради;	2.2. Винт чизиғи. Чизмасини бажаришни ўрганади
	Винт чизиғи ўрганади, чизмасини бажариш ҳақида маълумот беради;	2 Винт чизиғи чизмасини бажаришни ўрганади
3-босқич Яқуний қисм	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалага қаратади.	3.1. Эшитади, ўз фикрларига аниқлик киритади.
	3.2. Фаол иштирок этган талабаларни баҳоланади.	3.2. Эшитади, хулоса қилади.

	3.3. Мустақил иш учун матни билан инсерт усулида танишиб келишни вазифа қилиб беради	3.3.Топширикни ёзиб олади. Эштади.
--	--	------------------------------------

Мавзу: Винт чизиқлар.

Ўқув машғулотининг мақсади:

Винт чизиқ чизмасини бажариш ҳақида маълумот бериш.

Ўқув фаолиятининг натижаси:

– винт чизиғи ҳақида маълумотга эга бўлади;

– чизмасини бажаришни ўрганади.

Талабаларнинг эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоблар ўтказилади

1-илова

– Чизмачилик фанининг мақсад вазифалари ҳақида нимани биласиз?

– График тасвир деганда нимани тушунасиз?

– Чизма чизишда қандай асбоблардан фойданилади?

– Стандарт нима? Стандартлаштириш деганда нимани тушунасиз?

– Чизма чизишда қандай форматлардан фойдаланадилар?

– Чизма шрифт ўлчами қандай аниқланади ва унинг қандай ўлчамлари давлат стандарти томонидан рухсат этилган?

– Ўлчам қўйишда қандай шартли белгилардан фойдаланилади?

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


1-савол. Винт чизиқ чизмасини бажариш.

2-илова

Нуқтанинг тўғри доиравий цилиндр устида бир хил тезликда айланма ва илгариланма ҳаракатланиб чизган чизиғи цилиндрик *винт чизиқ* дейилади. Нуқтанинг винтсимон ҳаракати айланиш сиртлари устида содир бўлиши мумкин, шунинг учун винт чизиқнинг тури айланиш сиртининг турига боғлиқ бўлади. Агар нуқта доиравий цилиндр устида винтсимон ҳаракат қилса, *цилиндрик винт чизиқ* (1-шакл), доиравий конус, сирт устида винт ҳаракат қилса, *конуссимон винт чизиқ* (2-шакл) ҳосил бўлади.




1-шакл. Цилиндрик винт чизиқ



2-шакл. Конуссимон винт чизиқ

Цилиндрик ясовчиси бўйлаб олчанган кўшни ўрамлари орасидаги масофа винт чизиқнинг қадами (h) дейилади. Нуқтанинг цилиндрик ўқи атрофида бир марта айланиб чиқиши натижасида чизган винт чизиғи ўрам деб айтилади (3-шакл).




АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

3-шакл. Винт чизиқ ўрами

Винт чизиқ чизмасини бажариши.

Винт чизиғи цилиндрик, конуссимон ва сферик винт чизиғи турлари мавжуд. Цилиндрик винт чизиғини тушунтирганда ўқувчи талабаларга чизиш кетма-кетлиги AutoCAD дастурида кўрсатиб, биргаликда чизилса ҳам тушунарли бўлади. Ўқувчи дарсда бутун диққати компьютерда чизишини кузатиб боради. Аввало цилиндрнинг икки кўриниши чизилади, асосининг диаметри ва винт чизиғининг қадами h тенг 8 бўлакка бўлинади. Бўлиш нуқталари винт чизиғини ҳосил қилувчи нуқта ҳаракат йўналиши бўйича 1,2,3 ... рақамлар билан белгилаб чиқилади. Сўнгра цилиндрнинг контур ясовчисга берилган h кадам ўлчаб қўйилади ва бу кадамни ҳам тенг 8 бўлакка бўлиб чиқилади (4-шакл).



4-шакл. AutoCAD дастуридавинт чизиқ чизмасини бажариши босқичи

Бўлиниш нуқталари пастдан юқорига қараб 1,2,3.....номерланади. Нуқта цилиндр атрофида тўла бир марта айланиб, ўзининг бошланғич вазиятини эгаллаганда винт чизиғининг h қадамига тенг бўлган I-VIII баландликка кўтарилади. Топилган I; II; III; нуқталарни равоон эгри чизиқ билан бирлаштирсак, узунлиги бир ўрамга тенг бўлган винт чизиқ ҳосил бўлади.

Б/БХ/Б Жадвали

Винт чизиғи тўғрисида нималарни биласиз?

Винт чизиғи тўғрисида нималарни билишни хоҳлайсиз?

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Бу мавзунини ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиясидан фойдаланганлиги, юқоридаги тасвирлар орқали кўришиб турибдики, ҳосил бўлган рангли чизмадаги винт чизиғини ўқувчиларнинг тушуниши ва тасаввурининг кенгайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар нафақат дарсда, балки мустақил ва масофали таълим жараёнида ҳам мазкур рангли тасвирларни AutoCAD дастуридан фойдаланиб бажариш орқали винт чизиғи мавзуси бўйича билим, кўникма ҳамда малакага эга бўлишлари мумкин. AutoCAD дастуридан фойдаланиш ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишини уйғотса, ўқитувчига дарс вақтидан унумли фойдаланиш, керакли маълумотларни аниқ ва лўнда қилиб тушунтириши, таълим бериш сифатини оширишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. "Халқ сўзи", 2017 йил 21 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 20.04.2017 й. ПҚ-2909.
2. Қирғизбоев Й. ва бошқалар. Машинасозлик чизмачилиги курси. Т. «Ўқитувчи». 1981.

Муаллиф ҳақида маълумот

Мамурова Дилфуза Исломовна, Бухоро Давлат университети ўқитувчиси

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИ ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

С.С. Азимов¹

Мазкур мақолада бўлажак рассом-ўқитувчини тайёрлаш жараёнида касбий фанларнинг ўзаро узвийлигини индивидуаллаштирилган ўқитиш технологиялари асосида таъминлаш масаласи ёритилган.

Таянч иборалар: пленэр, қаламтасвир, рангтасвир, композиция.

В данной статье рассматривается вопрос обеспечения преемственности профессиональных дисциплин с помощью индивидуализированных образовательных технологий в процессе подготовки педагога художника.

Ключевые слова: пленэр, графика, живопись, композиция.

This article discusses the issue of ensuring the continuity of professional disciplines with the help of individualized educational technologies in the process of training an artist teacher.

Key words: plein air, drawing, painting, composition.

Республикамизда олий таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичи таълим мазмуни ва методикасига, унинг самарадорлигини оширишга сифат жиҳатдан янги талаблар қўймоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида касбий-педагогик маҳорат ва ижодкорликни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятнинг репродуктив, продуктив, ижодкор ва креатив фикрлайдиган, рассомлик ва педагогик даражаларини пухта эгаллашлари учун шарт-шароит ва дидактик имкониятларни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Замонавий шароитларда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик маҳоратларини ривожлантиришнинг методологик ва илмий-усулий асосларини такомиллаштириш, интегратив касбий билим беришнинг тизимли моделларини ишлаб чиқиш ва натижаларини объектив баҳолаш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Princeton university (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), National Advice on pedagogical technology (Англия), National Institute Of Technical Teachers Training And Research (Ҳиндистон), Shaansi Normal University (Хитой), Таълим академияси (Россия), Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон каби давлатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёрлашнинг турли муаммолари бўйича ўзбекистонлик олимлардан С.Абдуллаев[1], Б.Азимов[2], Б.Байметов[3] тадқиқотларида таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, касбий-педагогик етуқлик муаммолари, педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш назарияси ва амалий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда жамиятимизда, хусусан, олий педагогик таълимда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича рўй бераётган туб ўзгаришлар вақтида жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган ва ҳозирги замон ахборотлар маконида мустақил йўналишини белгилайдиган кадрларни етиштириб бериш масаласи ўз долзарблигини намоён қилмоқда. ХХI асрнинг интеллектуал ривожланиш асри сифатида эътироф этилиши таълимда илмий-методик, замонавий педагогик технологиялар асосида ёшларга таълим-тарбия бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлигини аниқламоқда. Бўлажак рассом-педагоглар тайёрлаш, мутахассис кадрларнинг касбий фанлардан билим ва малакаларининг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида ҳам сўнгги йилларда кенг қўламли ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, фаоллиги каби хислатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таъкидланганидек, “...таълим жараёнида мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш” талаб этилади. Бу жараён жамиятдаги кўплаб соҳаларга ўз таъсирини ўтказмоқда, хусусан, тасвирий санъат таълим соҳаси ҳам бу таъсирдан четда қолмаган. Шу билан бирга тасвирий санъат таълимидаги

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ҶЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўзгаришларга таъсир қилувчи бошқа қатор сабабларни ҳам кўрсатиш мумкинки, улар вақт ва замон омили, давлат сиёсати, яъни ривожланишнинг истикболли йўллари ўзида акс эттирувчи ислохатлар тизими ва бошқаларни қамраб олади. Мамлакатимизда ёшлар учун барпо этилаётган замонавий андозадаги тасвирий санъат ва мусиқа мактаблари уларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан химоялашни, уларга таълим беришда ўқув-меъёрий ҳужжатлар, Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурларига замон талабларига мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муаммосини юзага келтирди. Шу билан бирга олий педагогик таълимда бадиий таълим мазмунини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг касбий педагогик тажрибасини ўрганишни ҳам тақозо этади. Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этилган санъат мактабларида, таълим жараёни Давлат таълим стандартлари асосида, истикболни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади. Бугунги кунда олий таълим муассасаси олдида турган муҳим масалалардан бири замонавий талабларга жавоб берувчи, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлашдир. Бу учун бевосита ушбу мутахассисни тайёрловчи олий маълумотли ўқитувчининг ўзи ҳам рақобатбардош кадр бўлиши лозим.

Ўрта умумий таълим мактаблари ва махсус санъат мактабларида бадиий жиҳатдан баркамол, жаҳон ва миллий санъат намуналарини тушуниб баҳолай оладиган ўқувчи-ёшларни етиштириб бериш вазифаси тасвирий санъат ўқитувчисини тайёрлаш жараёнига тегишли ўқув-усулий ва ташкилий компонентларни аниқлаб беради.

Бугунги кунда ўрта умумтаълим мактаблари учун тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан педагог кадрлар тайёрловчи факультет ва бўлимларнинг ўқув режалари таҳлил қилинганда касбий фанлар блокадаги фанларнинг тузилиши, ундан ўрин олган фанларни ўқитиш усуллари таҳлил қилиш лозим. Авваламбор, ўқув жараёнини такомиллаштиришда мавжуд ўқув режасидаги фанларнинг қуйидагича номуносиват тарзда тузилганлигини эътиборга олиш зарур:

Биринчидан, тасвирий санъат фанларига ажратилган соатларнинг миқдори чизмачилик фанларига ажратилган соатга нисбат қилганда етарли эмас.

Иккинчидан, чизмачилик, чизма геометрия фанларидан индивидуал ва мустақил бажариладиган топшириқлар ҳаддан ташқари кўп вақтни талаб этади ва белгиланган вақт меъёр талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу эса талабаларнинг тасвирий санъат соҳасида мустақил ижод қилишларига тўсқинлик қилади.

Учинчидан, жаҳон миқёсида тасвирий санъатдан мутахассисларни тайёрлашда индивидуал ишлаш учун академик гуруҳларга бўлинади ва ушбу кичик гуруҳда шуғулланувчиларнинг сони 5–8 та талабани ташкил этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг бўлажак тасвирий санъат мутахассисларини тайёрловчи кафедраларида бир академик гуруҳ 24 – 28 талабадан иборат.

Тўртинчидан, касбий фанлар блогидаги чизма геометрия фани тасарруфидаги перспектива бўлими тасвирий санъат ўқитувчисини тайёрлашда тасвирий санъатнинг қаламтасвир, рангтасвир, композиция фанларига хизмат қилувчи, ушбу фанларни чуқур ўзлаштиришда ёрдамчи манба сифатида фаолият олиб бориши керак. Чизма геометрия фани талабаларда фазовий тасаввурни шакллантиришга ёрдам берса, перспектива тасвирий фаолиятда шаклларнинг перспектив қурилиши, чизиқли, ҳаво перспектива сифатида амалий жиҳатдан ўқитилиши лозим. Шунингдек, ушбу фанлар чизғич, циркуль ва ўқитишнинг бошқа асбоб-ускуналари билан эмас, синф тахтасида амалий жиҳатдан кўрсатилиб, компьютер технологияларининг турли дастурлари воситасида олиб борилиши шарт.

Бешинчидан, чизмачилик ва муҳандислик графикаси циклидаги фанлардан тузилган дастурлардаги вазифалар бир-бирини такрорлайди ва талабани ижод қилишдан чалғитади. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда умумкасбий фанларини ўқитиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа фанларга нисбатан кўпроқ амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни тақозо этади.

Тасвирий санъат ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида унда умумкасбий фанлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда, бугунги кундаги кузатишлар натижаси кўрсатадики, бу жараёнга фақатгина бир ёқлама ёндашилаётганлиги, яъни мазкур блокадаги фанларни ўқитишда кўпроқ эътибор техник-чизмачиликдан билимларнинг эгалланишига қаратилаётганлиги аниқланди. Лекин бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси нафақат муҳандислик туркумидаги малакаларга эга бўлган мутахассис, балки тасвирий фаолият, педагогик-психологик, ижодкор-методист, рассом-ўқитувчи сифатида ҳам билимларни чуқур ўзлаштирган мутахассис бўлмоғи лозимдир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, талабалар олий ўқув юртида кўпроқ назарий билимлар ва кўникмаларни эгаллаб тамомлагач, касбий фаолиятни бошлаганларидан сўнггина ўз касблари бўйича маҳоратга эга бўлиб бормокдалар. Айнан шу жараён касбий муҳитга мослашишда мутахассиснинг нисбатан кўп вақтини олади ва уни анча йиллар тажриба орттиришга мажбур қилади.

Ўқув машғулотлари давомида узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлаш ва талабаларда мазкур касбий фанлардан машғулотлар давомида ҳам чизмакеш-муҳандис, ҳам рассом-ижодкор ва педагогик кирраларини шакллантириш масалалари ҳал қилиниши лозим. Бундай ёндашувнинг ечимини топиш шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси орқали тасвирий санъат таълим тизимида умумкасбий фанларини ўқитишда педагог ва талабаларнинг ўзаро ижодий муносабатларини ташкил этиш, талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликда ўқитишни ташкил этиш ва ўқув жараёнининг янги ташкилий шакллари, яъни жамоавий-гурухда-индивидуал ўқитиш каби шакллари жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув элементларини тўлақонли таълим жараёнига жорий этишда ҳамкорликдаги ўқитиш технологиялари ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий педагогик таълим тизимидаги замонавий рассом-педагогларнинг илмий, ижодий ва педагогик фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида уларнинг касбий фанлардан малака тайёргарлик мазмуни, ўқитиш технологиялари ва методларини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли изланишлар олиб боришни тақозо этади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда олий малакали рассом-ўқитувчилар тайёрлаш учун касбий фанларни ўқитишда куйидаги масалаларни ҳал этиш талабқилинади, жумладан:

– бугунги кун рассом-ўқитувчиларининг профессионал тайёргарлигини янада ошириш учун уларнинг тасвирий санъат фанларидан (қаламтасвир, рангтасвир, композиция) касбий маҳоратларини ошириш;

– талабаларнинг маҳоратли касб эгалари бўлиб шаклланишлари учун касбий фанлар блогидаги тасвирий санъат фанлари: қаламтасвир, рангтасвир, композициядан назарий билим ва амалий кўникмаларини биринчи курснинг иккинчи семестридан бошлаб ўрта умумий таълим мактаблари билан ҳамкорликда узлуксиз амалиёт билан боғлиқ равишда олиб бориш;

– бўлажак рассом-ўқитувчиларнинг қаламтасвир, рангтасвир, композициядан амалий-ижодий тайёргарлик мазмуни янада такомиллаштириш учун талабаларнинг тасвирлаш маҳоратини ривожлантириш;

– бўлажак рассом-ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик тизимида қаламтасвир, рангтасвир, композиция касбий фанларидан аудиторияда олган билим ва малакаларини мустақил таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлган дала (плёнэр) амалиётида профессионал шакллантириш. Бугунги кунда олий таълим тизимида бўлажак рассом-ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда касбий фанларнинг, хусусан, қаламтасвир, рангтасвир ва композициядан олган назарий билим ва амалий кўникмаларининг юқори бўлишини тақозо этади.

Касбий фанлар блогига кирган назарий фанлар ҳисобланган тасвирий санъат тарихи, тасвирий санъат ўқитиш методикаси бўйича электрон таълим ресурсларининг мукамал тузилганлиги ва мазкур фанларнинг аудиториядан ташқари вақтда ҳам ўзлаштирилишини режалаштириш, мустақил таълимга кенгроқ эътибор қаратиш лозим. Ҳамкорлик элементлари эса биргаликда бажариладиган лойиҳа ва кейслар устида ишлашда намоён бўлади. Педагог индивидуаллаштирилган таълимни амалга оширишда, амалий машғулотлар бўйича топшириқларни учта мураккаблик даражасида тузиши ва электрон таълим ресурслар таркибига жойлаштириши керак. Талабалар фан мазмуни билан танишиш чоғида махсус ишланган тестлар ёрдамида ўзларига мос фанни ўзлаштириш даражасини танлайди. Бунда топшириқлар юқори, ўрта ва куйи даражаларга ажратилади. Куйи даражадаги топшириқлар давлат таълим стандарти бўйича эгалланиши лозим бўлган минимал билимлар кўламини ўз ичига қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини дунё талаблари даражасида рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш учун ўқув режадаги касбий фанлар блоки таркибидаги қаламтасвир, рангтасвир, композиция фанларини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, талабаларнинг мустақил ижод қилишини ташкил этиш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир.

Талабаларнинг таълим олишларида қулай шарт-шароит яратиш, яъни касбий фанлар ўтиладиган махсус устахоналар бўлиши, уларнинг у ёки бу санъат турига қизиқиши, лаёқати, қобилияти ва индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув тарбия жараёнини индивидуаллаштирилган ишчи ўқув дастурлар воситасида таълим бериш, яъни шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. – T.: 2017-yil 7-fevral, PF-4947-sonli Farmoni. Rejim dostupa: <https://lex.uz/docs/-3107036>

Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi/ Barkamol avlod–O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. – – T.: 1997-yil 29-avgust, <https://lex.uz/docs/48401>

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2. Azimov.B.B.Patrioticheskoe vospitanie uchashixsya 4-6 klassov sredstvami izobrazitel'nogo iskusstva (na baze obsheobrazovatel'nix shkol Uzbekistana). Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata pedagogicheskix nauk. – M.: 1991. Aftoref.diss. ... kand.ped.nauk.

3. Baymetov.B.B. Osnovi izucheniya natsional'nogo ornamenta i metodika ego obucheniya na xudojestvenno-graficheskix fakultetax pedagogicheskix institutov (na material Respubliki Uzbekistan) Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata pedagogicheskix nauk. – M.: 1992. Aftoref.diss. ... kand.ped.nauk. – M.: NII shkol RSFSR, 1992. – S.16.

IMPROVEMENT OF THE METHOD OF TEACHING PROFESSIONAL PEDAGOGICAL SUBJECTS IN THE PREPARATION OF FUTURE TEACHERS OF THE FINE ART

S.S.Azimov¹

In this article the support of combining professional pedagogical subjects by individual teaching technology in the process of preparing the future art teachers, the improvement of developing technologies of professional pedagogical qualification and creativeness of fine art teachers who can think in a reproductive, productive and creative way during their innovative activities, the support with didactic opportunities for achieving the artistic and pedagogical levels are discussed as one of the most important issues.

It is also expressed that in the process of preparing the fine art teacher gaining one-sided knowledge especially on technique-drawing is mostly paid attention.

Analyzing and studying scientific, creative pedagogical activity of modern artist-pedagogics in the system of high pedagogical education can lead to the research on the improvement of the methods of teaching technologies.

According to our opinion, improving the effectiveness of teaching the subjects of pencil-painting, painting, composition in the curriculum and organizing of students' independent work is one of the most necessary problems for preparing future fine art teachers as the candidates in the high level. Creating comfortable conditions for studying of the students as preparing a special room for professional pedagogical subjects, teaching the students according to their interests and abilities are discussed in the article.

References:

1.O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida. – T.: 2017 yil 7 fevral, PF-4947– sonli Farmoni. Rejim dostupa:<https://lex.uz/docs/-3107036>[*On the strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan, PF-4947-th decree*]. – Toshkent - February 7, 2017. - Retrieved from<https://lex.uz/docs/-3107036>(In Uzb.)

2.Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi/ Barkamol avlod–O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: 1997 yil 29 avgust, <https://lex.uz/docs/48401>(National training program\ developed generation is the foundation of the development of Uzbekistan)

3.Azimov.B.B.“Patrioticheskoe vospitanie uchashixsya 4-6 klassov sredstvami izobrazitel'nogo iskusstva (na baze obsheobrazovatel'nix shkol Uzbekistana). Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata pedagogicheskix nauk. – M.: 1991. Aftoref.diss. ... kand.ped.nauk. Patriotic education of students in grades 4-6 using the means of fine art (based on general schools of Uzbekistan).

4.Baymetov.B.B.Osnovi izucheniya natsional'nogo ornamenta i metodika ego obucheniya na xudojestvenno-graficheskix fakultetax pedagogicheskix institutov (na material Respubliki Uzbekistan) Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata pedagogicheskix nauk. – M.: 1992. Aftoref.diss. ... kand.ped.nauk. – M.: NII shkol RSFSR, 1992. – S.16. ([the basis of studying national ornament and methods of its teaching in the faculties of graphic art at the Pedagogical Institutes](#))

¹**Азимов Санжар Самадович** –Бухоро Давлат университети Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси. **E-mail:** azimov.ss@mail.ru

ЖИСМОНИЙ ҰЙИНЛАРНИНГ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЖИХАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Н.М. Мухитдинова¹

Мақолада 4-5 ёшли болаларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга асосланган ўйинларнинг аҳамияти ҳақида гапирилган ва шундай ўйин турларига мисоллар келтирилиб, уларни ўтказиш тартиби очиб берилган.

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, жисмоний ва ақлий ривожланиш, жисмоний ўйинлар, механизм, коррекция, ўйин, спорт элементлари.

Ключевы слова: дошкольное образование, физический и интеллектуальный развитие, физические игры, механизм, коррекция, игра, спортивный элемент

The article reveals four to five-year-old children through physical games, based on games that are based on human development.

Key words: preschool education, physical and intelektual devolepment physical game, mexanizm, correction, game, sports elements.

Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва асосий қисми бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофлича муҳокама қилинган эди. «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Бу қарорга қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилди:

- жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг аҳволини чуқур ўрнаниш;
- соҳадаги камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш;
- мактабгача таълим муассасаларини куриш, таъминлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириш;
- болалар тарбияси жараёнида ўз ишини пухта биладиган, малакали педагог кадрларни жалб қилиш [1].

2018-йил 5-мартда “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президентимизнинг фармони қабул қилиндики, бу фармоннинг асл моҳиятига назар ташласак ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан ва ақлан ривожланиши, баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш бериш, болалар спорт иншоотларини барпо этиш ва улар ихтиёрига топшириш каби вазифалар белгилаб қўйилди [2].

Ҳақиқатдан ҳам, жисмонан соғлом бўлган инсон ўз навбатида кенг дунёқараш, соғлом фикр, ақл, онг ва тафаккурга эга бўлади. Қачонки жисмоний ва ақлий фаолият биргаликда олиб борилсагина инсон таълим-тарбияси мақсадга мувофиқ деб эътироф этилади. Барчамизга маълумки ХХI аср ахборот технологиялари асри. Бу даврдаги болаларнинг кизиқишлари кўпроқ компютер ўйинлари ва интернет бўлиб қолмоқда. Аслида биз шундай комплексни ишлаб чиқишимиз керакки бола ҳаётининг илк давридан бошлаб жисмоний ўйинларга бўлган қизиқишини шакллантириш ва керак бўлса меҳр-муҳаббатини уйғотишимиз лозим. Шундай экан, ёш авлоднинг интеллектуал жиҳатдан ривожланишига хизмат қилувчи ягона жисмоний ўйинлар комплексини яратиш, тўплаш, ҳаётмактабига татбиқ этиш, ривожлантириш йўллари ва усуларини ишлаб чиқиш каби эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Ўсиб бораётган авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш масалалари, қолаверса, мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида жисмоний тарбия ва спортнинг тутган ўрнига бағишланган тадқиқотлар, номзодлик диссертациялари мавжуд. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг таълим соҳасида тубдан янгиланишлар олиб борилди. Жумладан 1997- йил 29-августдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг қабул қилинганлиги фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Бу дастурга мувофиқ таълимнинг энг бошланғич ва асосий босқичи мактабгача таълим босқичидир. Таълим ва тарбияни энг керакли жараёни мазкур таълим турида амалга оширилади. Бугунги кунга қадар жисмоний тарбия тизимида ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти, ўтказиш тартиби, бола организмидаги ижобий таъсирлари борасида қатор

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ҲАҚИҚАТЧИЛИК МЕТОДИКАСИ

тадқиқотлар олиб борилиб ўрганилган. Жумладан, Х.Б. Туленова[3], Т.С.Усмонхўжаев,Ф.Хўжаев [4], Т.С.Усмонхўжаев [5] каби олимларнинг тадқиқотларида болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги, ҳаракат фаоллигининг сустиги аниқланган. Бундай ишлардан бири сифатида профессор Т.Усмонхўжаевнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Олим, асосан, диққатни болаларнинг ҳаракатли ўйинларига қаратади, уларни тасниф қилади, тавсифлайди. Унинг тадқиқотларида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний камолоти тушунчасига оид Ўзбекистоннинг аниқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда янги концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилган. М.С.Машарипова ўз тадқиқотларида мактабгача таълим муассасаларида болаларни потенциал ҳаракатларини муассаса шароитда мақсадли ташкил этишга эътиборини қаратган. Унга кўра мактабгача ёшдаги болаларни жисмонан ва психик жиҳатдан соғломлаштириш, боланинг ҳаракат соҳасини ривожлантириш, чакқон, кучли, жасур бўлишдек ҳаётий эҳтиёжлар асосида ҳаракатга бўлган қизиқишини кучайтириш ва шу мақсад йўлида самарали воситаларни излаб топишни долзарб масалалардан деб ҳисолайди. Мазкур муаммонинг ечими, бизнингча, яхлит тарбия жараёнини, боланинг ҳар томонлама мутаносиб, жумладан, жисмоний ва шахсий ривожини таъминловчи ижтимоий-педагогик шароитлар бирлигини яратишдир. Кўпгина олимларимиз ҳаракатли ўйинлар уларнинг бола организмдаги жисмоний ва руҳий таъсири тўғрисида тадқиқотлар олиб борганлар, аммо мен илмий мақоламда болаларни жисмоний ўйинлар ёрдамида интеллектуал фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Илмий мақоламда 4-5 ёшли болаларнинг ақлий ривожланишида жисмоний ўйинлар ролини кучайтириш учун алоҳида ўйинлар ишлаб чиқишни лозим деб топдим.

Мактабгача давр – боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганишга, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Мазкур давр боланинг инсоний фазилатлари ва ақлий салоҳияти ривожланиши учун замин тайёрлайди. Бола ҳар томонлама соғлом бўлиб шаклланишида ўз навбатида жисмоний тарбия ва спортнинг тутган ўрни ва аҳамияти жуда катта. Хусусан ўйинлар билан шуғулланиш боланинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос тарзда такомиллишиб боради. Жумладан, ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўйин-машқ коррекцион-таълимий вазифалардан келиб чиқиб тузилади. Уларни ташкил этиш билан болаларда учрайдиган руҳий-эмоционал бузилишларнинг олдини олиш болажонларнинг катталар ва тенгдошлари билан муносабатларини яхшилашга эришиш мумкин. Ўйин-машқлар овутомчак кўринишида бўлиб, асосан болаларни фаоллаштириш мақсадида тузилган. Ўйин-машқларнинг ишланмаси ўз мазмунига кўра ривожлантирувчи, тузилишига кўра ихчам, ўтказилишига кўра эса ноанъанавий шаклда бўлиб, болаларни ақлий, эмоционал, жисмоний, маънавий жиҳатдан етук қилиб ўстиришга қаратилади. Машқ таркибига ривожлантирувчи муҳит омилларидан фойдаланиб, таълимий, тарбиявий, ҳаракатли мазмунли ўйинлар киритилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтамизки биз мактабгача ёшдаги болаларда кўпроқ ҳаракатли ўйинлар дастуридан фойдаланамиз. Ҳаракатли ўйинлар болаларга ўйин давомида жуда яхши таассурот қолдиради, хушчақчақлик ва юқори кайфият бахш этади. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бола учун шунақанги ўйинлар комплексини тузиш керакки, бу ўйин боланинг ҳам жисмоний ҳам интеллектуал ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатсин. Ҳар бир тавсия этилаётган жисмоний ўйин охирида боланинг у ёки бу фаолияти унинг ақлий жиҳатдан ўсишига қандай таъсир этишига доир хулосалар берилган. Ўйинда болаларга ёрдам бериш мақсадида ота-она ҳамкорлигида ўтказилади.

Болани интеллектуал жиҳатдан ривожлантирувчи жисмоний ўйинлар болаларга маълум бўлмаган вазифалардан тузилган бўлиб, улардан ақлий имкониятларини ишга солишни талаб этади. Боланинг ақлий ривожланиши жуда кўп хусусиятларга эга. Жисмоний ўйинлар болаларга бериладиган вазифалар уларнинг ақлий ривожланишини ифодаловчи энг зарур бўлган хусусиятларини рўёбга чиқарадиган қилиб танланиши керак. Агарда жисмоний ўйинларда берилган вазифалар болаларнинг ёш хусусиятлари ва аниқ ривожланиш даражаларига тўғри келмаса, боланинг ақлий фаолиятлари ҳақида мутлақо янглиш хулосаларга келиш мумкин. Инсон фаолияти 3 турга ажратилади. 1. Ўйин. 2. Ўқиш. 3. Меҳнат. Мазкур мақоламиз мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ўйинлар ёрдамида интеллектуал ривожлантириш бўйича бўлганлиги сабабли фаолият турларидан бири ўйиннинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Инсоннинг илк болалик даврида унга ўйин фаолияти ҳамроҳлик қилади. Хўш, боғча ёшидаги болаларни интеллектуал жиҳатдан ривожланиши учун қандай жисмоний ўйинлардан фойдаланиш мумкин?

Масалан, бирон бутун буюм ёки предметни майда бўлақларга ажратиб, ажратилган қисмларини бирлаштириш, турли лабиринтли йўлни эпчиллик ва чакқонлик билан ҳаракат қилиб тўғри йўлни топиб айтилган вақтда етиб келиш. Боланинг ақлий ривожланишига хизмат қилувчи

бундай жисмоний ўйинлар боғча ёшидаги боланинг зехни, тафаккурини ўстириб, чаққонлик ва эпчиллик каби жисмоний ҳамда ақлий қобилиятлирининг ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бирга жисмоний ўйинларни танлаш ва тузиш жараёнида мусика ва турли хилдаги спорт элементларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

1-ўйин. “Мусика жўрлигида ҳаракат қиламиз”

Ўзингизга ёққан жисмоний ҳаракатни дастлаб секин, сўнг тезроқ бажариб кўринг. Машқни қўл, оёқ ёки тананинг қайси қисми билан бажаришингизни ҳисобга олиб, фарзандингизни машқни бажариш учун қулай бўлган жойидан маҳкам тутиб, биргаликда бажаринг. Машқни бажариш пайтида майин овозда кўшиқ хиргойи қилиб бажаринг. Мусика жўрлигида бажарилган жисмоний машқ болангизнинг диққатини тўплашга ва ҳаракат малакаларни шаклланишига ёрдам беради.

2-ўйин. “Тўпни илиб ол”

Фарзандингизни муайян бир томонга қўйиб, унинг атрофида камида 3 хил рангдаги тўпларни териб қўйинг (қизил, яшил, оқ), болангизга навбатма-навбат тўп рангини айтиб уни сиз томонга қараб юмалатишини сўранг. Бу болада бармоқлар ҳаракатини ва мўлжалга олиш қобилиятини шакллантиради.

3-ўйин. “Рангларни ажратамиз”

Бу ўйинни ўтказиш тартиби: Боланинг атрофига асосан 3 хил кўринишдаги (яшил, қизил, қора) шарларни ёйиб, олдида 3 та саватчани қўямиз ва ҳар бир рангни ажратиб, биттадан саватчани тўлдиришни асўраймиз. Бола бу жараёнда рангларни фарқлайди, улар билан боғлиқ табиатдаги нарса-буюмларни хаёлан шакллантиради, тасаввурга эга бўлади ва боланинг жисмоний ҳолатида тезкорлик, чаққонлик каби сифатларни, психикасида диққатни бир жойга тўплашни ва қўл бармоқларида эса сенсорлик қобилиятини шаклланиши учун асос бўлади.

4-ўйин. “Ўз ўйингни топиб ол”

1. Ўйинни ўтказиш тартиби. Белгиланган ҳудудда 3 та шаклдаги (болалар легосидан фойдаланамиз) 3 турдаги уйча ясалади ва бу уйчалардан бири боланинг уйи эканлиги тушунтирилади. Бола ўзига тегишли бўлган уйнинг шаклини, рангини, хонанинг айнан қайси қисмида жойлашганлигини хотира-сида сақлаши керак.

2. Уйчасини топиши учун эса (10-15 сония) берилади. Бола шу вақт мобайида ўз уйчасини топиб олиши лозим бўлади.

Бола бу ўйин мобайнида шакллар, ранглар ва қолаверса, тезкорлик ва чаққонлик билан берилган топшириқларни бажаришга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жисмоний ўйин боланинг ҳиссий-эмоционал кайфиятини кўтаради, ранглар, шакллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш олиш қобилиятини ўстиради, қолаверса, ақлий жиҳатдан ривожланишида ва сенсор қобилиятининг шаклланишида ёрдам беради. Болада ҳаракатларни шакллантиришда турли хилдаги спорт анжомларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, тўп билан амалга ошириладиган ҳаракатлар бола психикаси ва моторикасининг ривожланишига имкон яратади. Элементлар ичидан тўп ўзига хослиги ва кўриниши билан болада катта қизиқиш уйғотади. Айниқса, турли рангга бўялган тўпларни тақдим этиш болага эстетик завқ бағишлайди. Болаларда тўпни улоқтириш малакаларини шакллантириш учун маълум муддат талаб этилади. 3 ёшли болада тайёргарлик босқичи мавжуд эмас, ирғитиш кучсиз, тахминий мўлжал йўналиши аниқ эмас. Фақатгина 10-12% ўғил болалар бу ёшда ўнг қўл билан тўғри улоқтириш ҳаракатини бажара олади. Қиз болалар эса умуман ирғитиш кўникмаларга эга бўлмайди. Ҳаттоки 4 ёшда ҳам айрим қиз болаларда бу кўникма ривожланмайди. Лекин жисмоний ҳаракатларнинг давомли такрорланишлари натижасида 3 ёшдаги болада ҳам жисмоний сифатлар куч ва чидамлилиқни ривожлантириш мумкин. Мактабгача давр боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганиш, билишга иштиёқи кучли бўлади. Мактабгача ёшдаги бола билан таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, самараси шунчалик барвақт намоён бўлади.

Шундай экан, болалар ақлий фаолиятини ривожлантириш асосий вазифалардан бирига айланади. Бунинг учун унинг йирик ва майда қўл моторикасини ривожлантириш лозим. Чунки инсон қўл ва бармоқларида нерв толалари жойлашган. Бармоқлар орқали инсон ахборот олади. Болаларнинг майда моторикаси унинг нутқи, мантикий тафаккури ва ақлий жиҳатдан шакллантиришга таъсир этади. Болаларнинг қўл ва биллак моторикаси тўғри ривожлантирилса, мия фаолияти шунчалик яхши такомиллашиб боради. Қўл бармоқлари моторикасининг ривожланиши қуйидагича ҳолатларни юзага келтиради:

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

- ақлий фаолиятнинг ривожланиши;
- ҳаракат координациясининг ривожланиши;
- хотира ва диққатни ошириш;
- предметларни ушлаб олиш малакасининг шаклланиши.

Масалан, бола бирор бир жисмоний ҳаракатни буюмлар (тўп, булава, лента) билан бажариш орқали ўша предметнинг хусусияти ва кўриниши тўғрисидаги тасаввурга эга бўлади. Ҳаракатни бажариш учун керакли бўлган буюмнинг шакли, кўриниши ва аҳамияти ҳақидаги билимларни эгаллайди.

Бола ҳаётининг 3- ёшида беихтиёр идрок мактабгача тарбия ёшидаги катта болада маълум бир мақсадга қаратилган, танланган идрокка айланади, кузатувчанлик таркиб топади. Бу даврдапредметлар билан қанча кўп жисмоний ўйин-машқлар бажарилса бола ўша предметнинг сифати ва хусусияти тўғрисидаги тасаввур, дунёқарашга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида боланинг тасаввурлар доирасининг кенгайтириб ақлий фаолиятнинг характерини ривожлантиради, нутқ ўсиши фаолияти кенгайтириб, янги тафаккур шаклланади. Болада дастлаб барча нарса ва предметларни бўлакларга бўлиб сўнг эса йиғиш малакаси тараққий этади. Боланинг кўрган нарсаси унда қизиқиш уйғотса уни беихтиёр эсида сақлаб қолади.

Жисмоний машқ - ўйинларни ташкил этиш жараёнида болага ҳамроҳ бўлган киши қанча кўп унга ёнбосиб, тез-тез ютуғини айтиб турса, болада шунча қизиқиш ва юқори эмоционал кайфият бахш уйғонади. Чунки бу ҳолат боланинг ўзига бўлган ишончи янада ортишига ёрдам беради.

Адабиётлар

1. 2017- йил 16-август ва 19-октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилиш “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.
2. 2018-йил 5-мартда “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармони.
3. Туленова Х.Б. Мактабгача тарбия муассасаларида 5-7 ёшли болалар жисмоний тарбиясини такомиллаштириш. Пед.фан. номзод. илм.дараж. олиш учун ёзил. дис. – Т.: 2000. –125 б.
4. Усмонхўжаев Ф.С., Хўжаев Ф. Ҳаракатли ўйинлар. Т.: “Ўқитувчи”.1992. –180.б
5. Усмонхўжаев Т.С. 1001 ўйин. – Т.: Ибн Сино.1990, – 350 б
7. Раҳимов Ж. Жисмоний тарбияда автор шахсининг роли. Т.: “Ўқитувчи”. 1983 .
8. Ҳаракатли ўйинлар: Методик қўлланма. Тузувчи: А. Қосимов. –Т.: “Ўқитувчи”. 1983.

Муаллиф ҳақида маълумот

Мухитдинова Нигора Мехриддиновна, Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси ўқитувчиси

КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ САОДАТИ

Ҳаётда инсон умрини оқар дарёга қиёс қиламиз. Оқар дарё эса оқаверади. Умримизнинг ҳар лаҳза-ю онлари ҳам қайтиб келмас бўлиб мангу кетаверади. Эзгу ишлари, гўзал фазилатлари, дилтортар суҳбатлари, тўғри маслаҳат ва тавсиялари билан умридан барака топган инсонлардан ибрат олиб, ҳавас қилаверамиз. Шунинг учун умрининг мазмунини “Элга яхшилик қилиш”, эл-у юртнинг корига яраш, хайрли, баракали ишларни амалга ошириш деб биламиз. Ўзидан яхши ном қолдириш деб билган инсон борки, унинг учун ҳаётнинг ҳар лаҳзаси кадрли, ҳар сонияси ҳисобли, ҳар қадами ва қаричи ўлчовли. Ўзининг 80 ёшини қаршилаётган Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор **КОМИЛ МУҚИМОВИЧ МУҚИМОВ** ҳам ана шундай донишманд, иқтидорли, бағрикенг, илм-заковатли комил инсонлардандир.



КОМИЛ МУҚИМОВИЧ МУҚИМОВ 1992 йилдан ЎзР Президентининг махсус фармони асосида Бухоро давлат университетига ректор этиб тайинланди. Бухоро давлат университетини ташкил қилишда, бошқаришда, номини дунёга таратишда самарали меҳнат қилди. Университетда таълим-тарбия, илм-фан кенг ривожланди. Моддий-техник баъза мустаҳкамланди. Илмий салоҳият кўтарилди, магистратура мутахассисликлари очилди, аспиран-тура, докторантура ихтисосликлари кўпайтирилди. Дунёнинг ривожланган давлатларини нуфузли университет-лари билан ҳамкорликда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, тажриба алмашиш, малака ошириш каби соҳалар бўйича алоқалар ўрнатилди.

Университетда илмий ишларни ривожлантириш мақсадида университетда 2 та илмий журнал: “Бухоро давлат университети илмий ахбороти” ва “Педагогик маҳорат” журналлари мунтазам нашр этилиши йўлга қўйилди. Кейинчалик республика миқёсида биринчи марта “Психология” журнали чоп этила бошланди. Мазкур журналларда университет профессор-ўқитувчилари ва илмий изланувчиларининг мақолалари билан бир қаторда Республикаимизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари олимларининг илмий мақола-лари чоп этила бошланди ва ҳозир ҳам нашр этиб келинмоқда. К.М.Муқимов бошчилигида университет олимлари қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Жумладан:

- ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишларида меваларни ва доривор ўсимликларни қуёш энергиясидан фойдаланиб қуриштириш қурилмалари яратилди ва уларнинг иш режимлари ўрганилиб, натижалари ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Бу илмий йўналиш бўйича 3 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли химоя қилинди;

- қуёш сув чуқитгичи мисолида, сув чуқитгичи қурилмасининг фойдали иш коэффициентини ошириш йўллари ўрганилди. Тиниқ изоляциянинг қатма-қат қуйилиши ва буғ-ҳаво аралашмаси циркуляциясининг амалга оширилиши, қурилмада буғланиш ва конденсация жараёнини яхшилашга олиб келади. Қурилмада аввалдан мавжуд қия поғонали қурилмаларга нисбатан 15% самарадорлик юқори бўлиши таъминланган. Шу илмий иш асосида 2 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли химоя қилинди. 2 монография ва ўқув қўлланма чоп этилди;

- паст ҳароратли гелиоқурилмалар, қуёш музлат-гичлари ва қуёш сув чуқитгичларининг энергетик таҳлили ўтказилган. Бу қурилмалар учун иссиқлик ва энергетик ҳисоблашлар амалга оширилиб, уларда иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини яхшилаш имкониятлари мавжудлиги тадқиқ қилинган. Бу йўналишда 1 та докторлик (Ш.М.Мирзаев) ва 2 номзодлик ишлари химоя қилинди, 1 патент олинди, монография чоп қилинди;

- ўта ўтказувчанлик, магнитооптика ва каттиқ жисмлар физикаси соҳасида кучли коррекцияли кичик ўлчамга эга бўлган тизимларнинг энергетик ва структуравий характеристикаларига Хаббард моделини тадқиқ этиш йўналишида тадқиқот ишлари олиб борилди ва ушбу йўналишда 2 номзодлик ва 1 докторлик (Д.Р.Джураев) диссертация ишлари химоя қилинди, 1 ўқув қўлланма чоп қилинди, патент олинди;

- дифференциал тенгламалар соҳасида “Таъсирдан сўнгги муҳитлар учун тескари масалалар” мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Ушбу йўналишда 1 та докторлик диссертацияси (Д.Қ.Дурдиев) ва 2 номзодлик ишлари химоя қилинди. Монография чоп этилди;

- 2002-2004 йилларда икки марта ЎзР ФАнинг президенти академик Б.С.Йўлдошев ва университет ректори академик К.М.Муқимов бошчилигида “Ядро физикасининг истиқболлари” мавзусида халқаро конференция ўтказилди, бу конференция Тошкентда ЎзР ФАнинг ядро физикаси илмий тадқиқот институти, Самарқанд давлат университети ва Бухоро давлат университети билан ҳамкорликда ўтказилди. Ушбу конференцияда дунёнинг 41 мамлакатидан мутахассис олимлар катнашди ва тегишли ижобий хулосалар қилинди;

- физика ўқитиш самарадорлигини ошириш учун янги педагогик технологиялардан, шу жумладан, интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. “Физика таълимида даврийлик қонуниятлари” мавзусида илмий-тадқиқот ишлари натижалари вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими ва халқ таълими тизими жараёнига тадбиқ этишга тавсия этилган ва 1 докторлик (С.Қ.Қаҳҳоров) ва 2 номзодлик диссертация иши ҳимоя қилинди, 2 патент олинди, дарслик, ўқув қўлланма ва монография чоп этилди;

- ахборот коммуникацион технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Мазкур йўналишда 3 номзодлик ва 2 докторлик (А.Г.Ҳайитов ва Р.Алоев) диссертациялари ҳимоя қилинди, 2 патент олинди, 1 дарслик, 2 ўқув қўлланма чоп этилди;

- чизмачилик ва тасвирий санъатнинг фанлараро алоқадорлиги ҳамда замонавий ўқитиш усуллари соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Ушбу йўналишда 1 докторлик (Д.Кўчқорова) ва 3 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди;

-худудий маркетинг ёндашувида “Ўзбекистонда туристик оқимларни ошириш йўллари” мавзусида Ўзбекистон туризм соҳасини бозор муносабатларига мослаштиришга қаратилган туристик худудлаштириш сиёсатини амалга ошириш, Республикада халқаро туризмни ривожлантириш, халқаро туристик хизматлар бозорини ўрганиш, туристик худудлаштириш йўналишида ишлар амалга оширилди. Ушбу йўналишда 3 номзодлик диссертацион ишлари мувоффақиятли ҳимоя қилинди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Мазкур йўналишда 1 докторлик иши (Ҳ.О.Раҳмонов) ва 2 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди;

- “Табиий ва синтетик полимерлар асосида компо-зицион материаллар яратиш ва уларни қўллаш” йўналишида республикамизда мавжуд бўлган хом-ашёлар: гуруч крахмали, полиакрил амид, акрил эмульсияси ва Na-КМЦ асосида турли композитлар тайёрланиб, уларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди. Олинган илмий иш натижаларига асосланган ҳолда юқори самарадорликка эга бўлган оҳорловчи ва қуюқлаштирувчи композицион материаллар яратилиб, уларнинг технологик асослари ишлаб чиқилди. Олинган илмий иш натижалари республикамизнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида кенг қўлла-нилмоқда. Шу илмий иш асосида 1 докторлик (М.Р.Амонов), 8 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди ва 5 патент олинди, 3 монография дарслик, 2 ўқув қўлланма чоп этилди;

-«Гетерохалқали (мет)акрил мономерларининг синтези, полимерланиши ва сополимерланиши қону-ниятлари ҳамда физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш» йўналишида полимерлар кимёси илмий-назарий асослари билан боғлиқ масалалар гетерохалқали (мет)акрил мономерлар мисолида ўрганилди;

- синтез қилинган бир қатор лиганд ва комплекс бирикмаларнинг тузилиши ва хоссалари ўрганилди. Учта янги модданинг кристалл тузилиши РСА усули билан талқин қилинди ва 12 модда монокристаллари РСА учун ЎзР ФА ўсимлик моддалар институти лабораториясига топширилди. Ушбу йўналишда 1 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди;

- «Разработка биотехнологических способов очистки воды от различных загрязнений» илмий-тадқиқот йўналиши асосида Бухоро ва Навоий вилоятлари корхоналаридан чиқадиган оқова сувларига хлорокок яшил сув ўтлари ҳамда юксак сув ўсимликлари экилиб, уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда оқова сувларини тозалаш даражаси, ишлаб чиқариш миқёсида ўрганилди ва бу технология ишлаб чиқаришга тавсия қилинган. Ушбу йўналишда 1 докторлик (С.Б.Бўриев) ва 4 номзодлик ишлари ҳимоя қилинди, 2 патент олинди, дарслик ва ўқув қўлланма чоп этилди;

- “Ўзбекистон чўл зонаси сув ҳавзалари қушлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусида илмий изланишлар олиб борилиб, Бухоро регионидаги қўллар, сув ҳавзалари, балиқчилик хўжалиқларидаги сув қушларининг хилма-хиллиги, уларнинг сони, биологиясига доир маълумотлар ўрганилди. Бу соҳада 1 докторлик ва 2 номзодлик ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди, ўқув қўлланма, монография;

- Агрономия соҳасида қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўналишларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари натижаси бўйича 1 докторлик (Н.Муродов) ва 2 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, 1 патент олинди, 2 ўқув қўлланма, дарслик чоп этилди;

- «Ўзбек фольклори ва фольклоршунослиги контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва тадқиқот қилиш» йўналишида 1 докторлик (Д.Ўраева), 8 номзодлик диссертация ишлари мувоффақиятли ҳимоя қилинди, 1 дарслик ва 4 ўқув қўлланма чоп этилди;

- Адабиёт назарияси, ҳозирги ўзбек адабиёти ҳамда жаҳид адабиёти – жаҳон илғор адабиётининг синтези сифатида илмий йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Кўпгина ўқув-услубий қўлланмалар, моно-графиялар чоп этилди. Бу йўналишда 2 докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, 1 ўқув қўлланма, 2 монография чоп этилди;

- “Педагогиканинг назарий ва дидактик асослари” йўналишида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, 2 докторлик (М.Х.Маҳмудов, Б.Р.Адизов) ва 8 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, ўқув адабиётлари, монография чоп этилди;

- “Психологиянинг долзарб муаммолари” йўналишида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Мазкур йўналишда 1 докторлик (Ш.Р.Баротов) ва 3 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, 3 монография ва қўлланмалар чоп этилди;

- “Социология ва экологик муаммолар” йўналишида 1 докторлик (Ҳ.Саломова) ҳамда 2 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, монография ва қўлланмалар чоп этилди;

- Инглиз тили ва адабиёти ўқитилишининг долзарб ва фалсафий муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқот йўналишда 2 докторлик (Қ.Б.Шодмонов, М.Бақоева) ва 2 номзодлик диссертация ишлари мувоффақиятли ҳимоя қилинди, монография ва қўлланмалар чоп этилди;

- Тарихшунослик ва манбашунослик, Ўзбекистон тарихи йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб бори-либ 2 докторлик (Ҳ.Тўраев, Ш.Ҳайитов) ва 4 номзодлик диссертация ишлари мувоффақиятли ҳимоя қилинди, 2 монография ва 2 қўлланмалар чоп этилди.

Академик К.Муқимовни саъй-ҳаракати билан йўлга қўйилган Кимё-биология факультетида Германиянинг ЛОГО ташкилоти ва Вайенштефан университети билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. ЛОГО ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги талабаларга Германияда амалиёт ўтиш шароити яратиб берилган. Ҳозирги кунга қадар 15 дан ортиқ талабалар Германияда амалиётда бўлиб қайтишди. Вайенштефан университети томонидан ўтказилган танловларда 5 нафар талаба ғолиб бўлиб, Германияга амалиёт ўтишга таклиф қилинди. Амалиётдан юқори баҳолар билан ўтган 9 нафар талаба Вайенштефан университетига магистратурага қабул қилинди. Халқаро лойиҳалар ТЕМПУС ва Эрасмус Мундус дастурлари доирасида чет эл лойиҳалари бўйича олий таълимда сифатни таъминлаш масаласида ҳамкорлик ишлари олиб борилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Бухоро давлат университетида кўп муддатда (1992-2004 йиллар) ректорлик қилган, дунёга танилган физик олим, академик Комил Муқимов раҳнамолигида илм-фан ривожини, таълимни билим-заковат билан уйғун ҳолда олиб бориш соҳаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, муҳим ютуқларга эришилди. Буни ўз номига муносиб комил шахс, эзгуқалб инсон, ғоят самимий ва бағрикенг, камтарин устоз Комил Муқимовичнинг хайрли саъй-ҳаракатлари шарофати деб билмоқ керак.

Сиддик Қаҳҳоров
БухДУ физика кафедраси профессори

БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ФИДОЙИ ТАДҚИҚОТЧИСИ



Садоқатли ва кадрдон дўстим Файзулла Тўраев ҳақида фикр юритиш мен учун шарафдир. Чунки бугун бизнинг дўстлигимизга, ҳамфикрлигимизга, маслакдошлигимизга, бир-биримизга суяниб, таяниб, маслаҳат билан умргузаронлик қилганимизга кўп эмас, кам эмас роппа-роса 63 йил бўлди. Бизнинг дўстлигимиз 1957 йил Бухоро мусиқа билим юртида ўқиб юрганимиздан бошланган эди. Шу кундан бошлаб мен ўзим учун қорачадан келган, истараси иссиқ, келишган, қувноқ, ҳазилкаш, билимнинг юқори чўкқиларига интилувчи, кўзлари меҳрга тўла дўстни кашф этганман.

Салоҳиятли инсон, буюк олим, бутун умрини миллиймусиқамиз тараққиёти ва шогирд тайёрлашга бахшида қилган, фидокор ва жонкуяр дўстим Файзулла Тўраев ўзининг муборак 80 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Файзулла Тўраев катта ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтаётган, инсонийлик ва меҳнатдан барака топган, эл ташвиши билан яшаган, Ватан тараққиёти йўлида бор куч ва билимини сафарбар

этган фидойи олимдир.

Унинг сермазмун умри ва маҳсулдор иш фаолиятини кузатар эканман, унинг ҳар ким ибрат олса арзигулик нурли йўлни босиб ўтганлигига иқрор бўламан. У бутун ҳаётини, борлигини, билимини ёшлар тарбиясига, уларни билимли қилишга бағишлаган фидойи устоз ва умидли, очик чехрали, камтарин, ҳозиржавоб, моҳир мусиқашунос педагог, олимдир.

Дўстим Файзулла Тўраев ҳақида сўз борганда, энг аввало, “Бухоро муғаннийлари”, “Бухоро Шашмақоми тарихидан...”, “Бухорча ва Мавриги” тароналари, “Мутрибот қалбидан учган наволар” каби ўндан ортиқ, Бухоро Шашмақоми ва Бухоро фольклор кўшиқлари тарихи шунингдек, устоз ижрочилар ҳаёти ва ижоди ёритилган бир қанча асарлар кўз олдимизга намоён бўлади.

Файзулла Тўраев Бухоро мусиқа санъати тарихини ўрганиш ва уни ёритишга салмоқли ҳисса кўшган салоҳиятли олимдир. У узоқ йиллар изланишлар олиб бориб, Бухоро “Шашмақом”и ва фольклор мусиқаси ҳақида ёзиб қолдирган манбалар, рисоалар, мақолалар ва қадимий Шашмақом баёзларини ўрганди, “Шашмақом” устозлари борасидаги маълумотларни тўплади, таҳлил қилди, уларнинг авлодлари хотираларини тинглаб, тўпланган материалларни чуқур ўрганиб, умумлаштирди, маълум бир хулосага келиб, “Бухоро Муғаннийлари” (I-II китоб), “Бухоро Шашмақоми тарихидан...” китобларини ёзишга эришди. Унинг “Бухоро муғаннийлари” асари қадим ўтмишдан, аниқроғи, IX-XXI асрларда Бухорода яшаб ўтган устозлар, ҳамда замондошларимиздан 260 нафар хонанда, созанда бастакор ва мусиқашуносларнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган асар, бугунги кунда мусиқа соҳасида фаолият олиб бораётган ҳар бир мусиқа ўқитувчиси учун дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олимнинг “Бухоро Шашмақоми тарихидан...” китоби эса замонлар тўфони ва бўронларларидан бизнинг ҳозирги давримизгача эсон-омон етиб келган миллий мусиқамизнинг қомуси бўлган Бухоро Шашмақомининг тарихий-тадрижий тақдири ҳақида ёзилган мухтасар тадқиқот ишидир. Унда бугунги кунда дунё халқларининг маънавий мулкига айланган Шашмақомнинг XXI асрга етиб келишида замон ва маконнинг таъсири, ўтмишажодларимиз ва миллий давлатчилигимиз раҳнамоларининг созпарварлиги, уларнинг санъат ва санъаткорларга бўлган эътибори ишонарли далиллар асосида ёритилган. Мазкур китоб ҳақида йирик фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаров (оллоҳ раҳматиға олган бўлсин) шундай деган эди: “Мусиқашунос олим Файзулла Тўраев Бухоро Шашмақомининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тадрижий тамойилларини умумлаштирувчи янги қарашларга тўйинтирилган муҳим бир тадқиқот яратаолганки, бу ўзбек мусиқашунослигининг хира ёритилган саҳифаларини тўлдирди олиши билан айрича аҳамиятга молик”. Дўстимнинг бу китоби ҳақида Республикаимизнинг кўпгина таниқли мусиқашунослари ҳам ўзларининг илиқ фикрларини билдирганлар.

1940 йил баҳор фаслининг ажойиб, куёшли кунларидан бири, яъни 18 майда Бухоро шаҳридан унча узоқ бўлмаган Кўчқўмар кишлоғида деҳқон оиласида жажжигина Файзулла дунёга келади. Унинг отаси Тўра Жўраев миришкор деҳқон бўлиб, узоқ йиллар далачилик бригадасига бошлиқ бўлиб хизмат қилган. Онаси Қурбоной Аҳмедова эса, далада меҳнат қилиш билан бирга фарзандлар

тарбияси билан шуғулланади. Уларга Оллоҳ уч фарзанд: бир қиз ва икки ўғил ато этади. Унинг онаси гарчанд мукамал хат-саводга эга бўлмасалар-да, ҳаётда жуда мулойим, хушмуомала, оилада бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳурмат каби инсоний фазилатларга эга дилкаш инсонлар эдилар.

Кичкина Файзулла ана шундай имони бутун, меҳр-оқибатли оилада тарбиялана бошлайди. Унинг болалик йилларини жуда ҳам қувноқ ўтди деб айта олмаймиз. Чунки у “уруш йиллари болалари” тоифасига мансуб киши ҳисобланади. Мамлакатдаги очарчилик ва турмуш тарзининг ночорлиги болалар шууридан шўхлик, қувноқлик, эркалик каби ҳислатларни олиб ташлаган эди.

У 1947 йилда қишлоқдаги етти йиллик мактабга ўқишга боради ва турмуш қийинчиликларига қарамасдан фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилади, айниқса адабиёт, тарих ва санъат йўналишидаги фанларга кўпроқ қизиқади. Файзулланинг китобга бўлган меҳри болалик чоғидан жуда баланд эди, у дарсликлардан ташқари бадиий китобларни, жумладан, ўзбек ва тожик ёзувчиларининг ҳикоя, қисса ва дostonларини мустақил тарзда ўқий бошлайди. Шу билан бир қаторда у мусиқа тўғарагига қатнашиб, соз чалиб, кўшиқ айтишга меҳр қўяди.

Дўстим Файзулла синфдоши Ориф Атоев билан ҳамнафаслик қилиб ўша даврда ўтказилиши анъана бўлган ашула байрамининг туман босқичида “Тезу тоза терайлик”, “Пахтакор қиз Лолахон” каби кўшиқларни ижро этиб ғолиблик поғонасидан жой олади. Шундай қилиб, у 1954 йилда мактабни битириб қишлоқдошларига эргашиб Бухоро мусиқа билим юртига ҳужжат топшириб ўқишга қиради. У қашқар рубоби сози бўйича тажрибали ўқитувчи Самеҳжон Воҳидовдан, ансамбль синфидан эсамашхур мақомдон устоз Маъруфжон Тошпўлатовдан сабоқ олади.

1958 йилда Бухоро мусиқа билим юртини пешқадам талабалар қатори битириб Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси)нинг халқ чолғу асбоблари факультетига ўқишга қиради. Бу ерда унга консерваториянинг ёш ўқитувчиларидан бири, қашқар рубобининг моҳир ижрочиси академик ва миллий куйлар ижройўлини чуқур эгаллаган устоз (ҳозирда профессор) Сулаймон Тахалов қашқар рубобидан, ансамбль синфидан эса халқ мусиқасининг билимдони бастакор, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий дарс беради.

Билимга чанқоқ Файзулла ўқиш билан бир вақтда Ўзбекистон давлат филармониясининг халқ чолғу асбоблари оркестрида созанда сифатида ишлай бошлайди. Ушбу жамоа билан Ўрта Осиё республикалари бўйлаб гастрол сафарларида бўлиб, ўзбек мусиқа маданиятининг тарғиботида улкан ҳисса қўшади. Энг қизиқарлиси, у 1959 йилнинг февраль ойида Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида иштирок этади. Шунингдек, Москвадаги Большой театр, Кремль театри, П. Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси ҳамда шарқшунослик институти каби ўнлаб санъат қошоналарида берилган концертларда оркестр жамоаси билан қатнашади.

Файзулла Тўраев 1963 йилда Тошкент давлат консерваториясини муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон маданият вазирлигининг йўлланмаси билан Бухоро давлат педагогика институтига (ҳозирда БухДУ) ишга келади.

1963 йил августда мусиқа кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган Файзулла Тўраев мазкур кафедрада роппа-роса 48 йил (1963–2011 йил августигача) самарали меҳнат қилади. У дастлаб 1963–1968 йилларда кафедра ўқитувчиси, 1968–1994 йиллар катта ўқитувчи, 1994–2009 йиллар кафедра доценти ва 2009 йилда эса Бухоро давлат университети илмий кенгаши қарорига асосан унга профессорлик унвони берилади.

Моҳир педагог ва ташкилотчи Файзулла Тўраев 1984–1993 йилларда “Мусиқа назарияси ва халқ чолғу асбоблари” кафедраси мудири лавозимида сидқидилдан ишлади. У ўриндошлик сифатида ҳам бир қанча жойларда жумладан: 1963–1966 йилларда Бухоро мусиқа билим юртида, 1966–1968 йилларда Бухоро вилоят мусиқали драма театрида созанда, 1968–1972 йиллар 15-умумтаълим мактабида, 1972–1975 йилларда Бухоро шаҳар 1- болалар мусиқа мактабида, 1975–1982 йилларда Бухоро шаҳар пионерлар саройида, 1982–1984 йилларда Бухоро педагогика билим юртида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатади. У қаерда ишламасин қатъийлик ва талабчанлик билан астойдил меҳнат қилиб, малакали мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда фидоийлик кўрсатади.

1984–1989 йилларда М.Горкий номидаги Киев давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасининг тадқиқотчиси ва сиртки бўлим аспиранти сифатида номзодлик диссертацияси устида иш олиб боради. 1989 йилнинг 22 июнда эса Киев давлат педагогика институти қошидаги Ихтисослаштирилган Илмий кенгашида “Халқ чолғу асбобларини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мусиқий-эстетик тарбиясини такомиллаштириш” (Бухоро Шашмақомининг мушкilot шўъбалари воситасида) мавзусида педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун илмий ишини ёқлайди. Илмий иш ОАК томонидан 1989 йилнинг октябрида тасдиқланади.

У 2000–2006 йилларда “Анъанавий мусиқа” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатади.

Истеъдодли олим, моҳир мураббий Файзулла Тўраев ўзининг илмий фаолиятининг дастлабки йилларида бир қатор мақола ва тезислар чоп эттирган бўлса-да, диссертация ҳимоясидан кейин

тадқиқот иши билан жиддий шуғулланишга киришади. Олим ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб мусиканинг турли муаммоларига бағишланган қатор мақола ва қўлланмалар ёза бошлайди. У Бухоро Шашмақомининг амалий томонини баҳоли қудрат ўзлаштирган бўлса-да, энди Шашмақом ва Бухоро мусиқа фольклорларининг назарий ҳамда тарихини тадқиқ этишга бел боғлайди. Натижада биз юқорида айтиб ўтганимиздек, “Бухоро муғаннийлари”, “Бухоро Шашмақоми тарихадан...”, “Бухорча ва Мавриги тароналари” (ҳаммуаллифликда), “Мутрибот қалбидан учган наволар” каби китоблари дунё юзини кўрди. Шунинг таъкидламоқчимизки, олим Файзулла Тўраев бу борада жиддий тадқиқотларни амалга оширдик, буни Республикамининг йирик мусиқашунос ва мақомдон олимлари эътирофида кўриш мумкин. Бу тўғрида моҳир созанда ва бастакор Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов қуйидаги фикрларни билдиради: “Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси аъзоси, мусиқашунос Файзулла Тўраевнинг “Бухоро Шашмақоми тарихидан...” номли китоби бугун ҳам, келажакда ҳам уни мутолаа қилган ёшлар учун кўплаб оламшумул тадқиқотларга дастуруламал бўлиб хизмат қилишига шубҳа қилмасак ҳам бўлади”. Кўриниб турибдики, олим Файзулла Тўраев бу йўналишда катта тадқиқот ишлари ва чуқур изланишларни амалга ошириб ўзининг китобидаги воқеаларни аниқ далиллар асосида ёзганки, уни республикамизда миллий мусиқамиз тарихи билан қизиқувчи жамоатчилик ҳам эътироф этганининг гувоҳи бўламиз.

Олимнинг мақом тадқиқотчилиги ишига Республикамининг таниқли мақомшунос олими, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Оқилхон Иброҳимов ҳам қуйидагича баҳо беради: “Устоз Файзулла Тўраевнинг республика жўшқин маданий муҳитидан йироқроқ яшаб туриб, мусиқа санъатининг жиддий жанри бўлган мақомшунослик соҳасининг баҳс-мунозарали ва тадқиқотчилиги ишларида фаол иштирок этиб келётганлиги қувонарли ҳолдир. Олим томонидан тасниф этилган 6 китоб, 4 та ўқув қўлланма, 200 га яқин илмий публицистик мақола-ю тезисларнинг деярли барчаси умум ўзбек мусиқасининг ажралмас қисми бўлган Бухоро фольклори ва Шашмақомнинг тарихи ҳамда “Шашмақомхон устозларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир”. Файзулла Тўраев серкирра ижодкор. У мусиқа басталаш борасида ҳам истеъдодини синаб кўриб “Гулдаста” (халқ чолғу ансамбли учун куй), “Гулга ошиқ” (Мурод Халил сўзи), “Онажон” (Маҳмуджон Дадабоев сўзи) каби лирик куй ва кўшиқлар болалар учун эса “Баҳор келди”, “Баҳор”, “Қор”, “Боғча яллеси”, “Баҳоржон” сингари кўшиқлари ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Истеъдодли олим ва мураббий Файзулла Тўраев ўзининг Бухоро давлат университетидаги узоқ йиллик педагогик фаолияти давомида бир қатор истеъдодли шогирдлар тайёрлашда ҳам сермахсул хизмат қилди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров, Навоий давлат педагогика институти профессори Олимжон Файзиев, Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон телерадиокомпанияси “Мақомчиларансамбли”нинг етакчи созандаси (удчи) Одилжон Орзиев, Бухоро давлат университети санъатшунослик факультети декани, педагогика фанлари номзоди, профессор в.б. Баҳром Мадримов унинг муносиб шогирдларидир.

Салоҳиятли олим, иқтидорли мураббий Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, “Ўзбекистон халқ маорифи аълоҳиси” кўкрак нишони соҳиби, мусиқашунос дўстим Файзулла Тўраев фахрланса арзийдиган инсон. Унинг ёзган китоблари ва тинимсиз ҳалол меҳнати эвазига эришган эл-юрт орасидаги юқори мавқеи деб биламан. Иқтидорли олим Файзулла Тўраевнинг тадқиқотчилиги иши масъул ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, у 2008 йилда “Йилнинг маданият соҳаси жонқуяри” номинацияси бўйича Бухоро вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси дипломи ҳамда Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ва Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоа фондининг “2019 йилнинг фаол мусиқашуноси” сертификати билан тақдирланган.

Файзулла Тўраев айни пайтда тадқиқотчилиги фаолиятини давом эттириб “Бухоро мусиқа санъатининг бир асрлик тарихи” рисоласини нашрга тайёрлаш арафасида турибди. Умрининг 80 баҳорини ёруғ юз билан серфайз ва сермазмун қарши олаётган Файзулла Тўраевга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Оилангиз, дўстларингиз, шогирдларингиз бахтига ҳаммиша соғ омон бўлинг дейман.

80 ёшингиз муборак бўлсин!

Саноқул Дўстов

Бухоро Давлат университети
мусиқа таълими кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

“ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” ЖУРНАЛИ УЧУН МАҚОЛАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ
ТАЛАБЛАРИ

1. Мақола бошланишида Универсал ўнлик кўрсаткич (ЎУК) берилади.

Куйидагилар алоҳида қатордан бошлаб берилади:

1) мақола сарлавҳаси (оддий ҳарфларда, масалан: Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш маҳорати);

2) муаллиф(лар)нинг фамилияси (тўлиқ), исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари;

3) мақоланинг аннотацияси (пробеллар билан бирга 500 белгидан иборат), аннотация курсив билан берилади ва бир қатор ташлаган ҳолда асосий матндан ажратилади;

4) калит сўзлар (5–10 та).

2. Мақола матни “Microsoft Word” дастурида тайёрланиб, “Times New Roman” 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир интервал, саҳифа четлари чапдан 3 см, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 см, хатбоши 1,25 см қолдирган ҳолда терилади ва электрон варианты билан (флешка ёки CDда) топширилади.

Мақола матнида бошқа шрифтлардан фойдаланилган тақдирда бундай шрифтлар муаллиф томонидан электрон вариантда таҳририятга тақдим этилиши лозим.

3. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8 саҳифадан кам бўлмаслиги (аннотациялар, калит сўзлар ва адабиётлар рўйхати бу ҳисобга кирмайди) талаб қилинади. Журнал учун энг мақбул ҳажм 8-10 саҳифа оралиғида.

4. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, улар оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Мақолада матнида ранг воситасида маъно фарқлашга хизмат қиладиган расм, чизма ва диаграммаларнинг бўлиши мумкин эмас.

Формулалар матнга махсус компьютер дастурларида киритилиши керак.

5. Иктибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иктибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади, масалан: [4. Б. 78]. Фойдаланилган адабиётлар мақола охирида “Адабиётлар” сўзидан кейин матнда ҳавола берилиш тартибига кўра берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа рақами кўрсатилади.

Адабиётлар рўйхати латин алифбосига транслитерация қилинади.

Мақолага муаллифлар ҳақида маълумот илова қилинади.

Муаллиф(лар) ҳақидаги маълумот куйидагиларни ўз ичига олади:

– муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (тўлиқ)

– илмий даражаси (агар бўлса)

– иш жойи, бўлим, вазифаси (қисқартирмаган ҳолда), масалан:

ҚУРОНОВ Дилмурод Ҳайдаралиевич – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори. E-mail: kuronov@rambler.ru

– алоқа учун телефон рақами.

Муаллиф ҳақида инглиз тилидаги маълумотлар куйидагиларни ўз ичига олади:

1) муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми ва отаси исмининг инглиз тилидаги варианты, мақола номи ва муаллиф иш жойининг инглиз тилига таржимаси, масалан: *Dilmurod H. Quronov*, Andijan State University (Andijan, Uzbekistan). E-mail: kuronov@rambler.ru

COMPOSITION OF LYRICAL WORK

2) калит сўзларнинг инглиз тилига таржимаси;

3) мақоланинг инглиз тилидаги автореферати (кенгайтирилган аннотацияси, пробеллар билан бирга 2500 – 3000 белгидан иборат) ҳамда ушбу авторефератнинг мақола ёзилган тилдаги матни.

Автореферат жанр талабларига мос бўлиши зарур: мақолада кўйилган муаммо, унинг қандай материал ва методлар асосида тадқиқ этилгани, тадқиқотнинг бориши, хулосалар мантиқий изчиликда баён этилиши керак. Шу билан бирга мақола авторефератини ортиқча назарийлаштиришдан қочиш, унда олиб борилган тадқиқотнинг асосий моҳиятини акс эттириш тақозо этилади.

Фойдаланилган адабиётларнинг инглиз тилидаги варианты (References) APA-2010 стандарти бўйича тайёрланиши зарур.

1. Китобларни бериш тартиби:

Esin, A.B. (2000) *Printsiy i priyemy analiza literaturnogo proizvedeniya* [Principles and techniques of analyzing literary work]. Moscow: Flinta.


Rakhimzhonov, N. (2012) *Intellectual sheryatning tabiati* [Nature of intellectual Poetry] In: *Istiqolol va bugungi adabiyot* [Independence and Modern Literature]. Toshkent: Teacher. pp. 145–155.

2. Мақолаларни бериш тартиби:

Suyarov, M. (2008) *Peyzazh she'riyatida kompozitsiya* [Composition in landscape poetry]. *O'zbek tili va adabiyoti [Uzbek language and literature]*. 1. pp. 72–75 (In Uzb.).

3. Интернет манбаларини бериш тартиби:

Belova, E. A., Kilkeeva, Yu. A., & Trenogina, A. A. (2014). *Tendencies of the world market of transportation and logistics services development*. Retrieved from http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2014/TGU_5_336.pdf (in Russ.)



Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
“PEDAGOGIK MAHORAT”
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta’lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manzilimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

Tahririyat rekvizitlari:

Moliya vazirligi g‘aznachiligi

23402000000100001010

MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275

BuxDU 400110860064017950100079002

Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!

<p>PEDAGOGIK MAHORAT</p> <p>Ilmiy-nazariy va metodik jurnal</p> <p>2020-yil 1-son (71)</p> <p>2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.</p> <p>OBUNA INDEKSI: 3070</p>	<p>Buxoro davlat universiteti nashri</p> <p>Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.</p> <p>Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to‘g‘riligi uchun mualliflar mas‘uldir.</p> <p>Nashr uchun mas‘ul: Alijon HAMROYEV. Musahhih: Muhiddin BAFAYEV. Muharrir: Фирюз Сафаров</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.</p> <p>Bosishga ruxsat etildi 28.12.2018</p> <p>Bosmaxonaga topshirish vaqti 30.12.2018</p> <p>Qog‘oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog‘i – 20,6 Adadi – 100 nusxa Buyurtma № 21 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.</p>
---	--	---